

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига алоҳида ўрин тутди. Улуғ шоир ўзининг шеърӣ ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоеън этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.


Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК



“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ - 2022

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ЖИЛД

*** **

Хусниддин ЭШОНҚУЛОВ
САМОВОТ - ИШҚ МАЗҲАРИ

*** **

Отабек ЖЎРАБОЕВ
МУМТОЗ АДАБИЁТДА
МУҒАННИЙНОМА

НАВОИЙ ВА ТАРИХ

*** **

Хуршид Абдурашид
ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ
ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

*** **

Ақром МАЛИКОВ
“ХАМСА”НИ ФЕНОМЕНОЛОГИК ТАДҚИҚ
ҚИЛИШ МАСАЛАСИ

*Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров,
Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шухрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева,
Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов,
Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов,
Султонмурод Олим, Шухрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов,
Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов,
Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

ҲУСНИДДИН ЭШОНҚУЛОВ

САМОВОТ - ИШҚ МАЗҲАРИ

*(Алишер Навоийнинг “Бадойиъ ул-бидоя” ва
“Наводир ун-ниҳоя” девонлари асосида)*



ФАЗОВИЙ ИШҚ - ФОЗИЛЛИК ОМИЛИ

Инсон бошига оғир мусибатлар, таҳликали онлар тушгандагина нигоҳини бепаён самога, қандайдир мўъжизавий қудратга қаратади. Иши юришганда эса ўзини Ер ва осмон ўртасидаги масофани тутиб турувчи ҳайбатли устунга қиёс этади ва унинг ахлоқий-маънавий олаmidан дарз кетади. Аслида инсоннинг самога унсиз (гоҳ овоз чиқариб) мурожаатининг муайян асоси борми? Бундай ҳақли саволлар, албатта, ўз изоҳларига эга.

Ислом оламининг муқаддас илоҳий китоби Қуръони каримнинг бир қатор сура ва оятларида Одам Атонинг яратилиши билан алоқадор жуда кўп илоҳий жумлалар назарга ташланади. Жумладан, “Ҳижр” сурасининг 28-29-ояти каримларида Аллоҳ мағфират қилади: “(Эй Муҳаммад), эсланг, Парвардигорингиз фаришталарига: “Албатта, Мен (асли) қора ботқоқдан бўлиб (одам сурати берилгач) қуритилган лойдан Инсон яратгувчиман. Бас, қачон уни тиклаб, ичига Ўз (даргоҳимдаги) жондан киритганимда, сизлар унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз!” (Қуръони карим. Алоуддин Мансур таржимаси. Тошкент: “Чўлпон”, 1992 й. 227-бет). Равшанлашаётирки, Ҳазрати Одамнинг жисми хоки ва унинг руҳи, жони самовий экан. Қуръони каримнинг “Сод” сураси 72- ояти каримасида эса юқоридаги илоҳий хабар янада аниқлик билан ифодасини топади: “Бас қачон уни ростлаб, унга Ўз руҳимдан пуфлаб киргизганимдан сўнг унга сажда қилган ҳолларингизда йиқилинглр” (Ўша китоб, 424-бет). Масала равшан, инсон самога нигоҳини қадаш билан ўз жисми қафасига руҳини (жонини) “пуфлаб киритган” Аллоҳдан мадад, иноят кутади Бадий ижод аҳлининг эса самовий тимсолларга фаол мурожаатида ҳам ана ўша илоҳий ҳақиқат назарда тутилади.

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонида келтирилган қуйидаги байтда ҳам зикри ўтган мазмун мужассамлаштирилгандир:

*Ўз вужудунгга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсанг ўзунгдан истагил.*

Буюк мутафаккир юз карра ҳақ. Илоҳий руҳга эга инсон Аллоҳни йўқ жойдан эмас, ўз вужудидан изламоғи, бор-йўғи бир косагина ош билан тўядиган қорни учун тубан кетмаслиги лозим. Улуғ шоирнинг бундай таъкидлари, самовий тимсолларга бот-бот мурожаати унинг каттаю кичик барча асарларида ёрқин кузатилади. Жумладан, ёш Алишернинг “Малик ул-калом” Мавлоно Лугфийнинг таҳсинига сазовор бўлган ғазалидаги матлаъ ўшалардан биридир:

*Оразии ёпқоч қўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Уйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.*

Самовий сайёраларга шундай ибратли ружуъни Алишер Навоий ғазалларидан биридаги мақтаъда кузатиш мумкин:

*То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк,
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшундадур.*

Юқоридаги ишораларга таяниб, филология фанлари номзоди, доцент Хусниддин Эшонқуловга Алишер Навоийнинг дастлабки икки девони - “Бадойиъ ул-бидоя” ва “Наводир

ун-ниҳоя” таркибида келган самовий тимсолларни тадқиқ этиш ва муайян хулосаларга келиш илмий тадқиқот мавзуси қилиб берилган эди. Таъкидлаш жоиз, тадқиқотчи ўзига юклатилган вазифани сидқи дилдан, собитқадамлик билан уддалашга киришган. Унинг дастлабки изланишлари самараси 1999 йилда номзодлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилинди. Бироқ, Ҳусниддин амалга оширган кузатишларининг натижаларини Сиз муҳтарам ўқувчига етказиш учун шошилмади. Аксинча, Алишер Навоийнинг шеърий олами билан изчил шуғулланишни давом эттирди. “Хазойин ул-маоний” даги ишқ бадийяти мавзусида докторлик ишини бошлаб, унинг анчагина қисмини қоғозга тушуришга улгурди. Орадан ўтган 10 йилга яқин муддатда у Алишер Навоийнинг ғазалларини тадқиқу таҳлил қилишдан толмади. Шунингдек, илмий тақдирида биринчи пойдевор вазифасини ўтовчи “Самовот – ишқ мазҳари” сарлавҳали рисоласини теран назардан ўтказди. Икки фасл ва олти ички бўлинишлардан таркиб топувчи мўжазгина ва мазмунли китоб дунёга келди. Бадий асар ҳақида мушоҳада юритувчи илмий китоб ҳам бадийятдан йироқ бўлмаслиги, ўқувчида ҳис-ҳаяжон уйғотмоғи ва унга бўлиқ фикрлар ҳадя этиши лозим, деган ақидага амал қилувчи муаллифнинг қўллаган сарлавҳалари завқ уйғотади. Чиндан-да: “Сипехрий ҳусн ичинда моҳ сен-сен”, “Кўёшни бўлмас, эй гардун, ул ойга айламак ташбеҳ”, “Зи камол ила кавнайн нақшига наққош”, “Масиҳодин лабинг авсаҳ...”, “Кўрким: Қавс буржидин туғубтур офтоб” каби сарлавҳаларни сокин, бефарқ ўқиш қийин, чунки ўша сарлавҳаларнинг ўзиёқ китобхон эътиборини тортади ва уни теран мушоҳадага чорлайди. Монографияда ишқ ва унинг турфа талқинлари ҳам диққат марказида туради. Самовий ишққа урғу берилиши эса инсонни Еру кўкка улаб қўйишдан ташқари, уни гўзал ахлоқий-маънавий фазилатлар соҳиби бўлишга, нафси аммора, такаббурлик каби иллатлар чангалига тушмасликка даъват этади. Мумтоз муаллифларнинг қатъий эътиқодига кўра, илоҳиёт ва ирфон олами учун ҳам ишқ покловчи, инсон руҳиятини балоғатга етказувчи восита ҳисобланади. Монография саҳифаларида ўқувчи биз айримларини санаганимиз жиҳатларга қаноат ҳосил қилади, деб ўйлайман.

Яна бир жиҳатни таъкидлаш жоиз кўринади. Шўро мафкўраси ҳукмронлик қилган йилларда мумтоз ижодкорлар қаламида жило топган ишқни мажозийликка йўйиш одат тусига кирган бўлса, истиқлолдан кейин ҳақиқий ишққа урғу бериш анаъна тусини олаётир. Ҳолбуки, мавзуга бундай ёндашув у қадар тўғри эмас. Алишер Навоий таъкидига кўра, ишқ мажозий – “субҳи анвар”, ишқ ҳақиқий – “хуршиди ховар” тарзида талқин этилади. Кўринадики, инсон жисмида жазава қиладиган ипақдай юксак туйғу “дили пок-у, тили пок-у, ўзи пок”лик орқали мажозийликдан ҳақиқийлик мақомига етади. Қўлингиздаги китобда масалага ана шундай ёндашув устувор йуналиш ҳисобланади. Албатта, Ҳ. Эшонқуловнинг сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилаётган монографияси айрим норасоликлардан ҳам холи эмас. Умид қиламизки, истеъдодли бу олим иштиёқ билан ўрганаётган мавзусига янада ихлос ва талабчанлик билан мурожаат этади, кейинги илмий китобларида сиз-у бизни беҳад қувонтиради, Иншооллоҳ!

Раҳим Воҳидов

Монография адабиёт ва санъат муҳиблари отам – Пиримкул Эшонкул ўғли ҳамда онам – Мўшарраф Ҳамроқул қизининг порлоқ хотираларига бағишланади.

Муаллиф

МУҚАДДИМА

Асрлар оша янги маъно қирраларининг кашф этилиши билан Шарқ мумтоз адабиёти ихлосмандларининг диққат марказидан ўрин олган Алишер Навоий шеърининг мангуликка дахлдорлик касб этмокда. Унинг кўлами кенглиги ва даврлар ўтиши билан янгича талқинларга асос бўла олиши бу ижодий меросга қайта-қайта мурожаат қилишни тақозо қилаётир. Навоийшуносликда бу борадаги жиддий, ижодий изланишлар ўз самарасини кўрсатди. Узоқ йиллар давом этган бадиий асарда илгари сурилган ғоянинг муҳимлигига эътибор қаратиш асосида унинг қимматини белгилаш, майли Навоий шеърининг ҳам четлаб ўтмаган бўлса-да, шоирнинг бадиий маҳорати тадқиқига бағишланган жуда муҳим илмий асарлар вужудга келди.¹ Шунингдек, шоирнинг ижодий методи муаммолари теран илмий тадқиқ этилди.²

Юрт мустақиллигидан дарак берувчи шабадалар эса бошлаган даврда адабий меросимизни янгича қарашлар асосида ўрганишга эътибор кучайди. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек: “Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий табиий жараён ҳисоблаймиз”.³ Мамлакат раҳбари ўринли қайд қилганидек, мумтоз адабиёт, жумладан, Алишер Навоий меросининг таянч ғоявий манбалари, Қуръони карим, ҳадиси шариф ва тасаввуф таълимоти эканлиги эътироф этила бошланди. Шоирнинг сўз қўллашдаги санъаткорлик маҳорати нуқтаи назардан бадиий асар қимматини белгилаш асосида ижодкорнинг асарда илгари сурган ғояси, фалсафий-илоҳий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ахлоқий-таълимий қарашлари хусусида мулоҳазалар билдирилди.⁴

Бевосита Навоий ғазалиётига алоқадор янгича талқиндаги мақолалар улуғ ўзбек шоирининг 550 йиллик тўйи муносабати билан эълон қилинди ва “Алишер Навоий. Ғазаллар, шарҳлар” (Тошкент, 1991) номи билан алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Бўлар С.Ғаниева, Э.Воҳидов, Н.Комилов, М.Али, Ж.Камол, А.Абдуғафоров, И.Ҳаққулов, Н.Жумаев, М.Абқўлҳаким каби олим ва ижодкорлар қаламига тегишли бўлиб, мазкур мақолаларда шоирнинг бадиий маҳорати илмий тадқиқ этиларкан, мумтоз адабиётнинг таянч манбалари назарда тутилганлиги боис унинг янги-янги маъно қирралари намоён бўла бошлади. Бундай изланишлар истиқлолдан сўнг янада равнақ топди. “Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари” (Тошкент, 1993) номли мақолалар тўплами нашр этилди. Шоир ғазалларининг ғоявий-бадиий талқинига бағишланган Н.Жумаевнинг “Сатрлар силсиласидаги сеҳр” (Тошкент, 1996) қўлланмаси вужудга келди. Шунингдек, профессорлар

¹ Қаранг: Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент: “Фан”, 1961. Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. 4-том. Тошкент, 1972, 195-234-бетлар. Рустамов А Навоийнинг бадиий маҳорати. Тошкент, 1979. Шу муаллиф. Сўз хусусида сўз. Тошкент, 1987. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Тошкент: “Фан”, 1983.

² Қаранг: Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг ижодий методи масалалари. Тошкент: “Фан”, 1963. Шу муаллиф. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. Тошкент: “Фан”, 1970.

³ Каримов И. Ўзбекистан XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистан, 1997, 137-бет.

⁴ Ҳаққул И. Шеъринг - руҳий муносабат. Тошкент, 1989, 116- 152-бетлар; Шу муаллиф. Абадият фарзандлари. Тошкент, 1990, 24-41 -бетлар.

Р.Воҳидов, Ҳ.Неъматов, М.Маҳмудовларнинг “Сўз бағридаги маърифат” (Тошкент, 2001), профессор Д.Салоҳийнинг “Бадойиъ ул-бидоя” малоҳати” (Тошкент, 2004), Р.Воҳидовнинг “Ёғди ўт устига қор” (Тошкент, 2005) сингари қўлланма, рисола ва мақолалар тўплами эълон қилинди. Мазкур ишларда шоирнинг лирикадаги бадиий маҳорати, илоҳий-ирфоний ғоялари ҳамда шеърятининг сарчашмаларини илмий ўрганиш билан ундаги турли тимсолларнинг рамзий маънолари янгидан кашф этилди. Алишер Навоий шеърятда учрайдиган сайёралар тимсоллари билан боғлиқ, ғазаллар илмда янгича талқинлар асосида ўрганила бошланди.¹ Бундай ижодий ўринишлар ўзбек адабиётшунослигида маълум тараққиёт босқичига эга.

Фольклоршунос М.Жўраевнинг “Ўзбек самовий афсоналари” (Тошкент, 1995) номли рисоласи бадиий ижоднинг само билан боғлиқлигини ўрганувчи илк яхлит тадқиқот саналади. Олимнинг Етти қарокчи ёки етаган юлдузлари ҳақидаги “Етти ҳомийнинг мифологик асосларига доир” (“Адабий мерос”, 1989, №2(48) 65-69-бетлар) номли мақоласи ҳам чоп этилди. Унда туркий халқлар мифологиясидаги бу юлдуз туркуми билан боғлиқ афсоналар ҳақида фикр юритилади. Ўзбек адабиётшунослигида сайёралар ёки бошқа фазовий жисмлар тимсолларининг қўлланилишига доир махсус илмий асарлар мавжуд бўлмаса-да, айни мавзу муаммолари тадқиқотчилар эътиборидан мутлақо четда қолган эмас. Мумтоз каламкашлар, шунингдек, Алишер Навоий шеърятта таҳлилига қаратилган тадқиқотларда маълум бир муносабат билан самовий масалаларига ҳам дахл қилинади.

Адабиётшунос Н.Маллаев фольклорнинг Алишер Навоий ижодига таъсирини ўрганиб, мифологик космогония ҳақида фикр юритади.² Бундан ташқари, олим “Сўз санъатининг гултожи” (Тошкент, 1991) номли асарининг “Сабъаи сайёр” хусусидаги бўлимида яна мавзуга алоқадор фикрларни қайд этган. (89-бет) С.Ҳасанов “Сабъаи сайёр” дostonини илмий ўрганишда самовий тимсолларга алоҳида аҳамият беради. Тадқиқотчи уларнинг мифологик хусусиятлари ва ранглариининг рамзий маъноларига эътибор қаратади.³ Шунингдек, М.Имомназаровнинг “Тўққиз осмон юлдузлари” номли тадқиқотидаги “Саккиз само гулбоғлари” ва “Тўққиз осмон қобоғлари” бўлимларида Алишер Навоийнинг улуғ салафларидан бири Хусрав Деҳлавийнинг “Ҳашт беҳишт” ҳамда “Нуҳ сипеҳр” дostonларида шоирнинг самовий тимсолларга мурожаати ва унинг асар бадииятига таъсири масалаларига ўрин берилади.⁴ Алишер Навоийнинг самовий тимсолларни қўллашдаги бадиий мадоратининг янги қирраларини кашф этиш С.Ғаниева ва Ҳ.Неъматовларнинг “Ҳилолия” қасидаси» (“Санъат”, 1991, 11-сон, 8-бет.) мақоласида равшанроқ кўзга ташланади. Навоийшунос Р.Воҳидов Алишер Навоий “Ҳамса”си муқаддимавий бобларининг манбалари, ғоявий-бадиий талқинлари хусусида фикр юритган тадқиқотида самовий тимсолларга кўп мурожаат этилган Меърож туниси тасвирига бағишланган бобга алоҳида эътибор қаратади ва теран мушоҳадалар асосида мулоҳазаларини билдиради.⁵ Шундай хусусият С.Олимовнинг илмий-публицистик мақолаларида ҳам мавжуд.⁶ Айни ҳолат тадқиқотчи Г.Болтаеванинг “Алишер Навоий “Фусули арбаа” қасидалар туркуми манбалари ва бадиияти” мавзуидаги номзодлик диссертациясида ҳам кўзга ташланади. (Автореф. Тошкент, 1999)

¹ Жумаҳўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996, 165-169-бетлар.

² Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974, 124-132-бетлар

³ Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989, 152-160-бетлар.

⁴ Равшанов П. Тарих бадиияти; Имомназаров М. Тўққиз осмон юлдузлари. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989, 287-293-бетлар.

⁵ Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илодийёт. Бухоро, 1994, 65-104-бетлар.

⁶ Олим С. Туғ ва туғро, бурж ва бурчлар // Тафаккур, 1994, 1-сон, 31-36-бетлар. Шу муаллиф. Байроқ, бурж ва бурч. Тошкент: “Ўқитувчи”, 1995.

Қайд этилган илмий изланишларнинг аксариятида Алишер Навоий ижодий мероси асосида самовий тимсолларнинг бадий талқинига диққат этилган бўлса-да, ўзбек адабиётшунослигида бу борада яхлит тадқиқот вужудга келмаган эди. Холбуки, исломий-маърифий адабиёт намояндалари – мумтоз адибларимиз асарларида келтирилган самовий жисмлар номларининг тимсол ва рамзлик хусусиятларини чуқур англаш ижодкорнинг бадий маҳорати ҳамда шеърда илгари сурган ғоясини теран тадқиқ этиш учун ниҳоятда муҳимдир. Самовий жисмлар Алишер Навоий шеърлятида кўпинча ёр ва ошиқ тушунчалари, сифатлари тарзида қўлланади. Бўлар шоир назмидаги фаол бадий образлар саналади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, “Бадойиъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” девонлари мисолида самовий тимсолларнинг бадий талқинини илмий ўрганишга бағишланган яхлит тадқиқотнинг амалга оширилганлиги навоийшунослик тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этди.¹

“Бадойиъ ул-бидоя”даги 627 ғазал 1492-1498 йилларда улуғ шоир томонидан тартиб берилган “Хазойин ул-маоний”га киритилган ва уларнинг йиғма девонлар таркибидаги тақсимоли қуйидагича: “Ғаройиб ус-сиғар” – 416, “Наводир уш- шабоб” – 91, “Бадойиъ ул-васат” – 59, “Фавойид ул-кибар” – 61.

Кўринадики, девондаги аксарият ғазаллар шоир умрининг “сиғар” ва “шабоб” даври маҳсулидир. “Наводир ун-ниҳоя” девонида жамланган ғазалларнинг “Хазойин ул-маоний”даги тақсимоли² ва бу девонларнинг тартиб берилиш вақти билан боғлиқ қарашлар³ фикримизни тасдиқлайди. Табиийки, ижодкорнинг бадий завқи ва тахайюлининг самовий ҳодисаларга қизиқиши юксак бўлади. Шоир дунёқарашининг шу тимсолларга муносабат жараёнидаги тадрижини очишга ҳар иккала девон таянч манба вазифасини ўтайди. «Бадойиъ ул-бидоя» ва “Наводир ун-ниҳоя” девонларидан таҳлилга тортилган ғазаллар моҳиятини тўлароқ англаш ва ёритиш мақсадида ўрни билан Алишер Навоийнинг бошқа асрлари ҳамда улуғ шоир салафларининг назмий намуналарига ҳам муружаат этилди.

Муаллиф мазкур монографиянинг руёбга чиқишида ўзларининг беминнат маслаҳатларини дариғ тутмаган академик Б.Н.Валихўжаев, профессорлар А.А.Ҳайитметов, И.Ҳаққулов, М.Муҳиддинов ва Д.Салоҳийга миннатдорчилик билдиришни ўз бурчи деб билади.

Муҳтарам ўқувчи! Қўлингиздаги монографиянинг айрим камчиликлар ва баҳсталаб ўринлардан ҳам холи эмаслиги табиий. Бунинг учун сиздан ўзр сўраб, холисона мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

¹ Қаранг: Эшонқулов Ҳ.П. Алишер Навоий шеърлятида самовий тимсоллар (“Бадойиъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” девонлари асосида) фил. фан. номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Самарканд, 1999.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар туплами. XX томлик, 2- том. – Тошкент, Фан, 1987, 5-бет.

³ Абдугафуров А. Хазойин ул-маоний жумбоқлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1998, 6-сон, 3-10-бетлар,

БИРИНЧИ БОБ

САМОВОТГА ОИД ҚАДИМИЙ ҚАРАШЛАР ВА БАДИИЙ ТАФАККУР

“Космогония” юнонча сўз бўлиб, осмон жисмлари, уларнинг пайдо бўлиши ва ўзгаришлари ҳақидаги фандир. Самовот (космогония) илмининг икки жабҳаси ўзининг маълум тараққиёт босқичларига эга. Буларнинг бири - илми ҳайъат (астрономия) бўлса, иккинчиси – илми нжум (астрология)дир.

Илми ҳайъатда осмон жисмларининг жойлашуви, уларнинг ҳаракат йуналишлари, илми нжумда эса ана шу ҳаракатнинг Ер шари ва инсон тақдирига таъсири масалалари ўрганилади.

Шарқда фалакиёт илмига алоҳида аҳамият берилганлиги аниқ. Илми ҳайъат ва илми нжумнинг муайян қирралари ҳақидаги дастлабки қарашлар қадим замонларга бориб тақалади. Оташпарастлик дини вақилларига 18 та сайёранинг маълумлиги, булардан еттитаси Қуёш, Ой, Аторуд, Зухра, Миррих, Муштарий ва Зуҳал бўлиб, улар етти сонининг илоҳийлашувига сабаб бўлиши, Бобилда мамлакатни мунажжимлар бошқарганлиги ҳамда исломдан кейин Аҳмад ал-Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём, Қозизода Румий, Улуғбек, Али Қушчи кабилар мазкур илмларда донг таратганликлари ҳақида маълумотларга эгамиз.¹ “Девону луғотит турк”даги баъзи ўринлар ва шеърлар эса туркий халқлар илмининг бу жабҳаси билан жуда қадимдан қизиққанликларини далиллайди.² Шунингдек, Низомий Арузий Самарқандий “Мажмаъун-наводир” (Тошкент, 1985) асарининг бир боби юлдуз илми ва мунажжимнинг бу фандаги маҳоратига бағишланиши Шарқда мазкур илмга ўзгача ихлос билан қаралганлигини англатади [55-68-бетлар]. Бадиий ижод ижтимоий ҳаётнинг инъикоси бўлиб, юқорида қайд этилган илмларнинг ютуқларини четлаб ўтмаган, айна чоғда халқнинг дунёқараши, ишончлари, расм-русмлари, диний ва мифологик қарашлари ҳам бадиий тафаккурга сезиларли таъсир кўрсатган.

Юқорида номлари келтирилган етти сайёра мумтоз адабиётда бадиий тимсол сифатида кенг қўлланилган. Бу ўз навбатида инсоният дастлаб самовий жисмлардан Қуёш ва Ой билан қизиққанлигини кўрсатади. Етти сайёранинг ҳаракат йуналишлари аниқлангач, уларнинг 12 буржга нисбатан жойлашуви асосида борлиқ, инсон тақдири муаммолари хусусида фикр юритилган.

Мазкур сайёраларнинг геоцентрик назарияга асос қилиб олиниши, қадимда ҳафта кунларининг улар номи билан аталиши, айрим Оврупа тилларида бу ҳолатнинг ҳамон сақланиб қолинганлиги, Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам бу сайёралар билан боғлиқ мифологик қарашларнинг пайдо бўлгани³ ушбу осмон ёритқичлари инсониятни узоқ ўтмишдан қизиқтириб келганлигини далиллайди. Шарқ-у Ғарбда кенг тарқалган геоцентрик назарияга асосан Ер атрофидан сайёралар айланиб туради. Уларнинг ҳар бири Ерга нисбатан маълум узоқликда бўлиб, “етти қат” осмон тушунчасини изоҳлашга асос бўлган. Чунончи, Ой Ерга энг яқин самовий жисм бўлиб, у - биринчи, Аторуд - иккинчи, Зухра - учинчи, Қуёш - тўртинчи, Миррих – бешинчи, Муштарий - олтинчи, Зуҳал – еттинчи фалакда деб тушунилган.⁴

¹ Қаранг: Низомий Арузий Самарқандий. Нодир хикоятлар. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995, 58-65-бетлар; Аждодлар ўғити (Ҳикоятлар, ҳикматлар ва тамсиллар тўплами). Тошкент: Чулпон, 1991, 161-162-бетлар.

² Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик. 3-том, - Тошкент, ЎзФА, 1963, 47, 265-266-бетлар.

³ Қаранг: Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974, 124-138-бетлар.

⁴ Қаранг: Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадуғ билиг. -Тошкент: Фан, 1971, 80-83- бетлар; Мухаммад Аваз ибн Садриддин

Булар орасида Қуёш оламини ёритувчанлик хусусияти, Ой эса самода ўзининг катта ҳажми билан ёрқин, порлаб кўриниши туфайли қадим замонлардан муқаддас саналган. Албатта, дастлаб инсоният Қуёшнинг энг яқин юлдуз, Ой эса Ернинг табиий йўлдоши бўлиб, сайёрамизга нисбатан энг яқин самовий жисм эканлигидан беҳабар бўлган. Бу иккала осмон ёритқичлари ҳақидаги илк тушунчалар анимистик (анимизм – ибтидоий халқларда ҳар бир нарсанинг жони, руҳи бор деган эътиқод), мифологик характерга эга бўлиб, кўпроқ, афсоналарда ўз аксини топган. Афсонанинг ҳаётда бўлиши мумкин бўлмаган уйдирмаларни ўзида сингдира олиш хусусияти қадимги кишилик тахайюлотининг ҳам бадийлашишига қўл келган. Ўзбек самовий афсоналарини илмий тадқиқ этган фольклоршунос М.Жўраев улардан мифологик афсоналар сирасига кирадиганларни мавзу доираси ва қамровига кўра тўртга тасниф этади. Оламнинг яратилиши ҳақидаги афсоналардан ташқари қолган уч таснифдаги афсоналарда Қуёш ва Ой бевосита иштирок этганлиги, айниқса, табиат ҳодисалари билан алоқадор самовий қарашлар асосидаги лавҳаларда бу тимсоллар нисбатан кўпроқ учраши кузатилади.¹

Аждодларимизнинг самовий жисмларнинг яратилиши ҳақидаги дастлабки эътиқодий қарашлари анимистик тасаввур маҳсулидир. Бу Қуёш ва Ой ҳақидаги “Ойқиз билан Кунқиз” афсонаси воқеалар тизимида яққол намоён бўлади. Ибтидоий одамлар табиий ҳодисаларнинг осмон жисмлари ҳаракати оқибати эканлигини идрок этишмаган, натижада Қуёш ва Ойнинг тутилишига ёвуз руҳлар хуружи сабаб қилиб кўрсатилган афсоналар вужудга келган. Кейинчалик буларнинг ўрнига мазкур осмон жисмларининг опа-сингил, эр-хотин сифатида тасаввур қилиш билан боғлиқ бадий тўқималар яратилган. Бунда кўпинча Қуёш ва Ойнинг аразлашиб қолиши бу осмон жисмларининг тутилишига сабаб қилиб кўрсатилган.²

Қадимги кишиликнинг табиий кучлар олдидаги ожизлиги оламда эзгулик ва ёвузлик кучларининг мунтазам тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги тушунчаларни шакллантирган. Булар орасида космогоник тушунчалар алоҳида аҳамият касб этади. Аждодларимизнинг Қуёш культига сиғиниши табиатда улуғ ва фойдали кучлар - Қуёш ва сув абадий бўлган ўлка ҳамда офат келтирувчи кучлар - зулмат ва кулфат абадий мавжуд бўлган ўлканинг борлигига ишониш билан боғлиқ. Асрлар давомида кишилар дунёқарашига ўзининг ғоялари билан ўрнашиб, уларнинг бадий тафакқурига сезиларли таъсир кўрсатган зардуштийлик динида яккахудолик тарғиб қилиниб, кўпхудоликка қарши курашилган бўлса-да, дунёга келиши бир даврга тўғри келган “Тўмарис” афсонасида ҳикоя қилинишича, Қуёш тангрисига сиғинилган. Милоддан аввалги 530 йилда Эрон шоҳи Кир II скиф қабилаларидан бири массагетлар устига икки минг кишилик қўшин билан бостириб келиши ҳақида ҳикоя қилинган бу афсонага кўра, Тўмарис Қуёш тангриси номи билан қасамёд қилади.³

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да Қуёш, Ардвисура (ер, сув, унум), Вартрагна (Шарқ афсонавий қаҳрамони Баҳром) сингари маъбудларга бағишланган қасидалар мавжуд.⁴ Адабиётшунос Н.Маллаев шу мўътабар манбага таяниб, Қуёш худоси Митра эканлиги ҳақида маълумот беради. Шунингдек, олим бу маъбуд одамларга нур, иссиқлик, бахт-саодат бахш этишини, душманга даҳшат солиши ва кишиларни офатдан қутқариши, “Авесто”да Митра битмас-туганмас кучга эга бўлган паҳлавон сифатида

Қоратоший. Мажмуат ул-аҳком.-Тошкент: Шарқ баёзи, 1993, 12-13-бетлар.

¹ Қаранг: Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. -Тошкент: “Фан”, 1995, 47-106-бетлар.

² Ўша китоб. 48-49-бетлар.

³ Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. -Тошкент: “Ўқитувчи”, 1979, 59-бет.

⁴ Қаранг: Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. Тошкент: “Шарқ”, 2001, 170-206-бетлар.

тасвирланганлигини эътироф этади.¹ Кўринадики, “Авесто”да ҳам осмон жисмларига алоҳида аҳамият берилган ҳамда мазкур табиий кучларга илоҳий қудратнинг мўжизаси сифатида қаралган. Албатта, бундай қарашлар ўзининг бадий ифодасига ҳам эга бўлмоғи лозим. Чунки бадий ижод кўпроқ инсон тафаккури ва юксак таҳаюлининг маҳсулидир.

Узоқ йиллар давомида халқимиз томонидан ардоқлаб келинган Наврўз байрамнинг пайдо бўлиши ҳам қадимги аҳолининг эътиқодий қарашлари мажмуаси бўлган зардуштийлик билан алоқадорлик касб этади. Инсон бадий тафаккурининг маҳсули саналган афсоналар бунга далил бўла олади.

Уларнинг бирида қайд этилишича, Зардушт ўзи яратган етти мўъжиза (сув, тупроқ, ҳаво, олов, ўсимлик, сигир ва одам)га монанд ҳолда еттита байрамни ҳам жорий қилган эмиш. Еттинчи мўъжиза - олов ҳамда эзгулик хомийси Аша-Вахишта шарафига баҳорий удум - Наврўзни ўтказиш анъанаси пайдо бўлган экан.²

Зардуштийлик динида олов Қуёшнинг бир бўлаги ҳисобланган. Қадимги ҳинд-эрон мифологиясида эрталаб уфқдан бош кутарган Қуёшнинг то кун ботгунига қадар осмонни айланиб ўтишидан иборат ҳаракати заррин нур сочиб турувчи аравага миниб олган Митранинг самони айланиб чиқиши тарзида тасаввур қилинган. Момоқалдиरोқни тангри аравасининг ғилдиракларига менгзаши ана шу самовий мифларнинг эътиқодий қарашларга айланган ҳолда бизгача етиб келган қолдиқларидир.³ Кўринадики, оташпарастликда муқаддас саналган тўрт унсурдан бири олов Қуёш маъносида ҳам тушунилган.

Қуёшга топиниш, унинг муқаддаслашувининг яна бир жиҳати Наврўз байрамнинг Жамшид тахтга ўтириши билан алоқадорлигидадир. Ҳикоя қилинишича, Наврўз Жамшиднинг Озарбайжонга келган кун эмиш. Жамшид у ерга келгач, ўзига бир шоҳона тахт ясаттириб, турли қимматбаҳо тошлар, дуру жавоҳирлар билан безатилган тожини бошига кийиб, тахтига ўтирибди. Бу орада Қуёш чиқиб, Офтоб нури Жамшиднинг тожи билан тахтига тушибди. Бирдан бутун теварак атроф мунаввар бўлиб кетибди. Бу мўъжизани кўриб ҳайратланган улус Жамшид тахтга ўтирган кунни Наврўз, яъни янги кун деб байрам қилган экан.⁴

Наврўзнинг, аввало, таквимий байрам эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, мазкур афсонада Қуёш чиқиши билан боғлиқ лавҳанинг келтирилиши тасодиф эмас, чунки Наврўз байрам қилинадиган кун Қуёш Хут буржини тарк этиб, Ҳамал буржига ўтади. Қиш фасли ўз ўрнини баҳорга бўшатиб беради. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида келтирилган “Қиш билан ёз” мунозарасида қишда қадимги кишиларнинг ниҳоятда қийналганлиги, иссиқ кунлар келишини орзиқиб кутганлиги ўз ифодасини топган. Назаримизда, кишилар қадимда оламда эзгулик ва ёвузлик кучлари мавжуд деб тасаввур қилганлари сингари йил фасллрининг ҳам қиш ва ёздан иборат деб тушунишган. Айни чоғда қиш - ёвузлик, ёз эса - эзгулик рамзи сифатида талқин этилган.

Қуёшнинг заррин нурлари Ер бағрини қиздириши ёвуз кучларнинг енгилишини англатган. Шу боис, Қуёш ҳам Аша- Вахишта сингари эзгулик тимсолига айланган. Халқ оғзаки ижодида “Офтоб чиқди оламга”⁵ сатри билан бошланувчи бадий яратманинг мавжудлиги ҳам қиш тугаб, баҳор - Наврўз келишига ишорадир. Мисранинг ҳар банд бошида айнан такрорланиши эса Қуёш билан боғлиқ эътиқодий қарашларнинг қадимдан халқимиз шуурига чуқур сингганлигини англатади.

¹ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1976, 48-бет.

² Наврўз. Тузувчилар Т. Мирзаев, М.Жўраев. -Тошкент: “Фан”, 1992, 19-бет.

³ Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари.-Тошкент: “Фан”, 1995, 72-бет.

⁴ Ўша китоб. 19-бет.

⁵ Наврўз. Тузувчилар Т. Мирзаев, М.Жўраев -Тошкент: “Фан”, 1992, 59-60 бетлар.

“Офтоб чиқди оламга” сатрида ўзига хос пафос мавжуд. Бунинг асосий сабаби шеър қахрамонининг байрамона кайфияти, юксак эҳтироси, ҳаяжонидир. Бу қувончнинг Қуёш чиқиши билан ифодаланишидан мақсад эса кишиларнинг рутубатли қиш кунлари тугаб, баҳорнинг илиқ нафасини туюшларидан ҳосил бўлган севинчларини бадиий тасвирлашдир. Демак, бундан англашиладики, Қуёш “шодлик” тимсоли саналади.

Зардуштийликдан сўнг вужудга келган монийзмга¹ алоқадор бадиий яратмаларда ҳам порлаб турган Қуёш шодлик, бахт рамзи сифатида талқин этилиб, унинг заррин нурлари зулматни йўқотади ва шу асосда инсон руҳига кўтаринкилик бахш этади, дея эътироф этилган. Шундай сатрларни “Ирқ битиги” (таъбирнома)дан келтириш мумкин:

*Эр йигит қайрули
Осмон бўлутли бўлди.
Улар орасида қуёш балқиди,
Қайғу орасида шодлик келди.
Билиб қуйинг: бу - яхши.²*

Самода Қуёшнинг порлаб туриши “эр йигит” қайғусини йўқотади.

Кўринадики, самовот ҳақидаги қарашларнинг тарихий асослари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Зардуштийлик дини даврида қадимдан муқаддас саналган етти сайёра ҳақидаги турли мифлар пайдо бўлган. Чунончи, Марс (Шарқда Миррих, баъзан Баҳром деб юритилган) – жанг ва қаҳрамонлик, Меркурий (Аторуд) - фалак котиби, ёзувчи ва шоирларнинг ҳомийси рамзи саналган. Венера (Зухра) - санъат ҳомийси, нафосат рамзи ҳисобланган. Сатурн (Зухал ёки Кайвон) - юксаклик, бахт-толе рамзи. Юпитер (Муштарий) - бахт юлдузи тарзида талқин этилган. Етти сайёра орасида бадиий адабиётда нисбатан тимсол сифатида кенг қўлланилган Қуёш ва Ой сайёралари ҳақидаги қадимги самовий қарашлар ибтидоий одамларнинг табиат ҳақидаги илк тушунчаларига бориб тақалади. Бу тушунчалар инсон бадиий тафаккуридан ўтиб, анимистик ҳарактердаги афсоналарнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Зардуштийлик дини пайдо бўлган даврларда Қуёш маъбудига сиғинилган, у тангри тимсоли даражасига кўтарилган. Наврўзнинг байрам қилиниши билан боғлиқ афсоналарда қуёш тимсоли янада муқаддаслаштирилган. У битмас-туганмас нур ва иссиқлик қувватига эга бўлган тимсолга айланган, зардуштийликда бўлгани сингари монийлик эътиқоди тарқалган даврда ҳам Қуёш шодлик, бахт рамзи сифатида талқин қилинган. Юқоридаги қарашлар асосида шаклланган урф-одатларнинг аксарияти унутилиб, муайян қисми исломий ғоялар билан йўғрилган ҳолда яшашда давом этди. Улар хусусида исломнинг муқаддас илоҳий китоби Қуръони каримда ибратли маълумотларни ўқиш мумкин.²

ҚУРЪОНИЙ ҒОЯЛАРНИНГ БАДИИЙ АДАБИЁТДАГИ ИФОДАСИ

Тенгсиз қудрат соҳиби бўлган Аллоҳнинг буюк эҳсони Қуръони карим илоҳий мўъжиза эканлиги билан дунё халқлари эътиборини қозонган. Унинг ояти карималарида самовот билан боғлиқ фикрларнинг мавжудлиги осмон сиру синоатларини англашга интилган инсоният қизиқишини янада оширади.

¹ Монийзм III асрда Моний (216-277) томонидан шакллантирилган дунёнинг асосини рух ва ғоя ташкил этади, деб қаровчи фалсафий таълимот. Унга кура, Моний само элчиси ҳисобланган.

² Қадимий ҳикматлар. Тузувчи Н. Раҳмонов -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987, 56-бет.

Илоҳий китобнинг “Бақара”, “Анъом”, “Аъроф”, “Юнус”, “Хут”, “Юсуф”, “Раъд”, “Иброҳим”, “Ҳижр”, “Наҳл”, “Ал-исро”, “Каҳф”, “Тоҳа”, “Анбиё”, “Ҳаж”, “Мўминлар”, “Фурқон”, “Намл”, “Анкабут”, “Рум”, “Луқмон”, “Фотир”, “Ёсин”, “Вас-саффот”, “Фуссилат”, “Қоф”, “Ва-з-зориёт”, “Ва-н-нажм”, “Камар”, “Раҳмон”, “Воқеа”, “Ҳадид”, “Тағобун”, “Мулк”, “Ал-ҳааққа”, “Нух”, “Жин”, “Муддасир”, “Қиёмат”, “Вал-мурсалот”, “Набаъ”, “Ван-нозиот”, “Такбир”, “Иншиқоқ”, “Буруж” каби сураларида само билан боғлиқ Аллоҳнинг каломи ўз ифодасини топган. Бунда оламнинг яратилиши, унинг ибтидоси ва интиҳоси, инсон ва бошқа мавжудотларнинг тақдири масалалари ҳам мавжуд.

Энг кичик заррадан инсон тафаккур доирасига сиғмайдиган кенгликларгача ғоятда мукамаллик асосида яратилган оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги турли фикрлар мавжудлиги аён. Узоқ йиллар давомида олам ҳеч ким ёки ҳеч қандай куч томонидан яратилмаганлиги, бекор қилинмаслиги ҳамда абадийлиги ҳақидаги қараш ҳукм суриб келди ва бу ҳали барчамизнинг шууримизни тарк этган эмас. Масалага илоҳий китоб нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бутун оламнинг Яратувчиси ягона ва қудратли Аллоҳдир. “Бақара” сурасининг 29-оятда шундай дейилади: “У шундай зотки, сиз учун ердаги барча нарсаларни яратди. Сўнгра самога юзланди-да, уларни етти осмон қилиб тиклади”.¹ Шунга ўхшаш яна бир ояти карима ҳам диққатга сазовор: “Албатта Парвардигорингиз - Аллоҳ шундай зотдирки, осмонлар ва ерни олти кунда яратиб сўнгра ўз Аршига ўрнашди. У кеча (қоронғулик)ни кундузга ўрар (ва кеча кундузни), шошилган ҳолда қувиб юрар. У Қуёш, Ой ва юлдузларни ўз амрига бўйсундирган ҳолда (яратди). Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат уникидир. Барча оламлар Парвардигори буюқдир” (“Аъроф”, 54-оят).²

Шарқда кенг тарқалган ва Ғарб дунёсида жуда катга қизиқиш уйғотган тасаввуф адабиёти вакиллари ҳам осмон жисмларига алоҳида аҳамият берганлар. Ўзбек мумтоз адабиёти бевосита мана шу таълимот негизида ривож топган бўлиб, унда турли диний унсурлар ва айниқса, исломий қарашлар бадий ифодасига эга. Осмон мутасаввиф шоирлар учун руҳий олам саналган. Тазкираларга назар ташлайдиган бўлсак, ижод аҳлининг самога муносабатларига ойдинлик киритувчи қимматли маълумотлар учрайди. Чунончи, “Насойим ул- муҳаббат”да Ҳазрат Навоий Мавлоно Жалолоддин Румий ҳақида қуйидагиларни ёзади: “..*Жалолоддин Муҳаммад Балхда олти ёшида одина (жума) кун кеча атфол (болалар) била бизинг уйларнинг томларида сайр килур эрмишлар. Алардин бири яна бирига дебтурки, келинг, бу томдин яна бир томга секрели, ул дебтурки... Агар сизнинг жонингизда қуввате бўлса, осмон томиға секрели ва бу ҳолатда томдин ҳаво тутубтур. Ончаки, алар кўзидин ғойиб бўлубтур. Бир лаҳзадин сўнгра кўзи мутағаййир (ўзгарган), ранги ўзгача қайтиб, ҳамул томға тушубтур. Атфолга дебтурки, ул соатки сизга ул сўзни айтадур эрдим, кўрдимки, яшил кисватлиғлар (кийимлилар) мени сизнинг орангиздан сирмадилар ва кўтариб осмонга элттилар ва малокут (фаришталар) ажойибун манга кўргўздилар. Чун сизларнинг фиғон ва фарёдингиз чиқди яна бу ерга тушурдилар*”.³ Буюқ мутасаввиф Мавлоно Жалолоддин Румий самонинг маънавий-руҳий олам, ишқ мазҳари - кўриниши, пайдо бўлиш ўрни эканлигини ҳаётининг дастлабки босқичлариданоқ ҳис этганлиги мазкур иқтибосдан аёнлашади.

¹ Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима.-Тошкент: “Чўлпон”, 1992, 10-бет. (Бундан кейин суралар номи ва оятлар рақамини келтириш билан қифояланамиз - Ҳ.Э.)

² Қуръони Каримдан келтирилган суралар ва самовотга доир ояти карималардан муайян бадий парчаларни таҳлил қилиш жараёнида фойдаланишимизни назарда тутиб, бу ўринда юқорида айтилганлар билан чекланилди.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX томаяк, 17- Том. Тошкент: “Фан”, 2001, 325-326-бетлар. Бундан кейин шу нашрдан иқтибослар олинганда, мати сўнгида қавсда тегишли жидд ва саҳифа кўрсатиб борилади.

Туркий дунёда кенг тарқалган Яссавия тариқатида тупроқнинг муқаддаслигидан¹ ташқари само ҳам шундай мақом соҳиби саналган:

*Муҳаббатсиз халойиқдан ҳар ким қочса,
Орифларни суҳбатида жавлон қилур.
Ўртаб, куйиб ишқ йўлида ёшин сочса,
Субҳон эгам арш устида меҳмон қилур².*

“Аллоҳга мафтун пир Яссавий” руҳини Муҳаммад Пайғамбар Маккадан Қуддусга ва у ердан Аллоҳ ҳузурига кўтарилганларида, яъни Меърож тунида кўрганликларини ва Яссавий ҳазратларининг қачон туғилишларини башорат қилганликларини қайд этган Ҳамидулла Кароматов буюк тариқат асосчисини, шак-шубҳасиз, Аллоҳ нури етган инсон деб билади.³ Мутасаввиф шоирнинг дунёга келиши ҳақидаги башорат ҳам бевосита само билан боғланганлигига амин бўламиз. Юқорида келтирилган мисраларда “Субҳон эгам арш устида меҳмон” қилиш шартлари зикр этилган бўлиб, Яссавия тариқатида ҳам кўкка, руҳий-маънавий оламга интилиш ҳисси устуворлиги сезилади. Шунингдек, зоҳирий ва ботиний илмларни пухта эгаллаган Мавлоно Лутфий тўғрисида нозиктаъб Навоий куйидагиларни ёзади: “...охир умрида радифи “Офтоб” шеъри айттиким, замон шуароси барча татаббуъ қилдилар, ҳеч қайси матлаъни онча айта олмадилар” [13, 61]. Ҳазрат Навоийдан келтирилган мазкур иқтибос фикримизга янада ойдинлик киритади. Айнан “Офтоб” радифли ғазалга “замон шуароси”нинг татаббуъ қилишида ғазалнинг бадиияти юқорилиги ва радифи ҳам сабабчидир. Булардан ташқари, Бобораҳим Машрабда:

*Дарду аламдин болу нар айлаб,
Шаҳроз кўнглим учди самоғо,⁴-*

каби мисраларнинг учраши, “Бобурнома”да келтирилган Хожа Аҳрор билан боғлиқ лавҳаларда само ҳақидаги фикрларнинг мавжудлиги⁵ осмон ижод аҳли учун тахайюл олами, поклик, маънавий-руҳий оламлигини яна бир карра тасдиқлайди. Ана шу поклик, маънавий-руҳий олам мутасаввиф шоирларни доимо парвозга чорлаб турган. Чунончи:

*Парим бўлса учуб қочсам улусдин то қанотим бор,
Қанотим қуйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор -*

мазкур мисраларни таҳлил қилган таниқли адабиётшунос И.Ҳаққул: “Навоий ғазалида “Ман”ликдан кечиб, “Сан”ликка юз бурган лирик қаҳрамоннинг сирли кечинмалари, олами ғайб сари парвози тасвирланган”⁶ - деган фикрни асосли далиллар воситасида келтиради. “Олами ғайб”га парвоз этиш билан боғлиқ мисраларни Жалолиддин Румий рубоийларида ҳам кузатиш мумкин:

¹ Қаранг: Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. -Тошкент Адабиёт ва санъат, 1991, 59-63-бептар

² Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991, 159-бет.

³ Кароматов Х- Қуръон ва ўзбек адабиёти.-Тошкент “Фан”, 1993, 47-бет.

⁴ Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990, 26-бет.

⁵ Қудратиллаев Ҳ. Бобурда тахайюл ва самовий қудрат талқинлари. // “Сирли олам”. 1996, 5-сон, 14-15-бетлар.

⁶ Ҳаққул И. Парим бўлса учуб қочсам... // Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. Тошкент: “Камалак”, 1991, 148-бет.

*Мен зарраву хуршидлик ойим сенсен,
Бемор ғамгинману давойим сенсен.
Учмоққа қанотим йўқ, вале учгаймен,
Самон бўлибман, қахрабойим сенсен.¹*

Маъшуқа ой бўлса, лирик қахрамон ўзини қуёшнинг зарраси сифатида кўриб, унинг бемор-у ғамгинлигининг давоси ҳам ўша маҳваш эканлигини эътироф этади. “Учмоққа қанотим йўқ, вале учгаймен” мисраси эса шоир тахайюлининг маҳсули бўлиб, ижодкорнинг рухий оламга интилишидан, ундан маънавий қувват олишидан далолат беради. Мавлоно Румийнинг “Маснавийи маънавий”сида қуйидаги байтлар мавжуд:

*Тингла, най андоқ ҳикоятлар қилур
Айрилиқлардин шикоятлар қилур.
Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар
Санчилур деб таънага ўлдирдилар.²*

Мазкур байтларни таҳлил қилган Тоҳир Қаҳҳор унинг бир неча маъноларини сиралайди: “Бошланғичда най, кесилмасидан олдин қамишликда бўлган ҳолатида, ҳар доим нашъу намо ва тоза ҳаёт ичида эди. Кесилиши биланок, қуриди. Ориф инсоннинг руҳи ҳам шунга ўхшаб бошланғичда олами арвоҳда ниҳоясиз бир гўзал маънавият ичида эди, ғаддор ва хашук (ҳароми) дунёга келди дегунча, тиниқ сувдай шаффоф рухлар оламидан маҳрум бўлди ва сувсиз қолганидан қуриди - бу биринчидан, иккинчидан, найдан ошиқона ва орифона садолар чиқади. Ориф бўлиб етишган инсондан ҳам ошиқона ва орифона сўзларни эшитасиз”³.

Ушбу парчада рухий-маънавий олам билан моддий олам ғоятда гўзал топилмалар асосида ифодаланганлигига шоҳид бўламиз. Таҳлил ҳам моддий дунёнинг “ғаддор ва хашук (ҳароми)” тарзида сифатланганлигини инобатга олмасак, зукко шеършунос тарафидан маромига етказилган. Моддий дунёнинг яратувчиси Аллоҳ бўлганлиги сабабли бизнинг назаримизда, тасаввуф шоирлари уни бундай сифатларга уйғун кўрмайдилар. Шу ўринда Аҳмад Яссавий ижодидаги тупроқ тимсолини эшлаш кифоя. Мавлоно Румийнинг ижодидан юқорида келтирилган рубойидаги “Учмоққа қанотим йўқ, вале учгаймен” мисрасининг маъно қирраларини кашф этишда етарли далилларга эгамиз. Учмоқ учун қанот шарт эмас, инсонда ниҳоятсиз имкониятлар мавжуд бўлиб, шулардан бири тасаввур ва тахайюлдир. Мана шу тахайюл ижодкорларни самога чорлайди, руҳига қанот бахш этади ва рухий оламга кўтаради. Мутасаввиф шоирлар ижодининг тахайюл билан боғлиқлиги улар маънавий меъросида само ва самовий тимсолларнинг кенг ўрин эгаллашига сабаб бўлган. Бундан ташқари, мумтоз шеърятда фалакиёт билан алоқадор қарашлар ҳам бадий ифода этилганлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Исломи қарашлар ва замонасининг нужум илми ютуқларига таяниб, баъзи дostonларда оламнинг тузилишига доир махсус боб ажратилган. Жумладан, етти сайёра ва ўн икки бурж мисолида айни мавзуни бадий талқин этган Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” дostonида ўн икки буржни етти сайёрадан ажратиб кўрсатади ҳамда уларнинг айримлари жуфт-жуфт, айримлари эса тоқ эканлигини қайд этиб, уларнинг учтаси - баҳорги, учтаси - ёзги, учтаси

¹ Жалолиддин Румий. Учмоқда қанот йук, вале учгаймен. Жамол Камол таржимаси. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994, 29-бет.

² Ўша китоб. 3-бет.

³ Ўша китоб. 42-бет.

- кузги ва ниҳоят учтаси - қишки юлдузлар деб эътироф этади. Дунё тўрт унсурдан ташқил топгани сингари буларнинг ҳам учтаси - олов, учтаси - сув, учтаси - шамол ва учтаси - тупроқ эканлиги ҳақида бадиий мушоҳада юритади. Мутафаккир шоир ушбу қарашлар ботинида олам яккаю ягона Аллоҳ томонидан бунёд этилганлигига бўлган ишончини ўз даври самовот илми ютуқларига таяниб бадиий зеб беришга ҳаракат қилинганлигини илғаш қийин эмас.

Мумтоз ижодкорлар асарларида қўлланувчи “етти фалак”, “етти осмон” сингари бирикмаларнинг ғоявий асоси юқорида “Бақара” сурасидан кўчирилган ояти карималар сингари илоҳий жумлалар эканлигига қаноат ҳосил қилишимиз мумкин. Адабиётшунос С.Ҳасановнинг “Рақамларнинг рамзий жилвалари” номли мақоласида етти сонига алоҳида эътибор берилади. Унинг турли халқларда муқаддас рақам ҳисобланганлиги эътироф этилади. Олим мазкур рақамнинг муқаддаслашувида етти иқлим, етти сайёра, ойнинг тўрт етти кунликда янгиланиб туриши ва асосан ҳафта кунлари билан боғлиқ бўлган Күёш, Ой, Марс, Зуҳра, Аторуд, Муштарий, Зуҳал каби сайёралар сабаб бўлган деб қайд этади.¹ Фикримизча, санаб ўтилганлар қаторида осмоннинг етти қаватдан таркиб топганлиги ҳам етти сонига алоҳида аҳамият берилишига сабаб бўлган. Булардан ташқари, мумтоз шеърятда “тўққиз фалак”, “тўққиз сипеҳр” сингари бирикмалар ҳам учрайди. Худди шундай байтни Ҳазрат Навоий ғазалларида кузатиш мумкин:

***Илоҳо, амрингга маъмур етти торами аъло,
Не етти торами аъло, тўққиз сипеҳри муалло [2, 9.]***

Байтда Аллоҳнинг амрини нафақат етти осмон, балки тўққиз юксак осмон, яъни “сипеҳри муалло” бажарувчи эканлиги ўз ифодасини топган. Шоир “етти осмон” тушунчасини эътироф этган ҳолда “тўққиз сипеҳр”га эътиборни қаратади. Навоий “Ҳамса”си дostonларининг Меърож тунига бағишланган боблари, “Лисон ут-тайр” дostonининг биринчи ва айни мавзуга бағишланган боби, шунингдек, “Ҳилолия” қасидасида худди шундай ишоралар мавжуд. Нужум илми билан яқин алоқадорлик асосида вужудга келган “Ҳилолия” қасидасининг шарҳига бағишланган олимларнинг қуйидаги фикрлари Алишер Навоий эътироф этган “тўққиз фалак” тушунчаси моҳиятининг англашилишига сабабчи бўлиши билан аҳамиятли: “Воқеа ийди акбар - рамазон ҳайити тун содир бўлади. Шоир осмонни, тўққиз фалакни - Ой, Аторуд, Зуҳра, Күёш, Миррих, Муштарий, Зуҳал, фалаки савобит, фалак ул-афлокни сайр этади”² Биз етти сайёранинг етти осмондаги ўрни ҳақида тўхталган эдик. Келтирилган парчада ҳам уларнинг ўрни ўзгаришсиз қолган, “фалаки савобит” ва “фалак ул-афлок” тушунчалари эса изоҳ талаб этмоқда. “Фалаки савобит”, яъни турғуи фалак деганда, шоир буржларни назарда туттади. “Фарҳод ва Ширин” дostonидаги қуйидаги сатрлар фикримизни қувватлантиради:

***Кириб чун саккизинчи торам ичра,
Топиб ҳардам ўзин бир олам ичра [8, 22],***

Тасвир Пайғамбар (с.а.в.)нинг еттинчи фалакдан саккизинчи фалакка кўтарилишлари билан Ҳақ сари интилишларига бағишланган бўлиб, шу байтдан кейин 12 буржнинг бирмабир Аллоҳ расули билан рўбарў келиши ўз ифодасини топган. “Топиб ҳардам ўзин бир олам

¹ Ҳасанов С. Навоийнинг етти тўхфаси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989, 152-161-бетлар.

² Раниева С., Неъматов Ҳ. “Ҳилолия” қасидаси // Санъат, 1991, 11-сон, 8-бет.

ичра” сатри буржларнинг турли олам сифатида тасвир этилганини англатади. “Фалак ул-афлок” эса тўққизинчи фалак бўлиб, улуғ шоир Муҳаммад алайҳиссаломнинг фалаки савобитдан кейинги самога юксалишларини қуйидаги байтларда бадийлаштиради:

*Булардин чун бийик тортиб амори,
Савобит дурларин айлаб нисори.
Алардин юқорироқ чун қилиб майл,
Ўнуб йулин малойик юз туман хайл.
Қанот бирла йули гардин қилиб пок,
Бу елдин қолмайин ул йўлда хошок.
Бериб чун Аршқа зоти тафохўр,
Бўлуб Арш афсар, ул афсар уза дур.
Чу курси тўридин пирян топиб,
Бийик лавҳу қаламдек поя топиб [8, 23].*

Келтирилган парчадан англашиладики, Ҳазрат Пайғамбар булардан, яъни буржлардан амори (амори, – одам ташиш учун туя ёки филга ортилган кажава ҳисобланади, бу ерда Буроқ маъносида қўлланган) юксак тортиб, яъни кўтарилганида, савобит дурлари - юлдузлари унга нисор этилади. Улардан юқори кўтарилишга майл уйғонганда, юз минг тўда малойиклар Пайғамбар (с.а.в) йўлини ўпади. Ўша фаришталар қанотлари билан Пайғамбар (с.а.в) йўлларини чангдан тозалайдилар. Қанот силкишлари натижасида ҳосил бўлган елдан у йўлда хошок ҳам қолмайди. Гуё фахрланиш зотидан Аршга берилиб, бундан Арш тож, гуё ўшал тож узра дур бўлади. Арш осмоннинг энг юқориси бўлганлиги боис, унта афсарлик - тожлик аъмоли насиб қилмоқда. Келтирилган парчанинг сўнгги байтида тасвирланишича, гуё Ҳақ сари интилаётган Аллоҳ элчиси курси, яъни осмон тўридан безак топиб, катта тахтаю қаламдек мувозанат сақлаш учун оёқ топади. Демак, тўққизинчи фалак деганда, осмоннинг энг юқори қисми тушунилади. Меърож туни тасвирида тўққизинчи фалакка етиш билан ҳаракат тўхтаб қолмайди, юксакликка интилиш давом этади. Бу ҳақдаги Навоийнинг қуйидаги сатрлари эътиборга молик:

***Юқорроқ кўргўзуб чун рахши новард,
Чиқориб ломакон майдонидин гард [8, 23].***

Гуё чиройли от югуриб юқори кўтарилади ва маконсизлик - бўшлиқ майдонидан чанг чиқаради. Чанг чиқармоқ - ломакон майдонига ўтмоқдир. Демак, осмоннинг энг юксак еридан бўшлиқ оламига ўтилади. Бу – “маънавий олам”, яъни “ботиний олам” деб юритилади. Бунгача ўтилган тўққиз фалак эса “зоҳирий олам” деб аталади. Таниқли олим И.Ҳаққул эътироф этган “олами ғайб” эса бундан ҳам юксакликда. Тасаввуфий таълимотга кўра, зоҳирий ва ботиний олам ҳақида инсон маълум илмларга эга бўлиши мумкин, аммо ғайб оламининг сиру синоатларидан воқиф бўлолмайди. Алишер Навоий ғазалларининг бирида учраган “тўқуз сипехри муалло”ни айни шу байтда қўлланган “етти торами аъло” билан алоқадорлиги кўринади. Кузатишларимиз “етти фалак” тушунчасидан “тўққиз фалак” келиб чиққан, дейишга асос бўлади.

Борлиқдаги барча нарсалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Демак, олам маълум қонуният асосида вужудга келган. “Биз осмонлар ва ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсаларни фақат ҳақ қонун-қоида билан яратдик” [“Ҳижр” сураси, 85]. Оламнинг “ҳақ қонун билан” бунёд этилиши ундаги мукаммаликка сабаб бўлган. Самода улкан уммонлару

даштлар, тоғларни бағрига олган Еримиздан бир неча баробар катта бўлган сайёралар муаллақ туради ва Яратувчининг амри билан доимо ҳаракатда бўлади. Мазкур фикримизни “Ёсин” сурасининг 40-ояти билан тасдиқлай оламиз: “На Қуёш учун Ойга етиш мумкин бўлур ва на кеча кундуздан ўзгувчидир (Қуёш, Ой ва юлдузларнинг), барчалари фалакда сўзиб юрур”. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонидаги қуйидаги сатрлар қуръоний фикрларга уйғунлиги билан эътиборлидир:

*Баят оти бирла сўзуг бошладим,
Тўрутган ичидган ксчурган идим.
Тўрутти тилак-тек тузу аламиғ
Ярутти ажунқа кунуг ҳам айиғ.
Яратти, кўр, эвран тучи эврлур,
Анин бирла тазгинг ема тезгинур.¹*

(Мазмуни: Худо номи билан сўзни бошладим. Яратган, парваришлаган, кечирган эгамдир. Бутун оламни ўз истагича яратди. Оламда кун ҳам ойни ёритди. Фалакни яратди, кўр, доимо айланади. У билан бирга чарх ҳам айланади).

Ҳаракат - олам мавжудлигининг асоси. Қуёш, барча сайёралар ва бошқа осмон жисмлари маълум йўналиш асосида доимий ҳаракатда. Фазода муаллақ ҳолда кезиб юрувчи, саноғига етилмаган сайёраларнинг йўналишии белгиловчи ва уларни силкитиб турувчи бирор куч наҳотки мавжуд бўлмаса?! Бир шаҳардан иккинчи бир шаҳарга парвоз қилган самолётнинг ҳаракатини кузатувчи қанчадан-қанча мутахассислару асбоб-ускуналар мавжуд. Бундай сирли манзаралар “олам ҳеч қандай куч тарафидан яратилмаган”, - деган фикрни шубҳа остига олиб қўймайдими? “Қутадғу билиг” муаллифи эътироф этганидек, Худо бутун оламни ўз истагича яратди. “Осмонлар ва ердаги барча жонзод ва уларнинг соялари хоҳ истасинлар, хоҳ истамасинлар, эртаю кеч фақат Аллоҳгагина сажда қиладилар – бўйсунадилар”, - дейилади “Раъд” сурасининг 15-оятида.

Инсоннинг яшаши, тақдири, нафас олиши Тангрининг хоҳиш-истагига асосланганидек, оламнинг тинимсиз ҳаракати ҳам Яратувчининг амри ва унга итоат этилишининг исботидир. Ҳазрат Навоийнинг шарҳлашга ҳаракат қилганимиз “Илоҳо, амрингга маъмур етти торами аъло, Не етти торами аъло, тўкуз сипеҳри муалло” байти мазкур ояти каримадаги фикрларнинг шеърдаги ифодасидир. Шуларга кўра, хулоса қилиш мумкинки, олам тақдири ҳам Аллоҳга боғлиқлиги айни ҳақиқатдир.

Қуръони карим - нафақат инсонлар, балки бизга анча таниш бўлган яратилган билан бир қаторда фаришталар ва жинлар ҳақида ҳам маълумот берувчи муқаддас манба. Унинг “Ва-с-сафот” сурасида ваҳий қилинишича, энг яқин осмон юлдузлар билан зийнатланган бўлиб, у итоатсиз шайтон ва жинлардан тозалангандир.

Жинлар Аллоҳнинг “аскарлари” саналмиш фаришталарнинг сўзларини ҳаргиз эшита олмаслар ва уларни ҳайдаш учун ҳар томондан юлдузлар отилур. Аёнлашадими, етти қат қилиб яратилган осмон инсон тасаввурига сиғмас худуддир. Энг яқин осмонгина юлдузлар билан безатилган. Бу ҳақда Юсуф Хос Ҳожиб қуйидагиларни ёзган:

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент: “Фан”, 1971, 80- бет (Ёзишда кийинчилик бўлишини ҳисобга олиб, манбадагидек транскрипцияда бериш маъқул кўрилмади _Х.Э.)

*Яшил кўк яратти ўза юлдузи,
Қора тун торутти яруқ кундузи.
Бу кўкдаки юлдуз бир анча безак,
Бир анча қулавуз бир анча езак.¹*

Юсуф Хос Ҳожибнинг мазкур сатрларини Қ.Каримов замонавий тилимизга қуйидагича ифодалаган: “Яшил осмонни устида юлдузи билан яратди. Қора тунни, ёруғ кундузни яратди. Бу кўкдаги юлдузларнинг бир қанчаси безакдир. Бир қанчаси раҳнамо ва бир қанчаси йўлчидир” [81-бет].

Етти қат осмоннинг Аллоҳнинг амри билан ҳаракатланиши ва энг яқин юлдузлар билан зийнатланганлиги қуйидаги ояти каримада ҳам ўз ифодасини топган: “Бас икки кунда етти осмонни барпо қилди ва ҳар бир осмонга (унга буюрилган) иши - вазифасини ваҳий қилди (билдирди). Биз қуйи осмонни чироқлар - юлдузлар билан безадик ва (уни офат-балолардан) сақладик. Бу қудратли ва билгувчи зотнинг тақдир ўлчовидир” (“Фуссилат” сураси, 12). Адабиётшунос Ш.Ҳайитов Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари муқаддимавий бобларини шарҳларкан, шоир Аллоҳнинг исм ва сифатлари тавсифини келтирганини қайд этади. Аллоҳнинг исм ва сифатларидан “Азим”, “Қодир”, “Қаҳҳор”, “Жаббор”, “Холиқ”ни тавсифлашда, шунингдек, Муҳаммад Пайғамбар васфи билан боғлиқ Меърож туни тасвирида муаллиф илоҳий китобга таянган ҳолда гўзал бадий сифатлашлардан фойдаланган. Буларнинг Аллоҳ ва самовот, Аллоҳ расули ва самовот каби мавзуларни ўзида мужассамлаштиргани диққатни тортади. Олим томонидан бу жиҳатлар тўла илғанган ва батафсил тадқиқ этилган. Шулардан юқоридаги ояти карима билан боғлиқ Ҳақ сифатларидан “Азим” ва “Қодир” маъноларини ёритган парча ва унинг Ш.Ҳайитов томонидан қилинган шарҳини келтириш асосида Қуръони каримда ваҳий қилинган самовот билан боғлиқ фикрларнинг Алишер Навоий ижодида ўзининг ифодасини топганлигига яна бир карра гувоҳ бўламиз:

“Азамати борида сипеҳри даввор бор нилуфардин кам ва қудрати оллида, нужум собита ва сайёра ул нилуфар юзида бир неча шабнам” -... Худо қудратини улкан боғга, бепоен осмонни эса ана шу боғ саҳнидан бир гулга (“нилуфар”) ташбеҳ қилиш орқали Аллоҳнинг азаматини ёрқин тасаввурини яратади. Жумладан, иккинчи қисмида истиора янада равшан кўринади. Мовий фазо чироқлари - юлдузлар гул юзига қўнган мусаффо томчиларга қиёс қилинади. Осмон - нилуфар гули, само жисмлари ҳисобланган юлдузлар - шу гўзал зийнат (гул) юзини қоплаган шабнам қатралари... Навбатдаги жумлада ташбеҳ ҳосил қилган ҳодисалар мазмуни янада уйғунлаштирилади. Уларнинг ягона мабда, яъни яккаю ягона Маъбуднинг изни - иродаси билан яратилганлиги зикр қилинади: “Нилуфар юзига шабнам сочгувчи ҳам ул ва шабнам суйидин нилуфарзор, балки гулистони ирам очгувчи ҳам ул”.²

Самовий жисмлардан Қуёш ва Ой ҳақида ваҳий қилинган оятлар илоҳий китобда жуда кўп учрайди. “Ваш-ш-шамс”, “Қамар” каби уларнинг номлари билан аталувчи сураларнинг мавжудлиги бунинг далилидир. Сулаймон аллайҳиссалом даврида Сабаъ шаҳрида Билқис исмли аёл ҳукмронлик қилган бўлиб, унинг қавми Қуёшга сажда қилганликлари, уни Тангри деб билганликлари ҳақида “Намл” сурасида маълумот берилади ва шайтон улар қилган амалларни чиройли қилиб кўрсатиши, уларнинг Ҳақ йулидан тўсиб қўйиши тарзида баҳоланиб: “Бас, улар (то) Аллоҳга сажда қилмагунлирича (Ҳақ йўлга) ҳидоят топмаслар”, - дейилади. Муқаддас Қуръонда қайд этилишича, Билқис Қуёшга сиғинишнинг хурофот эканлигини англайди.

¹ Уша китоб. 80-бет.

² Ҳайитов Ш. “Маҳбуб ул-қулуб”да тасаввуфий жилолар. -Тошкент: “Фан”, 1996, 27-28-бетлар.

Илк ёзма бадий манбалардан Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонида шундан келиб чиқиб, қуёш ва ой тимсоллари рамзий образ даражасига кўтарилган. Бунда шоир дастлабки мифологик қарашларни асос қилиб олганлиги дoston қаҳрамонларининг Кунтуғди ва Ойтўлди дея номланишида яққол кўринади. Дастлабки ёзма манбалар бадий ижод оламида Қуёш ва Ойнинг муқаддаслаштирилганлиги, илоҳийлаштирилганлигини кўрсатади.

“Қутадғу билиг” достонидаги адолат тимсоли бўлган ҳукмдорни номлашда “Қуёш”, давлат тимсоли вазирни ифодалашда эса “Ой” асос қилиб олинади ва мифологик қарашларга янги маъно мужассамлаштирилади. Бу ҳодисани ассоциация (тасаввур, ҳис-туйғу, фикр ва шу кабиларнинг бир-бирини эслатадиган ўзаро боғланиши) деб номлаган таниқли фолклоршунос Ғ.Акрамов руҳшуносликка асосланиб, уни турли-туман ҳаракат, таассурот ё бўлмаса, ҳарфлар, сўзлар ва фикрлар ўртасида пайдо бўладиган боғланишлар деб билади ҳамда ассоциациянинг тор маънода мураккаб метафоралар шаклида намоён бўлиши, кенг маънода эса асосан тасаввурда мавжуд материалларнинг (миф воқелиги, эпос воқелиги, тарихий - конкрет шароит воқелиги ва бошқалар) муайян шароитга хизмат қилдириш - замонага боғлаш деб билади. Олимнинг фикрича, “Қутадғу билиг” турк миф рамзий модели ғоя ва образларини ассоциация қилиб, шу ҳодисага мурожаат этилган биринчи асардир. Ғ.Акрамов муаллиф услубини, мақсадини теран илғаган ҳолда қуйидагиларни ёзади: “Қадимий ҳомий худолар “Қутадғу билиг” даги бош қаҳрамонларда илгари сурилган маъно ва ғоя билан ғоявий-рамзий ассоциация уйғунлашади. Юсуф Хос Ҳожиб миф арсеналига ижодий ёндашиб, уни ўз даври ғоялари талқинига бўйсундиради. Ҳукмдор Кунтуғди илм-маърифат ҳомийси, одил; Ойтўлди унинг ҳузурига келади. Кун ва Ой ҳақидаги қадимги мифологик сюжет модели муаллиф талқини учун имконият очиб беради”.¹ Достонга мурожаат қиладиган бўлсак, Ойтўлди эликка давлат сифатини кўрсатиши, Кунтуғди элиг Ойтўлдига адл сифатини қандай эканини айтиши ҳақидаги бобларда худди шундай ҳодисани кузатиш мумкин. Бунда дoston муаллифининг асардаги рамзий образларни номлашдан кўзлаган мақсади, ўз ғоясини илгари суришда буларнинг қандай аҳамияти борлиги сезилади. Шу ўринда “Қуёш” атамасининг ўрнида дастлаб “кун”нинг қўлланганлигини далиллар асосида кўриб ўтиш жоиздир. “Алишер Навоий тилида қуёш тушунчасини англатган сўзлар” (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 1995, 4-сон, 43-45-бетлар) номли мақола муаллифи Ҳ.Низомхоновнинг фикрича, дастлаб “кун”, XI асрга келиб, “кун”га маънодош “қуёш”, XI-XII асрларда ҳар иккала сўзга маънодош “кунас”, XIV асрда шу сўзлар қаторида “шамс”, “кунеш”, Алишер Навоий асарларида эса туркий “кун”, “қуёш”, “гунаш”, “кунас”; форс- тожикча: “офтоб”, “хуршед”, “мехр”, “хур”; арабча: “шамс”, қуёш тутилиши маъносида “байзо” ва кўчма маънода “айн” қуёш маъноларида қўлланган. Бу жиҳатдан олиб қараганда, Юсуф Хос Ҳожиб ҳукмдорни “Кунтуғди” деб номлаши ғоятда ўринли. Бевосита дostonга мурожаат қилсак, бунинг нозик қирралари англашила боради:

*Элиг айди уқтум мунун эрдамин,
Бу Айтолди отин не-ул бу сенин.
Наку-ул мунун маънисина ай мена,
Билайн уқайин бутайин сена.²*

Кундуғди элиг Ойтўлдининг нуқсон ва фазилатларини англаганини сўзлаб, нега бу ном билан аталишини сўрайди. Билиб олиб, тушуниб, унга ишонч ҳосил қилишини айтади.

¹ Акрамов Ғ. Миф ва ёзма адабиёт муносабатларига доир (Туркий ёзма анъана ва мифология) // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 1996, 5-сон, 56-бет.

² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент: “Фан”, 1971, 161- бет.

Бундай савол-жавоб икки тарафлама бўлиб ўтгани дostonда ўз ифодасини топган. Кейинги бобда Ойтўлди ҳукмдорнинг номи нега “Кундуғди” эканлиги сабабини суриштиради. Бу савол-жавоб усули “қадимий ҳомий худолар”ни мавзу ва ғояга хизмат қилдириш учун қўл келади.

Қадимги кишилик илоҳийлаштирган самовий жисмлар илк турк мусулмон сулоласи - қорахонийлар замонасида янги маъноларни ифода этиши талаб қилинарди:

*Бу Айтўлди айди менин атими
Бўгу мензатур айқа қилқими.
Бу ай туғса алину эди аз туғар
Кунинга бедуюр юқару ақар.
Тўлун бўлса тўлса ажунда ярур
Ажун халқи андин яруқлук бўлур.
Тугел бўлса кўр ай бу ағса адиз
Яна эрму тўрғур кетар кўрк мениз.
Яруқлуқи экскур яна йўқ бўлур
Тугар кеча азин яна - ўқ тўлур.
Менин бу ўзим ма бу янглиг турур
Ара бар бўлур - мен ара йўқ бўлур.⁴¹*

Келтирилган иқтибосдан аёнлашадикки, доно киши унинг қилиқларини Ойга қиёслаганини, Ой дастлаб жуда кичкина бўлиб, самода кўриниши, кундан кунга тўлиши, юқорига кўтарилиши ва тўлин бўлиб оламни ёритиши, жаҳон халқи ундан рўшнолик кўриши, Ой тўлганидан сўнг яна емирилиши, камайиши, чиройи кетиши, унинг ёруғлиги камайиб, йўқолиб қолиши ҳамда яна қайта туғилган кечадан бошлаб, оз-оздан тўлиша боришини сўзлаган Ойтўлди ўзи ойсифат эканлигини айтиб, баъзан пайдо бўлиши, баъзан эса маҳв бўлишини сўзлайди. Қуёш эса бундай хусусиятларга эга эмас.

Дostonнинг кейинги сатрларида Кунтуғди тилидан унга бу номнинг берилишини изоҳлаган ижодкор Куннинг, яъни Қуёшнинг ҳеч камаймаслиги - қисқармаслиги, доимо бирдек ёруғлик бахш этиб туришини адолатга қиёслайди. Унинг¹ фикрича, адолат тўғрилиқ билан етилгани боис тўлиқ камаймайди. Иккинчидан, кун чиққанда, бу олам ёруғ бўлади. Унинг нурлари ер танламайди, ҳамма жойни бирдек ёритади. Адолат тимсоли бўлган Кунтуғди ҳам Қуёш мисоли йўқолмас, унинг сўзи ва муомаласи барча халқ учун бирдек. Муаллиф гўзал бадий топилма асосида одиллик билан Қуёшни бир-бирига муқояса этади. Учинчидан, Кун чиққанда, Ер исийди, унинг ҳароратидан турли-туман гуллар очилади. Айни чоғда Кунтуғди адолати етган эл гарчи қоя ёки тош бўлса-да, яшнайдди. Қуёш чиққанида яхши-ёмонни ажратмайди, барчага бирдек нур сочади, ўзи қисқармайди. Ҳукмдор Кунтуғди ҳам худди шундай хусусиятларга эгаки, ундан барча баҳраманд бўлади.² Шоирга Ой ва Қуёшнинг қайд этилган хусусиятлари қўл келади. Дoston муаллифи Кунтуғдини - ҳукмдор, Ойтўлдини - вазир сифатида тасвирлашида бир қатор сабаблар мавжуд. Бунинг учун унга юқорида тилга олганимиз қадимий оғзаки мифологик воқеалар тизими қўл келган. Иккинчидан, зардуштийлик, монийлик ва исломий адабиётлардаги Ойга нисбатан Қуёшга мурожаатнинг эътиқод даражасига кўтарилганлиги шоирни руҳлантирган. Ўз-ўзидан Қуёшнинг қайд этилган хусусиятларига халқнинг қарашлари замин ҳозирлаган ва

¹ Ўша китоб, 166-бет.

² Уша китоб, 178-бет.

шу асосда Қуёш Ойга нисбатан муқаддаслик касб этган, дейиш мумкин. Қуёшнинг мазкур хусусиятлари қуйидагича изоҳланади: “Маълум бўлишича, қадимда Қуёшни мўътабар деб билган кишилар уни барча бало қазолардан, бадкўз ва ёмон сўз (қарғиш)ларнинг таъсиридан ҳимоя қила оладиган қудратли куч тимсоли деб билишган. Шу боис ҳар бир хонадонда Қуёш тасвири ёки унинг рамзий аломатларидан бирининг чизгилари тушурилган кигиз, гилам ва сўзана каби нарсаларнинг бўлиши хосиятлилик белгиси ҳисобланган”¹

Шоир Ой ҳақида ҳам фикр юритганида: “Ажун андин яруқлуқ бўлур”, - дея қайд этади, аммо бунинг шарти бор. “Ажун”нинг “яру”ши учун Ойнинг “тўлун” бўлмоғи талаб этилади. Бадий асарларда кузатилгани сингари илмий манбаларда ҳам Қуёшни подшоҳга ўхшатиш учрайди. Чунончи, машҳур қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг “Қонуни Масъудий” (Тошкент, 1973) асарида шундай фикрлар мавжуд: “...бу иккиси (Меркурий ва Зухра)нинг юқорисида Қуёш туради, подшоҳ жойи мамлакат ўртасида бўлганидек, Қуёш тартибда планеталар ўртасида қўйилган.(!) Чунки ҳамма планеталарнинг аҳволи ва ҳаракатлари Қуёшга боғлиқ ва унинг ҳаракатлари билан ўлчанади” [43-бет]. Олим етти сайёранинг фазодаги ўрнига эътиборни қаратган ҳолда, тўртинчи фалак сайёраси Қуёшни буларнинг подшоҳига қиёслайди. Албатта, ушбу сайёралар орасида Ой ҳам мавжуд. Абу Райҳон Берунийнинг илмий қарашлари Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” дostonида ўзининг бадий ифодасини топган.² Ўз-ўзидан Кунтуғдининг бу хусусиятлари - ҳукмдор, Ойтўлдини эса - доно вазир сифатида талқин этилишига олиб келади. Ойтўлдининг давлат ва вазир рамзи эканлигини шоир қуйидаги сатрларда изоҳлашга давом этган:

*Неча юнғич ўзка юз урса ўзум
Бару кўрки артар кесар мен сўзум
Баюса бедуса ядилса жави
Кетар-мен аниндин тирилмиш нани
Сўзи-таг бўлур ядру қилқи яни³*

Юсуф Хос Ҳожиб Ойтўлди давлат рамзи эканлигини ифодалаш мақсадида унинг тилидан сўзлаб, Ойтўлди заифу нотавон кишиларга юзланса, уларнинг кўрки ошишини қатъий ишонч билан айтади. Улар улғайиб бойигач, шуҳрати - овозаси ёйилади. Ойтўлди эса уларни тарк этади, чунки Ой доимо тўлишиб турмаганидек, кишининг давлати ҳам баъзан кўпаяди, баъзан камаяди. Ойтўлди йўқсил кишиларга юзланганида, қанчалик тўлишиб, бойиб кетсалар, у уларни тарк этгач, яна асл ҳолларига қайтадилар. Келтирилган муҳояса жуда ўринли эканлигини таъкидлаган шоир панд-насихат тарзида унинг сўзи билимсизлар учун кўз эканлигини, кишига бахт келиши, шуҳрати ортиши, янги Ойдек ёруғлиги бўлиши, давлатнинг бевафо-ю гумроҳлиги, унга кўнгил боғламаслик кераклиги, давлат тўлин Ой бўлса-да, яна емирилишини теран мушоҳада асосида бадий тасвирлайди.

Кейинги сатрларда Ойтўлди номидан “тағин бир маънони сенга айтайин” деб сўзини давом этгирган муаллиф Ойнинг фазодаги ҳаракат йўналишига эътиборни қаратади ва ўша ҳаракат билан давлатнинг ўзаро уйғун жиҳатларини топиб, муштараклик асосида таъсирчанликни оширади ҳамда ўз ғоясини илгари суришга хизмат қилдиради. Энди дастлабки мифологик воқеалар тизимига янги қарашлар илми нужум асослаб берган истилоҳлар воситасида киритилади. Биз буларни буржларнинг иштирокида кўришимиз мумкин.

¹ Жураев М. Узбекхалксамовий афсоналари. -Тошкент: «Фан», 1995, 7-бет.

² Қаранг: Махмудов К- Абу Райҳон Берунийнинг буржлар Хақидаги таълимотининг “Қутадғу билиг” да акс этиши // Адабий мерос. 1991, 2(56)-сон, 35-38-бетлар.

³ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент: Фан, 1971, 166-бет.

Қуёш ва Ойнинг вақт ўлчови эканлиги Қуръони каримда эътироф этилган. Инсон Ойнинг турли шаклларга киришига қизиқиш билан қараган ҳамда унинг сирини билишга интилган. “Бақара” сурасининг 189-оятда Муҳаммад алайҳиссаломга қарата: “Айтинг, у (Ойлар) одамлар ва ҳаж учун вақт ўлчовидир”, – дейилади, шунингдек, “Ёсин” сураси-да: “Биз Ойни ҳам токи у эски (хурмо) буюғи каби бўлиб (*эгилиб* ҳилол ҳолига келиб) қолгунича бир неча манзилга белгилаб - тайинлаб қўйгандирмиз”-дея қайд этилади.

Юсуф Хос Ҳожиб бу фикрлардан замонасининг нужум илми ютуқлари асосида фойдаланади. Ижодкор Ойнинг буржи Саратон эканлигини, у доимо айланиб туриши, унинг уйи - манзили бир жойда собит бўлмаганлиги сабабли Ой ҳам фазода кезиб юришига диққатни қаратади. Ой қайси буржга кирмасин, ўша буржни тезда тарк этади. Шоир давлатга шундай хусусиятлар мавжудлиги сабабли унинг ҳам Ой сингари муҳим манзили йўқлигини айтиб ўтиб, шу боис донишманд унга “Ойтўлди” номини берганлигини қайд этади. Ижодкор ўша услубига содиқ қолиб Кунтуғди ҳақидаги фикрларни баён этаркан, Қуёшнинг фазодаги ҳаракати Ойникидан фарқли эканлигига эътиборни қаратади:

*Яна ма бу кун буржи сабит турур
Бу сабит тадукум туби берк бўлур.
Бу кун буржи Арслан бу бурж тебранмас.
Эви тебранмаса учун артамас
Менин қилқими кўр бир янин
Ўзум текшурулмас яруқта унин.¹*

Яна дoston қаҳрамонлари тилидан уларга берилган номни изоҳлаган шоир Қуёшнинг буржи собит - ўзгармаслигини, унинг буржи Арслон эканлигини, бу бурж тебранмаслиги, уйи - манзили тебранмаганлиги боис ўзи ҳам камаймаслигини қаламга олади. Муаллиф Қуёшнинг доимий ёруғлик манбаи эканлиги ҳамда ўзгармаслигига алоҳида аҳамият беради. Нозик ташбеҳларга таянган ижодкор одил ҳукмдорда адолат туйғусининг Қуёшдагидек устувор бўлишини орзу қилади. Кўринадики, адолатли ҳукмдор ғояси Юсуф Хос Ҳожиб дostonида ўзига хос рамзий образлар, теран мушоҳадалар асосида ўз ифодасини топади ва шоир танлаган самовий жисмлар тимсоллари рамзий моҳият касб этиб, ижодкор бадий салоҳиятини асрларга кўз-кўз қилишга хизмат қилиб келмоқда.

Қуръони каримда самовотнинг алоҳида аҳамиятга молик сайёраси ҳисобланган Ой ҳақида юқорида кўриб ўтилгани сингари кўплаб ибратли илоҳий жумлаларни ўқишимиз мумкин. Жумладан, “Қамар” сурасининг қатор ояти карималарида ифодаланган ғоялар бир қанча бадий жиҳатдан баркамол назм намуналарига манба вазифасини ўтаган. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” дostonидан олинган қуйидаги байтлар фикримиз далилидир:

*Дема илиқ, тиғеки бир бармоғи,
Ойни икки бўлди ишорат чоғи.
Тонг эмас ар ул кофи муъжизнамой,
Қилғоч ишорат ики айрилса Ой [7, 42].*

Улуғ мутафаккир Муҳаммад алайҳиссаломнинг қўли эмас, бир бармоғининг учи ишорат чоғида Ойни иккига бўлганлигига ўқувчи эътиборини тортади. Шунингдек, шоир бу муъжизага шеърхон ишончини янада ошириш ниятида “ул кафи муъжизнамой” ишорат қилгач, Ой иккига ажралса ажабланмаслик кераклигини бадиияти баркамол мисраларда

¹ Ўша китоб, 178-бет.

таъкидлайди. Қуръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимасида мутаржим А. Мансур томонидан изоҳ сифатида айни воқеа билан боғлиқ ривоят келтирилади. Унда ҳикоя қилинишича, Макка кофирлари Муҳаммад алайҳиссалом ҳақиқий пайғамбар бўлса, мўъжиза кўрсатиши керак деб, Ойни иккига бўлишини талаб этадилар. Агар у зот бу ишни бажарса, иймон келтиришларини билдирадилар. Ўша кеч Ой тўлган эди. Шундан сўнг Ҳазрат Пайғамбар Парвардигорга ёлвориб, фазлу марҳаматини дариф тутмаслигини илтижо қиладилар. Аллоҳ расулининг истаклари ижобат бўлиб, баногоҳ тўлин Ой қоқ ўртасидан иккига ажралади. Ярми Сафо тоғи устида, ярми эса унинг қаршисидаги Қайқаон тоғи узра пайдо бўлади. Бу мўъжизанинг гувоҳи бўлган мушриклар: “Муҳаммад бизни сеҳрлаб қўйди, аммо у ҳамма одамларни сеҳрлай олмайди, бу ерда бўлмаган кишилардан сўраймиз”, - дейдилар. Худди шу пайт Маккага кириб келаётган карвон аҳлидан мушриклар ушбу воқеа тафсилотларини сўраганларида, улар ҳам йўлда Ойнинг иккига бўлинганига гувоҳ бўлганликларини айтадилар. Аммо нодонлар отаси - Абу Жаҳл лақабли мушрик бошлиқ кофирлар: “Бу ҳар доимги сеҳрлардан бири”, - деган гапдан нарига ўтмайдилар. Шунинг натижаси ўлароқ қўйидаги ояти карималар ваҳий қилинади: “(Қиёмат) соати яқинлашиб қолди ва Ой ҳам бўлинди. Агар улар (қурайш кофирлари Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақ пайғамбар эканликларига далолат қиладиган) бирор оят-мўъжиза кўрсалар (ҳам у пайғамбарга иймон келтириш ўрнига) юз ўгирурлар ва “(Бу) ҳар доимги сеҳр-ку?” дерлар”. Ҳазрат Навоийдан келтирилган иқтибосда ана шу воқеага талмеҳ санъати воситасида ишора қилинган. Шоир бу мўъжизани эслаш орқали Пайғамбар (с.а.в.)ни васф қилади ҳамда у кишининг қўли эмас, бир бармоғигина бу мўъжизани кўрсатди. У зотнинг қўли янада улкан мўъжизаларни кўрсатиш фазилатларига эга, демоқчи бўлади. Бунга гумон қилмаслик кераклигига чақиради.

Аллоҳ барча нарсани билгувчи, аввал ҳам, охир ҳам, ботин ҳам, зоҳир ҳам Унинг Ўзидир. Ундан бошда яратилганнинг ибтидоси бўлгани сингари интиҳоси ҳам мавжуддир. Ҳар томонлама мукамал яратилган оламнинг йўқликка юз тутиш вақти - қиёмат куни ҳисобланади. Бу куннинг яқинлиги ва муҳаққақ келиши ҳақида Қуръони каримнинг бир неча сураларида ояти карималар мавжуд: “Бас, қачон юлдузлар (нурлари суниб) ўчирилгач; Ва қачон осмон (қобиғи) ёрилиб очилгач; Ва қачон тоғлар (қушлар каби) сочилгач; Ва қачон пайғамбарларга (уларни ёлғончи қилган қавмлари билан ҳисоб-китоб қилишлари учун) белгиланган вақт келгач (ана ўша вақтда ваъда қилинган) қиёмат қойим бўлур” [“Вал-мурсалот” сураси, 8-11]. Кўринадики, йўқликка юз тутиш даврида само ўз вазифасини бажаришдан четлаштирилади, юлдузлар нурсизлашади ва сўнади. Энг яқин юлдуз саналган Қуёшнинг ёруғлик таратиши натижасида ҳажмининг кичрайиб бориши ҳақида фикрлар билдирилган. Илгари ёруғ юлдуз бўлиб, кейинчалик суниб қолган осмон жисмлари ҳақида ҳам фанда маълумотлар бор. Демак, мумтоз адабиётдаги дунёнинг фоний - ўткинчи эканлиги тўғрисидаги фикрлар ҳақиқатга яқинлиги яна бир карра аён бўлади. Биз юқорида эътироф этганимиздек, йиллар давомида онгимизга сингдирилган қарашларга кўра моддий дунёнинг абадийлиги тўғри эмас. Бундай бир ёқлама қарашларни жуда катта тарихни ўз ичига олган мумтоз адабиёт инкор этади.

Исломиий таълимот асосида ривож топган ўзбек мумтоз адабиётида осмоннинг етти қаватдан ташкил топганлиги ва бошқа само билан алоқадор Қуръони каримда эътироф этилган қарашлар, шубҳасиз, ўз инъикосини топган. Мусулмон дунёсида барча эзгу ишлар, жумладан, насру назмда яратиладиган йирик ҳажмли бадий асарларни «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» илоҳий жумласи билан бошлаш қутлуғ анъана эканлиги фикримизни тасдиқлаши мумкин. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонининг Аллоҳга ҳамду санолар ўқиш билан бошланиши ва Қуръони карим унинг асосий манбаи эканлиги,

шунингдек, биз юқорида таҳлил жараёнига тортган айрим парчалар, умуман, мумтоз адабиёт маҳсули саналган йирик ҳажмли шеърӣ асарларда, девонларнинг дебочаларида, насрий асарларнинг муқаддималарида шу анъанага риоя қилинганлиги фикримизнинг далилидир.

Адабиётшунослардан Н. Комиловнинг “Тасаввуф”, Р.Воҳидовнинг “Навоий ва илоҳиёт”, И.Ҳаққулнинг “Тасаввуф ва шеърӣят”, Ҳ.Кароматовнинг “Қуръон ва ўзбек адабиёти”, С.Олимовнинг “Нақшбанд ва Навоий”, Ш.Ҳайитовнинг “Маҳбуб ул-қулуб”да тасаввуфий жилолар” каби тадқиқотлари мумтоз адабиётимизнинг бевосита ислом мафқураси асосида ривож топганлигини тасдиқлайди. Аллоҳнинг илоҳий китобида само ва унга бўлган муносабатни ўрганиб, уларни бадий асарларда қандай маъноларда қўлланганлигини илмий тадқиқ этиш мумтоз адабиётда илгари сурилган ғояларни тўғри англашга хизмат қилади.

СИПЕҲРИЙ ҲУСН ИЧИНДА МОҲ СЕН-СЕН...

XIV-XV асрлар ўзбек мумтоз шеърӣятида борлиқдаги нарса-ҳодисаларни, маъшуқа ва унинг узвларини самовий тимсоллардан қуёш ва ойга ташбеҳ қилиш, ташхис, тазод санъатларини қўллаш билан ташбеҳ қилинганлар воситасида таъсирчанликни ошириш, мазкур икки тимсолни истиора асосида маъшуқа маъносида қўллаш кўп учрайди. Алишер Навоийгача туркий тилда ижод қилган Хоразмий, Лутфий ва Атоий каби сўз санъаткорларининг ижодида бу ҳолат яққол намоён бўлади. Бунда кўпинча қуёш, ой тимсолларининг муқаддаслиги ва шунга ўхшаш муҳим фазилатлари асос бўлиб хизмат қилади. Атоийнинг қуйидаги байтида маъшуқа ойга нисбат берилади:

*Сипеҳрий ҳусн ичинда моҳ сен-сен,
Замона хўблариға шоҳ сен-сен.¹*

“Сипеҳрий ҳусн” - гўзаллик осмони бирикмаси шеърхон эътиборини қоп-қора тунда кумушдек милтилаб турувчи юлдузлар ва улар бағридаги заррин нурлари оғушида кўзларни қамаштириб турган ойга жалб этади. Тунда ойнинг бошқа само жисмларига қараганда ёрқинроқ намоён бўлиши шоирга ҳуснда моҳ янглиғ танҳо бўлган маъшуқасини эслатади. Мана шу табиий гўзалликдаги ойнинг яктолиги ижодкорга севиклисини беназир гўзаллик соҳиби сифатида тасвирлаш билан бир қаторда байтда ижтимоий руҳ бериш имконини ҳосил қилади. “Замона хўбларига шоҳ”ликда ҳам ўша бошқалардан ажралиб туриш, айрим фазилатларни намоён қилиш хусусияти устуворлиги сезилади. Мумтоз назмда бундай ташбеҳга нисбатан қуёш ва ой тимсолларининг маъшуқа юзига муяққад ҳолатида тўғридан-тўғри нисбат берилиши кўп учрайди ҳамда бу услуб бадий буёқдорликни кўпроқ намоён этиши билан ўқувчи сезимларига янада кучлироқ таъсир кўрсатади:

*Аё, буйи санувбар, чеҳраси ой
Қуёш янглиғ жамолинг оламорой.²*

“Муҳаббатнома”нинг Муҳаммадхўжабек мадҳига бағишланган бобида Хоразмий ҳукмдорга тилак тиларкан, унинг давлатини қуёшдек порлоқ бўлишини истади. Бунда

¹ Навоийнинг нигоҳи тушган... – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986, 239-бет.

² Ўша китоб. 56-бет.

“давлат” деганда олтин, кумуш сингари моддий бойликлар назарда тутилади:

*Қуёштек давлатинг тобанда бўлсун
Эшигингда ети кўк банда бўлсун.¹*

Байтдаги ўхшатишмиш (давлат) билан ўхшатишган (қуёш) нинг ўзаро мутаносиблиги уларнинг порлоқлигидадир. Шу билан бирга ижодкор қуёшнинг қиёматгача зиё сочиб туришига ҳам ишора қилади ва кейинги мисрадаги “ети кўк” бирикмасини қўллашда шоирга қуёшнинг беминнат хизмат қилганлиги яққол кўзга ташланади. Хоразмий давлатни қуёшга қйёслаш билан унинг кўп бўлиши, битмас-туганмаслигини муболағавий йўсинда ифодалайди ҳамда Муҳаммадхўжабек давлати дунёда ягона бўлишини кўрсатиш мақсадида қуёш воситасида “ети кўк” бирикмасини маҳорат билан қўллайди. Умуман олганда, “Муҳаббатнома”да ижодкорнинг қуёш ва ой тимсолларидан фойдаланишда чуқур мулоҳаза асосида масалага ёндашганлиги сезилиб туради. Чунончи:

*Пари рухсораларнинг кўркабойи
Юзунг - наврўз-у, қошинг - байрам ойи².*

Маъшуқа - пари рухсораларнинг энг кўрклиси. Юзи - наврўз. Нарвўзнинг луғавий маъноси “янги кун”. “Кун” туркий тилда қуёшнинг маънодоши ҳисобланади. Демак, ёрнинг юзи қуёш, унинг қоши эса - байрам ойи. Байрам ойи деганда рамазон ҳайити назарда тутилади. Шу муборак кун ва шу куни самода янги ой - ҳилолнинг кўринишини назарда тутган улуғ мутафаккир Алишер Навоий 1464 йил 14 апрель (ҳижрий 873 йил 1 шаввол) рамазон ҳайити куни Султон Ҳусайн Бойқаронинг таҳният (шоҳни муборакбод этиш) маросими муносабати билан ёзилган машҳур қасидасини “Ҳилолия” деб номлаши фикримизни қувватлантиради. Хоразмий ҳар иккала самовий жисмнинг осмонда намоён бўлиши ибтидосидаги гўзалликни маъшуқа сиймосига қиёслайди. Шундай қилиб, қуёшдек нур ёғдириб ҳарорати сезилиб турган, бетакрор чиройи билан масрур, ҳилол янглиғ гўзал қошли, ҳуснда якто севикли образи шеърхон кўз ўнгида гавдаланади. Байтда халқимиз асрлар давомида эъзозлаб келаётган Наврўз байрами ва Рамазон ҳайитига ишора қилиниши шоир наздидаги ёр образини янада муқаддаслаштиради. Бу ўзига хос бадийий услуби билан “Муҳаббатнома” муаллифи нозик ишоралар асосида сўз таъсирчалигини оширишга муваффақ бўлган, дейиш мумкин.

Хоразмий ижодида қуёш ва ойнинг турли ҳолатдаги кўринишларидан чиройли манзаралар яратиш, гўзал, оҳори тўкилмаган (оригинал) ўхшатишлар вужудга келтириш ва шу асосда сўзнинг сеҳрли кучини сездириш бўрттиб кўринади. Қуйидаги байтда шоир анъанавий ташбеҳга мурожаат этиб, уни янгича жило билан сайқаллаштирганлиги диққатни тортади:

*Тишинг, лаълинг гуҳар жон дуржи ичра,
Юзунг, қошинг - Қуёш Ой буржи ичра³*

Маъшуқанинг оппоқ тишлари, қип-қизил лаби жон дуржи (сандиғи) ичидаги гавҳар, юзи ва қоши эса Ой буржига кирган Қуёшга қиёсланган. Гавҳар ёки гуҳар инжу, дур, ёқут, олмос каби қимматбаҳо тошларнинг умумий номи. Бундай ноёб жавоҳирлар кичик сандиқчалар ичида асраб келинади. Севикли ёрнинг ана шундай гавҳарларни хотирга

¹ Ўша китоб. 46-бет.

² Ўша китоб. 57-бет.

³ Ўша китоб, 57-бет.

келтирувчи тишлари ва лаби эса жон сандиғи бўлган унинг кўркам вужуди ичида муҳофаза қилинади. Шунингдек, гавҳарнинг туб, асос сингари мажозий маъноларидан маъшуқанинг бадиий тасвири келтирилган узвларида ҳам жон бахш этиш хусусияти мавжудлиги аёнлашади. Хоразмий байтнинг иккинчи сатрида маҳбубанинг юзи ва қошини анъанавий қиёсга суяниб, шунчаки қуёш ва ҳилолга нисбат бериш билан кифояланмайди. Қуёшнинг самодаги ҳаракати, турли буржларга кириши, жумладан, унинг Ой буржидаги ҳолати шоирга маъшуқа сиймоси тасвири учун жўшқин илҳом бахш этади. Ой аслида бурж ҳисобланмайди. Буржлар - юлдуз туркумлари дир. Биз бу ҳақда кейинги бобда алоҳида тўхталамиз. Бироқ бадиий тасвир шоир тахайюлининг самарасидир. Ижодкор ўй-хаёлида Ой бурж тарзида намоён бўлиши мумкин. Ана шу тахайюл асосида Ой деганда Ҳилол назарда тугилади. У самода айнан қош шаклида турибди. Ўша буржга кириб келган Қуёш эса - маъшуқанинг порлоқ юзи. Қўлланилган қиёслар воситасида маъшуқа сиймоси ниҳоятда муқаддаслаштирилганлигини сезиш мумкин. Шунини алоҳида эътироф этмоқ ўринлики, мумтоз шеъриятда шеър қаҳрамони учун маъшуқа оламдаги барча жонли ва жонсизлардан муқаддас саналади. Баъзи ўринларда ана шу муқаддасликни янада ошириб, бўрттириб кўрсатиш мақсадида борлиқдаги ёруғлик манбаи, эзгулик тимсоллари бўлган қуёш, ой ва уларга хос бўлган фазилатлардан маъшуқа устун қўйилади. Бу ҳолат турли хил кўринишларда ўз ифодасини топади:

*Юзунг нури қуёшнинг нури ўртар,
Соқоқинг шуъласи оламни ўртар¹.*

Юсуф Хос Ҳожиб қуёшни адолат тимсоли сифатида тасвирлашига асосий сабаб унинг бутун борлиқни бирдек ёритиши, олам аҳли унинг нуридан баҳраманд бўлиши эди. Хоразмийнинг юқоридаги байтида тасвирланишича, маъшуқа юзининг нури хуршид шуъласидан бир неча баробар порлоқ ҳамда ҳароратли. Порлоқ юздан таралаётган нур қуёшнинг нурларини куйдирса, ёр бағбағасининг шуъласи оламни куйдиради. Биз бундай мисолни ой тимсоли воситасида ҳам келтиришимиз мумкин:

*Саломимни текур ул кўркабойга
Ким, урур чехраси минг таъна ойга².*

Кўркабой - гўзалликка тенгсиз маъшуқа. У шу қадар гўзалки, бу ёруғ оламда унинг қиёси йўқ. Шу боис ёр чехраси ойга қиёсланади. Ойга таъна қилинишига асос бу осмон ёритқичининг ҳам ҳуснга бойлигидир. У тунда фазо маликаси сингари товланиб туради. Маъшуқа эса чиройлиликда уни назарга илмайди. Бундай мисолларни Лутфий шеъриятида ҳам кўп учратишимиз мумкин:

*Тун кеча ўн турт тунги ойни кўрмиш юзунг,
Ушбу кун ойнинг жамоли ичра нуқсон кўрнадур³.*

Мазкур байтни хусни таълил санъатининг ёркин намунаси дейиш мумкин. “Ўн турт тунги ой” бирикмасида ойнинг тўлишиб бораётганлиги назарда тугилади. Бундай ҳолатда унинг юзидаги доғлари яққол кўзга кўрина бошлайди. Шоир ана шу табиий манзарадан ижодий фойдаланиб, гуё ой маъшуқа жамолини кўргани учун унинг юзига доғлар пайдо

¹ Ўша китоб, 56-бет.

² Ўша китоб, 56-бет.

³ Лутфий.. Девон. Гул ва Наврўз. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1965, 91-бет.

бўлганини бадий ифода этади. Худди шундай ҳолат билан боғлиқ Мавлоно Лутфийнинг бошқа бир байти ҳам эътиборга лойиқ:

*Хусн давридур ғанимат, эмди қўй юзума-юз,
Ой нечаким бўлса комил, юз урар нуқсон сори¹.*

Ойнинг тўлишиб, мукаммаллашиб боргани сари юзидаги “нуқсон”лари кўзга ташланиб қолади. Худди шундай хусн даври ёшлик ҳам ғанимат, ўткинчи. Шу сабаб шеър қахрамони маъшуқага қарата “қўй юзума юз” дея мурожаат қилади, чунки ошиқ доимо висолга интилади. Шоир байтда ифодалаган ғояни ўқувчига тўлиқ етказиш учун ойнинг хусусиятидан маҳорат билан фойдалана олган. Атойининг қўйидаги байтида маъшуқанинг соҳибжамол, тенгсиз назокату нафосат соҳиби эканлигини эътироф этиш мақсадида иккала тимсолдан фойдаланганлиги айрича кўриниш сифатида кўзга ташланади:

*Мен нечук ташбеҳ тай ул юзни ою кунгаким,
Нисбати йўқдур тажаллий юзининг кўзгу била².*

Байтда қўлланган “тажаллий юзи” бирикмаси тасаввуфий моҳият касб этиб, ундаги маъно ришталари кўпроқ илоҳий ишқ билан боғланганлигига ишора қилади. Зеро, мутасаввифлар фикрича, бутун олам Ҳаққи мутлақ тажаллийси (жилваланиши)нинг ҳосиласи бўлган кўзгудир. Бироқ Аллоҳ тенгсиз гўзаллигининг шоир назмидаги ифодаси бўлмиш “тажаллий юзи”ни борлиқдаги турли ашё ва ҳодисалар - кўзгу билан муқояса қилиб бўлмайди, чунки улар азалий ва абадий қудрат Соҳибининг бутундан ажралган сифатларидан зоҳир бўлган муваққат, ўткинчи кўринишларгина, холос. Айни мантиққа таянган ижодкор байтнинг дастлабки мисрасида Аллоҳнинг қиёссиз кўрки маъносида қўлланган “ул юз”ни хусну тароватда самовий жисмлар ичра якто бўлган ою кунга ҳам ўхшатиб бўлмаслигини эътироф этади. Маъшуқа тимсолини юқоридаги йусинда ифодалаш майли “Малик ул-калом” Мавлоно Лутфийнинг қўйидаги байтида ҳам кузатилади:

*Ой қўтонлаб ажз учун бўлди ҳисори тун кеча
Тутти ҳуснунгга мусаллам дунининг моҳиятин³.*

Улуғ шоир самовий ҳодисаларга ниҳоятда синчковлик билан назар ташлаб, уларга мурожаат асосида шеърхонга завқу шавқ бағишловчи бадий лавҳалар ижод этади. Юқоридаги байт худди шундай назмий яратмаларнинг ноёб намунасидир. Унда ойнинг қўтонлаши - ўтов тикиши, яъни атрофида заррин ҳалқаларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ табиий ҳодисага таянилади. Ой қўтонласа, бироз хиралашади. Ижодкор ой ва унинг теграсидаги заррин ҳалқаларни “тун ҳисори” - қоронғулик бағрида қолган қалъага қиёслайди. Ойнинг “тун ҳисори”га айланиб қолишининг боиси унинг заифлашиб қолгани учун бутун самони нурлари билан чароғбон қилолмагани, хийла тийралашганидир. Ой ожиз ва бечораҳол бўлганидан севикли ёр хуснининг гўзаллигига дунё моҳиятидан (аслидан) мусаллам тутуди - маъшуқанинг қиёссиз жамолига тан беради. Кўринадики, ижодкор хаёлидаги лавҳани бадийлаштиришда жонлантириш тасвирий воситасига мурожаат қилиниши ўзига хос жозибанинг ҳосил бўлишига сабабчи бўлган.

¹ Ўша китоб, 265-бет.

² Навоийнинг нигоҳи тушган... - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986, 219-бет.

³ Лутфий. Девон. Гул ва Наврўз. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1965, 187-бет.

Само ёритқичлари илҳом манбаи саналиб, уларнинг фазодаги ўрни ҳам ижод аҳли учун шеърхон туйғуларини жунбушга келтирувчи омилга айланган. Бунда шоир кўпинча ташхис, ҳусни таълил сингари тасвирий воситаларга мурожаат қилиб, маъшуқа таърифига урғу беришади. Бошдан охир беназир гўзаллик соҳиби бўлган севикли таъриф-у тавсифига бағишланган ғазаллардаги қуёш ва ой тимсоллари иштирок этган байтларда ёр гўзаллигининг тавсифи энг юқори нуқтага кўтарилади. Айнан ана шу икки тимсол қўлланган байтлардаги ғазал оҳангдорлиги ҳам юқори пардаларда бўлганлигини сезиш мумкин. Лутфий ғазалларидан бирининг қуйида келтирилган дастлабки тўрт байти ҳам худди шундай хусусиятга эга:

*Ҳақ ул кунким жамолинг бор этибтур,
Жаҳон хуснин борин сизга берибтур.
Парию одами мундоқ хуб эрмас,
Фаришта гуйиё кўктин энибтур.
Қуёш ойдек юзунгнинг хижлатидин,
Қочиб тўртунчи кўк узра чиқибтур,
Юзунг ногоҳ кўриб ойтек соғиндим,
Магар хушу хирад мендин кетубтур¹.*

Келтирилган парчанинг биринчи, иккинчи байтларида кузатиладиган рангинлик кейинги мисраларда янада такомилга етказилади. Бунда маъшуқа юзи ойга ташбеҳ қилиниб, қуёшга инсонга хос хусусиятлар ташхис санъати воситасида кўчирилади. Байтда тасвирланишича, Қуёш ёрнинг ойдек жамолидан хижолат чекади ва қочиб тўртинчи кўкузра чиқади. Қуёш тўртинчи фалак сайёраси эканлиги ҳақида биз нужум илми маълумотлари, Юсуф Хос Ҳожиб ва Алишер Навоий асарларидаги ишораларга таянган ҳолда айрим мулоҳазаларимизни баён қилган эдик. Кўринадики, Қуръони каримда эътироф этилган етти қат осмон тушунчаси кўпчилик мумтоз адабиёт намояндаларининг ижодида учрайди Жумладан, Лутфий ҳам уни эътироф этмоқда. Фақат бу таъкидга янги маъно юклатилган. Зеро, шеърятнинг вазифаси сайёраларнинг фазодаги ўрнини англатиш, аниқ илмий маълумотлар бериш бўлмай, балки фанга таянган ҳолда гўзал бадий манзаралар яратиш, фалсафий, ахлоқий, маънавий қарашларни ифодалаш ва ҳоказолардан иборат. Шунга кўра шоир Қуёш ёрнинг жамолидан хижолат чекиб, тўртинчи кўк узра чиққан деб хусни таълил санъатини қўллайди. Бунга, албатта, олдинги байтдаги “Фаришта гуйиё кўктин энибтур” мисраси ҳам восита бўлиб хизмат қилади. Фариштанинг кўкдан тушиши билан Қуёшнинг тўртинчи фалакка чиқиши орасида қарама-қаршилик бор. Қуёш ва фаришта ҳаракат йўналишини қаршилантириш асосида яна илгариги мақсад қуёшдан-да гўзал маъшуқа васф этилади.

Мазкур парчада фаришта маъшуқага ташбеҳ қилинганлиги боис унинг чиройидан хижолатланган Қуёш фариштадан ўзини олиб қочади. Тўртинчи байтда лирик қаҳрамон маъшуқа юзини кўриб, ёрни Ойдек соғиниши ва аклу хушидан жудо бўлиши ўз ифодасини топган. Икки байтда ой икки нарсага қиёсланади. Биринчиси - маъшуқа юзи, иккинчиси - соғиниш. Бу ҳам шоир ижодий салоҳияти юксаклигининг белгисидир. Ижодкор маҳорат билан аввал ойни тенгсиз гўзаллик соҳиби бўлган ёр юзига қиёсласа, кейинги байтда ойнинг ёлғизлиги, самодаги кўринишидан гуё изтироб чекаётганлигини тахайюл орқали бир-бирига қарама-қарши ҳолатларга ташбеҳ қила олади. Бу эса мазкур тимсол шеърятда

¹ Ўша китоб, 72-бет.

хилма-хил ҳолатларни ифодалаш учун мумтоз ижодкорларга асосий “қурол” бўлиб хизмат қилганлигини кўрсатади.

Қуёш ва Ой самодаги қиёссиз осмон ёритқичи бўлганлиги боис мифологияда Осмонни-ота, Ерни-она деб тушунилгани сингари уларни ҳам ота-онага ўхшатилишини эътироф этган адабиётшунос Н.Маллаев, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги: “Бошни фидо айла ато қошига, Жисми қил садқа ано бошиға. Тун-кунингга айлагали нур фош, Бирисин ой англа, бирисин қуёш” сатрларини келтириб, фикрини асослайди.¹ Бизнингча, ота-онанинг қуёш ва ойга ташбеҳ қилинишига қуйидагилар сабаб бўлган:

- қуёш ва ойнинг қиёссиз гўзаллиги;
- ягоналиги;
- доимий ҳаракатда эканлиги;
- беминнат нур ва ҳарорат таратиб туриши;
- туну кун инсоннинг ҳамроҳи эканлиги;
- иккала осмон ёритқичининг ҳам қадимдан муқаддаслаштирилганлиги.

Қайд этилган фикрлардан қуёш ва ойнинг қиёссиз гўзаллиги, ягоналиги ва қадимдан муқаддаслаштирилганлиги мумтоз шеърятда ниҳоятда кенг мурожаат этилган мазкур тимсолларни истиоравоситасида маъшуқа маъносида қўллаш имконини вужудга келтирган. “Истиора бир сўзнинг ўз маъносидан бошқа бир маъно учун ишлатилмакидир. Шул шарт биланким, у сўзнинг ўз маъноси билан янги маъноси орасида бир турли ўхшашлик бўлсин”.² Истиора турларидан асосийси ўхшаминиш ўрнида ўхшатилишни қўллашдир. Шунга кўра маъшуқа маъносида қуёш ёки ойдан фойдаланилган. Қуёш ва ойнинг “ўз маъноси билан янги маъноси орасидаги бир турли ўхшашлик” эса нималарда намоён бўлишини қуйидаги байт асосида изоҳлашга ҳаракат қиламиз:

*То ул ойнинг водии ишқинда тушти манзилим,
Дам-бадам хусни каби ортар менинг дарди дилим.³*

Ишқ водийси ҳақида “Лисон ут-тайр”да мутафаккирона мулоҳазаларининг бадий талқинини келтирган Алишер Навоий уни машъалга, бутун оламини ёритувчи шуълага ҳамда ўтга қиёслайди. Ишқ водийсидаги ошиқ ўтга айланиши муқаррар, чунки ўтга тушган шубҳасиз ўтга айланади. Ишқ ўт бўлиб, ошиқ вужудини чулғаб олади. Бу худди олов атрофида айланган кишининг муҳаққақ ўртанишига ўхшайди. Байтда тасвирланган ошиқнинг изтироблари ҳам шунга монанд. Ишқ водийсига манзили тушган ошиқнинг қалб изтироблари маъшуқа хусни ортиб боргани сингари кучайиб боради. Байтда маъшуқа ўрнида ой қўлланган. “Дил дардлари” ва “хусн”нинг дам-бадам ортиб бориши орасида маъно жиҳатдан ўзаро қаршилик мавжудлиги кўриниб турибди.

Байтда ойнинг маъшуқа ўрнида қўлланиши ана шу қаршилантиришнинг вужудга келишига хизмат қилган. Ой тўлишиб боргани сари кўрки ортади, ошиқ эса янада изтироб чека бошлайди. Эътибор қилинса, бир қаламқаш ижодида бир тимсолни қўллашда гуё номутаносиблик борлиги аёнлашади. Олдинги парчаларда ойнинг тўлишиб бориши билан юзида нуқсонли ортиши қайд этилган бўлса, Лутфийнинг мазкур байтида эса ой тўлишгани сайин гўзаллашмоқда. Бундан ижодкор бирор тимсолга мурожаат қилишидан мақсади уни ўз ғоясига хизмат қилдиришни кўзлайди, деган хулосага келиш мумкин.

¹ Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974, 129-бет.

² Фитрат. Адабиёт қоидалари. -Тошкент: “Ўқитувчи”, 1995, 64-бет.

³ Лутфий. Девон. Гул ва Наврўз. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1965, 176-бет.

Ойнинг ўз маъноси билан байтдаги маъноси орасида бир турлик ўхшашликлар мавжуд. Чунончи, ошиқ ёр ишқида ўртанмоқда, у ўз севгилисидан йироқда. Худди шундай ой ҳам ошиқдан йироқда. Ошиқ ҳеч қачон маъшуқага ўзини тенглаштира олмайди. У ҳамма вақт ошиқдан юқори туради, шунинг учун унинг қўли севгилисига етмайди, маъшуқа ҳажрида ёнади. Ойга ҳам кимсанинг қўли етмайди. Маъшуқа соҳибжамол, тенгсиз ҳусн эгаси. Ой ҳам саноқсиз само ёритқичлари орасида ягона, у - кеча маликаси. Маъшуқа жамолидан нур таралади, Ой эса кечани мунаввар қилади. Кўринадикки, шунга ўхшаш бир қанча мутаносибликлар ойни маъшуқа маъносида қўллаш имконини беради. Қуёш ҳам худди шундай хусусиятларга эга:

*Ҳар кўзум ул қуёш фироқи туни
Бир фалакта аён қилур юлдуз [2, 180].*

Ойнинг маъшуқа тимсолида қўлланишида санаб ўтилган мутаносибликлар билан бир қаторда қуёш маъшуқа тимсолида қўлланганда ошиқнинг фироқ азобларини бошидан кечираётганини тасвирлаш учун яна имконият яратилади. Бу тун билан борлиқ лавҳалардир. Фикримизга ҳазрат Навойдан келтирилган юқоридаги иқтибос билан боғлиқ мулоҳазаларимиз ойдинлик киритади. Тун табиий равишда ошиқни яккалаб қўяди. Бир дам ёрининг уй-хаёлларидан ўзини мосуво қилолмаган ошиқ янада уларга мубтало бўлади. Қуёш тунда борлиқни тарк этгани сингари маъшуқа ҳам ошиғини тарк этган. Шунда ул қуёш - маъшуқа фироқи тунида ошиқнинг ҳар бир кўзидан фалакча юлдуз аён бўлади. Кўз - фалак, юлдузлар - ундан оққан ҳисобсиз кўз ёшлари. Демак, ошиқ изтиробдан кўз ёш тукмоқда. Унинг ҳар бир кўзидан томган томчилар самодаги юлдузларга тенг. Аёнлашадикки, қуёш маъшуқа тимсоли бўлганда шоир учун гўзал манзаралар кашф қилишга янги имкониятлар туғилади. У қуёш воситасида кўзни фалакка ўхшатилиши ва юлдузни эса кўз ёши ўрнида қўллаш имкониятидир. Алишер Навоий ижодида бундай ҳолатлар жуда кўп учрайди. Кейинги фаслда биз бу масалага алоҳида тўхталамиз.

Осмоннинг етти қаватдан иборатлиги ва етти сайёранинг само қаватларидаги ўрни билан боғлиқ қарашлар шоир шеъриятида ўзининг бадиий ифодасини топган. Алишер Навоий ижодида шундай кетма-кетлик мавжудлиги Меърож туни тасвирига бағишланган бобларда кузатилади.

Меърож туни тасвирида мавзу моҳиятидан келиб чикиб, бевосита самога мурожаат қилинади. Мавзу Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Сўфи Оллоёр каби шоирлар қалами воситасида ўзининг гўзал тасвирига эга. Буларда осмоннинг етти қаватдан иборатлиги ва Муҳаммад Пайғамбарнинг Буроқ отида мана шу қаватлардан ўтиб бориши ҳолатлари тасвирланади. Уларни қиёслайдиган бўлсак, самовий тимсолларга мурожаатнинг кўплиги билан Алишер Навоийнинг ижод маҳсуллари ажралиб туради. Шоир “Ҳамса”си дostonларида ва “Лисон ут-тайр”да Меърож тунига махсус боблар ажратилган. Мазкур бобларда “Кўк”, “Қуёш”, “Ой”, “Ҳилол”, “Зухра”, “Муштарий”, “Зухал”, “Аторуд”, “Ҳамал”, “Сарв”, “Жавзо”, “Саратон”, “Асад”, “Сунбула”, “Мезон”, “Ақраб”, “Кавс”, “Далв”, “Жадий”, “Ҳут”, “Арш”, “Курси” каби самовий тимсоллар кенг қўлланилган:

*Гардунки кўзин юзига очти,
Анжум дирaмин бошига сочти.
Чун кўрди фуруғ талъатини
Ой чекмади маҳр миннатини.*

**Мунший кўрибон хати саводин
Кайвон юзига сочиб мидодин.
Зухра йўлига тузиб навозир,
Мутриблардек бўлиб миёнгир.
Исоға етиб чу кимиёси,
Зарбафт бўлиб Қуёш либоси.
Баҳром кўриб бийик жанобин,
Ташлаб қиличин, ўпуб рикобин.
Биржисқа чун етиб рикоби,
Иш анга саодат иқтибоси.
Сайислиғиға Зухал уриб фол,
Газ даста била қўлида ғарбол. [9, 24]**

Осмон Муҳаммад алайҳиссаломнинг юзини кўриб, юлдузларни - кумуш тангаларни бошига сочи. Байтда юлдузлар кумуш тангаларга қиёсланади, бунда улуғ шоир учун танга ва юлдузларнинг товланишдаги рангининг оклиги кўл келади. Кейинги байтда эса биринчи фалак сайёраси Ой Пайғамбаримиз (с.а.в)ни қандай қарши олганлигига эътибор қаратилади. Жаноби расули акрамнинг порлоқ юзини кўрган Ой меҳру яхшилигини тиймади. У ҳам самодаги барча нурафшон юлдузлар сингари шуъла таратиб туради. Иккинчи фалак сайёраси Аторуд матнда “Мунший” деб аталади. Бунда Аторуднинг мифологик қарашларга кўра, ёзувчи ва шоирлар ҳомийси, фалак котиби, шоирлар пири эканлиги назарда тутилади. Буроқ билан кўкка кўтарилаётган пайғамбарнинг қора мийиқларини кўрган Аторуд (албатта, у ёзув билан, ижод билан машғул эди) Кайвон, яъни Зухал юзига сиёҳини сочади. “Сабъаи сайёр”да ҳафта кунларининг сайёралар номи билан аталганлигига асосланиб, етти кун ҳомийси етти сайёра сифатида талқин қилинади ва Баҳромнинг етти рангли қасрда, етти сайёҳдан ҳикоя тинглаши, ҳар бир кўшк рангининг бир сайёра кўриниши сифатида тушунилишида ҳам ўшандай майл баландлик қилади.¹ Масалан, яшил ранг - Ой, мовий -Аторуд, қора - Зухал каби. Шунинг назарда тутиб, ижод билан машғул бўлган шоирлар пири – Аторуднинг қора сиёҳ - мидодни Зухалга сочишида қора ранг унинг рамзи эканлиги ва мийиқнинг қоралигига ишора кўзга ташланади. Юзига сиёҳ сачраган Кайвоннинг чеҳраси қора тусга киради, яъни нурга шуъланинг юзма-юз келиши Кайвон тароватига кучли таъсир кўрсатади ва хиралашиб қолади.

Аллоҳ расулининг кўкка кўтарилиши давом этиб, навбат учинчи фалакка келганида, Ғарбда гўзаллик, Шарқда эса санъат, нафосат рамзига айланган фалак сайёраси Зухра наво тўзиб, мутриблар, яъни созандалар сингари бу маросимда иштирок этади, куй билан улуғ меҳмонни қарши олади.

Тўртинчи фалак сайёраси - Қуёш. Аллоҳэлчиси билан учрашиш навбати унга келади. Шоир бу лавҳалар тасвирида Исо алайҳиссалом номини ҳам тилга олади. Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом Буроқда олами ломаконга етгунча етти фалакдан ўтиши, биринчи фалак - ҳазрати Одамнинг, иккинчиси - Яхё пайғамбарнинг, учинчиси - ҳазрат Юсуфнинг, тўртинчи ва бешинчиси - Исо ҳамда ҳазрати Ҳоруннинг, олтинчиси - Мусонинг, сўнггиси - дазрати Иброҳимнинг мақомлари эканлиги ҳақида фикрлар мавжуд.² Ҳаққа интилаётган сўнгги пайғамбарни Аллоҳнинг раҳматига эришган, юқорида муборак номлари саналган суюкли элчилари ҳам кутиб олганлар ва Расулulloҳ Меърож тунида уларнинг мақомларидан ҳам

¹ Қаранг: Ҳасанов С. Навоийнинг етти тфаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989, 152-160-бетлар.

² Кд ранг: Меърожнома. –Тошкент: Ёзувчи, 1995, 4-бет.

юксакка кўтарилган. Байтда ифодасини топган маънога эътиборни қаратадиган бўлсак, Муҳаммад пайғамбар кимиёси, (бунда тупроқни олтинга айлантириш кўзда тутилади) Исо пайғамбарга етгач, Қуёшнинг либоси зардан тўқилган матога айлангандай бўлади. Мазкур ранг билан олтиннинг жилоси мутаносиблик касб этади. Бу ҳолатнинг юзага келишида Исо тимсоли восита вазифасини ўтайди. Чунки унинг ўликка жон бахш этиш каромат-фазилати ўз вазифасини ўзгартиргани туфайли Муҳаммад “кимиёси” таъсири кучаяди ва Қуёш зарбоф тўн кияди... Бир сўз билан айтган- да, само жисмлари байрамона тусга кира бошлайди.

И.Ҳаққул ва С.Рафъиддин “Меърожнома” тўпламига ёзган “Мундоқ мақом ҳеч кимда йўқ” сарлавҳали сўзбошиларида пайғамбарларнинг самодаги мақомлари юқоридагидек келтирилади. Қайд этилган кетма-кетликнинг бошқа манбалар билан қиёсида бироз номутаносиб жиҳати мавжуд. Чунончи, “Ҳазрат пайғамбар ҳаёти” (Тошкент, 1996, 39-40-бетлар) китоби муаллифи Усмон Кески ўғли ва Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий (Тошкент, 1991, 146-147-бетлар) келтирган тартибга кўра иккинчи фалак Исо ва Яҳё алайҳиссаломларнинг мақоми бўлиб, тўртинчи фалак Идрис алайҳиссаломнинг ўрнидир. Рус олими М.Б.Пиотровский китобида келтирилган ривоятларнинг биридаги тартиб ҳам “Ҳазрати пайғамбар ҳаёти” ва “Қисаси Рабғузий” китобларидагидек бўлиб, фақат унда иккинчи фалак Исо алайҳиссаломнинг мақоми сифатида кўрсатилади.¹ Биз бадий таҳлилга мурожаат қилишда Сулаймон Бодирғоний ва Бобораҳим Машрабларнинг “Меърожнома”ларига ҳам таяндик. Сулаймон Бодирғоний ўзининг Меърож туни бадий тасвирига бағишланган асарида Исо ва Мусо алайҳиссаломларни тилга олади ҳамда уларнинг мақомларини тўртинчи ва бешинчи фалакда эканлигини эътироф этади.² Бобораҳим Машраб “Мерожнома”сида эса Исо алайҳиссаломнинг мақоми тўртинчи фалакда эканлиги қайд этилади.³ Бундан ташқари, И.Ҳаққул ва С.Рафъиддинларнинг тартиби юқоридаги Алишер Навойдан келтирилган иқтибос билан, яъни Исо Масих ва Қуёш сайёрасининг ўрни тўртинчи фалакда эканлиги билан уйғун келиши бизга асос бўлди.

Навбат бешинчи фалак сайёраси Баҳромга етади. Бу сайёра Шарқда Миррих номи билан ҳам юритилиб, мифологияда жанг ва қаҳрамонлик рамзи сифатида талқин қилинади. Баҳром улуғ, ҳурматли кишини кўргач, қиличини ташлайди ва Буроқнинг узангисидан ўпади.

Олтинчи фалак сайёраси Биржисга (мифологияда у фалак қозиси деб аталади) навбат етгач, яъни “ўн саккиз минг олам сарвари” отининг узангисига етгач, у бундан саодатманд бўлади.

Еттинчи фалак сайёраси Зуҳал Буроқда пайғамбарни кўриб, унинг отбоқари бўлишни орзу қилиб, қўлида бир даста бошоқ ва элак тутаяди.

Еттинчи самодан ошган Аллоҳ элчисини юлдузлар туркуми - буржлар қаршилайди. Бир туркумга дохил бўлган порлоқ юлдузларнинг хаёлий чизиқлар асосида бирлаштирилиши натижасида турли шакллар келиб чиққан. Қадимда уларни муайян жонивор ва буюмларнинг суратлари тарзида тасаввур қилганлар. Буржларнинг ўша хаёлий тасаввурлар билан боғлиқ луғавий маъносига эътибор берилмаса, шоир айтмоқчи бўлган фикрни англаш имконсиз бўлиб қолади:

***Совру Ҳамал айлабон фиғонлар,
Қурбони анинг қилурғи жонлар.***

¹ Пиотровский М. Кононические сказания. –Москва: Наука, 1991, стр-163.

² Меърожнома. -Тошкент: “Ёзувчи”, 1995, 4-бет. 11-16; 20-24- бетлар.

³ Ўша китоб, 21-бет.

*Жавзо кўзи тўрт бўлиб Бақардин,
 Топиб Саратон ҳам ул назардин.
 Ҳам Шер тутиб йўлида гўша,
 Ҳам Хўша бўлиб отига тўша.
 Жон санж ўлуб изидин Таразу,
 Ақраб топиб анда нўш дору.
 Ёй гўша тутиб қоши хамидин,
 Кўчқор ўлуб ўчку мақдамидин.
 Кўбқа суви оби зиндагоний
 Ул сув била тоза Хут жони. [9, 24-26]*

Кўкка кўтарилишни давом эттираётган Муҳаммад алайҳиссаломга пешвоз чиққан Сарв (Буқа) ва Ҳамал (Кўй) буржлари дод-фиғонлар қилиб, унинг йўлига ўзларини қурбон қилмодчи бўлади. Мазкур мисраларда ҳар иккала ҳайвонни қурбонлик қилиш удумга айланганлиги ҳамда юлдузлар илҳақлик билан Аллоҳ расулини кутганлигига ишора қилинади. Бу ҳолат яна давом этади. Жавзо (эгизак ёки бели оқ-қора кўй) буржи Бақардан, яъни Савр (Хўкиз)дан тезроқ ўтишини кўзи тўрт бўлиб кутади. Жавзо мумкин қадар тез Аллоҳ расулининг ўзига яқинлашишини истади. Саратон (Қисқичбақа) ҳам бунга назар ташлаб туради. Шер (Асад) пайғамбарнинг йўлидан ўзини четга тортса, Хўша, яъни Сумбула (Буғдойбоши) отига озиқа бўлади. Унинг изидан Тарози, яъни Мезон шаклидаги юлдузлар туркуми жон ўлчовли бўлса, Ақраб, яъни Чаён шаклида тасаввур қилинган юлдузлар ундан заҳарни тарқатувчи дори топади. Ёй (Қавс) - белидан қуйи қисми от шаклида ва ёйдан ўқ отаётган одам тарзида тасаввур қилинган бурж, - қошини, яъни ёйини эгилтириб бурчак тутса, яъни таъзим қилса, Ўчку, яъни эчки (Жадй),- белидан пастки қисми балиқ думидан иборат шохли эчки шаклидаги бурж, - унинг келишидан кўчқорга айланади Кўбқа (Далв), - кўлидаги идишдан сув тўкиб турган киши суратини эслатувчи бурж,- суви ҳаёт рамзи бўлса, ўша сувда Хут (Балиқ) - думлари бир-бирига тасма билан боғланган балиқлар - жони сувда тоза, чунки балиқнинг ҳаёти сув билан чамбарчас боғлиқ.

Кўринадики, Шарқ мифологияси асосида рамзлар сифатида тушунилган сайёралар ва буржларнинг эзгулик тимсоли ҳисобланганлари ўз асл маъноларини сақлаган ҳолда кўшимча ижобий маъно ифодалашга хизмат қилдирилади, маълум маънода салбийлик тимсоли бўлган осмон жисмларининг тимсоллик хусусиятлари ўзгартирилади. Масалан, Баҳромнинг қиличини ташлаши, Шернинг йўл бўшатиши, Чаённинг заҳарни тарқатувчи дори топиши шулар жумласидандир. Яна бир нарсага эътиборни қаратмоқ лозим. Биринчи фалак сайёраси Ойдан бошланган сафарнинг юқорилашиши натижасида кўтаринкилик, руҳиятда ўзгариш сезилиб туради, чунки Муҳаммад алайҳиссалом Ҳаққа қараб интилаётган эди. Шоир учун бундай ҳолатларни тасвирлашда, албатта, етти сайёра ва ўн икки буржнинг қўлланиши бениҳоя катта аҳамият касб этади. Бунда тафаккур йуналиши Ой - Аторуд - Зухра, - Қуёш - Миррих - Биржис- Зухал- буржлар тарафида бўлганлиги кузатилади.

Алишер Навоийнинг “Кўк бинафшазорини анжум чу наргисзор этар” [2, 13] мисраси билан бошланувчи ғазалида эса бунинг тескари шакли мавжудлиги эътиборни жалб қилади. Бунда буржлар иштирок этмаса ҳам, сайёрасидан Ойгача эниш Ўз аксини топади. Лирик дадраион ички кечинмалари тасвирланган бундай мисраларда Зухал - Биржис - Миррих - Қуёш (тилга олинса-да, унинг йўқлиги эътироф этилади) - Зухра- Аторуд - Ой кетма-кетлиги сақланиб, ҳижронга кўпроқ урғу берилади. Мазкур ғазални айрим адабиётшунослар таҳлил қилиб, самовий тимсолларнинг маъно қирраларини очишга эришганлар.¹ Биз ўз нуқтаи

¹ Қаранг Маллаев Н. Алишер Навоий ва халд ижодиёти, -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974, 126-129-бетлар;

назаримизни билдириш ва уни қиёсий ўрганиш мақсадида ушбу ғазалга мурожаат этишни лозим топдик. Бизнингча, ғазалда келтирилган сайёралар тартиби муҳим аҳамиятга молик:

*Кўк бинафшазорини анжум чу наргисзор этар,
Наргисинг бирла бинафшанг ҳажри кўнглум зор этар.*

Ғазал шомнинг гўзал тасвири билан бошланади. Куннинг бу лаҳзалари инсонга руҳий қувват бағишлайди, аммо бу ҳолат узоқ чўзилмайди. Кўк бинафшазори, яъни кўк - осмон, бинафшазор эса кенг майдонда очилган бинафшалар. Юқоридан бунга назар ташлайдиган бўлсак, нафис бинафша ранг ҳолат кўзга ташланади. Бунини шоир оқшомга қиёслайди. Наргисзор эса самода оқёхуд сариқгулчалари қадалиб турган хушбуй ҳидли гуллар тўплами. Наргис гулчалари кўзга монандлиги боис у маҳбубанинг кўзига киёсланади, анжум эса юлдузлар. Улар кўз, кўз ёшлари ва наргис гули билан шаклий ўхшашлик касб этади. Демак, кўк бинафшазори - оқшом бўлса, наргисзор - самода наргизшакл юлдузларнинг пайдо бўлиши. Қачонки юлдузлар самодаги ўрнини эгалласа, оқшом ўрнини тунга бўшатиб беради, Қуёш ҳам самони тарк этади. Шунда ёрнинг наргис кўзлари ва бинафшадек нозик, шамол таъсирида эгилувчан зулфининг ҳажри ошиқ кўнглини зор этади. Биз тасвири зоҳирий оламнинг мавжуд етти қатидан юқорида деб тасаввур қилишимиз лозим, чунки иккинчи байтда еттинчи осмондаги Зуҳал сайёраси тилга олинади ва шу асосда тартиб давом эттирилади:

*Чун Зуҳал толеъ бўлур холинг хаёли фитнадин
Жоним ичра юз минг ошуби бало изҳор этар.*

Ошиқ хаёлида маъшуқа ҳолининг фитнадан самода Зуҳал кўриниб, жонига фитнадан юз минг кўрқинчли бало изҳор этади. Қора ранг - Зуҳал тимсоли. Холнинг унга ўхшатилишида асос бор. Зуҳал - бахт, толе юлдузи. У ошиқ қисматида “юз минг ошуби бало”лар мавжудлигини англамоқда.

*Жилва қилғоч Муштарий кўзни узоринг ёдидин,
Юз саодат ахтаридин ҳар замон дурбор этар.*

Лирик қаҳрамон учун тун - ҳажр маскани. Муштарий самода порлаб кўрингач, маъшуқа узори юзини эслатади ва ҳар замон бахт юлдузларидан ошиқ кўзини дурбор этади, ёшлантиради. Муштарийнинг ахтари саъд - бахт юлдузи эканлиги ошиқ ҳажр азобини кечираётганлигига қарши кўйилади. Бахт юлдузи маъшуқа юзига қиёсланиб, ошиқнинг кўз ёшлари юлдузларга ўхшатилади. Кўринадикки, Зуҳал маъшуқанинг холи бўлиб, ошиқ унинг ҳажрида ўртанаётган бўлса, Муштарий унинг узори. Шу тариқа маъшуқа узварини самовий тимсолларга қиёслаш давом этади:

*Чун чиқар Баҳроми қотил кўзларинг андишаси,
Хаста жонимни қатили ханжари озор этар.*

Самода кўринган Баҳроми қотил, яъни Миррихга ўхшаш маъшуқа кўзларининг ўйлови (қотиллиги, қонталашлиги назарда тутилади) ошиқнинг хаста жонини озор ханжари билан қатл қилади. Бунда жангу жадал тимсоли Баҳромнинг кўзга ташбеҳ этилишида маъшуқа кўзининг озор етказувчанлиги асос қилиб олинган.

Жумаҳўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр.-Тошкент: Ўқитувчи, 1996, 123-134-бетлар.

*Меҳрдин топмай нишон сеида ҳам, гардунда ҳам,
Бу мусибат кўзима ёруғ жаҳонни тор этар.*

Маъшуқада меҳрдан, гардунда Қуёшдан нишон топмаган ошиқнинг кўзига ёруғ жаҳон тор бўлиб кўринади. Ғоятда табиий ҳолат. Қуёш нурларигина оламини мунаввар қила олиши мумкин, акс ҳолда қоронғулик ҳукмрон бўлади. Ошиқ кўнглини эса ёрнинг ёруғ жамолининг шуъласи ёрита олади. Бу ўринда маъшуқа тимсоли бўлган Қуёш йўқлиги сабаб шеър қаҳрамони мазкур ҳолатни мусибат деб билади.

*Зухра ҳолимга сурудин навҳага айлаб бадал,
Чангининг сочин ёйиб, дурри сиришк изҳор этар.*

Ҳажрда ўртанаётган ошиқ ҳолатини кўрган Зухра куйини йиғига айлантиради. Тазод имкониятларидан ўринли фойдаланган шоир тасвири янада таъсирчан давом эттиради. Сатрдаги тасвирга кўра Зухра - Нохид чангининг сочларин торларин ёйиб, кўз ёш тўкади. Бу ҳам айрилиқ азоби кучайиб бораётганидан нишона. Учинчи фалак сайёраси Зухра тилга олинганда, мавжуд мусибатга йиғи ҳам қўшилади, иккинчи ва биринчи фалак сайёралари зикр этилган байтларда бу ҳолат янада зўрая бориши кузатилади:

*Улмаким айлаб Аторуд ҳолима деб марсия,
Шарҳи дардим назмидан ҳар лаҳза юз тумор этар.*

Фалак котиби, шоирлар пири Аторуд ошиқнинг ўлиmidан хабардор, шунинг учун у марсия ўқишга киришади ва ошиқ дардини шарҳловчи назмдан бир лаҳзада юз тумор ҳозирлайди. Ғазал мисраларидаги бадий манзарани Меърож тун тасвири билан қиёслайдиган бўлсак, бутунлай тескари ҳолат кузатилади.

*Ой ҳалокимга тутуб мотам, кийиб тундан қаро,
Оразин сайли била аҳли азо кирдор этар.*

Ошиқнинг ҳалок бўлиши муқаррар эканлигига ишонч ҳосил қилган Ой мотам тутиб, тундан ҳам қора кийим кийиб, юзини кўз ёшларига ювиб, азадорлик қилади.

“Сабъаи сайёр”да яшил ранг Ой рамзи сифатида тасвирланади. Яшил - ҳаёт рамзи, у шодлик билан уйғунлик касб этмоғи лозим. Мазкур байтда қора кийим кийган Ой айрилиқни англатади. Бунинг сабаби Ой - биринчи фалак сайёраси. Ғазалда етти сайёранинг юқоридан пастга қараб ўз ифодасини топган тартибига шу ерда хотима берилиб, лирик қаҳрамоннинг тунга, ҳажр ва васлга бўлган муносабати тасвирланади. Мақтада кўтаринки руҳдаги хулоса билан ғазалга якун ясалади:

*Тийра айлаб бениҳоят неча умрум шамъини,
Васл субҳи ҳасрати ранжим юз ул миқдор этар.
Ростлиғ улдулки еткач ул Қуёш раҳм айлағай,
Улча аҳволимга тун чархи кажрафтор этар.
Эй Навоий, ишқ дардидан шикоят қилмаким,
Жонингга жабру жафосин ҳар неча ким бор этар.*

Тун умр шамини - умид учқунларини қоронғулаштириб, васл тонгининг ҳасрати ошиқ машаққатларини ундан-да юз марта оширади. Машаққатлар қанчалик ошмасин, васлга интилишни бир лаҳза бўлса ҳам сўндириолмайди. Бу ошиқнинг бутун ранжларга чидам бериш олдидаги Ўзига тасаллиси. Шунинг учун Қуёшга, ёрга етишишни ҳақиқат (адолат) деб билади. У Қуёшга етса, васлга эришса, ёр унга раҳм айлайди. Бутун ранжлар унутилади, аммо унгача туннинг чархи кажрафтори - тескари айланувчи чарх ошиққа жабр қилаверади. Қўринадики, бу тескарилик Зуҳалдан Ойгача бўлган масофада рўй беради. Шундан келиб чиқиб, Навоий, ишқ дарди жонингга қанчалик жабр этса-да, ундан шикоят қилмаслик керак, деган хулосага келади.

Алишер Навоий ва бошқа ижодкорларимиз маънавий ижодий мероси мисолида қўриб ўтганимиз етти сайёра ва ўн икки бурж мумтоз шеърятда қўлланиш қўлами кенг бўлган самовий тимсоллар бўлиб, улар биринчидан, ўз маъносида (самовот жисмлари), иккинчидан, ишқу ошиқлик билан алоқадор мураккаб руҳий жараёнларни ифодалаш учун фаол ташбеҳлар вазифасини ўтайди.

ИККИНЧИ БОБ

ҚУЁШНИ БЎЛМАС, ЭЙ ГАРДУН,
УЛ ОЙГА АЙЛАМАК ТАШБЕХ

Алишер Навоий қолдирган маънавий мерос самовот ва самовий ҳодисаларга мурожаатнинг кўплиги билан ажралиб туради. Буни “Хамса” таркибидаги дostonлар ва “Лисон ут- тайр”нинг муқаддимавий, хусусан, Меърож туни тасвирига бағишланган бобларида равшан кўриш мумкин. Самовий ёритқичлар тимсолларига мурожаат буюк мутафаккирнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат” каби насрий, илмий-тарихий асарларида ҳам кўзга ташланади. Алишер Навоий ҳаётининг айна навқирон палласида яратилган шеърлардан таркиб топган “Бадойиъ ул-бидоя”, “Наводир ун-нихоя” девонлари бу жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади. Сарҳадсиз коинот ва унинг тубсиз сеҳру синоатига доир қарашлар “Хазойин ул-маоний”, “Девони Фоний” таркибидаги дилбар шеърларда яхлит тажассумини топган десак, асло муболаға бўлмайди.

«Бадойиъ ул-бидоя» девонидаги 777 ғазалнинг 386 тасида, 3 мустазоднинг 2 тасида, 5 муҳаммаснинг 4 тасида, 2 мусаддаснинг ҳар иккаласида, 3 таржиъбанднинг барчасида, 46 қитъанинг 9 тасида, 85 рубойининг 15 тасида, 10 луғзнинг 1 тасида, 52 муаммонинг 10 тасида, 10 туюқнинг 2 тасида, 53 фарднинг 1 тасида ва “Наводир ун-нихоя” девонидаги 862 ғазалнинг 485 тасида само билан алоқадор сўз ва тимсолларнинг учраши улуғ шоир ижодий салоҳиятининг айна мавзуга мурожаат нуқтаи назаридан нечоғлик юкори эканлигини намоён қилади.

«Бадойиъ ул-бидоя»даги само, унинг ёритқичлари ва бошқа жисмлари тимсоллари иштирок этган гағалларнинг 386 тасида етти сайёра номлари, уларга доир ишоралар ҳамда тасвирий ифодалари мавжуд бўлса, иккинчи девондаги шундай ғазаллар сони 299 тани ташқил этади. Кузатишлар шуни тасдиқлайдики, бу ғазалларнинг аксариятида қуёш ва ой тимсоллари, уларга ишоралар ҳамда мазкур сайёраларнинг тасвирий ифодалари мавжуд. Кўринадикки, Алишер Навоий Шарқ мумтоз адабиёти анъаналарини давом эттирган ҳолда мавзуга ижодий ёндашган, ўша тимсолларга мурожаат қилиш билан янги бадий манзаралар яратган. Шоирнинг бундай ижодий изланишлари унга инсон руҳий ҳолатини ҳар томонлама батафсил тасвирлаш имкониятларини ҳозирлаб берган. Алишер Навоий фақат анъанани давом эттириш доирасида чекланиб қолса эди, номи қайд этилган девонлар таркибида Қуёш ва Ой сайёралари тимсоллари бу қадар шаклий ва мазмуний жило касб этмаган бўларди. Шуни таъкидлаш жоизки, девонлар таркибидаги қолган 5 сайёрани қўллашда ҳам навоиёна ижодий ёндашиш мавжудлиги ёрқин сезилиб туради.

“Наводир ун-нихоя” девонидаги биз шарҳлашга уринган “Кўк бинафшазорини анжум чу наргисзор этар” сатри билан бошланувчи 11 байтли ғазалда Навоий бадий адабиётда фаол қўлланилган етти сайёранинг мифологиядаги талқинларидан ижодий фойдаланганлиги кўзатилади. Мазкур девонда ўшандай фазилатга молик “Қуёш радифли ғазал мавжуд. Аёнлашадики, улуғ шоир ғазалларида муборак етиликка мурожаат диққат марказида туради.

Буюк мутафаккир сайёраларга муайян ғоявий-бадий мақсад-муддаони ёрқин юзага чиқариш учун мурожаат қилар экан, шаклланган анъаналарга табиатига хос ижодий мурожаатни эсдан чиқармайди. Мусулмон минтақа халқлари адабиёти ғазалчилигида аксарият ҳолатларда инсоннинг мураккаб ишқий кечинмалари тасвирига урғу берилганлиги боис Навоий ва унинг замондошлари ҳам романтик услубга содиқ қолиб,

хаёлот воситасида инсон руҳий олами ва самовотни бир-бирига яқинлаштиришга ҳаракат қилганлар. Ана ўша устувор майл туфайли асрлар давомида Ер ва само вобасталиги ғояси ҳукмрон фикр сифатида яшади. Ўшандан бўлса керак, сайёралар ҳамиша маъшуқа сиймоси узвлари (қош, кўз, юз ва ҳ.к.)нинг ўхшатилиши вазифасида келиб, юқорида эътироф этилган ўзаро алоқадорлик ғоясининг тантанаси йўлида беминнат хизмат қилиб келади:

*Қуёшни бўлмас, эй гардун, ул ойга айламак ташбеҳ,
Оғиз гар зарра, Чўлпон - кўз, янги ой анга қош ўлсун [1,445]*

Шоир ўз тасвиридаги қаҳрамонларнинг қалб тубидаги орзуларини яққол юзага чиқариш умидида илоҳий-руҳий олам само билан сирлашади. Фазовий кенглик бағридаги осудалик бир лаҳзагина бўлсин, унинг табиатидаги руҳий-маънавий ёлғизликни унутиш имконини беради. Зеро, таниқли навоийшунос А.Ҳайитметов: “Бизнингча, бу маънавий ёлғизлик замон билан шахс ўртасидаги конфликт асосида юз берган бўлиб, Навоийда, кейинчалик у Султон Ҳусайн подшолиги даврида катта мансабга эришганда, ўз давридаги сиёсий ва маданий ҳаётнинг марказида турганида ҳам маълум даражада давом этди. Маънавий ёлғизлик шоирнинг ижодига, дунёкарашига, ижодий методига чуқур таъсир кўрсатди”¹, - дейиши асосиз эмас эди. Шу билан бир қаторда, Навоий шеърлятида ўз даврининг йирик мутафаккири қарашлари, ёлғизлиги-ю, юрагида дард бўлиб ўрнашган армонлари ҳам файласуфона бадий акси-ифодасини топган.

Шоир ижодида сайёралардан бадий тимсол сифатида фойдаланишга ҳам унинг шеърляти учун етакчи бўлган турт услубий жило устуворлиги аниқ сезилиб туради. Таниқли адиб ва олим М.Шайхзода “Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида”² номли мақоласида шоир шеърлятида кузатиладиган услубий йўналишларни илмий ўрганиб, уларнинг таснифотини берганди.

Алишер Навоийнинг “Қуёш” радифи ғазали тўзилиши ва ғоявий мазмунига кўра мусалсал (бир-бирига занжирга ўхшаб уланган) шеърлар сирасига киргани учун ҳам унда Ою Қуёш билан алоқадор аломатлар матлаъдан мақтаъга қадар изчил давом эттирилади. Мазкур ғазалда сайёралар билан алоқадор жиҳатларнинг қўплиги шоирнинг мавзуга муносабатини кўрсатиш учун муҳим омил саналади. Гарчи шеърнинг радифи “Қуёш” бўлса-да, ундаги марказий образ ой бўлиб, қуёш ва бошқа воситалар унинг такомилига хизмат қилган. Ғазал қуйидаги сатрлар билан бошланади:

*Шомким тун пардасидин истади ихфо қуёш,
Парда олиб юздин ул ой айлади ифшо қуёш. [2, 215].*

Кун ва тун алмашинуви ўзига хос гўзалликлари билан кўнгилга жўшқинлик бахш этувчи онлардир. Айни лаҳзаларга салоҳиятли шоир назари билан қаралса, шеърхон қалбидаги туйғулар туғени авжланаверади. Юқоридаги байтда шомнинг навоиёна соҳир тасвири ўз ифодасини топган. Ундан аёнлашишича, шом тун пардасидан қуёшни яширишни хоҳлайди. Ой эса юзидан пардани олиб, қуёшни фош қилади, яъни ошкор этади. Самода нурли юзини кўз-кўз қилади. Ойнинг қуёшни фош қилиши - само бағридаги тун қоронғулигини ўзининг заррин нурлари билан ёритишидир. Бир сўз билан айтганда, ой қуёшга хос фазилатларни ўзида намоён қила бошлайди. Шоир кундузнинг ўз ўрнини кечқурунга бўшатиб беришини

¹ Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан.-Тошкент: “Фан”, 1970, 122-бет.

² Қаранг: Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик, 4-том. -Тошкент, 1972, 195-216-бетлар.

қуёш ва ойни жонлантириб образли тасвирлаган. Бу ўринда ҳам мажозийлик баланд. Ой - маъшуқа. Шеър қаҳрамони севгилиси жамолининг тундаги тажаллийси жилосини васф қилмоқда. Шу боис шоир инсонга хос бўлган хусусиятларни ойга кўчиради. Бундай услубий майл тасодиф эмас. Шу бир ишора билан ишқ майдони кенгайишидан ташқари, маъшуқа ҳам заминийликдан самовийлик даражасига кўтарилаётир...

*Йўқки чун кирди шабистон ичра зулфи шомидин,
Орази чун бўлди пайдо, бўлди нопайдо қуёш.*

Улуғ шоир ружуъ (олдинги фикрдан гуё қайтгандек бўлиб, қиёс асосида маънони янада кучайтириш) санъатига мурожаат этиб, маъшуқани беқиёс гўзаллик соҳиби даражасига кўтаради. Байтда тасвирланишича, ёрнинг қоп-қоронғуликни хотирга келтирувчи “зулфи шомидин” орази кўрингани боис қуёш шабистон ичида юқолиб кетади. Келтирилган иқтибосда севгилининг чеҳраси қуёшга, зулфи эса қоронгу тунга ташбеҳ қилинган. Маъшуқа зулфи қанчалик тим қора ва ўзун бўлиб, унинг чеҳрасига соя солмасин, ёр орази ўша қоронғуликни ҳам ёритиб ўзини кўз-кўз эта олади, қуёшга ўхшаб қоронғулик бағрида сингиб кетмайди. Байтлардаги мантиқий изчиллик қуёшнинг ботиши, шом, қоронғулик ва ёр оразининг Ой янглиғ порлоқ нур сочиб фазони мунаввар қилиши ҳолатларида кўрилади ва шу тадрижийлик кейинги байтда давом эттирилади:

*Базм тузди жамоли ламъасидин йўқки шамъ,
Балки зоҳир айлади бир соғари саҳбо қуёш.*

Қуёшнинг тунда ўз ўрнини бошқа само ёритқичларига бўшатиб бериши шоирга маъшуқа тавсифини олдинги байтлардан ҳам муболағавий ифодалаш имконини ҳосил қилади. Унда тасвирланишича, шам бўлмагани боис маъшуқа жамоли лаъмаси (шуъласи)дан қоронғулик бағрида базм уюштиради. Эҳтимол, бу базмни ёритиш учун май тўла қадаҳ мисол қуёш зоҳир бўлгандир? Ижодкор тафрит (кичрайтириш) бадий санъатига таяниб, шам деганда қуёшни назарда тутди. Қадаҳнинг айланалиги, май билан тўла ҳолати қуёшнинг чиқиши ва ботиши ҳамда тун бағрида порлаб турган тўлин ой билан уйғунлик касб этади. Айни ҳолат “соғари саҳбо қуёш” тарзида маъшуқа рухсорини таърифлашга замин ҳозирлайди. Ҳазалдаги марказий образ - маъшуқа сиймосини турли чизгилар билан такомиллаштириш шу зайлда тадрижий давом эттирилади:

*Субҳга тегру юзидин равшан эрди базму айш,
Ўйлаким эл хотириға келмади асло қуёш.*

Ойнинг тўлин ҳолатда бутун самога ёруғлик таратиши ҳосиласи бўлган ойдин кечаларни осмон ёритқичлари уюштирган базмга қиёслаш улуғ шоирнинг теран бадий тафаккури самарасидир. Байтда маъшуқа рухсорининг шуъласи билан само бағри тонгга қадар ниҳоятда ёруғ бўлганлиги, шу боис ҳеч кимнинг хотирига қуёш келмаганлиги ўзининг бадий ифодасини топган. Таъкидлаш лозимки, ой тимсолини маъшуқа маъносида қўллаш улуғ шоирга севиклининг беназир гўзаллик соҳиби тарзида бадий ифодалаш имконини ҳосил қилган, шунингдек, ижодкор тахайюли уфқларини ниҳоятда кенгайтирган.

*Ламъаи рухсоридин қасринда ҳар айвон аро,
Зарварақдин шамсалар эрдиму билмон ё қуёш?*

Маъшуқа рухсоридан ёлқин нур таралиб туриши шоир адабий ниятининг интиҳоси эмас. Шу боис юлдузлар билан унинг “зарварақ” - тиллақошидан ўрин олган безаклар орасидаги шаклий ўхшашлик асосида яратилган чизгилар ғазалдаги жўшқинликни авж нуқтага етказди. Байтда қўлланган тажохули ориф (билиб, билмасликка олиш) бадий санъати маъшуқа образининг янада такомиллашувига боис бўлган. Байтда осмон қасрининг ҳар айвонидаги, яъни самонинг турли бурчакларидаги, “шамсалар” - қуёшсимон нақшлар маҳбубанинг тиллақоши шуълаларими ёки тонг ёришиб қуёш пайдо бўлдимикин, тарзидаги риторик сўроқ, шеърхон ҳукмига ҳавола этилади. Табиийки, савол ушбу “шамсалар”ни маҳбуба “зарварақ”ининг шуълалари, дея жавоб беришни талаб этади. Бундай ҳолат қуёшни ниҳоятда кичрайтириб тасвирлашга замин ҳозирлайди. “Шамсалар” қуёшнинг ёғдусига қиёсланиши мумкин, аммо шоир адабий истаги маъшуқани муболағавий тавсифлаш бўлгани боис улар туғридан тўғри қуёшга ўхшатиш.

*Маст ўлуб оразни чун майдон аро қилди ниҳон,
Сарғариб титраб чиқарда пардадин сиймо қуёш.*

Кун ўрнини тунга бўшатиб берганидек, табиийки, бундай “иззат-икром кўрсатиш” навбати туннинг қисматида ҳам бор. Бироқ ой тимсолида маъшуқа сиймоси назарда тутилгани боис улуғ шоир айна ҳолатдан ҳам севикли сиймосининг мафтункорлигини васф этиш имконини излайди. Бунинг учун мутафаккир ижодкорга олдинги байтлардаги ёниб турган шам теграида мавжуд бўлган шуълалар сингари ой атрофидаги само ёритқичларидан базм уюштирилгани тасвири қўл келади. Базм майсиз бўлмаганидек, ундан махмур бўлмаслик ҳам ишонарли эмас. Шу боис қуёш тун пардасини ёриб, сарғайиб, титраб чиқа бошлаганида, базму ишратдан маст бўлган ой маъшуқа бу майдондан оразини яширади. Байтда тадрижийлик тун ва кун алмашинувига ёндош ҳолатда базмдан сархуш бўлган маъшуқа тимсолида ҳам ўз ифодасини топган.

*Оҳким, бир рубъи маскундин чиқиб кўп бўлғуси,
Жилвагар тўртинчи торамдин масиҳосо қуёш.*

Рубъи маскун – “Ерюзининг инсоняшайдиган обод қисми”. Алишер Навоий ўз даври нужум илми ютуқларига таяниб, Ер куррасини марказда тасаввур қилади. Шундай бўлгач, Қуёш Ер атрофидан айланиш асосида осмонда ҳаракатланади ва у Ердан кўкка кўтарилгандек тасаввур ҳосил қилади. Лирик қаҳрамон шу нуқтаи назар асосида жилвагар тўртинчи кўкдан бўлган Масиҳосифат Қуёш “рубъи маскун”дан чиқиб, самода кўп бўлишидан озор чекади, оҳ тортади. Маъшуқа Ойдан айри тушиш унинг ўртанишларига сабаб бўлмоқда. Улуғ шоир Қуёш тўртинчи фалак сайёраси, айна чоқда бу фалак Исо Масиҳнинг мақоми эканлигига ишора қилиш билан қуёшга Исо алайҳиссалом мўъжизаси саналган ўликни тирилтириш фазилатини кўчирмоқда. Аслида ҳам қуёш – Масиҳосифатдир. Унинг нурлари Ер юзидаги ҳаётнинг асоси ҳисобланади. Бироқ қуёш ошиқ учун ҳажр изтироблари омили бўлгани боис шоир “кўп бўлғуси” бирикмасига алоҳида урғу бериш билан ошиқ учун бундай қийноқлар ҳали бардавомлигини эслатиб ўтади.

*Қилма, эй ғаввос, кўп, ишқ аҳлининг ашқини манъ,
Ким сену ғалтон гуҳар андишаси ушшоқу ёш.*

Улуғ шоир само ҳақида фикр юритиб, ногоҳ сув тагига тушиб инжулар излайдиган ғаввосга ўқувчи эътиборини қаратади. Бунда шоирнинг шуурига ошиқ, кўз ёшлари билан уммон тубидаги дурлар орасидаги ўхшашлик гўзал манзара сифатида сингганлиги сезилади. Ғаввосни ишқ аҳлининг кўз ёш тўкишларига монеълик қилмасликка чақириш замирида эса ҳажр изтиробларидан қийналган ошиқнинг кўз ёш тўкиши билан “ғалтон гуҳар” илинжида уммон остига шўнғиган ғаввос машаққатлари орасидаги уйғунлик асос бўлган. Ғаввос минг бир машаққат билан инжуларни кўлга киритишга муваффақ бўлса, ошиқ ҳажр риёзатларида ўртаниб висолга восил бўлади. Муқояса этилган икки манзара зоҳиран бир- бирига ўхшаш бўлса-да, ботинан бири иккинчисини инкор этади. Ғаввос - нафс бандаси, ошиқ эса ишқ аҳли вақили. Унинг учун инсон маънавий камолоти барча бойликлардан устун. Шу боис улуғ шоир ғаввосни ишқ аҳли ҳолига теран нигоҳ билан назар солишга даъват этади.

*Бил, Навоийким, тафовутдур қуёшдин ойгача,
Айласанг наззора ул ой оразидин то қуёш.*

Кўринадики, шоир мақтаъда қатъий хулосага келади ва ойни икки маънода қўллайди. Бири - само ёритқичи, иккинчиси эса - маъшуқа.

Алишер Навоий ғазалларидаги кўп маънолилиқ мисралардаги мажозий хусусиятнинг зоҳирий ва ботиний мазмунларини юзага чиқариш учун қўл келади. Шоир илоҳий ва мажозий ишқни ягона ўзанга бирлаштириб бадий тасвирлашга ҳаракат қилади. Бундай майл улуғ шоир яшаган давр ижод аҳлининг аксарияти учун хос хусусият саналади. “Улар (мутасаввиф шоирлар- Ҳ.Э.) ўз ғояларини шартли усуллар билангина тушунтира олар, реал предметларнинг бирортаси улар учун ўз маъносига эга эмас, балки бошқа бир илоҳий маънони англатар эди. Масалан, сўфий ўзининг худога интилишини кўп вақт идеал хуснга эга бўлган маҳбубага ёки чиройли йигитга интилиш сифатида тасвирлар эди”.¹ Кузатишларимиз юқоридаги хулосанинг муайян заминга эга эканлигидан далолат беради.

Бир қарашда Навоий “Қуёш” радибли ғазалида заминий муҳаббатни бадий ифодалаган, маҳбуба гўзаллигини мадҳ қилиб, унинг чиройини муболағавий тасвирларда улуғлагандек туюлса-да, юқоридаги иқтибосдан келиб чиқиб, мулоҳаза юритадиган бўлсак, мазкур ғазалда ҳам “идеал хуснга эга бўлган маҳбуба” мавжудлиги яққол намоён бўлади. Тасвирдаги маъшуқа унинг мутлақ хусн соҳиби эканлиги, айниқса, ғазалнинг мақтаъсида янада равшанроқ кўринади. Ўша ишораларга суяниб, шоир тасвиридаги ой - маъшуқа, севгили ва илоҳий жамолни ўзига мужассам этган мазҳар маъноларини ўзида мужассамлаштирган тимсол даражасига кўтарилган, дейиш мумкин.

Умуман, само ёритқичлари орасида қуёш ва ойнинг мана шундай тағмаънолик - мажозий хусусияти Навоий шеърлятида самовий ва мажозий ишқни уйғун ҳолатда тасвирлаш имконини яратган. Бундай услубий майл тасаввуф адабиётида самовий тимсолларнинг алоҳида аҳамиятга моликлиги билан изоҳланади.

Мутафаккир шоир гўзал шеърлярига хос бўлган қаршилантериш - тазод санъати Қуёш ва Ой сайёралари тимсоллари иштирок этган байтларда ҳам яққол кўзга ташланади. Бундай мисраларда шоир кўпинча маъшуқа жамолини васф қилиш нуқтаи назаридан ўша само ёритқичлари тимсолларига мурожаат этади. Шарқ халқлари мумтоз адабиётига хос бўлган қуёш ва ой тимсолларини маъшуқа орази, қоши сингари узвларига қиёслаш, уларга хос хусусиятлар асосида хаёлдаги маҳбубанинг гўзаллигини таърифлаш, ошиқнинг

¹ Хайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан.-Тошкент: Фан, 1970, 173-бет.

ҳижрон онларидаги ички туғёнлари, азобу армонларини юксак бадий назокат билан гавдалантиришда тазод санъатига тез-тез мурожаат қилинган. Ана шундай адабий ҳодиса Алишер Навоий шеърятини учун ҳам хосдир:

*Шафақгун юз ҳилолий қош ило то жилвагар бўлдунг,
Кўзумда бўлди қон зоҳир, қадимда бўлди ҳам пайдо. [2, 16].*

Абдулла Орипов шеърятини тазод санъатининг қўлланиши ҳақида мулоҳазаларини баён этган Н.Афоқова ўша шеърини санъатнинг хусусиятлари устида тўхталаркан, қаршилантилган икки объектнинг муштарак нуктада умумлаштирилишига эътиборни қаратади.¹ Назаримизда, Алишер Навоийнинг ҳам юқоридаги байтида шундай ҳолат кузатилади. Гарчи байтда қуёшга очиқ-ойдин мурожаат этилмаган бўлса-да, у билан боғлиқ табиий ҳодиса қаламга олинган. Қуёшнинг ботиши билан кўк юзида қизил ранг - шафақ пайдо бўлади. Мана шу манзара юқоридаги байтда ёр юзининг сифатловчиси бўлиб хизмат қилмоқда. “Ҳилолий қош” бирикмасида эса ёр қоши янги ойдек мафтункорлиги назарда тутилади ва олтин рангнинг рамзий маъноси гўзалнинг руҳий ҳолатини ифодалашга қўл келади. Кейинги мисрада эса бундан изтиробланган ошиқнинг кўзларида қон зоҳир бўлиши ва қоматининг ҳам бўлиши ўз ифодасини топади. Бир қарашда бунда бир-бирига қаршилантилган “икки объект” йўқдай туюлади. Аксинча, байтда қандайдир ранглар ва шаклий мутаносиблик мавжудлиги яққол кўринади. Аслида байтда қўлланган тазоднинг ҳосил бўлишида бир жиҳатдан рангларнинг рамзий маънолари асос бўлган, дейиш мумкин.

Мувозий келтирилган “икки объект” жилвагар маъшуқа ҳамда ундан изтиробга тушган ошиқнинг руҳий ҳолатларидаги умумийлик ҳам бир жиҳатдан рангларда мавжуд бўлса, иккинчи жиҳатдан “қош” ёки “ҳилол”нинг кейинги сатрдаги “хам” билан шаклий уйғунлигидадир. Қизил ранг қонли кўраш, изтироб ва ҳалокат рамзини англатиши билан бир қаторда ғалаба, хурсандчилик, ўктамлик, уйин-кўлги ва телбалик маъноларида ҳам қўлланади. Олтин ранг - ҳилол ранги эса Навоий талқинида кўпинча тиниқлик, хурсандчилик, олийжаноблик ҳамда бўларга қарши бетоблик рамзидир.² Шоир байтда бир-бирига тамомила тескари икки руҳий ҳолатни ифодалаб, таъсирчанликни оширишга эришган. Рангларнинг бир-бирини инкор этувчи ижобий ва салбий рамзий маъноларидан усталик билан фойдаланиш юқорида эслатганимиз шеърини фазилатларни кучайтириш учун хизмат қилган.

Қош “ҳилолий қош” бўлганлиги боис дастлаб ёрнинг “жилвагар” эканлигини таъминлашга хизмат қилган бўлса, унга шаклан яқин турадиган “хам” ошиқнинг чеккан азиятларини тасвирлашга замин ҳозирлаган. “Шафақ” - “қон”, “қош” - “хам” сўзларини матндан ўзиб, алоҳида маъноларига эътибор қилинса, уларда бир-бирини инкор қилиш мавжудлиги у қадар ёрқин сезилмайди. Алишер Навоийнинг санъаткорлиги эса уларни қаршилантира олишқа намоён бўлади.

Улуғ шоир ижодий услубидаги шеър қаҳрамони ички кечинмаларини тасвирлашда зоҳирий ҳолатлар билан руҳий ҳолатларни ёндош қўллаш само ёритқичлари тимсоллари иштирок этган байтларда ҳам ёрқин кўринади. Бунда юзадаги зоҳирий ҳолат сифатида сайёралар иштирокидаги табиийликни маънавий-руҳий олам билан ёнма-ён қўллаш асосида эришилади. Навоий ғазаллари орасида табиий лавҳалар воситасида шеър қаҳрамони ички кечинмалари, ҳис-туғёнларини бадий ифодалаш билан гўзал манзаралар яратишга эришилган шеърлар кам эмас. Чунончи:

¹ Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида шеърини санъатлар. - Бухоро, 1994, 59-бет.

² Ҳасанов С. Навоийнинг етти тўхфаси. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989, 167-172-бетлар.

*Мўзтариб кўнглим аро ул юз хаёли айланур,
Мавжлиғ суда қуёш акси нечукким чайқалур.
То ўзори жилвагардур, жилва айлар зулфи ҳам,
Меҳр то айлар таҳаррук, соя доғи тебранур [2,153].*

Кўчирилган ҳар иккала байтда тўртта бадий манзара мавжуд бўлиб, бўлар шу ғазалнинг матласидаги биринчи сатрда ифодаланган чизгилар билан узвий алоқадорликда вужудга келган. Бундаги ташбеҳлавҳалар ўртасида шаклий ўхшашлик ва фикрий яқинликда намоён бўлади. Биринчи байтдаги “мўзтариб кўнгул” билан “мавжлиғ су”, “юз” билан “қуёш” ўзаро мутаносиблик касб этиб, мураккаб ташбеҳ санъатини вужудга келтирган. Фақат “мўзтариб кўнгул” билан “мавжлиғ су”нинг ўзаро ўхшашлиги “юз”нинг “қуёш”га монандлик шарти билан ҳосил бўлган. “Юз” ва “қуёш”да шаклий уйғунлик асос қилиб олинган бўлса, биринчи мутаносибликда шу шарт билан кўнгил ва сувнинг сифатловчилари ҳам муҳим аҳамият касб этган. Демак, илк мутаносибликда бадий манзара фикрий яқинлик боиси бўлса, иккинчисида эса шаклий монандлик шундай вазиятни вужудга келтириш учун асос бўлган.

Иккинчи байтда “ўзор” ва “меҳр” ҳамда “соя” ва “зулф” (бунда уларнинг қоралиги назарда тутилади) сўзлари орасида худди шундай шаклий яқинлик бор. Байтларда қуйидаги мазмун ўз ифодасини топган: Изтиробланган кўнгуларо маъшуқа юзининг хаёли айланади. Чунки мавжлиғ сувда қуёш акси чайқалади. Биринчи манзара - маънавий ҳолат, иккинчисида эса табиий кўриниш назарга ташланади. Демак, ошиқнинг изтиробли кўнгли - мавжлиғ сув. Ҳар иккаласидаги уйғунлик - ҳаракат. Кўнгулда ҳис-туйғулар мавжланмоқда, шунинг натижасида ошиқ шуурида ёр чехрасининг хаёли кезмоқда. Сув ҳаракатланмоқда, унда аксланган қуёш тебранаётир.

Тоқим, ёрнинг ўзори жилваланаркан, шубҳасиз, унинг ошиқ кўнглига қармоқ солиб, изтироблантирган зулфи ҳам майин тебранади. Чунки қуёш ҳаракатланганида, соя ҳам сокин турмайди. Мазкур лавҳаларда маънавий-руҳий ва табиий-зоҳирий ҳолат тасвири мавжуд. Бундай гўзал бадий манзараларнинг вужудга келишида изтиробли кўнгилда ёр ўзорининг хаёли айланиши замин ҳозирлаган ва руҳий ҳолат тасвирини беришга қуёш тимсолидан фойдаланилганлиги унинг бадииятига ғоятда ижобий таъсир кўрсатган.

Қуёш сайёраси тимсоли иштирокида табиий ва маънавий ҳолатни ёндош қўллаш Навоий шеърлятида мазкур услубнинг асоси саналади. Биз унинг баъзи жиҳатларига эътиборни қаратамиз. Бўлардан дастлабкиси барчага таниш бўлган қуёш ва инсон билан боғлиқ табиий ҳодисалар асосида вужудга келади. Чунончи:

*Гар қуёшга эл назар қилса қўзига ёш тўлар,
Ул қуёш борғач назардин кўзларимга тўлди ёш [1,233].*

Қуёшга тик боқиш мушқўллиги ва шундай қилинса, кўзга ёш келиши барчага аён. Бироқ ошиқ кўзларига “ул қуёш борғоч назардин”, яъни қуёш унинг нигоҳидан узоқлашганда ёш тўлади. Ўзаро зид қўлланган табиий ва ҳаётий тамсил улуғ шоирга қуёшни ҳам луғавий, ҳам рамзий маъноларда қўллаш имконини ҳосил қилган. Иккинчи мисрадаги қуёш мажозий ва илоҳий муҳаббатни ўзида бирлаштириб турибди. Буюк мутафаккир “Фарҳод ва Ширин” достонида ишқнинг бу икки кўриниши бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигига яна бир қарра эътибор қаратган эди. Биз эслатаётган лавҳанинг муҳим жиҳати шундаки, мажозий ва илоҳий ишқнинг фазилатларидан сўзлаётган Суқрот уларнинг бири иккинчисини тақазо қилишини ҳам қуёш тимсолига мурожаат этиш билан муайянлаштиради.

Алишер Навоий бу улуғ донишманд тилидан: “Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар, Ҳақиқий ишқ анга хуршиди ховар” [8, 181], мисраларини битади. Субҳи анвар - ёруғ тонг, хуршиди ховар эса қуёшдир. Ушбу мулоҳазаларга таянган ҳолда юқорида таҳлил жараёнига тортилган ғазал байтидаги қуёшнинг рамзий ишораларида ҳам ишқнинг ҳар икки жиҳати назарда тутилганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Байтнинг таъсирчанлиги шундаки, унда маъшуқа шунчаки таъриф этилмай, икки дилбар лавҳани қаршилантириш асосида мақсадга эришилган. Худди шунга яқин бўлган икки бадий лавҳани ёнма-ён келтирилиши шоирнинг бошқа ғазалларида салмоқли ўрин тутади:

*Оллимға юзунг келгач, хусн аҳлини кўрмасмен,
Кўз англамас ашёни бўлғач қуёш ўтруда. [1, 499].*

Иқтибоснинг дастлабки мисрасида маъшуқа юзи ошиқ кўзи олдида гавдалангандаги ҳолати тасвири берилади. Улуғ шоирнинг аксарият шеърларида унинг якка муҳаббат (моно муҳаббат) тарафдори бўлганлиги аниқ назарга етади. Кўчирилган иқтибосда ифодаланишича, ўз маъшуқаси жамолига кўзи тушган ошиқ хуснаҳли ўртасидаги яктоларни ҳам назарга илмайди. Негаки, ошиқ қалбини асир қилган маъшуқа қуёш янглиғ шуъла сочиб ўша хусн аҳлини аллақачон ўзига мафтун қила олган эди... Қуёш сайёраси тимсоли иштирокида ҳосил бўлган худди шундай табиий ҳодисалардан улуғ шоир назарига тушгани қуёш тутилишики, бу манзара ижодкор байтларининг бадий салоҳиятини юксалтирган:

*Анбарин хат бирла ул юз бўлди олам офати,
Олам офатсиз эмас, хуршид бўлғач мункасиб.*

Ёрнинг анбарин хати (устки лабидаги майин хушбуй тук чалари) билан ўша гул юзи ушшоқ учун олам офати бўлди. Сабаби қуёш тутилгач, олам офатсиз бўлмайди. Мувозий келтирилган икки ҳолат асосида яна қуёш ва юз мутаносиблиги вужудга келади ҳамда қуёшнинг мункасиб бўлиши тутилиши билан маъшуқанинг юз кўрсатмаслигига ишора қилинади. Қуёш тутилиши билан боғлиқ олам офати эса халқнинг бундай манзарадан саросимага тушишидир. Ушшоқ учун эса айни ҳолат ҳажр изтиробларининг кучайишига йўл очади. Алишер Навоий ана шундай оҳори тўқилмаган ноёб адабий топилма асосида байтнинг бадииятини кўтара олган. Яна қуёш билан боғлиқ шундай табиий ҳодисаларни шоир бошқа осмон жисмлари билан алоқадорлик асосида қаламга олади. Бунинг ёрқин намунаси қуйидаги машҳур байт саналади:

*Оразин ёпқоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлюч қуёш [1, 237].*

Байтнинг дастлабки мисрасида ёр юзини ошиқдан ниҳон тутгач, яъни беркитгач, ишқида собит ошиқнинг кўзларидан ёшлар сочила бошлаши ўз ифодасини топган. Улуғ шоир ошиқдаги мана шу руҳий ҳолатни шеърхон тасавурида яна- да муайянлаштириш, ошиқ руҳиясидаги ушбу ҳолатни муболағавий сатрларда ўқувчига етказиш учун айни воқеликка шаклан уйғун бўлган табиий тамсилдан маҳорат билан фойдаланади. Кейинги мисрада қуёшнинг ниҳон бўлиши, яъни яшириниши юлдузларнинг само бағрида милтиллаб пайдо бўлишига замин ҳозирлагани ўз ифодасини топган.¹

¹ Мазкур ғазалнинг тўпа таҳлили учун қаралсин: Воҳидов Р. Навоий даҳосига Мавлоно Лутфий баҳоси // Навоийга армугон (мақолалар тўплами). Тошкент: “Фан”, 2004, 13-17-бетлар.

Ғазалда сайёралар тимсолларидан истифода этишга юқорида эътироф этилган услублардан ташқари, Навоий шеъриятида ружуь, муболаға, тажохули орифин каби бадий санъатларга мурожаат этиш ҳам салмоқли ўрин тугади.

Ружуь – мавзуга такрор мурожаат қилиш билан моҳиятни янада теран очиш санъати бўлиб, у билан боғлиқ равишда сайёралар тимсол вазифасида келган байтларга кўплаб мисол келтириш мумкин. Чунончи:

*Жамолингга қуёш ўхшар ва лекин онча қўп ҳам йўқ,
Анга бўлганча ой монанд ул бўлғай сенга монанд [2, 99].*

Ёр жамоли порлоқ қуёшга ўхшатилади ва яна у инкор қилинади. Бундай ташбеҳ Шарқ адабиётида кенг қўлланилган. Мисралардаги ўхшашлик масалага юзаки қараганда, унчалик кўп эмас-ку, деган фикрга келишга асос бўлади. Қуёшу ойга хос хусусиятга ишора қилиш орқали мўшабиҳ ва мушаббихун биҳ ўртасидаги тафовутга аниқлик киритиш мумкин. Қачонки, ой қуёшга монанд бўлса, (яъни бадр - тўлин ҳолига келса), ёр юзига ўхшаши мумкин. Кўринадики, маъшуқа жамоли ташбеҳида қуёшу ой тенг мавқега эга. Баъзи байтларда ой маъшуқага муқояса қилиниб, яна ўша фикрдан тониш ҳоллари ҳам кўзатилади:

*Ойни рухсоринг дедим гуё қоронғу эрди тун,
Ким манга асру йироқтин воқиъ ўлмиш бу ғалат [1, 252].*

Тун гуё қоронғу эди. Мен ойни рухсоринг дедимким, менга бу хато ой бениҳоя йироқ, бўлгани боис пайдо бўлди. Бунда шоир тажохули орифин санъатига ҳам мурожаат қилади ва маъшуқа юзини ойга ўхшатиш билан қониқиш ҳосил қилмаганлиги сабабли хато қилганлигини эътироф этмоқда. Навоий байтларида муайян ҳолат-ҳодисани шунчаки эътироф этмайди, балки ўша ҳаётий-руҳий жараёнларнинг сабабини кўрсатади. Нега ойнинг маъшуқа рухсорига ташбеҳ қилиниши шеър қаҳрамонига маъқул эмас? Бунинг сабабини ойдан излаш туғри бўлмайди. Тун қоронғу бўлганлиги (ойсиз тун қоронғу-да) учун маъшуқа рухсорининг ойга қиёсланиши шоирга - шеър қаҳрамонига эриш туюлади. Мисраларнинг мажозий талқини маъшуқанинг парда ичидаги жамолини ҳам англатади. Бўлут - парда силжиши билан ой (қуёш ҳам) мунаввар кўрина бошлайди. Тун қанчалик қоронғу бўлса, само ёритқичлари шунчалик порлаб кўриниши ҳодисаси Навоийга маълум ва тасвир учун қўл келади.

Сатрларда сайёраларни тимсоллар вазифасида қўллашда Алишер Навоий шеъриятига хос яна бир хусусият муболаға санъати ва унинг кўринишларига мурожаатнинг баландлигидир. Шунингдек, улуғ шоир ғазалларида мумтоз адабиётда кенг қўлланилган само ёритқичлари тимсоллари асосида ҳусни таълил санъатини вужудга келтириш орқали ҳаётий-фалсафий мулоҳазаларни бадий ифода этиш ҳам салмоқли ўрин тугади. Айни чоқда Алишер Навоий ушбу тимсолларни муболағани бошқа санъатлар билан уйғун қўллаш орқали ошиқнинг ички руҳий кечинмаларини жозибали тасвирлашга эришади. Бунда муболағанинг истиора, жонлантириш, ўхшатиш каби бадий санъатлар билан биргаликда келиши аҳамиятлидир. Сайёралар тимсоли иштирок этган байтларда ижодкор мазкур бадий санъатнинг мўътадилликдан юқори, тасаввурга сиғдириш қийин бўлган ғулу кўринишини танлайди:

*Тўққўз фалакдин ўтар гарчи новаки оҳим,
Қилурмен они ул ойға чекарда пайконсиз [2, 181].*

Изтироб чекаётган ошиқ, оҳининг найзаси “тўққўз” фалакдан ўтади. У ул ойга - маъшуқага ўшал ўқни отганда (чекарда) уни учсиз қилади (навокининг ўткир учини синдиради), чунки ошиқ севгилисига озор етказишни истамайди. Шеър қаҳрамони оҳининг тўққиз фалакдан ўтишини мантиқий далиллаш учун ой маъшуқа маъносида қўлланган. “Новаки оҳим” истиораси ҳам муболағанинг кучайтирилишига хизмат қилдирилган. Ошиқ - шеър қаҳрамонининг ўтли оҳи ушбу байтда ойни ёр маъносида қўллаш имконини яратган бўлса, куйидаги байтда шундай имконият кўёш учун мухайё этилган:

*Малойик, тарқалингим ул кўёш ҳажрида қурқармен,
Тешиб ўтгай фалакни оҳим ўтидин алам бир кун [2, 142].*

Исломий таълимотга кўра, малойик-фаришталар самодаги энг юксак мавжудотлардандир. Улар доимо Ҳаққа сажда қиладилар, унинг амрларини бекаму кўст бажарадилар. Байтда ҳам малойикаларга мурожаат қилиниб, уларни таркалишга даъват этилади. Йўқса, ул кўёш - маъшуқа ҳажрида изтиробда қолган ошиқнинг аламли оҳи ўтидан бир кун фалак пардалари ҳам илма-тешик бўлгани каби улар ҳам куйиб кетадилар. Малойикни таркалишга даъват этилишининг сабаби ҳам ошиқ аламли оҳининг ўтидир. Чунки даҳшатли ўт шуъласи малойикаларни куйдириб юбориши мумкин. Кузатишлар шуни тасдиқдайдики, иккала байтда ҳам фикр кўёш ва ой билан боғлиқ бўлганлиги боис само ҳақида кенг бадий мушоҳада қилинган. Алишер Навоий, умуман, мумтоз ижодкорлар мисраларида тез-тез кўзга ташланадиган бундай ўринлар ишқни баҳолашда икқиланишларга йўл қўйиш учун туртки беради. Чунки бундай ҳолатларда ишқи мажозий ва ишқи илоҳий ўртасидаги масофа анча яқинлашиб қолади. Аслида ишқнинг бу кўринишлари ўртасида тўсиқ кўриш ҳам тўғри эмас. Негаки, юқорида таъкидланганидек, улардан бири иккинчисини тақозо этади.

Маъшуқа жамолини васф этиш мақсадида қадимдан қўлланилган самовий тимсоллар кўёш ва ой атрофида турли само ёритқичлари тимсолларини келтириш учун Навоий ғазалларида тажохули орифин санъатига мурожаат этилади ва бадий қиммати юқори байтлар яратилади:

*Юзи давринда қиронму зоҳир этмиш ул пари
Ё кўёш бирла қирон айлаб турур юз муштарий.
Йўқса анжум ҳалқа урдилар томошо қилгил
Жилваи ҳусн айлаганда офтоби ховари [2, 518].*

Иқтибоснинг бадий баркамоллигини “қирон зоҳир этмоқ” таъминлаган. Қирон - икки сайёранинг бир буржда пайдо бўлишидир. Шу маъно маъшуқа юзига кўчирилиб, тажохули орифин санъатига эришилади. Ул пари - маъшуқа юзи атрофида икки сайёрани бир буржда пайдо қилибдими ёки юзлаб Муштарийдек сайёралар Кўёшга яқинлашибдими?! Йўқса, Шарқ кўёши жилва қилганда, фалакда ҳалқа урган юлдузлар томошага чиқармиди?! Адабий парчада нафақат Кўёш, балки Муштарий сайёраси ва юлдузлар тилга олиниб, бу осмон ёритқичлари тимсоллари асосида маъшуқа гўзаллиги улуғланади. Худди шундай манзаранинг Ойга нисбатан қўлланилишига ҳам мисоллар келтириш мумкин:

*Оразинг атрофида гулдур кўринган, эй пари,
Ё қамар даврида саф тортибдурур сайёралар? [2, 132]*

Мазкур байтда маъшуқанинг турфа гулларни эслатувчи жамоли билан Ой теграсидаги сайёралар ўхшашлик ҳосил қилиб, оининг самода ёрдин кўриниши ёрҳамида тажохули орифин санъати пайдо этилган. Алишер Навоий шеъриятида самовий тимсолларга мурожаат фақат ошиқона ғазалларда эмас, балки ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий, маънавий-маърифий масалалар талқинида ҳам ёрқин кўзга ташланади.

Улуғ шоир “Бадойиъ ул-бидоя” дебوحасида девон тўзиш ҳақида фикр юритаркан, ўша тўплам таркибида инсон маънавий камолотига хизмат қилувчи байту ғазаллар мавжуд бўлишига алоҳида эътибор қаратади: *“Яна бир буқим, зўйиё баъзи эл ашъор таҳсилдин ва девон такмилидин ғараз мажозий ҳусну жамол тавсифи ва мақсуд зоҳирий хатту хол таърифидин ўзга нима англамайдулар. Девон топилғайким, анда маърифатомўз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда захмат ва зойиъ машаққат тортилғон бўлғай”* [1, 21]. Шоир бу фикрларига қатъий амал қилади.

Орифона ғазаллар сирасига фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва катта ҳаёт тажрибасига эга мутафаккир шоирнинг панд-насиҳатларини ўзида мужассамлаштирган ғазаллари мансубдир. Ошиқона ғазаллар таркибидаги орифона байтлар ҳам бундан мустасно эмас. Шоирнинг баъзи ғазаллари ошиқона йўналишда бўлса-да, ундан кўзда тутилган мақсад инсоннинг маънавий камолотидан баҳс этувчи байтларни ўқувчига етказишдир. Таниқли адабиётшунос А.Ҳайитметов бундай ғазалларни ҳам орифона ғазаллар сирасига қўшиш тарафдори.¹ Ғазалда асосий ғоя муҳимлигини эътиборга олсак, олим фикрининг ҳаққонийлигига шубҳа йўқ.

Навоийнинг маърифий ва “насиҳатомўз” ғазаллари тадқиқотимиз манбаи саналган девонлари таркибида ҳам мавжуддир. Биз уларда сайёралар тимсолларининг иштироки нуқтаи назаридан ёндашиб, орифона ғазаллар ва байтларда ижодкор ғоясини бадиий тасвирлашдаги само ёритқичлари тимсолларидан қандай фойдаланганини ойдинлаштиришга ҳаракат қиламиз. Доимгидек анъанавий тимсоллар ҳисобланган қуёш ва ойга мурожаат қилиш бошқа самовий тимсолларга нисбатан орифона ғазалларда ҳам салмоқли ўрин тутаяди. Таъкидлаш жоизки, улардаги қуёшнинг ўрни ойга нисбатан ҳам кенгдир:

*Дўстлар, аҳли замондин меҳр умиди тутмангиз,
Меҳри гардун бўлсалар, кўз нуридин ёрутмангиз [2, 185].*

Ушбу мисраларда шоир замон аҳлидан - замонасининг айрим нокаслари, мутаассиб бир амалдорларидан меҳр-шафқат умид қилмасликка, улар агар гардун қуёши бўлсалар ҳам, зинҳор уларга боқмасликка чақирмоқда. Албатта, бундай сатрларни ўқиш билан Навоий замонида турли зўравонликлар юз берганлиги аёнлашади. Шоир ана шундай ҳақсизликларни “меҳри гардун” атрофида жипслаштириб, ғазалнинг илк байтидаёқ ифодалайди ва қолган байтларда фикрини янгича ўзанда давом эттиради. Худди шундай услубий жилони матладагина эмас, ундан кейинги қўш мисраларда ҳам учратиш мумкин:

*Замона аҳлиға гар юз қуёшча кўргўзубсан меҳр
Вафо зинҳорким бир зарра чоғлиғ иътимод этма [1, 503].*

“Агар замона аҳлиға юз қуёшча меҳр кўргўзубсан, уларнинг қилча - заррачалик вафо қилишларига ишонма”, - дейилади байтда. Кўринадики, мазкур байт ҳам Навоийнинг

¹ Ҳайитметов А Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. –Тошкент: “Фан”, 1959, 137-бет.

замонаси носозлигидан нолиш оҳанглари ўзида мужассамлаган бўлиб, шоир қуёш ва унинг заррасидан ўша танқидий фикрни ёритишда санъаткорона фойдаланган. Шоирнинг яна шундай матлаъга мазмунан боғланувчи байти бор ғазалини таҳлил қилсак, бунда ҳам Навоийнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳақидаги ноёб фалсафий-ахлоқий қарашлари бадиий ифодасини топганлигининг гувоҳи бўламиз:

*Қатлима тиғ урғаликим чарх иши озордур,
Мавжи ашким аксидин пулод жавҳардордур.
Кўк тегирмон тоши айландурмоқ истар бошим,
Дема ою кун бошим ўзра буким сайёрдур [2, 135].*

Дастлабки байтда тақдир ошиқ – шеър қаҳрамонининг қатлига тиғ тортиш, озор етказишни касб қилиб олгани, шу боис унинг мавжли кўз ёшлари аксида яланғочланган қиличнинг ялтираб туриши бадиий тасвирланган. Таҳлилимиз манбаи бўлган кейинги байтда кўкнинг (у ҳам тақдир маъносини англатмоқда) жафокор ошиқ бошига тегирмон тошини айлантиришга қасд қилганлиги ҳақида гап боради. Ундан омон чиқишнинг имкони йўқдир. Бас шундай экан, ою кун бошим ўзра айланиб турибди, дейиш фойдасиз.

Мазкур байтни икки хил тушуниш мумкин. Навоий сатрда “ою кун”ни қўллаш орқали шундай имконият яратган:

1. Ою куннинг луғавий маъноларига таяниб:

Тақдир бошимга тегирмон тошини айлантормоқ истайди. Бундан қутўлиш мумкин эмас. Ҳали бошим ўзра ою кун айланиб турибди, деб умид қилма.

2. Мифологик қарашлардаги талқинга кўра қуёш - ота, ой эса - она маъносида тушунилган. Бундан қуйидаги маъно келиб чиқади:

Тақдир бошимга тегирмон тошини айлантормоқ истайди, бундан қутўлишнинг иложи йўқ. Ота-онам бошим ўзра парвона, улар ҳамиша ҳаёт қайдида туришади, деб уйлама.

Кўринадик, орифона ғоялар сингдирилган байтларда қуёш ва ой сайёралари тимсолларини қўллашда Навоийнинг яна бир санъаткорлик маҳорати намоён бўлади. Шоир тақдири азалга ишонишни мазкур байтда равшан бадиий ифода этган. Биз шоирнинг орифона мазмун билан йўғрилган байтларида бунинг жуда кўп намуналари мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Сайёралар тимсоллари иштирокида яратилган бундай байтлар ошиқона, риндона ва орифона ғазаллар таркибида ҳам учраши кўзатилади. Жумладан, қуйидаги мақтаъ ошиқона ғазал таркибида мавжуддир:

*Эй Навоий, олам аҳли жавр этарда тенгдурур,
Хоҳи шоҳи чархи қадру, хоҳи моҳи сорви қад [2, 105].*

Байтда буюк мутафаккир ижтимоий ҳаёт ҳақидаги мухтасар хулосасини ифодалаган. Бу оламда шоҳ, бўладими, сарви қад моҳ - ёр бўладими, ким бўлишидан қатъи назар улар ҳалол ва фидойи инсонларга жавр қилишда тенгдурурлар. Шунинг учун моҳ юзли ёрнинг ошиқда қилган ҳадсиз жавридан шикоят қилиш ўринсиз. Байтда қўлланган моҳ - маъшуқа маъносида бўлганлиги сабабли мисралар ғояси у билан жипс боғланиб қолган. Аёнки, мақтаъдаги хулоса орифона моҳиятга эга. Шунинг учун таниқли навоийшунос А.Ҳайитметов бундай ғазалларни орифона шеърлар сирасига киритишга тўла ҳақли эди. Ишқ-муҳаббат мавзусида ёзилган ғазаллар таркибида орифона байтлар учрашини Навоий қуйидагича изоҳлайди: “... бу девонда (“Бадойиъ ул-бидоя”да - Ҳ.Э.) ҳамду наът ва мавъиза (ваъз, насиҳат, ўғит)дан

бошқа ҳар шўрангиз (ғавго солувчи) ғазалдинким, истимоъи маҳвашларга (маҳвашларнинг эшитиши учун) мужиби саркашлик (ўжарлик сабаби) ва ғамкашларга (алам чекувчиларга) боиси мўшаввашлиғ (ташвишланганлик сабаби) бўлғай бирор-иккирор насиҳаторо (насиҳат бўларли) ва мавъизатосо (ўғит бўларли) байт иртиқоб қилинди (киритилди)ким, аларнинг ламъаи рухсори (қизил юзининг шуъласи) иффат бурқазидин (поклик пардасидан) кўп ташқари ломиз бўлмағай (нур сочмағай)” [1, 21].

Буюк мутафаккир ошиқона ғазалиётда маъшуқанинг бениҳоя гўзаллиги таъриф тавсифи ёки ошиқнинг ҳижрон изтиробларида ўртаниши тасвири билан шеърхон кўнглида қанчалик эҳтирос пайдо этилмасин, шундай санъаткорона завқ шавқ бағишлашнинг бир томонида доимо инсоннинг руҳий-маънавий камолоти туриши лозимлигига эътиборни қаратади. Шу мантиққа таянган шоир ошиқона ғазаллар таркибида бир-икки байт орифона мавзудан баҳс этувчи мисраларнинг бўлишига қатъий амал килади. Улуғ шоирнинг бениҳоя муҳим аҳамият касб этувчи илоҳий-ирфоний, ахлоқий-маънавий ғоялари кўпинча мақтаъдан олдинги байтда ўз ифодасини топади. Алишер Навоийнинг самовий тимсоллар иштироки асосида вужудга келган бундай орифона байтларида юқорида кўриб ўтилганидек қуёш билан боғлиқ табиий ҳодисаларга мурожаат этиш орқали шоирнинг ҳаёт ҳақидаги фалсафий қарашлари ўз ифодасини топади:

*Эй фалак, қайси қуёш юзлукни бир кун чарх ўза
Жилвагар қилдинки, оқшом ерга пинҳон қилмадинг [1, 283].*

Мазкур байт ҳам тақдир билан алоқадор бўлиб, унда хусн - кўркнинг ўткинчилиги, қуёшнинг самода бир жилваланиб, ерда - ўз хобгоҳида пинҳон бўлишига қиёслаш асосида тасвир этилади. Бунда шоирнинг гўзаллар кўркига ва уларга кўп ошуфта бўлмаслик, кўркнинг вақтинчалик омонат эканлиги билан боғлиқ фикрлари рангин бўёқдарда ўз ифодасини топган. Қуёшнинг ботиши ҳодисаси байтнинг вужудга келишида бош омил ҳисобланади.

Қуёш тимсоли иштирокида яратилган, ошиқона ғазал таркибида келган қуйидаги байтда ҳам ошиқона, ҳам орифона қарашлар уйғунлашган. Пароканда ғазаллар (тўзилишига кўра) бағрида келувчи алоҳида байтларга хос бу хусусият кўпинча ана шундай моҳият-мазмунга эга бўлади:

*Элга меҳринг бор бўзуқ кўнглумга ҳам бир зарра боқ
Ким қуёшнинг тобидан маҳрум эмас вайрона ҳам. [1, 367].*

Дастлабки мисра ошиқнинг маъшуқага қаратилган мурожаати бўлиб, кейингисида эса қуёшнинг нуридан бутун борлиқ, ободу вайрона ҳам маҳрум эмаслигига ишора қилинади. Ошиқ элга меҳр кўрсатган маъшуқани ўзининг маҳзун кўнглига ҳам бир назар қилишга ундайди. Унинг кўнгли бўзуқлигининг боиси бор. Ошиқни шу қуйга солган маъшуқанинг ишқидир. Қуёш вайронага ҳам нур таратгани сингари маъшуқа ҳам ошиқнинг афтода кўнглига бир боқса, унинг муроди ҳосил бўлади. Биринчи мисрада ишқ ҳақида гап боради. Аммо байтнинг хулосаси иккинчи мисрада ўз аксини топган. Бундаги қуёш - адолат тимсоли, Тангрининг иноятдан жамийки мавжудот бебаҳра бўлмаганидек, унинг нурларидан бутун борлиқ (яхшию ёмон) мунаввар. Қуёшнинг адолат тимсоли эканлиги Хусайн Воиз Кошифийнинг фикрларидан ҳам англашилади. Чунончи, олим факрнинг аломатларидан бири ҳақида қуйидагича мулоҳазаларини баён этади: “Агар факрнинг аломати нечта деб

сўрасалар, учта деб айт: биринчиси - меҳрда қуёш каби бўлиш, зеро қуёш ҳаминнат нур сочади, ҳеч кимни ўз нуридан баҳрасиз қолдирмайди”¹

Яна қуёш тимсоли иштирокида ҳосил бўлган мақтаъдан олдинги қуйидаги байтда ифода этилган фалсафий-ирфоний қараш эътиборга лойиқдир:

*Файз қўз тутма риёзатда тешилмай юрагинг,
Очмайин равзона уй ичра қуёш солмади зов [1, 473].*

Байтда тасаввуфий истилоҳлардан бири риёзат ҳақида фикр юритилади. Тариқат йўлини тутган солиқ маълум риёзат босқичларини ўтамоғи лозим. Риёзатда нафс хоҳиш қилган нарсалардан кўнгил ўзиб, ўзини қийнаш, маърифат ҳосил қилиш ва шу билан нафсни енгиш кўзда тутилади. Риёзатда тешилмай юрагинг, яъни азият чекмай, нафсни ўлдириш йўлида озор кўрмай, файзга қўз тутма. Уйга туйнук очилмаса, қуёш нуридан бебаҳра қолади. Риёзатда юракнинг тешилиши билан уйга туйнук очилиши ўртасида зоҳирий ўхшашлик бўлганидек, қуёшнинг туйнукдан нур таратиши билан қийналишлардан тешилган юракка файз (маърифат) кириши ўртасида ботиний уйғунлик мавжуд. Демак, шоир яна икки манба - маънавий ҳолат билан табиий омилни мувозий келтириш асосида ўз тасаввуфий-фалсафий қарашларининг бадий инъикосини яратган.

Алишер Навоий орифона байтларда ҳам сайёралар тимсолларидан кенг фойдаланиб, ҳаёт ҳақидаги мушоҳадаларининг теран бадий ифодасини вужудга келтирган. Бунда шоир сайёраларнинг турли ҳолатлари, мифологик маъноларини назарда тўтиш асосида эришган.

Улуғ шоир шеъриятида қуёш ва ойнинг бадий тимсол сифатида қўллашдаги ўзига хослик кўриб ўтилгани сингари ранг-баранг мавзудаги ғазалларда кўзга ташланади. Шоир назмидаги асосий қаҳрамонларидан бири маъшуқани васф этиш, уни қиёссиз гўзаллик намунаси сифатида тасвирлаш билан тасаввуфий ғояларни илгари суришга ҳар иккала бадий тимсолдан ниҳоятда юксак маҳорат билан фойдаланади. Қуёш ва ой тимсолларини маъшуқа ўрнида қўллаш билан илоҳий ва мажозий ишқни бир нуқтада бирлаштириб бадий ифодалаш самовий тимсоллар воситасида табиий манзараларни маънавий ҳодисалар билан ёндош келтиришнинг ўз изоҳлари бор. Шоир шу восита билан ошиқнинг дил изтироблари, руҳий кечинмаларини ойдинлаштиришга эришади. Орифона байтларда, асосан, қуёш тимсолидан фойдаланиб фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашларини бадийлаштириш, насиҳатомўз фикрларни айтишга ўриниш айна услубий майл Навоий ижодининг ўзига хос олмос қирраси сифатида намоён бўлади. Улуғ шоир тафаккурининг эътироф этилган мавзу ва йўналишларида нечоғлик кенглигини муайянлаштириш мақсадида сайёралар тимсоллари иштирок этган қуйидаги масалаларга тўхталиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ҳамд ва наът ғазалларда қуёш ва ой тимсоллари.
2. Қуёш ва ой тимсолларининг Исо ва Юсуф пайғамбар тимсоллари билан ёндош қўлланиши.
3. Қуёш ва ой тимсолларининг буржларга муносабати.

¹ Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тарихи. –Тошкент: “Халк мероси”, 1994, 21-бет.

ЗИҲИ КАМОЛ ИЛА КАВНАЙН НАҚШИҒА НАҚҚОШ

Алишер Навоий маънавий меросида ҳамд ва наът ғазалларга кенг ўрин берилган. “Бадойиъ ул-бидоя” девони дебوحасидаги муаллифнинг қуйидаги фикрлари шундай хулосага келиш имконини беради: “...Муқаррардурким, ҳар амрда бир лаҳза ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳамдидин ё расул алайҳиссалом наътидин ё бу икки ишга далолат қилурдек бир амрдин ғофил бўлмамоқлик авлодурур” [1, 21]. Кўринадики, буюк мутафаккир ҳар ишда бир лаҳза бўлсин, Аллоҳни ёдга олиш, расули акрамни хотирда жилолантириш ёки шунга далолат берувчи ишоралар қилишни афзал кўради. Шундан келиб чиқиб, “ҳар ҳарф ғазалиётининг аввалғи ғазалини”¹ уқоридаги мақсадларни кўзлаган ҳолда яратиш улуғ шоирга хуш ёқади.

Ҳамд ғазалларда Аллоҳни васф қилиш билан бир қаторда унинг яратувчанлик хусусияти улуғланади. Буюк шоирнинг яралиш ва яратиш тўғрисидаги фалсафий қарашлари мазкур ғазалларда юксак бадиий талқинини топган. Бу мавзуга дахлдор ғазалларда Аллоҳнинг мўъжизавий сиймоси марказий ўринда туради. Шу билан бир қаторда сайёралар тимсолларига ҳам мурожаат этилади. Қуёш ва Ой сайёралари тимсоллари ҳар галгидек кўп тилга олинади, бошқа сайёраларга деярли мурожаат қилинмайди. Шулардан келиб чиқиб, биз қуёш ва ойни мумтоз шеърятдаги энг кўп қўлланилган асосий самовий тимсоллар деб аташимиз мумкин. Улар ҳамд ғазалларда осмон жисми, яъни сайёра маъносида қўлланиб, Аллоҳнинг буюк мўъжизавий қудрати ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мақсадида қаламга олинади:

*Қуёшга гоҳ қизармоқ, гоҳ сорғормоқ эрур андин
Ки, сунъунг боғида бор ул сифат юз минг гули раъно [19, 30].*

Алишер Навоий қуёшнинг қизариши ва сарғайиши ҳақида фикр юритганда, унинг фазодаги ҳаракатини назарда тутганлиги яққол сезилиб туради. Куннинг чиқиши ва ботиши пайтида қуёшнинг қизил тусга кириши, заррин нурлари Ерни қиздира бошлаганда эса сариқ тус олиши барчага аён. Айни чоқда бу ҳаракатнинг бошқарувчиси Парвардигорнинг Ўзидир. Шоир бундай фикрларни асоссиз келтирмайди, албатта. Унинг учун таянч, ғоявий омил илоҳий каломлар мажмуаси Қуръони мажид бўлиб, унда шундай ояти карима мавжуд: “Қуёш (бирон сония тўхтамай) ўз қароргоҳи сари жорий бўлур. Бу қудратли ва билгувчи зотнинг тақдир ўлчовидир” [“Ёсин” сураси, 37].² Қуръони карим таржимони Алоуддин Мансур келтирилган оятни қуйидагича изоҳлайди: “Ердан минг-минг марта катта ҳажмга эга бўлган Қуёш “то Кун ва Ой бирлашиб кетадиган” қиёмат куни келгунича бир нафас ҳам тинмасдан фазода айланаверади. Фақат қудратли ва доно зот Аллоҳ таолонинг Ўзигина уни шундай тартиб-ўлчовга бўйсундириб қўя олур”.

Қуёш осмонда ўхшаши йўқ само ёритқичи бўлиб кўринса-да, ижодкор мазкур ғазалда бу фикрдан тамомила йироқлигини эътироф этади. Аллоҳ яратган боғда “ул сифат юз минг гули раъно” мавжуд. Кўринадики, шоир яна масалага исломий нуқтаи назардан ёндашиб, яккаю ягоналик фақат Яратувчигагина хослиги, қолган барча жисмлару инсу жинснинг жуфти мавжудлиги, улар маълум турларни ташқил этишидан келиб чиққан ҳолда

¹ Мусулмон минтақа халклари адабиётида девон (туплам) тартиб беришнинг ўзига хос аъёнлари шаклланган бўлиб, унга кўра тузиладиган девонга ғазаллар араб алифбосидаги 32 ҳарф сирасида (матлаънинг охириги сўзи яқунланадиган ҳарф - алиф, бе ва ҳоказо) жойлаштирилган.

² Бу ояти каримага берилган шарҳ учун қаралсин: Қуръони каримнинг Алоуддин Мансур таржимаси, 274-бет.

Тангрини васф этади. Албатта, шу ўринда асосий самовий тимсоллардан бири саналган қуёшнинг қўлланиши байтнинг бадий салоҳиятини оширишга хизмат қилиши билан бир қаторда маълум маънода мушоҳада этишга ундаётганлиги билан аҳамиятлидир. Навоий шеъриятидаги етакчи хусусият ҳам ўша дилбар сатрларнинг китобхонни фикрлашга ундашидир. Буни биз ҳамд ғазалларда янада ёрқинроқ кузатишимиз мумкин. “Илоҳо, амрингга маъмур етти торами аъло” сатри билан бошланувчи ғазалдаги қуйидаги байтлар фикримизнинг далили ҳисобланади:

*Ибодатингга янги ой бўлиб ҳам ўлди мусалли,
Сипехр атласидин солибон ҳавоға мусалло,
Чу сандин улди қуёш панжаси аро олтун,
Сочарға доғи сен эттинг анга карам яди тўло [2, 10].*

Қуръони каримнинг “Ҳаж” сураси 18-оятда: “(Эй Муҳаммад), Сиз осмонлардаги ва Ердаги бор жонзот, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дов-дарахтлар ва (барча) жониворлар ҳамда кўпдан кўп инсонлар (ёлгиз) Аллоҳга сажда қилишини қўрмадингизми?”, - дейилади. Кўчирилган парчада ҳам Аллоҳ ибодатига ҳам бўлиб, намоз ўқиётган янги ой тасвири ўз ифодасини топган. Ой ва бошқа осмон жисмларининг ибодати назаримизда Аллоҳ амрини бекаму куст бажаришидадир. Шоир ушбу мисраларда ташхис санъати воситасида инсонга хос фазилатлару ҳаракатларни ҳилолга кўчиради. Ой гуё рукуъга кетган кишидек намоз ўқимоқда, кўк атласи эса унга ҳавода жойнамоз вазифасини ўтайди. Ушбу байт ҳам шоир тафаккур оламининг ниҳоятда кенглигидан далолат берувчи сўз санъати намунаси. Навоий янги ой шаклида оҳори тўқилмаган ташбеҳ намунасини яратган. Мумтоз шеъриятда кўпинча ҳилол маъшуқанинг камон қошига қиёсланган бўлса, улуғ шоир унга янгича ёндашиш асосида илоҳий китобга таяниб, Тангрининг буюклигини буёқдор тасвирлашга муваффақ бўлган. Кейинги байтда иштирок этган қуёш тимсоли орқали яна шундай гўзал манзара чизилган. Гуё Сенинг (Аллоҳ назарда тутилмоқда) марҳаматинг туфайли қуёш панжаси олтин бўлди, яъни Сен нур сочиш учун унга ўзун қўлларни эҳсон қилдинг. Шоир қуёш нурларини ўзун қўлларга ўхшатиб, уларда мавжуд бўлган заррин жилони Аллоҳнинг инояти эканлигини таъкидлаш билан бундай яратишга фақатгина қудратли, буюк зот қодир эканлигини жонли мисоллар орқали бадий тасвирлаган.

Сайёраларнинг тимсоллар иштироки шеърий мисралар бадииятини сезиларли даражада кучайтириш ва ғазалда илгари сурилган таянч ғояни шеърхонга бежирим етказиш учун алоҳида аҳамиятга моликлиги ҳамд ғазалларга хос хусусиятдир. Фикр тасдиғи учун шоирнинг шундай ғазалларидан бирини олиб кўриш мумкин. Мазкур ҳамд ғазал 9 байтли бўлиб, дастлабки олти мисрасида асосий самовий тимсол саналган қуёш тилга олинади:

*Зиҳи мазохир аро меҳри оразиндур нур,
Қуёштин ўйлаки зарроти хайли ичра зухур.
Вужудинг айлади кавну макан вужудин фош,
Ҳамул сифатки қуёш қилди заррони машхур.
Хирад гар аъмо эса гуноҳ зотинг ичра не тонг,
Қуёшни қўрмаса хуффош бордурур маъзур [2, 113].*

Гўзал кўриниш аро маъшуқанинг қуёшваш юзидан нур тараладики, бу қуёш зарралари ичидаги нурлар гуруҳини англатади. Кўринадики, байтда икки манбанинг мувозий қўлланилиши орқали бадийлик оширилган. Биринчи бадий ишорани “меҳри орази”дан

нур таратаётган маъшуқа маъносида талқин қилиш мумкин. Унинг юзидан таралаётган нур қуёшдан пайдо бўлаётган заррачалардай сержилодир. Иккинчи байтдаги “Вужудинг айлади кавну макон вужудин фош” мисраси буюк яратувчанлик хусусиятига эга Зот ҳаққидадир. Кавну макон деганда борлиқ, бутун олам, коинот назарда тутилади. Мисрада Ҳақ, таоло вужуди коинот вужудининг ошкор этгани, яъни бунёд қилгани ҳақидаги исломий таълимот ўз инъикосини топган. Навоий илк байтда қўллаган услубини давом эттириб, қуёшнинг худди ўша сифат билан заррани машхур қилганлигини Ҳақ таолонинг оламини вужудга келтирганига ёндош қўллайди. Бу эса Аллоҳни васф этиш билан бирга Қуёш сайёраси воситасида коинотнинг яратилиши туғрисидаги илоҳий-фалсафий қарашни тасаввурга келтириш учун замин ҳозирлайди. Ҳазалнинг дастлабки байтидаги образни назарда тутиб, шоир илоҳий ишқни тараннум этмоққа ёки мажозий ишқни, шаклида савол қўйиш у қадар мувофиқ эмас. Чунки байтлардаги ботиний маънолар, илк байтда қўлланган маъшуқа жамоли васфига доир ишоралар инсон ва Худо ишқи қоришиқ келаётганлиги ҳақида муайян қўнимга келиш имконини беради. Ўринли эътироф этилганидек: “Навоий ишқ номи билан инсонни улуғловчи илоҳий сирларни тадқиқ этади, буюк шоир тасвиридаги ҳақиқий ишқ кечинмалари Инсон ва Худо орасидаги руҳий яқинлик, бирлик туйғуларини ифодалайди”.¹ Ана шу руҳий яқинлик Навоий ғазалларида бадий ифодасини топган Аллоҳга дахлдор лавҳалар заминида вужудга келган. Шеъринг сатрлардаги тафаккур эса бекаму кўст яратилган олам ва унинг Бунёдкори хусусидадир. Шоирнинг борлиққа меҳри баландлиги боис унинг яратувчисига ҳам севгиси чексиздир. Шу сабаб, Навоий “ҳақ субҳоно таоло ҳамди ё расул алайҳиссалом наъти” ёки ҳар иккаласига “далолат қилурдек бир амрдин ҳар бир амрда бир лаҳза” муяссар бўлмоқликни саодат деб билади. Ижодкор кўзлаган мақсадига Аллоҳ мадҳ этилган юқоридаги байтлар воситасида эришган, дейиш мумкин. Чунки учинчи байтдаги Инсон ва Худо орасидаги муносабат тасвири мутафаккир шоирнинг теран мулоҳазалари маҳсулидир. Унда қўлланган қуёш тимсоли байтда илгари сурилган ғояни шеърхонга аниқ етказиш ва мисралар бадийиятини ошириш нуқтаи назардан юксак аҳамиятга молик. Навоий: “Агар хирад” - билим аҳлининг ақли, кўзи ожиз бўлса, гуноҳ зотнинг ичида бўлиши ажабланарлимас, чунки кўршапалак қуёшни кўрмаса ҳам маъзур бордир, яъни кечирарлидир”, - дейди. Бунда шоир хирад деганда инсонни назарда тутиб, унинг кўзи ожизлигини Ҳақнинг барча сир-асрорларидан етарли воқиф эмасликда деб билади ва буни гуноҳ санамайди. Бундай хулосага келишқа Алишер Навоий биринчидан, Қуръони каримдаги таъкидга ва табиий ҳодисаларга тегишли Ҳақ қонуниятига таянади. Иккинчи байтда ишора қилинган кўршапалак ва қуёшга доир лавҳалар ўшандай майлдан дарак беради. Ҳақиқатан ҳам, кўршапалак равшанликда ўзини эркин ҳис этолмагани учун қуёшни унинг кўрмаслиги ўзридир. Шундай экан, инсон ҳам Ҳақ таолонинг бутун яратилганлари ва зотини англашдан аъмодир. Шоирнинг бундай теран фалсафий қарашларини бадийлаштирилишида қуёш тимсолининг ўрни беқиёс. Навоий теран фалсафий ғояни шеърхон шуурига сингдиришда Офтобдан таянч назарий “аслаҳа” сифатида фойдаланган.

Яратувчининг ниҳоясиз карам, саховат, марҳамат соҳиби эканлигини ифодалаган ҳамд ғазалларда қуёш ва ой тимсолларининг қўлланилиши айрилмоқчи бўлган фикру мулоҳазанинг янада теранлашишига имкон яратган. Чунончи:

*Зиҳи камол ила кавнайн нақшиға наққош,
Мукавванот вужудин вужудунг айлаб фош.
Вужудунг айлади мавжуд улусниким, бўлмас*

¹ Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеъринг. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991, 86-бет.

*Вужуд зарраға мавжуд бўлмагунча қуёш.
Санга етишмаса, тонг йўқ, бу ақли зулмоний,
Ки меҳр шамъига парвона бўлмади хуффош.
Қаю париғаки қилдинг юзин қуёш, бердинг
Кўнгул жунуни учун анбарин ҳилол ила қош. [1, 226]*

Алишер Навоий кўчирилган парчада Холиқи олам ҳақида фикр юритаркан, аксарият ҳамд ғазалларида бўлгани сингари Аллоҳ унинг Халлоқлик сифати нуқдаи назаридан масалага ёндашади. Шоирнинг фикрича, Аллоҳ гўзал камолоти, етуклиги билан “кавнайн нақшига наққош”. Кавнайн икки дунё маъносида қўлланиб, фоний ва боқий оламини ўзида акс эттиради. Унинг икки олам “нақшига наққош” лиги байтда назарда тутилган “кавнайн”нинг Ижодкори эканлигида намоён бўлади. Кейинги мисрада жамийки мавжудот вужуди унинг вужудидан пайдо бўлганлиги ўз ифодасини топган. Шоир тасаввуфдаги ваҳдат ул-вужуд фалсафасига доир айрим ғояларни мазкур мисрада бадиий ифодалар экан, ана шу фикрни кейинги байтда мантиқий ривожлантиради. Айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини муайян лавҳалар ёрҳамида акс эттиради.

Келтирилган байтда сўзларнинг кўп маънолилиқ хусусиятидан ўринли фойдаланган улуғ шоир гўзал бадиий манзара яратган. Шунингдек, қуёш ва инсоннинг бунёдкори “Вужуди мутлақ” – Аллоҳ эканлигига ишора қилган, яъни аввал зарралардан таркиб топувчи қуёш яратилиб, сўнгра инсон қошиф томонидан кашф этилгани, унинг вужудига зарра (руҳ, жон) киритилгани байтда ўз ифодасини топган. Шунингдек, улуғ шоир жуда нафис ишораларда надшбандия тариқатининг тарафдори эканлигига эътиборни қаратган. Илк мисрада қўлланган Холиқ вужуди, улус ва кейинги мисрадаги қуёш ҳамда зарралар билан мутаносибликда келади. Навоий байтда зарра қуёшнинг бўлаги экан, унда қуёш аксланади, деган фикрдан келиб чиқиб, жамийки олам Аллоҳнинг яратиғи экан, инсон ҳам унинг тажаллисидир, деган ғояни қуёш тимсоли воситасида илгари суради.

Ғазалнинг кейинги байтида ўша фикрни такомилга етказиш, шеърхонни шоирнинг фалсафий оламига кўпроқ жалб этиш нияти билан яна қуёш - меҳрга мурожаат этилади. Бундай мурожаат олдинги байтларда кўрган имиздек жуфт мисраларда эканлиги кўзатилади. Байтнинг биринчи мисрасида Аллоҳнинг зотий сифатлари улуғланиб, иккинчи мисрада эса самовий тимсолларга мурожаат қилинади. Шоир ботил - зулмоний (қоронғуликдаги) ақлнинг қўлида қолган инсон онгининг Худога етишмаслигига ажабланмаслик кераклигини қуёш шамига кўршапалак парвона бўлмаслиги ҳодисаси орқали қиёсан бадиий изоҳлайди. Бунда шоирга “меҳр шамъига” бирикмаси заминиде шаклланган истиора санъати қўл келади. Шу асосда ижодкор “парвона” ва “хуффош” тимсолларини ғояни аниқ юзага чиқариш йўлида хизмат қилдиради. Мумтоз шеърятда шамъ - маъшуқа, парвона – ошиқ тимсоли саналади. Байтда парвонанинг шамга бўлган ишқи ва инсоннинг Ҳаққа бўлган муҳаббати ҳақида ҳам муқоясавий йўсинда мулоҳаза юритилади. Хуффош шамга парвона бўлмаганлиги сингари инсон ҳам ўзининг “ақли зулмоний”си билан Ҳақ жамолига етиша олмайди. Кўринадики, Навоийнинг Ҳақ таоло ҳақидаги фалсафий қарашлари байтда “меҳр” сўзи атрофида ўзининг теран бадиий талқинини топган. Иқтибосдаги сўнги байтда қўлланилган ташбеҳлар: юз - қуёш, қош - ҳилол анъанавий “аслаҳалар” (М.Шайхзода) тарзда бўлса-да, уларда Яратувчининг марҳамати ўз ифодасини топганлиги билан аҳамиятлидир. Шоир: “Қаю париғаки қилдинг юзин қуёш” - деганда парини севгили маъносида қўллаб, ошиқ кўнглида жунун пайдо этиш учун унга “анбарин ҳилол ила қош” ато этилганини тасвирлайди ва бу билан инсон мукавванот (яратилган, мавжуд нарсалар) ичида энг мукамал яратиқ эканлиги, Ҳақ таолонинг буюк эҳсонига мўшарраф бўлгани қуёш ва ҳилол воситасида ўз ифодасини топади.

Алишер Навоийнинг ҳамд ғазалларида равшан намоён бўладиган фазилатлардан яна бири, Аллоҳ ва қуёшнинг ёнма-ён тутилиши ёки маънодош истилоҳлар сифатида қўлланишидир:

*Зиҳи ҳар лаҳни бўлбўл савтининг зотингга исботи,
Жаҳон боғида ҳар гул яфрори хуснунгга миръоти.
Вужуди зарранинг мумкин эмас то собит ўлмас меҳр,
Не ҳожат зарра хайлидин қуёш зотига исботи [1, 513].*

Иқтибосдаги иккинчи байтда “меҳр”, “қуёш”, “зарра” каби сўзлар қўлланилган бўлиб, улар матласиз назардан ўтказилса, Аллоҳ тўғрисида фикр биддирилаётганлиги у қадар ойдинлашмайди. Матладаги “миръот” сўзи бунда алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, у олам Ҳақнинг тажаллийси эканлигидан далолат беради. Турк олими Усмон Турар Аллоҳ ва олам муносабатиҳақида фикр юритаркан, Ибн Арабий қарашларидан келиб чиқиб, қуйидагиларни ёзади: “Аллоҳ зоти эътибори билан азалдан мавжуд эди ва ўзи билан биргаликда ҳеч бир нарса йўқ эди. Фақат у илоҳий исмларини ўзида мушоҳада этишни истади. Чунки мақдур бўлмасдан Қодир, марзуқ бўлмасдан Раззоқ... сифатлари маъносиз бўлиб, бирор қиммат ифода этмасди. Шунинг учун “Зот” мартабасидан, турли марҳалалардан кечиб, борлиқ оламини яратди. Шундай қилиб, уларни ўзига ойна этди, ўз камоли ва жамолини томоша қилди (таржима - бизники)”.¹ Тасаввуфнинг ваҳдат ул-вужуд фалсафасини изоҳлашда Маҳир Из ва Камол Ғариб ўғли каби турк олимлари Муҳиддин Арабийнинг юқоридаги фикрларига таянадилар.² Борлиқ Аллоҳнинг тажаллийси эканлиги деворларида бир қанча ойналар мавжуд бўлган хонада ўрнини ўзгартирмай турган кишининг акси турли ҳолатларда зуҳур этиши асосида тадқиқотчилар мазкур фалсафий қарашларга ойдинлик киритишади. Масалага бундай ёндашиш С.Олим ва М.Муҳиддиновларнинг изланишларида ҳам ўз ифодасини топган.³ Тавсия қилинган кўринишларнинг ҳеч бири ҳақиқий борлиқ эмас, чунки инсон у ерни тарк этса, уларнинг ҳаммаси йуқолади. Шу маънода коинот ва ундаги бутун борлиқ Аллоҳнинг турли кўринишларидир. Шундай экан, борлиқ ва Холиқ ягона вужудни ташқил этади.

Худо ва борлиқнинг бир-бирини инкор этмаслиги ҳақидаги таълимот дастлаб Ибн Синонинг қарашларида ўз ифодасини топган. Хуррам Барака “Тасаввуф” (Самарқанд, 1997) номли китобида бунга тўхталади. Жумладан, олим қуйидаги фикрларни Ибн Синога нисбат беради: “Қуёшдан нур қандай таралиб чиқса, худодан материя ҳам шундай ажралиб чиққан ҳисобланган” [118-бет]. Навоий биринчи байтда ана шу фикрларга бадий бўёқ беради ва Тангрининг мавжудлигини исботлаш зарурияти йўқдигини қуёш ва унинг зарралари воситасида кейинги байтда тасвирлайди. Байтда меҳр - қуёш собит бўлмас экан, яъни муқаррар бўлмас экан, зарранинг вужуди тасдиқланиши мумкин эмас. Шундай экан, зарра тўдасидан қуёш зотига исбот не ҳожат, деган фикрга бадий бўёқ берилади. Аёнлашадики, Алишер Навоий бу фикрлар ботинида борлиқнинг мавжудлиги – Ҳақнинг мавжудлиги концепциясини ифода этади.

Келтирилган юқоридаги иқтибосни Аллоҳ ва Инсон муносабатлари тарзида ҳам талқин қилиш мумкин. Зарралар қуёшнинг турли кўринишлари бўлгани каби инсонлар

¹ Osman Türer. Ana hatlariyla tasawuf tarihi. İstanbul. 1995, sah. 247-248.

² Қаранг: Mahir İz. Tasavvuf. Turdak yayinlari. İstanbul, sanasiz, sah. 162-163; Kemal Garib oğlu. Edabiyat Bilgileri. İstanbul, 1976, sah. 91-95.

³ Қаранг: Олим С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. -Тошкент: “Фан”, 1992, 34-36-бетлар; Муҳиддинов М. Алишер Навои ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси. Филология фанлари доктори...дисс. автореф. - Тошкент, 1995,13-бет.

Аллоҳнинг тажаллисидир. “Руҳшунос Нажмиддин (Нажмиддин Кубро - Ҳ.Э.) фикрларига кўра, инсон “олами суғро”, яъни кичик олам бўлиб, унда “олами кубро”нинг, яъни катта оламнинг барча хусусиятлари мужассамдир”.¹ Бундай қараш Азизиддин Насафий асарида ҳам учрайди.² Байтдаги қуёш ва унинг зарралари “олами кубро” ва “олами суғро” ҳақидаги қарашларни тасаввурга келтириш имконини яратади. Шоирнинг юқоридаги байтидан инсон мавжуд экан, Аллоҳнинг борлигини изоҳлашга зарурият йўқ, деган фикр ваҳдат ул-вужуд фалсафаси асосида англашилади.

Умуман, олам ва Яратувчининг ягона вужуд эканлиги фанга маълум бўлиб бормоқда. Бу ҳақдаги турк олими Ҳусайн Қўрқмазнинг фикрлари аҳамиятлидир: “*Коинотдаги барча нарсалар атомлардан ёки электрон, протон, нейтрон, фотон каби унинг парчаларидан вужудга келгандир. Бўларнинг шакллари, парчалари ҳамма жойда бир хил. Ҳаракат тарзлари хос бўлиб, ўзгармас физик қонунларга тобедирлар. Ердаги водород атоми қандай тўзилган бўлса, Марсдаги, Қуёшдаги ҳам шудир. Бу фавқулудда ўхшашлик коинот холиқининг ва ҳокимининг бирлигини кўрсатади. Фарқли қўллардан бу қадар ўхшаш нарсаларнинг чиқиши мумкин эмасдир*”.³ (Таржима– бизники). Кўринадики, улуғ шоир Алишер Навоий Шарқ фалсафасига асосланиб, бу қарашларни теран илғаган ва қуёш воситасида фикрини рамзий маънода бадийий буёқдор тасвирлаган. Бутун яратиклар Аллоҳга дахлдорлиги Нажмиддин Кубронинг қуйидаги рубоийсидан ҳам англашилиб туради:

***Эй розиқи мор ва мўр ва зоғу бўлбўл,
Хок ўлди бари - ул сенга бўлганлар қул.
Ит панжасига баҳона берган сенсан,
Сендан яралибдир ўша тотору мўғул...⁴***

Алишер Навоийнинг ҳамд ғазалидан келтирилган юқоридаги иқтибос эса теран рамзийлиги, мантиқий мушоҳадага бойлиги билан шеърят ихлосманддари эътиборига сазовордир.

Алишер Навоийнинг наътғазаллари Қуёш, Ой ва бошқа самовий жисмлар тимсолларининг Муҳаммад пайғамбар ҳамда Буроқ оти тимсоллари атрофида мужассамлашувидан ҳосил бўлган юксак бадиият намуналаридир. “Бадойиъ ул-бидоя” девонидан ўрин олган қуйидаги 7 байтли ғазалнинг дастлабки 4 байтида қуёш, ой ва само билан алоқадор фикрлар ўз ифодасини топган:

*Жамоли юзини чеккан тарозу ойу қуёш,
Магар бу бирида нур эрди, ул бирисида тош.
Гар ойда тош эмас эрди, қуёшда нуриндин
Кудурат ичра қолиб ой, мунаввар ўлди қуёш.
Қуёшга нурки юқмиш, ҳанўз эрур ул нур,
Ҳанўз ой ичра ҳамул тош эрурки бўлмиш фош.
Уруж оқшоми тегрангда ою кавкаблар,
Масиҳ гирдида андоқки бир неча хуффош.
Юзи тубан тушубон маркабинг изиға малак,
Ер ўзра курсни қилғон киби гадой талош.*

¹ Комилов Н. Нажмиддин Кубро. -Тошкент: “Халқ мероси”, 1995, 20-бет.

² Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақоийқ. -Тошкент: “Камалак”, 1996, 6-7-бетлар.

³ Husayn Korkmaz. Kainatdagi harikalar. Istanbul, 1994, sah. 64.

⁴ Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақоийқ. -Тошкент: “Камалак”, 1996, 6-7-бетлар.

*Чу қурб қофиға еттинг, етишмади жибрил,
Не навъ Худхуд Симуриҗ ила бўлур йўлдош?
Аёғига чу машойих бошин қўя олмас,
Навоий ё қўя қўр итлари аёғига бош.*

Ғазал Меърож туни тасвирига бағишланган. Унда Муҳаммад алайҳиссалом мадҳ этилади. Навоийнинг худди шундай мавзуга дахлдор ғазалларига хос бўлган умумий хусусият шундаки, уларда дostonларнинг Меърож тунига бағишланган бобларида бўлганидек, Аллоҳ расулининг Ҳак сари интилишининг пағонама-пағона тасвири мавжуд бўлмай, асосан Қуёш, Ой ва бошқа самовий жисмларнинг фазодаги турли ҳолатини шарҳлаш жараёнида пайғамбар васфи берилади. Бунга, албатта, ғазалнинг жанрий имкониятлари эътиборга олинганлиги сабаб бўлган. Юқоридаги ғазал ҳам шундай хусусиятга эга. У сўнгги пайғамбар жамолининг таърифи билан бошланади:

*Жамоли юзини чеккан тарозу ою қуёш,
Магар бу бирида нур эрди, ул бирисида тош.*

Сиртдан қараганда, мазкур матлада ҳазрат пайғамбар ҳақида фикр юритилаётгани сезилмайди. Бошқа ошиқона ғазалларда бўлгани сингари бунда ҳам ёрнинг гўзаллиги таъриф этилаётгандай туюлади. Навоий бу ғазалнинг наът мавзусида эканлигига матлаъда бир ишора қилибгина ўтади, холос. Мутафаккир шоирнинг бу ишораси “Нури Муҳаммад”га йўналтирилгандир.¹ Шоирнинг бу ҳақдаги фалсафий қарашлари “Ҳамс” таркибидаги “Ҳайрат ул-аброр”нинг “Аввалги наът” бобида ўзининг бадийий ифодасини топган. Одам алайҳиссаломнинг сўнгги расулга “Аввал ўғул, сўнгга гар ўлса ато” лигига эътиборни қаратиб, барча пайғамбарлар ундан нур олганлигини эътироф этган. Навоий икки жаҳондан бурун Муҳаммад нури мавжудлигини қуйидаги байтларда тасвирлаган:

*Эй қилибон ламъаи нўринг зухур,
Андаки не соя бор эрди, не нур
Нўрингга тоб икки жаҳондин бурун,
Ҳар не йўқ андин бурун, андин бурун [8, 33].*

Байтлардан англашилмоқдаки, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ёрқин нури зухур этганида ҳали соя ҳам, нур ҳам йўқ эди. Икки жаҳондан, нафақат икки жаҳон, балки ҳар нарсадан бурун унинг нурида ҳарорат мавжуд эди. Ғазалнинг матласида ўша ҳароратли нурларни таратган юзни гуё ою қуёш воситасида тарозуга қўйиб ўлчанмоқда. Ой тарозунинг бир палласига тош вазифасини ўтаётган бўлса, қуёш иккинчи палласида Аллоҳнинг сўнгги элчиси орази вазифасида қўлланган. Албатта, тарозуга қўйилган ой билан қуёш тенг мувозанат ҳосил қилмайди. Ойнинг тошга ташбеҳ этилишига унинг сиртидаги тоғ шаклини эслатувчи доғ асос бўлса, қуёш ўрнида нурнинг қўлланилишида, бу осмон ёритқичининг ёлқинлиги сабабдир. Навоий “Магар бу бирида нур эрди” дейиш билан қуёшни назарда тутган ҳолда азалдан Арши аълода мавжуд бўлган Муҳаммаднинг нурига ишора қилмоқда. Ғазалнинг иккинчи байтида тарозуда ҳосил бўлмай қолган мувозанат ҳақидаги мушоҳадаларга ўрин берилади:

*Гар ойда тош эмас эрди, қуёшда нуриндин
Кудурат ичра қолиб ой, мунаввар ўлди қуёш.*

¹ Бу ҳақда тўлиқ маълумот учун қаралсин: Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. Бухоро, 1994, 65-105-бетлар.

Байтда ойнинг хиралигию қуёшнинг мунавварлигидан фойдаланилганлиги кўриниб туради. Ана шу сайёраларнинг қайд этилган ўзига хос хусусиятлари асосида тазод санъати вужудга келади ва шу асосда Муҳаммад алайҳиссаломни васф этишда давом этилади. Байтда қуйидаги мазмун ўз ифодасини топган: “Агар тош ойда йўқ эди, қуёшда мавжуд бўлган Аллоҳ расулининг нуридан Ой кудурат - хиралиқ, дил ғашлик ичра қолиб, қуёш мунаввар бўлди”. Демак, улуғ шоирнинг олдинги мулоҳазасига кўра, пайғамбар жамоли тарозунинг бир палласига қўйилганда, ойна мувозанатга келтиришга эришади. Кейинги байтда қуёшнинг порлоқлиги ўнта Муҳаммад нури етганлиги-ю, ойнинг бағрида ўша тошнинг ошкор бўлиб қолгани юқоридаги фикрларга таянилган ҳолда бадий гавдалантирилади:

*Қуёшқа нурки, юқмиш, ҳанўз эрур ул нур,
Ҳанўз ой ичра ҳамул тош эрурки бўлмиш фош.*

Ҳазратнинг тўртинчи байти сайёралар тимсолига мурожаат этилган сўнги байт ҳисобланади. Бунда “уруж оқшоми” (кўкка кўтарилиш оқшоми), яъни Меърож туни тилга олинганлиги боис бу таъриф тавсифларнинг барчаси Муҳаммад алайҳиссалом ҳақида эканлиги равшанлашиб қолади:

*Уруж оқшоми тегранда ою кавкаблар,
Масиҳ гирдида андоқки бир неча хуффош.*

Ҳазрат пайғамбарнинг самодаги бир ҳолати тасвирига бағишланган мазкур байтда унинг атрофидаги ою юлдузлар Масиҳ, яъни Исо алайҳиссалом теграсидаги хуффош (кўршапалак)ларга қиёсланади. Илгариги бобда Исо алайҳиссаломнинг мақоми тўртинчи фалакда бўлганлиги боис у шу фалак сайёраси Қуёш тимсоли билан биргаликда кўп қўлланилишига эътиборни қаратган эдик.

Кейинги фаслда бу ҳақда яна тўхталамиз. “Ҳамса”нинг Меърож туни тасвири билан боғлиқ бобларида бўлгани каби наът ғазалларда ҳам бунга дуч келинади. Фақат улардан фарқли томони шундаки, бунда қуёш иштирок этмай, Масиҳ мазкур сайёра ўрнида қўлланмоқда. Иккаласи орасида боғлиқлик осмоннинг айна қаватидалигидадир. Демак, бунга истиора санъатига мурожаат этиш билан эришилмоқда. Агарда Масиҳ ўз маъноси ёки жон бахш этишлик аъмоли нуқтаи назаридан талқин этилса, у ҳолда байтдаги мазмунга путур етади. Масиҳни қуёш маъносида тушуниш эса Навоийнинг теран мулоҳазасини туғри англашга олиб келади. Чунки байтда Меърож тунидаги Муҳаммад алайҳиссалом атрофидан ўрин олган ою юлдузлар қуёш теграсидаги кўршапалакларга ўхшашлиги ўзининг бадий ифодасини топганлиги аён. Демак, Пайғамбар (с.а.в.) атрофидаги само ёритқичлари инсон учун нечоғлик мафтункор бўлмасин, жаноби расули акрам олдида хуффошлардек қийматга эга. Кўринадики, бу байтни нужум илмидан хабардор бўлмай, унинг тағмаъноларини идрок қилиш мушкул.

Ҳазалда қўлланган Қуёш ва Ой сайёралари тимсоллари Меърож тунидаги ҳолатлар, ҳазрат пайғамбарнинг уружи ҳақида тасаввур уйғотиш вазифасини ўтаган. Кейинги байтларда ҳам само билан алоқадорлик мавжуд бўлса-да, уларда сайёралар тимсоллари учрамайди, аммо тўртинчи байтгача иштирок этган етакчи самовий тимсоллар ғазалда илгари сурилган ғояни ёрқин ифодалаш учун муҳим поэтик вазифани бажарган.

Аксарият наът ғазаллар панд-насихат, таъриф-тавсиф йўналишида бўлганлиги боис сайёралар тимсоллари ҳам Муҳаммад алайҳиссаломни ёки кўкка кўтарилишда ул зоти

муқаррамга ҳамроҳ бўлган Буроқнинг таърифлашга хизмат қилдирилади. Буроқнинг васфига бағишланган қуйидаги байтда қўлланган асосий самовий тимсоллар диққатга сазовор:

*Рикобинг ўпмакнинг орзусида ою кун,
Бериб Буроқинг учун ўзларига шакли чаноқ,*

Ою куннинг орзуси рикоб, яъни отнинг ўзангисини ўпмоқлик бўлиб, улар Буроқ учун ўзларига чаноқ шаклини олдилар. Чаноқ от, молни суғориш учун сув қуйиладиган идишдир. Унинг “тегирмон чаноғи”, “ғўза чаноғи” бирикмалари ҳолида учраши, шаклининг доира тарзида эканлигини англатади. Ана шу шакл рикобни ою кунга муқояса этиш имкониятини яратган. Байтда “Рикобинг ўпмакнинг орзуси-да” дейилади. Демак, фикр иккинчи шахсга қаратилганлигини ҳисобга олсак, рикоб Буроққа алоқадорлик касб этмай, Аллоҳ расулига тегишли эканлигидан далолат бермоқда. Шоир бунда рикоб маъносида унга ўрнашган оёқларни назарда тутаяди, чунки оёқни ўпиш юксак эҳтиром кўрсатишнинг белгиси саналади. Ою кун чаноқ шаклида бўлганлиги учун ундан сув ичиш илинжида Буроқ улар томон йўл олади ва само ёритқичлари Тангри элчиси билан кўришиш ва унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга мушарраф бўладилар. Мазкур сатрлар иштирок этган ғазалдаги яна бир бошқа байтда пайғамбарнинг самони тарк этишлари самовий тимсоллар воситасида ўзининг рангин ифодасини топган:

*Ҳилолу меҳру шиҳоб ўлди наълу доғу алиф
Фалакка бўлгани сендек дарди фироқ [1, 270].*

Муҳаммад алайҳиссаломдан фалакка “дарди фироқ” етмоқда. Ҳазрат пайғамбарнинг кўкни тарк этиш муддати келди. Шу боис атрофда афтодаҳол шаклда само ёритқичларида ўзгариш содир бўлди. Ҳилол - наъл, Меҳр - доғ, шиҳоб яъни учар юлдуз - алиф шаклини ҳосил қилади. Уларнинг бу ҳолатга келиши ўз-ўзидан маҳзунликни англатади. Байтда қўлланган таносуб санъати бунга имконият яратган. Осмон жисмлари ҳилол, меҳр, шиҳоб - наъл, доғ, алифга муқояса этилмоқда. Бу само ёритқичларининг дастлабки ҳолатидан кейинги шаклга кўчиши натижасида фазода ҳосил бўлган тушкун кайфият байтда ўз ифодасини топган. Чунки ҳилол порлаб турган бўлса, наъл шаклида қорайиб қолди. Порлоқ меҳр самода бир доғ янглиғ кўриниш касб этди. Шиҳоб эса осмонни тарк этиб, “алиф” шаклини ҳосил қилди. Байтда қўлланган шиҳобнинг маъно доираси етакчи самовий тимсолларга нисбатан кенг. Халқда юлдузнинг самони тарк этиши киши умрининг ниҳоясига етиши тарзида талқин этилади. Сатрларда эса ана шу фикр Меърож оқшомининг интиҳосини ифодалашга хизмат қилмоқда. Англашиладики, ою кун байтда шиҳобга мурожаат этиш имконини яратган ва шу асосда Навоий халқда мавжуд самовий жисмлар билан боғлиқ қарашларни янгича талқинда ифодалаган. Шиҳоб ҳар доим учар юлдуз маъносини англатмай, балки баъзи байтларда қуёшнинг шуъласи маъносида ҳам қўлланиб, Буроқнинг наълидан ўт чақнашига қиёс этилади. Қуйида шундай байтларнинг бирини келтирилган:

*Айрилур гуё қуёшдин бир шиҳоб,
Оти наълидин ҳар ўтким айрилур.*

Алишер Навоийнинг ҳамд ва наът ғазалиётида иштирок этган қуёш ва ой тимсоллари кўриб ўтилганидек, ниҳоятда кенг маъно қирраларига эга бўлиб, уларнинг мазмунини

очишда илми нужум, тасаввуф таълимоти ва халқона удум, расм-русумлардан воқиблик, ўша сеҳрли сатрлар моҳиятини теранроқ талқин этишга хизмат қилади.

МАСИҲОДИН ЛАБИНГ АВСАФ...

Алишер Навоий ғазалиётида кенг қўлланувчи қуёш ва ой тимсоллари улуғ шоирнинг айрим назм намуналарида пайғамбарлар тимсоллари билан ёнма-ён келтирилиб байтнинг алоҳида мазмун-моҳият касб этишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Қуйида улуғ мутафаккир ғазаллари таркибидаги байтларда кўзга ташланувчи яна бир қатор расулу набилар сиймолари билан бирга қўлланган қуёш ва ой бадий тимсолларининг рамзий моҳияти ва айрим поэтик функциялари хусусида фикр юритамиз. Исо алайҳиссалом ва Қуёш сайёраси тимсоли иштирокида вужудга келган байтларнинг аксариятида уларнинг тўртинчи фалакда мақом тутганига ишоралар мавжуд. Айни ҳолат қуйидаги байтда ҳам ўз ифодасини топган:

*Не ғаминг юз зарра саргардонлиғидин, эй қуёш,
Сенки рафъатдин Масиҳо киби ҳамбам топқасен [1, 415].*

Байтда қуёш ва Исо Масиҳни бирлаштирадиган нуқтага “рафъат” сўзи ёрҳамида ишора қилинади. Рафъат – юксаклик, баланд мартабалик демакдир. Қуёш - маъшуқа тимсоли. Зарра - эса ошиқ. Улуғ шоир қуёшни маъшуқа маъносида қўллагани боис унинг юксак мақомини “Сенки рафъатдин Масиҳо каби ҳамҳам топқасен”, - тарзида аниқлаштиради. Байтда қўлланган Масиҳо қуёш васлига восил бўлган ошиқ тимсоли. Шу боис севикли ёр зарралар - бошқа ошиқ дийдорталаблар саргардонлиги, риёзат чекишидан ғам емасликка, уларга бепарво бўлишга чақирилади. Бу билан шоир изтиробларда ўртанаётган ошиқлар ҳолидан уларнинг назарида маъшуқа хабарсиз ёки бундан воқиф бўлса-да, ошиқларнинг ўй-хаёлича, кўп машаққат чекиб унга интилишларига маъшуқа безътибор эканлигини бадийлаштиради. Ошиқлар кўнглида кечаётган бу ўй-хаёлларнинг боиси ҳам аниқ. Қуёш янглиғ нурли оразга соҳиб маъшуқа самонинг тўртинчи қатида Исо Масиҳ билан бирга мақом тутган. Кўринадики, бундай байтларда улуғ шоир мавзу табиатидан келиб чиқиб, талмеҳ санъатига мурожаат этади. Таҳлил жараёнига тортилган байтда маъшуқа васф этилган бўлса, қуйидаги мисраларда ошиқнинг ҳижрон онларидаги изтироблари қаламга олинади. Ижодкор муболаға ва талмеҳ санъатларини қўллаб, қуёш ва Исо Масиҳ тимсоллари воситасида сатрлар таъсирчанлигини оширишга эришади:

*Оҳим андоқ тийра қилди кўкниким, топмас ўзин
Гар қуёшдин ёқмаса Исои Рухуллоҳ шамъ [1, 258].*

Байтда тафрит (литота, кичрайтириш) бадий тасвир воситасига ҳам мурожаат қилинган. Ушбу услуб улуғ шоирнинг “Қуёш” радибли ғазалида кўзатилгани каби улкан ёруғлик манбаига эга бўлган бу самовий сайёрани шамга қиёсланганида намоён бўлади. Байтда ифодаланишича, ошиқнинг оҳи кўкни шунчалар тийра қилганки, агар Исои Рухуллоҳ қуёшдан шам ёқмаса, ўзини ҳам тополмайди. Ўтибор қилинса, иккала ҳолатда ҳам қуёшнинг қўлланилиши Исо алайҳиссаломга мурожаат этиш максadini кўзлаб амалга оширилган.

Алишер Навоий ғазалиётидаги етакчи услублардан яна бири маъшуқанинг қиёссиз гўзаллик соҳиби эканлигини муболағавий рангин байтларда санъаткорона тасвирлаб шеърхонга эҳтирос бахш этиш ва шу асосда унинг шуурига таянч ғояларни сингдиришдир. Улуғ шоир бу адабий ниятининг дастлабки кўриниши бўлган шеърхонга ҳиссиётли бадий лавҳаларни тақдим этишда қуёш ва Исо Масиҳ тимсолларининг ёнма-ён қўлланиши алоҳида моҳият касб этади:

*Масиҳодин лабит авсаҳ, қуёшдин оразинг аҳсан,
Қуёшингга фалак ҳайрон, Масиҳингга қуёш маскан [19, 433].*

Байтда васф этилган маъшуқа Навоий тасавбуридаги гўзал. Шу боис, унда Масиҳо ва қуёшга хос сифатлар мавжуд. Севикли ноёб фазилатлари билан Исо алайҳиссаломнинг энг юксак мўъжизаси бўлган нафасининг ўткирлиги, ўликка жон бағишлаш каромат-ю, қуёшнинг оламини мунаввар қилишини ўзида мужассамлаштира олади. Бундай бадий манзаралар Навоий тасаввур ва тахайюлот доирасининг ниҳоятда кенглигидан дарак беради. Шоир талқинида бу икки ноёб қудрат соҳибидан ҳам маъшуқа юксак туради. Шу боис, ёрнинг лаби Масиҳодан ҳам фасиҳ сўзловчи, сўзга чечан, орази эса қуёшдан-да нурли ва ҳароратлидир. Бу бадий ташбеҳлар кейинги мисраларда ижодкор учун қуёшни истиора воситасида маъшуқанинг юзи, Масиҳни эса ёрнинг жон бахш этувчи лаби ўрнида қўллашга имкон яратган.

Шоир шеъриятига хос услубий жилолардан бири байтларда тамсил санъатини қўллаш Исо алайҳиссалом ва қуёшни мисраларда ёнма-ён келтириш орқали ҳам ҳосил этилади. Бунда Исо Масиҳ ва қуёшга хос фазилатларнинг навоиёна ягона вужудга бирлаштириш асосида эришилади:

*Сариғ либос аро ул нўшлабки хандондур,
Эрур Масиҳки хуршид ичинда пинҳондур [19,160].*

Нўшлаб - маъшуқа, у сариқ либос кийган. Шоир нўшлабни қўллаш билан икки муддаони юзага чиқарган: маъшуқа шароб ичган, шундан унинг лаби қизил, ўзи эса махмур ва хушнуд. Маъшуқанинг бундай қиёфаси Исо Масиҳнинг қуёш ичида яширинганига қиёс этилади. Қуёш сарик либосга ўхшашлиги шарти билан Масиҳ нўшлабга ташбеҳ қилинади. Кўринадики, Қуёш сайёраси тимсоли мисраларда илоҳий тимсолларнинг бадий ифода этилишига хизмат қилади.

Исо алайҳиссаломга хос талай мўъжизалар бадий ижод олами учун ошно. Жумладан, Алишер Навоий ҳам “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида унга хос бундай илоҳий хусусиятлардан айримларини қайд этган.¹ Қуёш сайёрасининг заррин нурлари ва Исо пайғамбарнинг игнасига доир мифологик қарашлар жуда кўп байтларда учрайди. Бу мифологик тасаввурга кўра, Исо осмонга чиқаётганида, унинг этагига игна ҳам илашиб чиққан экан. Қуёш ва мазкур илоҳий тимсол мазмун-моҳиятидаги ўзаро боғлиқликлар мана шу тахайюлий қарашга янги маъно юклаш учун замин ҳозирлайди:

*Эй Навоий, ул Масиҳодам қуёш чун урди захм,
Они Исо игнасию меҳри тори бирла тик [20, 308].*

“Масиҳодам қуёш” - Исонафасли, жон бахш этувчи маъшуқа. Бирок У жон бахш этгани йўқ, аксинча, у шеър қаҳрамонига захм урди, ошиққа оғир жароҳат етказди. Байтда

¹ Алишер Навоий. Асарлар. XV томлик, 13-том. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1966, 232-236-бетлар.

ифодаланган мазмунга кўра, мана шу яраларни йўқотиш учун уларни Исо игнасию меҳр тори билан тикиш лозим. Меҳр - қуёш, айна чоқда у луғавий маъносига кўра, муҳаббат кўрсатишни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Аёнлашадик, меҳр торини Исо игнасидан ўтказиб жароҳатларни тикишнинг ботинида маъшуқа ошиғига меҳр кўрсатиши, унга нисбатан самимий муносабатда бўлиши лозимлигига ишора бор. Шундагина ошиқнинг қалб яралари битиб, шифо топади. Исо Масиҳ самога кўтарилаётганда унинг этагига илашган игнанинг ип ўтиши керак бўлган қисмидан қуёш нўрининг ўтиб турганини сўз сеҳри воситасида шеърхон тасавурида гавдалантириш унинг қалбида ўзгача ҳиссиёт уйғотади.

Алишер Навоий ғазалиётида, бошқа мумтоз ижодкорлар назмий намуналарида кузатилгани каби қуёш ва ой тимсоллари идрок этган айрим байтларда Юсуф алайҳиссалом тимсолига ҳам мурожаат этилганлигини кўриш мумкин. Бунда ижод аҳли талмеҳ бадий санъати воситасида асосан Қуръони каримдаги “Юсуф” сураси лавҳаларига ишора қилишади. Юсуф ва Зулайҳо севги қиссаси Қуръоний мавзу бўлгани боис мусулмон минтақа халқлари адабиётининг йирик вақиллари қаламида сайқал топди. Алишер Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да Абўлқосим Фирдавсий, Нуриддин Абдурахмон Жомий, Хожа Масъуд Ироний каби салоҳиятли шоирлар айна мавзуда бадий жиҳатдан баркамол назм дурдоналарини ижод қилганликларини ва ўзи ҳам умр вафо қилса “бу қисса назмин ибтидо қилиб интиҳосига еткур” иш ниятида эканлигини қайд этади.¹ Улуғ шоир адабий меросидан бундай йирик ҳажмли назмий асар бизгача етиб келмаган. “Бадойиъ ул-бидоя” девонидаги айрим ғазалларда Юсуфнинг акалари томонидан сотиб юборилиши ва асар қаҳрамонининг шундан кейинги тақдири билан боғлиқ лавҳаларга ишора қилувчи байтлар учрайди. Ушбу ишоралар Шарқ халқлари адабиётида кенг тарқлган бу жозибатор сайёр воқеалар тизими буюк мутафаккирга ҳаётининг ҳали ёшлик йиллариданоқ қизиқиш уйғотганини кўрсатади. Қуръони каримда қайд этилишича, Юсуфнинг бениҳоя гўзаллиги ҳамда оталари Яъқуб алайҳиссалом бу ўғлига айрича меҳр кўрсатганидан ҳасад ўтида ёнган оға-инилар укаларини қудуқ ичига ташлаб кетадилар. Юсуф очликдан азоб чекаётганининг учинчи куни узоқдан йўлга чиққан карвон у турган манзил томон яқинлашади. Карвондагилар сув излаб келганларида, қудуқ ичида азобланиб ётган Юсуфни кўришади ва воқеа устидан чиққан акалари уни арзон баҳода, бир неча тангага ўша карвон билан келганларга сотиб юборадилар. Юсуфни Миср шаҳрининг ҳокими Қитфийр сотиб олади. Алишер Навоий ғазалиётидаги қуёш тимсоли иштирок этган байтларда айна воқеаларга қуйидагича ишоралар қилинади:

*Керак қуёш дирами танга ўлса байъона,
Чу Юсуфумни ики даҳрга баҳо қилсам [1, 394].*

Байъона - бирор нарсани сотиб олишда ишлатилган пул. Байтда ифодаланишича, Юсуфни икки дунёга тенг деб баҳо чиқариладиган бўлса, қуёш дирами (тангаси)ни байъона сифатида ишлатилиши талаб этилади. Юсуф – мумтоз адабиётда гўзаллик тимсоли. Ушбу байтда у маъшуқа маъносида қўлланган. Талмеҳ асосида унинг арзон сотилганига ишора қилинмоқда. Аммо шеър қаҳрамонининг Юсуфи бебаҳо. Уни икки дунё кимматига баҳо қилса арзийди. Бундай ишоралар маъшуқани ердан самога чиқариб қўяди. Фикр торлари илоҳий ишққа боғланади. Қуёш қиёссиз само ёритқичи бўлганлиги боис илоҳий тимсол билан биргаликда қўлланган. Унинг иштирокида муболаға санъати вужудга келган. Айтилганлар нуқтаи назаридан қуйидаги байт ҳам ғоят аҳамиятлидир:

¹ Ўша китоб, 200-бет.

*Қуёшни Юсуфим байъиға бермак бор эса мумкин,
Дегаймен тангайи байъонадур баҳосидин [1, 445].*

Мазкур байтда ҳам Юсуфнинг бебаҳолигига қуёш тимсолига мурожаат қилиш билан қувват берилади.

Юсуф алайҳиссалом қиссасида ўғлидан ажралган Яъқуб алайҳиссаломнинг руҳий изтироблари тасвирига ҳам кенг ўрин берилади. Яъқуб алайҳиссаломнинг кўзи кўр бўлиб қолади ва ўғлининг куйлаги келтирилганда, у куйлакни кўзига суртади ҳамда ёруғ жаҳонни кўришга мўшарраф бўлади. Юсуфда бундай мўъжизалар кўп. Шулардан яна бири унинг тенгсиз ҳусну жамолидир. Юсуф гўзаллик тимсоли бўлганлиги боис у ойга қиёсланади. Баъзи байтларда “Моҳи Канъон”- Миср оий тарзида ифодаланадики, бундай пайтда Юсуф алайҳис-салом назарда тутилади:

*Ё фалак берди йиғи, кўр айлаган Яъқубнинг
Кўзлари очилмоқ учун моҳи Канъон муждасин [1, 413].*

Алишер Навоий “Моҳи Канъон” изофасини қўллаш орқали Юсуф алайҳиссалом қиссасига ишора қилади, унинг муждаси сифатида юқорида эътироф этилганидек Юсуфнинг куйлаги тушунилади. Яъқуб алайҳиссаломга тақдир кўп изтироблар беради. “Моҳи Канъон муждаси”дан унинг кўзлари очилди. Байтдаги “Моҳи Канъон муждаси”га ишора унинг таянч ғоясини англашда муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Кузатишлар шуни тасдиқдайдики, шоир шеъриятида қуёш ва ой тимсоллари воситасида асосан, Исо Масих, Юсуф ва Яъқуб алайҳиссалом сиймолари тавсифланади. Бунда қуёш ва Исо Масих тимсолларини байтда мувозий (ёндош) қўллаш етакчилик қилади. Шоир қуёш тимсоли воситасида Исо пайғамбар билан боғлиқ қиссага ишора қиларкан, фақатгина бу пайғамбар сиймосини тавсифлаш билан чекланиб қолмайди. Унинг мўъжизалари ҳамда қуёшга хос хусусиятлари бирлаштирилиб, маъшуқанинг тенгсиз ҳусн-у жамоли васф этилади.

Навоий Исо пайғамбарнинг мартабаси юксаклигини (тўртинчи фалак) эътироф этиш билан ўзининг икки асосий мақсадини шеърхонга етказди. Биринчиси, Исо Масих илоҳий қудратининг, мақомининг юксаклиги бўлса, иккинчиси ана шу юксак эътиромга маъшуқа тимсоли бўлган қуёшнинг муносиблигидир. Айни чоғда шоирга бу ташбеҳ маъшуқа – қуёшнинг сонсиз ошиқлари мавжудлигини зарралар иштирокида тасвирлаш имконини яратади.

Шоир бу иккала бадий тимсол ўзида мужассамлаштирган фазилатларидан ижодий фойдаланиб, уларни ягона вужуд – маъшуқага бирлаштиради ва шу асосда илоҳий ишқни тараннум этади. Навоийнинг бундай теран мушоҳадаларини шеърхонга етказишда қуёш тимсоли холис хизмат қилади. Юсуф ва Яъқуб алайҳиссаломлар тимсоли келтирилган байтларда эса қуёш ва оининг тенгсиз гўзаллиги, ягоналиги ҳамда қадимдан муқаддаслаштирилганлиги улар билан мувозий қўллаш имкониятини яратади. Бунда шоир Юсуфнинг гўзаллигини тавсифлаб, Яъқуб алайҳиссаломнинг ўғли ҳажрида кўрган изтиробларга ишора қилади. Қуёш ва ой тимсоллари шундай мақсадни амалга оширишда шоир учун асосий восита бўлиб хизмат қилади.

КЎРКИМ: ҚАВС БУРЖИДИН ТУҒУБТУР ОҒТОБ

Кўёшнинг осмон қуббасидаги йўлига жойлашган юлдузлар туркуми буржлардир. Улар ўн иккита юлдуз туркумидан ташқил топиб, қуйидагича номланади: Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбўла, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадий, Далв, Ҳут. Бўлар бизга анча таниш бўлган ҳижрий-шамсий ой номларидир. Буржлар ҳақида Қуръони Каримда: “У (Аллоҳ) кўёшни зиё сочувчи, ойни ёруғлик қилган ва сизлар йилларнинг саноғини ҳамда вақтларнинг ҳисобини билишингиз учун уни (яъни ойни бир қанча) манзилларга бўлиб қўйган зотдир” дейилади Юнус сурасининг 5-оятида. Илоҳий китобдан маълум бўлишича, буржлар тақвимларнинг вужудга келишига асос бўлган.

Бўлардан ташқари, илми нўжум, яъни ўн икки бурж ва етти сайёранинг самодаги ўрнига асосланиб, инсонлар тақдири ҳақида башорат қилиш Шарқда маълум тараққиёт босқичини ўтаган. Абу Райҳон Берунийнинг мазкур соҳадаги ютуқлари тўғрисида Маҳмуд Ғазнавий ва бу буюк қомусий олим билан боғлиқ ҳикоятлар, шунингдек, Умар Хайём, Али Кушчи ва бошқа алломалар ҳақида шундай бадиий яратмалар мавжуд.¹ Тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино ҳам бу илми четлаб ўтмаган. Шоир китъаларининг бирида бунга ишора қилинади:

*Гумоним борки, бу зулмат ҳаётда
Мурувват кўзлари уйқуда доим.
Ўн икки буржда сайри етти юлдуз
Билан ўн икки йил ўтмиш мулойим.
Ҳаётдан кетди минглаб яхши одам,
Нечун қайтмайди ҳеч ким, эй худойим.²*

Кўринадики, “Ун икки буржда сайри етти юлдуз” дейилганда, тақдир назарда тугилади. Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”нинг 25-фаслида мунажжимлар хусусида тўхталаркан, мунажжимнинг “савобит ва сайёр назоратидан лоф уришини” сўзлайди. Уни “ғофиллик ва Ҳақ таоло қазо ва тақдири сўзин унутқон”ликда айблайди. Шоир фикрини анор ҳақидаги тушунчалар билан изоҳлайди. Мунажжимнинг ўн сўзидан бири ҳам рост келмаслиги тўғрисида фикр юритиб, унинг “басират кўзига ғафлат пардасин солғон”лигини қайд этади. Аммо Навоий нўжум илмини бутунлай инкор этмайди. Бу шоирнинг “Аҳли мунажжим зикрида” фаслининг сўнгида хулоса сифатида келтирган фалаклар ва юлдузларнинг ҳоли “бенафъу зарар” эмаслигини таъкидловчи байтидан тўла англашилади:

*Эмас афлоки анжум ҳоли бенафъу зарар, лекин
Ани тенгри билур, эрмас мунажжим билмаги мумкин [14, 33].*

Мирзо Улуғбек “Зижи жадиди Кўрагоний” асарининг бир бўлимини астрология ташқил этади. Унда киши тақдири билан боғлиқ фикрларни баён этишда юлдузлар ва буржларга таянилади. Шунингдек, “Қобуснома” муаллифи “Нўжум (юлдузлар) ва ҳандаса (геометрия) илми зикрида” номли фаслда киши тақдирини аниқлашда сайёралар ва буржларнинг

¹ Қаранг: Низомий Арузи Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985, 58-60-бетлар; Аждодлар ўғити.-Тошкент: “Чўлпон”, 1991, 161-162-бетлар.

² Инжулар уммони. -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988, 103-бет.

ўрнига алоҳида аҳамият бериб, авлодларга бу илмни ўзлаштириш учун ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш лозимлигини далилларга таяниб уқтиради.¹ Ҳақиқатан ҳам, бу илмнинг ўта мураккаблиги туфайли тарихдан мунажжимларнинг башоратлари баъзан панд берганлиги аён. Бобурмирзо ҳаётида 1500-1501 йиллардаги Самарқандни ишғол қилиш мақсадидаги жангда худди шундай воқеа юз беради. Бизнингча, нозиктаъб шоир шуларни назарда тугган. Агар у фалакиёт илмини бутунлай инкор этса, Мирзо Улуғбекдай улкан нужумшунос олимнинг ишлари билан Самарқандда ўтказган ҳаёти давомида танишмаган ва унинг улкан хизматларини асарларида олқишламаган бўларди.

Юқорида номи келтирилган юлдуз туркумлари Алишер Навоийнинг “Ҳамса”сидан ўрин олган дostonлар ва “Лисон ут-тайр”нинг Меърож тунига бағишланган наътларида кўп учрайли. Шоир ғазалларида бошқа анъанавий тимсоллар сингари буржларга кўп мурожаат қилинмаган бўлса-да, уларни қўллашда ўзига хос услуб, ўзига хос рамзийлик мавжуд. Чунончи, шоир юқоридаги мулоҳазаларида баён этилганидек, ғазалларда бурж ва сайёраларнинг тақдирга тааллуқли жиҳатларини эмас, балки уларнинг шакллари, мифологик хусусиятлари ҳамда улар билан боғлиқ табиий ҳодисаларни қаламга олади:

*Ханжаринг тиғида юз кўрдуму ашким ёғди,
Ёмғур эрмас ажаб Қамар ўлғанда манзили Хут [2, 72].*

Шеър қаҳрамони маъшуқа ханжаридан жароҳатланади. Бироқ ёр қанчалик зулмкор бўлмасин, у тиғ ила ошиққа озор бермайди. Киприклар орасидан отилган ўқ сингари ошиқнинг юзи томон йўналган ҳароратли нигоҳлар таъсирида қолган шеър қаҳрамони кўзларидан ёшлар ёғила бошлайди. Бунда ёр юзининг нурлилиги ва нигоҳининг ўткирлиги назарда тутилади. Кўз ёшлар шунчалик мўлки, озор кўрган ошиқнинг кўзларидан Ой манзили Хутга келганда ёққан ёмғирдек ёшлар тўқилади. Хут - жорий тақвим билан қиёслайдиган бўлсак, февраль-март ойларига тўғри келиб, қишнинг охиригга ойи ҳисобланади. Бу даврда ёмғирнинг сероблиги кўзатилади. Демак, шоирнинг мақсади ошиқнинг кўз ёшлари хут ойидаги ёғиндан ҳам мўллигини муболағавий тасвирлашдир.

Қиёсланадиган ёмғир томчилари ва кўз ёшлари шаклий ўхшашлик бўлиб, маъшуқа ханжари (нигоҳлари)дан жароҳатланган ошиқнинг тани (қалби) унинг кўзидан ишқ йўлига оқадиган ёшларга сабаб бўлган. Бу ҳолатни ифодалашда шоирга Ой ва Хут буржи тимсоллари қўл келади ва шу зайлда ҳиссий таъсирчанлик оширилади. Худди шундай ҳолатни яна бир байтда кузатиш мумкинки, бунда Қамар ўз ўрнини Қуёшга бўшатиб беради:

*Ханжари тиғида кўргач оразин оқизди қон,
Сайл оққандек Қуёшнинг манзили бўлғонда Хут. [2, 76].*

Мазкур байтдаги тасвирда ҳам маъшуқа нигоҳлари ханжардек ошиқнинг танидан қонлар оқизади, бу Қуёшнинг манзили Хут буржида бўлганда осмондан қуйиладиган сел ёмғирига қиёсланиб, шоир шеърхон қалбида ўзига хос услубда сўз таъсирини ҳис эттиради. Эътибор қиладиган бўлсак, иккала байтда ҳам хут ойи ҳақида фикр юритилмай Ой ва Қуёшнинг ҳаракат йўналиши (албатта, Ерга нисбатан) Хут буржига тўғри келганлиги ўзининг рангин бадий ифодасини топган. Байтларда қўлланган Хут буржи тимсоли алоҳида аҳамият касб этиб, у қишнинг сўнгги ойи маъносида келади ва мазкур ойда кўзатиладиган табиий

¹ Кайковус. Қобуснома. -Тошкент: “Истикдол”, 1994, 119-121- бетлар.

ҳодисаларни ўзида мужассамлаштиради. Қуёш ва Ой тимсоллари эса бу тасвирни вужудга келтиришқа восита бўлиб хизмат қилади.

Улуғ шоир ғазалларида буржлар бадийлик, ҳиссий таъсирчанликни ошириш мақсадида қўлланилади. Жумладан, қуйида келтирилган байтда муболағанинг юксак кўриниши – ғулунинг қўлланилиши орқали таянч муддаонинг аниқ ифодасига эришилган:

*Сипехр эмин эмас манжаниқи оҳимдин,
Ўн икки буржлуқ ушбу бийик ҳисори била [1, 511 -512].*

Манжаниқ - урушда душманга ва душман кўрғонига қарши ичига тош солиб отиладиган қурол (бугунги тўп) бўлиб, ҳижрон онларидаги ошиқнинг оҳи шу қуролдан отилган тош янглиғ ўн икки буржли буюк осмон кўрғони ҳам ундан омин қолмади. Биз юқорида ўн иккита юлдуз туркуми Қуёшнинг осмон қуббасидаги йўлига жойлашган буржлардир, деб эътироф этган фикримизни мазкур байтдаги “ўн икки буржлуқ” бирикмаси тасдиқламоқда. Дард, фиғон, ҳажрни ўзида мужассамлаштирган “оҳ” тош мисоли ошиқ вужудидан кўкка кўтарилади. Тасаввур қилинг, у етти қат осмондан ўтиб, буржлар ҳосил қилган кўргонни вайрон этади. Кўринадики, шоир яшаган даврда Шарқда нужум илми анча тараққий этган бўлиб, Алишер Навоий уни теран идрок этган ижодкордир. Фикримизни қуйидаги байт билан янада мукамаллаштира оламиз:

*Қошу кўзингни мунажжим чунки кўрди бениқоб,
Деди: “Кўрким, Қавс буржидин туғубтур Офтоб [1, 72].*

Мунажжим қошу кўзингни бениқоб кўриб, Қавс буржида Офтоб чиққанлигини башорат қилди. Кўриб ўтилган адабий парчаларнинг дастлабки иккитасида табиат тасвири самовий тимсоллар воситасида ифодаланган бўлса, учинчисида ўн икки буржнинг самода маълум бир доира шаклида жойлашганлиги эътиборга олинди, у кўрғонга ўхшатилади. Мазкур байтда эса қадимгилар ҳар бир буржни муайян бир суратда тасаввур қилганликларига диққат этилган. Қавс буржи белидан қуйи қисми от шаклидаги ва ёйдан ўқ отаётган одам тарзида тушунилган. Мазкур мисраларда ташбеҳ санъати қўлланилган бўлиб, шаклий ўхшашлик асосида қош - Қавс буржига, кўз эса - Офтобга қиёсланади. Бу, албатта, байт таҳлилининг бир жиҳати. Бундан яна маъно излаш мумкин. Қуръони каримнинг Буруж сураси: “Буржлар эгаси бўлмиш осмонга қасам» деб бошланади. Бошқа сураларда: “Осмонга қасам, тунги йўлчига қасам” (“Ториқ” сураси), “Тонгга қасам” (“Вал-фажр” сураси), “Қуёш ва унинг ёғдусига қасам” (“Ваш-шамс” сураси) каби оятлар борки, улар осмоннинг, тонгнинг ва Қуёшнинг муқаддаслигини англатади. Шунингдек, “Буруж” сурасининг илк ояти ҳам буржларнинг муқаддаслаштирилганлигидандир. Мана шу муқаддаслик ёрнинг қошига Қавс буржи, кўзига эса Офтоб тимсоли воситасида кўчирилади ва маъшуқанинг қош-у кўзи ўзгача табаррукликликка эга бўлади. Шеърятда қошнинг кўпинча меҳробга қиёсланиши ҳам масжид меҳробининг ўшандай хусусияти билан боғлиқ. Шоир маъшуқа гўзаллигини, кўрилганидек, ноёб топилмалар воситасида васф этади. Қавс буржида Қуёшнинг чиқиши кўзнинг тугаб қиш фаслининг бошланишига тўғри келади. Бу ойда қуёшнинг ҳарорати камайиши ҳам кўзатилади. Шоир бу ойда қуёшнинг маълум маънода тансиқлигига ҳам эътиборни қаратган назаримизда. Шунингдек, Қуёш, Ой ва буржлар осмон жисмлари бўлиб, уларнинг маъшуқа юзи, қоши, кўзи сингари узвларига қиёсланишида самонинг поклик, руҳий-маънавий олам, ишқ мазҳари эканлиги назарда тутилади.

Осмон жисмлари ҳақидаги турли қарашлар аллақачон инсон тафаккурининг маҳсулига айланган бўлиб, уларнинг бир бўлаги саналган буржларни бадийий тимсол сифатида мисраларда қўллашда улуғ шоиримизнинг бағоят нозик диди ва теран мушоҳадаси қўл келганлигига гувоҳмиз. Улуғ ўзбек шоири бадийий тасаввурининг маҳсули бўлган юқоридаги дилбар байтлар ўша сатрлар муаллифининг илми нужумдан нақадар чуқур хабардор бўлганлиги ва улардан юксак маҳорат билан шеър *назоқатини* кўтаришда истифода эта олганлигидан ёрқин нишонадир.

ХОТИМА

Шеърят инсон қисматига алоқадор энг оддий лавҳалардан мураккаб руҳий жараёнларгача бўлган воқеа-ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятларини бадий кашф этиши билан кишини сеҳрли оламларга етаклайди, шеърхонга эстетик завқ бағишлайди, энг муҳими, унинг тафаккур доирасини кенгайтиради. Инсон фикрлар уфқининг кенгайиши учун асос тасаввурдир. Борлиқнинг энг мўъжизалар олами саналган само башарият тахайюлининг шаклланишига кенг имкониятлар яратди. Мана шу имконият маҳсули бўлган ноёб бадий дурдоналар шеърят бағридан муҳим ўрин ишғол этади. Бундай талқинлар, айниқса, мумтоз шеърятда етакчилик қилади. Шарқда илми балоға (адабиёт назариясига оид илмлар) бадий асар учун асосий мезон саналганлиги ўзбек мумтоз адабиётида ҳам бадий жиҳатдан баркамол асарларнинг вужудга келишига асос бўлди.

Инсониятда борлиқнинг сир-синаотлари билан илк даврлардан қизиқиш ҳосил бўлганлиги боис само билан алоқадор бадий яратмалар, даставвал, халқ оғзаки ижодида пайдо бўлди. Афсона, асотирлар, халқ қўшиқлари, туш таъбири билан боғлиқ таъбирномаларда (“Ирқ битиги”) самовий тимсоллардан фойдаланилди.

Марказий Осиёда кенг тарқалган зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да қуёш ва ой билан боғлиқ алқовларнинг мавжудлиги, Қуръони каримда самовий алоҳида аҳамият берилиши, Шарқда нужум илмининг ривожланиши оғзаки ва ёзма бадий асарларда ўзининг инъикосини топа бошлади. Тасаввуф таълимотининг кенг тарқалиши, унинг турли тариқатларида осмон маънавий-руҳий, поклик олами “ишқ мазҳари” сифатида талқин қилиниши бадий ижодга ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатди. Оламнинг яратилиши билан алоқадор исломий қарашлар негизида мумтоз адабиётда Аллоҳ ҳамди бадий тасвирига самовий тимсоллар жалб этилди. Меърож туни билан боғлиқ қарашлар, ривоятларнинг мавжудлиги мумтоз адабиётдаги дostonларнинг наът боблари ва алоҳида Меърожномаларни вужудга келтирди. Буларда самовий тимсоллардан кенг истифода этилди.

Мумтоз шеърятда самовий тимсоллардан етти сайёра: Зуҳал, Муштарий, Биржис, Қуёш, Зухра, Аторуд; Ой ва ўн икки бурж: Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбўла, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадй, Далв, Хут тимсолларидан фойдаланилган. Бўларнинг мифологик маънолари, самодаги ҳаракатига оид ҳолатлари мумтоз ижодкорлар бадий тасаввури орқали асарларда акс этган. Хоразмий, Лутфий, Атойи, Саккокий, Гадоий, Алишер Навоий сингари туркигўй шоирлар ижодида қуёш ва ой тимсолларидан, уларнинг самодаги ўрни, турли хил ҳолатларга киришидан фойдаланиб, гўзал манзаралар яратиш, ташбеҳ, хусни таълил, тазод, истиора каби бадий санъатларга мурожаат этиш етакчилик қилади. Бундай майл, айниқса, Алишер Навоийнинг маънавий меросида ёрқин намоён бўлади. Улуғ шоир шеърятда самовий тимсоллар иштирокида яхлит ғазалларнинг мавжудлиги фикримизни қувватлантиради.

Шоир ғазалларидаги “тўқўз фалак” бирикмаси, етти сайёра ўрни билан боғлиқ осмон қаватлари ва “фалаки савобит” ҳамда “фалак ул-афлок”ни ифода этади. Бундай хулосани “Ҳамса” дostonлари таркибидаги Меърож тунига бағишланган боблар ва “Ҳилолия” қасидасидаги тадрижий тасвир майлининг баландлиги тасдиқлайди.

Шоирнинг ҳамд ғазалларида қуёш тимсолидан яқкаю ягоналик фақатгина Аллоҳга хослигини, Аллоҳнинг мавжудлигини исботлаш зарурати йўқлигини таъкидлаш, Унинг буюк яратувчанлик хусусиятини васф этиш, тасаввуфдаги “ваҳдат ул-вужуд” ғоясини

илгари суришда фойдаланилади ва ой тимсолининг турли ҳолатлари асосида Аллоҳ васф этилади.

Наът ғазалларда шоир кўпинча Меърож туни тасвирига эътиборни қаратади. Бироқ бунда дostonларда бўлгани сингари муфассал баён учрамайди. Бунинг ўрнига баъзан қуёш ва ой тимсоллари воситасида “Нури Муҳаммад”га ишора қилиш асосида шеърнинг наът ғазал эканлиги англашилади. Бундан ташқари, қуёш, ой ва бошқа самовий тимсоллар мазкур ғазалларда Муҳаммад алайҳиссалом ва Буруқ тимсоллари атрофида жипслашуви асосида пайғамбар сиймоси васф этилади. Қуёш ва ой тимсоллари Исо ва Юсуф алайҳиссалом тимсолларини яратишга ҳам асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Самовий тимсолларни маъшуқанинг турли узвларига қиёслаш билан Алишер Навоий ғазалларида инсон ва коинот бирлигига доир улуғ шоирнинг фалсафий, ахлоқий қарашлари ўз ифодасини топади.

Алишер Навоийнинг самовий тимсолларга мурожаат этиш билан вужудга келган ноёб бадий яратмалари унинг ижодий салоҳиятининг юксаклиги ва тафаккур доирасининг кенглигини тасдиқлайди.

ОТАБЕК ЖЎРАБОЕВ

**МУМТОЗ АДАБИЁТДА
МУҒАННИЙНОМА**

(рисола)

МУҚАДДИМА

Шарқ мумтоз адабиётда турли муносабатлар билан ёзилган турфа *нома* (мактуб, хат) лар мавжуд. Улар мавзу-тематикасига кўра бир-биридан ўзаро фарқланади. Масалан, тарихда “нома” деб аталувчи тарих, мемуар, саёҳат ёки жанглар таърифи ҳақидаги асарлар яратилган (“Зафарнома”, “Бобурнома”, “Шайбонийнома” каби). Лекинуларда “нома” атамаси ўзгачароқ вазифани бажаради. Айтайлик, “Зафарнома” – зафарли юришлар ҳақидаги асар, “Шоҳнома” – шоҳлар ҳақидаги асар, “Сиёсатнома” – қандай ва қай тариқа сиёсат юритиш ҳақидаги асар, “Панднома” – панд-ўғит, насиҳатлар тўплами, “Илоҳийнома” – илоҳий ваҳдоният таърифига бағишланган асар, “Саёҳатнома” – саёҳат-саргузашт таассуротлари ҳақидаги асар.

Аслида, “нома ошиқнинг маъшуқага йўлланган мактублари тарзида ёзилганлиги туфайли ана шундай ном билан аталган”¹. Шу билан бирга, *нома* мумтоз адабиётда сезиларли мавқега эга бўлмиш лиро-эпик жанр ҳамдир. Нома қўшимчаси билан “Муҳаббатнома”, “Латофатнома”, “Даҳнома”, “Таашуқнома” каби бир қанча асарлар яратилган.

Мумтоз адабиёт тарихида яна бир шеър тури борки, уни *муғаннийнома* (муғаннийга аталган хат) деб аталади.

“Муғанний” сўзи арабча *مغن* (муғаннин) – “куйчи”, “бастакор”, “хонанда” маъноларида келади.² Бошқа луғатларда ҳам муғаннийнинг ашулачи (кўшиқчи) ва созанда мазмунлари таъкидланган.³ Алишер Навоий учун тайёрланган луғатларда яна “мутриб” (чолғучи) ва “мутриба” (созанда аёл) мазмуни ҳам берилган.⁴

Демакки, мусиқачи, мутриб, кўшиқчиларга бағишланган асарлар *муғаннийнома* бўлиб, бу тахлит номалар бадиий асар таркибида ёки алоҳида асар сифатида ҳам келиши мумкин. Шакл жиҳатидан муғаннийномалар маснавий жанрида ижод қилинади. Баъзан эса тўртлик (ду байт – икки байт) ҳолида ҳам ёзилади. Кейинги шаклдаги мустақил муғаннийномалар кам учрайди.

Шу ўринда таъкидлаш керак, кўплаб мумтоз девонлар ва ҳатто айрим дostonлар таркибида муғаннийномадан кўра соқийномалар кўпроқ учрайди. Муғаннийноманинг соқийномадан фарқли жиҳати эса, аввало, шаклида бўлса, иккинчидан мазмунан ва мақсад нуқтаи назарининг ўзгачалигидадир. Бу жиҳатдан муғаннийномаларнинг ўзига хослиги шундаки, у ҳаётсеварликка ва, асосан, янгиланиш фасли – баҳорнинг кириб келишига аталгани ва мусиқага боғлиқ ҳис-туйғулар тараннуми билан ажралиб туради.

Эътироф этиш зарурки, муғаннийнома бошқа номалар каби у қадар кенг тарқаманган жанрдир. У мумтоз адабий ёдгорликлар орасида жуда кам сонлидир. Бу жиҳатни муғанний ва унинг санъатига мурожаат лирик турнинг бошқа жанрларида (ғазал, маснавий, рубоий) ҳам баркамол суръатда ижро этила билганидир, деб қараш мумкин. Шунингдек, муғаннийнома учун махсус шаклий жанр бўлмаганидек, у дoston ва бошқа асарлар таркибида ҳам яшовчан бўлиб қолаверди. Биргина “муғанний” ёки “эй муғанний” хитоби билан бир

¹ Ё.Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги. –Тошкент: O‘zbekiston, 2014. 138-бет.

² Б.Ҳасан. Арабча-ўзбекча бошланғич луғат. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 1996. 515-бет.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Иккинчи жилд. –Тошкент: ЎМЭДИН, 2006. 662-бет; Персидско-русский словарь. Т.2. –Москва: Русский язык, 1983. стр. 539.

⁴ П.Шамсиев, С.Иброҳимов. Навоий асарлари луғати. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. 439-бет; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. 2 т. –Тошкент: Фан, 1983. 406-бет; Б.Ҳасан. Навоий асарлари учун қисқача луғат. –Тошкент: Фан, 1993. 193-бет.

ёхуд бир неча байтларда яхлит асар (достон, маснавий) ичида муғаннийномани тўла-тўкис бера олиш шоирларга қулайлик туғдирарди. Шунинг учун, алоҳида нома ҳолидан ҳам кўра муғаннийномалар (ёки муғаннийга мурожаат), асосан, бошқа асарлар таркибида кўп учрайди.

Биз, ушбу рисоламизда, ўзбек мумтоз адабиётидаги муғаннийноманинг ўрни, уларнинг адабий ёдгорликларимиздаги намуналари (хусусан, Алишер Навоий асарлари), характер-хусусиятлари ва XIX аср Қўқон адабий муҳитига мансуб соҳиби девон ижодкор – Мирзо Сиддиқ Фанонинг муғаннийномаси ҳақида алоҳида сўз юритамиз.

АНЪАНАНИНГ БОШЛАНИШИ ёки МУҒАННИЙГА МУРОЖААТЛАР

Муғаннийномаларнинг пайдо бўлишига сабаб, биринчи галда Шарқ мусиқа санъатининг узоқ тарихи билан боғлиқдир, десак янглишмаймиз. Унинг бу тарихи давомида турфа хил анъаналар, турли хил услублар шаклланди, ривож топди; бошқа санъат турлари билан ҳам ўзаро таъсирланиши мобайнида мусиқа санаътининг янада мумтоз намуналари камол топди, бадий ижодиётнинг нодир жиҳатлари кашф этилди. Шунингдек, мусиқа санъати ва мусиқа назарияси (илми адвор) мумтоз адабиёт билан ҳам чамбарчарс боғлиқки, у эса адабий ёзма ёдгорликларни чуқурроқ ўрганиш давомида аён бўлиб бораверади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, хамсачилик анъанасига тамал тошини қўйган Абу Муҳаммад Илёс Юсуф Низомий Ганжавий (1114-1209) “Панж ганж”ида акс этган муғаннийномаларнинг илк кўринишлари Шарқ адабиёти ва мусиқасининг узвий боғлиқ жиҳатларини асослаб берган дастлабки бадий яратмалардир, дейиш ўринли. Ислом Шарқ адабиётида Низомий, дoston таркибида, муғаннийномалар ёзиш анъанасини бошлаб берган. Ўзбекистонда проф. С.Ғаниеванинг бу ҳақдаги айрим кузатишлари мавжуд.¹

Маълумки, Низомий “Хамса” сига кирувчи сўнгги – “Искандарнома” достони икки қисмдан иборат. Дастлабки қисм – “Шарафнома” (6800 байт), кейингиси – “Иқболнома” (3680 байт) бўлиб, ўз даврининг икки ҳукмдори (Отабек Нусратиддин Абубакр Муҳаммад Жаҳон Паҳлавон ва Маликул-қоҳир Изиддин Абулфатҳ Масъуд бин Нуриддин)га бағишланган.²

“Шарафнома”да Искандарнинг туғилиши, фатҳлари ва Румга қайтиб келиши баён қилинади. Унда соқийномалар ҳам ўрин олган. “Иқболнома”да эса Искандарнинг ҳикмат аҳли билан мажлислари, улар ва ўз ҳаётининг интихоси берилган. Шунингдек, бизнинг мавзумизга боғлиқ бўлган муғаннийномалар ҳам дostonнинг айнан шу қисмидан ўрин олган бўлиб, улар 29 тадан иборат. Биринчи муғаннийномаси шундай:

*Бисоз, эй муғанний раҳи дилписанд,
Бар атвори ин арғануни баланд.
Раҳе, к-он зи меҳнат раҳои диҳад,
Ба торикшаб рўшнои диҳад –³*

Мазмуни:

*Эй муғанний, кўнгилга ёқимли куй чалгин,
Арғанун оҳанглари баланд жарангласин.
Дарду азоблардан халос қилсин,
Қора тунга ҳам ёруғлик ато этсин.*

Шу тариқа турли муносабатлар билан ёзилган муғаннийномаларда Низомий мусиқанинг инсон аҳволи руҳиясига беқиёс таъсири, инсоннинг борлиқдаги мавжудлик фалсафаси билан ҳамоҳанг равишда бадий тасвирланган. Уларда кўпгина мусиқий атамалар ва

¹ С.Ғаниева. Низомий муғаннийномалари / Низомий ва ўзбек адабиёти. Илмий анжуман материаллари. – Тошкент: ТИУНМБ, 2007. 56-61-бетлар; Ўша муаллиф. Муғанний, биёр он навое ғариб...// Овози тожик. 12 декабрь, 2007; Ўша муаллиф. Шарқ мумтоз адабиётида муғаннийномалар // Шарқ тароналари. –Тошкент, 2007. 62-66-бетлар.

² С.Ғаниева. Низомий муғаннийномалари..., 56-бет.

³ Низомий Ганжавий. Қуллийёт. Жилди панжум. Иқболнома. –Душанбе, 1984. 54-саҳ.

муסיқа созларининг номи келтирилади. Мисол учун, *чанг, рубоб, нафир* каби чолғуларнинг ноласидан кўз ёшлар ёмғир бўлиб, қалблар ҳис-ҳаяжонга тўлиши таъкидланади.

Умуман олганда, Низомий муғаннийномалари Шарқ мумтоз адабиётида янги бир анъанани бошлаб берди. Унинг муסיқа илмидан ҳам яхши хабардор бўлгани туфайли муғаннийномаларида муסיқий соз ва куйлар номи, уларнинг жозибаси ва маҳорат билан ижро этилишига оид лавҳалар чиройли тасвир қилинган. Бу муғаннийномаларда ташбех, ийҳом, истиора, талмеҳ каби бадий санъатлар қўлланилиб, шоирнинг асосий ғоя ва назмий маҳорати тўла акс этган.¹

Низомийнинг бу борадаги анъанасини кейинчалик Хусрав Деҳлавий ижодида ҳам кўриш мумкин. Бироқ ҳам мазкур анъанани давом эттириб, ҳам бир қанча жиҳатдан юқори паллага олиб чиққан, шубҳасиз, Алишер Навоийдир. (Бу ҳақда кейинги фаслда махсус тўхталамиз).

Бизни қизиқтирган масала – ўзбек мумтоз адабиётидаги муғаннийнома намуналари тадқиқига эса деярли ҳеч бир ишда дуч келмаймиз. Ҳатто, *нома* жанри ҳақидаги махсус тадқиқларда ҳам у эсланмайди.²

Ваҳоланки, муғаннийнома ҳам ўзбек адабий ёдгорликлари қаторидан, кам сонли бўлса-да, муносиб жой олган жанрдир. Унинг айрим кўринишлари баъзи асарлар таркибида муғаннийга мурожаат сифатида, ёки қўшиқ-муסיқа, куй ижросидан ўта таъсирланиш оқибатида шеър-асар матни орасида берилади. Мисол учун, Ҳайдар Хоразмий “Гулшани асрор” достонида ўзини шоир-муғанний қиёфасида кўриб:

*Турк зуҳуридур очунда бу кун,
Бошлар улугъ йир била туркона ун!
Рост қил оҳанги “Наво”у “Ҳижоз”,
Туз ётған била шутурғуни соз.
Турк сурудини тузук бирла туз,
Яхши айалғу била кўкла қўбуз –³*

дея, ёзади.

Бу каби мурожаатлардан кўринадики, чиндан ҳам муғаннийнома, мақсад-эътибори ила инсонни муסיқа ёрдамида дунё ташвишу ғалваларидан форигъ бўлишга чақирувчи, хушҳолликка ундовчи мазмунга эга асардир.

Куйида маснавий шаклидаги айрим асарлар таркибида келувчи муғаннийга мурожаатларга қисқача тўхталсак.

XIV аср эски ўзбек тилидаги адабий ёдгорлик Хоразмий “Муҳаббатнома”сининг бошланишидаёқ муғаннийга мурожаат қилинади:

*Хусайний пардаси узра тузуб соз,
Муғанний бу ғазални қилди оғоз –⁴*

Бу ўринда “Хусайний” куйи эсланмоқдаки, демак асар матни шу куйга мувофиқ ижро этилган. Умуман олганда, муғаннийномаларда жуда кўплаб Шарқ мумтоз куйлари ва муסיқий атама-истилоҳлар келтирилади.

¹ С.Ғаниева. Низомий муғаннийномалари..., 61-бет.

² М.Жамолова. Ўзбек адабиётида нома жанри. –Тошкент: Фан, 1992; О.Носиров, С.Жамолов, М.Зиёвиддинов. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1979.

³ Муборак мактублар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. 221-бет.

⁴ Муборак мактублар..., 10-бет.

“Муҳаббатнома”дан бироз кейинроқ XV аср бошларида яратилган Хўжандий “Латофатнома”сида ҳам шундай мурожаатни кўриш мумкин:

*Муғанний чангу барбат соз қилмиш,
Тараннуми андалиб оғоз қилмиш –¹*

Булбул каби тараннум қилган муғанний чолғулари – “чанг” ва “барбат” ўз даврининг музика созларидандир.

Хўжандий билан замондош Юсуф Амирийнинг “Даҳнома”си темурийзода Бойсунғур мирзога бағишланган бўлиб, унинг ҳам кириш қисмида муғанний мажлисга оройиш берувчи юлдузлар орасидаги Зухра юлдузидек дея таъриф этилади:

*Кавокиб ўрдада, ул ўртада ой,
Муғанний Зухраву ул мажлис орой –²*

“Даҳнома”нинг ошиқ-маъшуқ висоли тасвир этилган сўнгги қисмларида ҳам муғанний кўли остидаги создан чиққан ҳар бир овоз фусунсоз (сеҳрловчи) эканлигини таъкидлаб, “Хусайний” куйини эслайди. Англашиладики, XIV- XV асрларда бу куй ҳийла машхур бўлган.

*Муғанний сеҳр аро бўлди фусунсоз,
Чиқарди ҳар иликидин бир овоз...
Ишорат қилди чун ул хусн зайни,
Ироқийвор мен туттим Хусайний –³*

Муғаннийга бу тахлит мурожаат ва унинг соҳир хунарига юксак таърифлар беришлар юқоридаги каби маснавийлар таркибида кейинчалик ҳам учрайди. Масалан, XVIII аср Хоразм адабий муҳитининг истеъдодли шоирларидан бири Муҳаммадниёз Нишотийнинг “Хусну дил” достонига кирувчи “Боз ва булбул” мунозарасининг бир ўрнида шундай келтирилади:

*Неча муғанний бор эди найнавоз,
Барчаси хушқад эди, чун сарвиноз –⁴*

Бу ўринда най чалувчи созандалар ҳақида сўз юритилмоқда.

Албатта, ўзбек адабий ёзма ёдгорликларида муғаннийга мурожаат фақат маснавийлар таркибида эмас, бошқа жанрлар (*ғазал, мухаммас, рубоий* каби)да ҳам учрайди. Шуни эслатиш зарурки, муғаннийга мурожаат, мумтоз лирикада *пир ёхуд соқий* образига нисбатан камроқдир. Айрим ҳолларда, эса муғанний сўзи ўрнига *мутриб, навозанда* каби номлар ишлатилган.

Мисол учун, Муҳаммадсаид Амир Умархон (1787-1822) девонидаги бир ғазалида тўғридан тўғри муғаннийга, сўнгра соқийга мурожаат қилади:

¹ Муборак мактублар..., 52-бет.

² Муборак мактублар..., 63-бет.

³ Муборак мактублар..., 117-бет.

⁴ Муборак мактублар..., 281-бет.

*Харобот ичра кирдим ишқ нақдин ройгон келтур,
Муғанний нағма тузгил, соқий ратл гарон келтур – ¹*

Байтдан чиқадиган мазмун, харобот ичра ишқ учун текин талабгор бўлиб келган ошиқ учун, муғанний махсус куй ижро қилсин, соқий қадаҳда тўла шароб келтирсин, деган маънони бермоқда. Бу эса, XIX аср адабиётига келиб, *муғанний* истилоҳи тасаввуфий-ирфоний мазмунни ҳам ифода қилувчи восита сифатида қўлланилишидан бир намунадир.

Умархоннинг умр йўлдоши Моҳларойим Нодира (1792-1842) девонида эса *муғанний* термини *мутриб* билан алмашган:

*Кетти ҳушум ул париваш жилва оғоз айлагач,
Ўртади жон пардасин мутриб наво соз айлагач – ²*

Энди яна, париваш бир жилва қилганда ҳуш учиб кетганидек, мусиқа сози пардасини маҳорат билан чертган созанда жон пардасини ўртаб юбориши яна муғаннийларга таҳсиннинг бир кўринишини олган.

Демак, муғаннийномалар у ёки бу даражада муғаннийга мурожаат тарзида мумтоз адабиётимиз саҳифаларидан оз сонли бўлса-да муқим ўрин олган унсурлардан бири бўлиб қолган.

¹ Амирий. Девон. Нашрга тайёрловчи: М.Қодирова. –Тошкент: Фан, 1972. 60-бет.

² Нодира-Комила. Девон. Нашрга тайёрловчи: М.Қодирова. –Тошкент: Халқ мероси, 2001. 95-бет.

НАВОИЙ – МУҒАННИЙЛАР ВАСФИДА¹

Амир Алишер Навоийнинг мусиқа ва мусиқа санъати билан боғлиқ қарашлари² унинг “Хамса”, “Хазойин ул-маоний”, “Мажолис ун-нафоис” ва “Маҳбуб ул-қулуб” каби асарларида акс этган. Бу жиҳатлар, яъни мусиқа илми ва мусиқа санъати, унинг вакиллари Навоий қанчалик васф этиб таърифлагану қай тариқа сифатлаб берганига тўхталишдан аввал, шоир шахсининг мусиқа санъати билан боғлиқ айрим далилларга диққат этсак.

1) Алишербекнинг она томондан бобоси Абу Саид Чангий ўз даврининг моҳир созанда-чангчиларидан бўлган; тоғалари Мир Саид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибий ҳам мусиқага дахлдор бўлиб, айниқса, Муҳаммад Али *“қўпроқ созларни яхши чалар эди. Уни ва усули хўб эрди. Мусиқий илмидин ҳам хабардор эрди...”*¹

2) Ғиёсиддин Хумомиддин Хондамир (1475-1535) Навоий раҳнамолигида 1499 йил ёзган илк тарихий асари “Хулосат ул-ахбор фи аҳвол ил-аҳёр” (Хайрли кишилар аҳволида жаҳон хабарларининг хулосаси)да шундай таъкидлайди: *“...Олийҳазрат амир Алишер мусиқа илмида ҳам шу қадар маҳорат ҳосил қилган эдиларки, агар муаллими соний (Абу Наср Форобий, 874-950) ҳаёт бўлганларида унга шогирдлик сирғасини қулоғига тақиб оларди. Қонуну удда зўр таълим олган...”*²

3) Ўз даврининг кўплаб санъат аҳли, хусусан, бир неча созандалар доимо Навоий хомийлиги остида яшаган. Жумладан, Ҳофиз Қозоқ қонун, устод Сайид Аҳмад ва устод Шоҳқули ғижжак, устод Ҳусайн уд ва қўшиқ, устод Шайхий Ноий най чалишда Навоий эътибори билан тенги йўқ созандаларга айланишган³.

4) Айнан Навоийнинг ёзмалари орқали ўз даврининг бир неча моҳир санъаткорлари ҳақида маълумот фанда сақланиб қолган. Мисол учун, Мавлоно Қадимий – наққорачи, Хожа Камолиддин Удий, Али Кармол Удий, Устод Қулмуҳаммад – ғижжакчи.⁴

Маълум бўладики, Навоий ўз ҳаёти ва фаолияти давомида мусиқадан узоқ бўлмаган. Доимо бадий ва илмий асарлар яратиш, давлат бошқаруви, бунёдкорлик ишларини амалга ошириш билан бирга мусиқа санъатидан четда қолмаган.

Энди Навоий асарларидаги бевосита мусиқа санъати билан боғлиқ хусусиятларга тўхталсак. Бу эса қуйидагиларга кўринади:

1. Навоий асарларида мусиқа санъатига оид бир қанча истилоҳ ва атамалар келишида (лирик, эпик ва насрий асарлар).

2. Навоийга мансуб айрим асарларда мусиқачи ва созандаларга берилган таърифларда (“Маҳбуб ул-қулуб”даги “Мутриб ва муғаннийлар зикрида”; “Садди Искандарий” дostonидаги муғаннийномалар).

Дастлабки жиҳатга оид истилоҳ ва атамалар:

а) мумтоз куйларнинг номи – *Наво, Рост, Ушшоқ, Ироқ, Исфаҳон, Бузрук, Ҳижоз;*

б) мусиқа чолғулари – *уд, арғанун, қонун, танбур, наққора, соз, нузҳа, чағона, қовурға, сур, сурнай, най, сетор, ғарав;*

¹ Мазкур қисм, илк бора, ушбу сатрлар муаллифи томонидан 2015 йил 6 февраль куни “Ўзбекнаво” эстрада-бирлашмасида бўлиб ўтган Алишер Навоийнинг таваллуд кунига бағишланган “Навосиз улуснинг навобахши бўл” анжуманида, маъруза сифатида, тақдим этилган – О.Ж.

² Ушбу мавзу доирасида айрим ишлар маълум. Масалан: М.Қодиров. Алишер Навоий ва санъат. –Тошкент: ЎзКПМК бирлашган нашриёти, 1968; З.Г.Каримова. Навои о музыка. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988; О.Матёқубов. Навоий наволарин излаб // Ўзбек тили ва адабиёти. 1991. №1. 54-59-бетлар; О.Иброҳимов. Ҳазрат Навоий ва мақомлар // Мусиқа ижодиёти масалалари. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. 53-64-бетлар; Т.Йўлдошев. Навоий ва мусиқа санаъти // Театр. 2009. №4. 10-бет.

³ Хондамир. Хулосат ул-ахбор/ Навоий замондошлари хотирасида..., 78-79-бетлар.

⁴ Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик, 13-т. Мажолис ун-нафоис..., 26-, 118-, 135-бетлар.

в) чолғучи ва ижрочилар – *мутриб, муғанний, муғанния, созанда, хонанда, навозанда, хушнағма, нағмасаро, нағмакаш, алҳонсаро (илҳонсаро), алҳоннамой;*

г) мусиқий усуллар – *Туркий ҳижоз, Ажам, Нағмаи паҳлавий, Оҳанги шоҳнома, Ҳиндуи рехта, Хусравона, Чаҳоргоҳ;*

д) мусиқа билан боғлиқ бошқа сўзлар – *лаҳн, суруд, қўшуқ, ўюн, оҳанг, ўюнчи, хурушон* кабилар Навоийнинг дoston, ғазал, таркиббанд ва яна айрим насрий асарларида учрайди. Улар муаллиф тарафидан матнда қўлланишига қараб турфа маъноларда келишидан қатъий назар биринчи галда мусиқа санъатига оид атама ўлароқ акс этган. Баъзи мисолларга тўхталсак.

Мисол учун, “Бадоеъ ул-васат” даги 364-ғазал мақтаъси:

*Эй муғанний, тут “Ироқ” оҳангию, кўргуз “Ҳижоз”
Ким, Навоий хотири бўлмиш Хуросондин малул – ¹*

байтининг ўзида юқорида таъкидланган калималардан тўрттаси келган.

Ёки шоир лирикасида кўп учровчи “наво” сўзини олсак. Луғатларда бу сўзнинг беш маъноси борлиги таъкидланади: 1. Овоз, садо; 2. Куй, мусиқа оҳанги, мунгли ун; 3. Наво номли махсус мумтоз куй номи; 4. Бойлик; 5. Насиб, баҳра.²

Мазкур сўз яна Навоий асарларида бир неча сўз ясовчи қўшимчаларни қабул қилиб ёки айрим бирикмалар таркибида келиб, ўз маъно қирраларини кенгайтирган. Масалан, *наво тузмак* (куйламоқ, сайрамоқ), *наво чекмак* (куйламоқ), *наво топмоқ* (баҳра олмоқ, баҳраланмоқ), *хушнаво* (хушовоз, яхши куйловчи), *бенаво* (йўқсил, камбағал, бечора, баҳрасиз), *наво нақши* (Наво куйи).^{3**}

Худди шунингдек, *нағма* сўзи ҳам икки маънода (оҳанг, куй, мақом; сайраш; нағмаи рехта) келади. Унга ҳам турли қўшимчалар қўшилиб, сўзнинг маъно кўлами янада кенгайди: *нағмазан* (куйловчи, хонанда), *нағмакаш* (чолғувчи), *нағмакор* (нағмага ишлов берувчи), *нағмапардоз* (хонанда, созанда), *нағмасарой* (ашула айтувчи, созанда), *нағмасоз* (хонанда, созанда).

Иккинчи жиҳат. Навоий санъат аҳлини юксакларга кўтарган ўринлар “Маҳбуб ул-қулуб” да ҳам келади. Бу борада ўқувчилар маълум қадар маълумотга эга. Шунинг учун, қисқача қилиб айтганда, Навоий бу ўринда “мутриб ва муғаннийларга қалбида дарди бор кишилар жон фидо қилиб юборадилар” дейди. Сабаби, улар инсонлар юрагидаги дард ва ғамларни, хурсандчиликларни куй ёки қўшиқ ёрдамида ижро эта оладилар. Бу билан дардмандлар дардини нечоғлиқ эканлигини кўрсатадилар.

Навоий уларни *тарабафзо* (шодликни ошурувчи), *ғамзудо* (ғамни зиёда қилувчи) дейди. *Хушнаво*, мулойим муғаннийларга таҳсин ўқийди. *Ғижжасак, танбур, чанг, қўбуз, қонун, чағона, най* каби чолғуларнинг моҳир созандаларига офаринлар айтади.

Лекин шу билан бирга бу тоифа баъзилари “*лаимсийрат ва гадодурлар*” деб ҳам танқид қилади. Бунга сабаб, бизнингча, айрим суллоҳ, ўзига мағрур, кибрли муғаннийларни ножоиз

¹ Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик, 5-т. –Тошкент: Фан, 1990. 260-бет.

² П.Шамсиев, С.Иброҳимов. Навоий асарлари луғати..., 445-бет.

³ ** Маълумки, Амир Алишер ҳам ўз таҳаллусини “наво” сўзидан олган. Шу ўринда бу сўз билан боғлиқ бир латифаомуз халқ ривояти. Хиротда Биноий доим Навоийга ғашлик қилиб ўз китмир гапларини айтиб юрар экан. Бир куни Навоийнинг боғида шоиру машшоқ, хонандаю созандалар ишитирокида бир ширин базм бўлаётган экан. Биноийнинг ғайрлиги келибди. Шу пайт бир ит вовуллаб келиб қолибди. Биноий унга қараб: - Ҳо, жанобларининг итлари ҳам наво қиладиларку, биз ундан беҳабар қолибмизда, – дебди. Навоий унинг нияти ва нимага ишора қилаётганини фаҳмлаб: - Ҳа энди, унча-мунча боқиб парвариш қилган эдик, мавлононинг кўриб турганларидек бинойидек бўлиб қолди, - деган экан. (*Қаранг:* Эл деса Навоийни. –Тошкент: Чўлпон, 1991. 62-бет.)

хатти ҳаракатлари эди. Айтиш зарурки, Навоий уларнинг ҳеч бирининг исмини бирор асарида келтирмайди. (Масалан, шундай созандалардан бири ҳақида Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ” латифасифат воқеани келтиради.¹)

Энди, бевосита Навоийнинг муғаннийномаларига эътибор қилсак.²

Шарқ мумтоз адабиётида муғаннийни васф қилиш, уни улуғлаш, маҳоратига таҳсин ўқиб қойил қолган равишда мисралар тизиб асарлар яратилгани ва улар “муғаннийнома” деб юритилгани ҳақида тўхталдик.

Маълумки, Навоий “Хамса”си Шарқ хамсачилигига жавоб тарзида дунёга келган. Унинг қонун-қоида ва анъаналари бўлиб, Навоий уларга муносиб равишда амал қилган, ўзининг мухташам асарини яратган. Искандарга бағишланган дoston таркибида муғаннийномалар ҳам ёзишга Низомий анъана тусини бергани ҳақида юқорида тўхталган эдик. Айни шу анъанага мувофиқ равишда, Навоий ҳам “Садди Искандарий” дostonида 26 та муғаннийнома келтирган. Улар ўзлари зикр этилган бобнинг охириги қисмидан ўрин олиб, 2-4 байт атрофидадир.

Муғаннийномаларнинг ҳар бири дostonнинг маълум бир фасли ёки бобининг якунига хотима бўлса-да, асосан, унда муғаннийнинг меҳнати ва санъатдаги маҳорати васф этилади. Муғаннийномалар дostonдаги ўзига хос ритм ва оҳанг билан уйғун равишда жаранг топган.

Биринчи муғаннийнома 8-боб охирида келган:

*Муғанний, суруди ҳарифона чек,
Бир ун бирла тек турмағил, ёна чек!
Дема сўз, мени айла масти хароб
Ки, тонгла сўз айтурға қилғум шитоб.
Навоий, неча соқийи шангдур,
Муғанний доғи дилкаш оҳангдур.
Ўзунг асрағайсен ичар чоғда роҳ
Ки, қуллий иш олингға тушмиш сабоҳ.³*

Яъни айтилмоқдаки: эй муғанний, суруди ҳарифона (дўстлик куйини) чал, бир бора ун тортиб (куйлаб) тўхтаб қолма, яна чал. Бирор сўз дема (зероки орага сўз сиғмайди), мени ўта маст қилгинки, тонгда яна сўз айтишга (дoston ёзишга) шитоб билан киришаман. Эй Навоий, соқий қанчалик гўзал ва шўх бўлмасин, муғанний ҳам қанчалар дилни олувчи оҳанг қилмасин, бу улуғ йўл олдидан (май) ичмоқдан ўзингни асрагинки, яна тонгла катта ишлар олдинда турибди.

Бу хитоб Навоий дostonининг дастлабки ўринларидаги мазмун ва ички ритмга жуда мувофиқ. Кейинги бобларга ўтилган сари шу бобнинг оҳанги, шитоби ва маълум қадар мазмуни ҳам муғаннийномага ҳам мансуб бўлиб бораверади. Муаллифнинг муғанний

¹ Мусиқа илмида ўз даврининг ягоналаридан бўлган мавлоно Алишоҳ бир куни Навоийнинг олдига келиб: “Сизнинг олий илтифотингиздан ва марҳаматингиздан умид шулки, вақф бошқарувчилари олти ойлик маошимни бирданига олдиндан берсалар, ҳар ойда уларга бош оғриқ бўлмасам” дейди. Навоий унга: “Мавлоно, умримиздан олти кун қолганми, йўқми, билмаймиз. Нима учун омонат ҳаётга бу қадар эътикод қилиб, олти ойлик маошни олдиндан талаб қиласиз?” дейди. Мусиқашунос: “Сиз буйруқ бераверинг, улар пулни берсинлар. Борди-ю ўлиб қолсам, ўша пул гўр-у кафанимга яраб қолар” дейди. Шунда Навоий ҳазил билан: “Ўлиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало деганлари сиз экансизда?!” деган экан (*қаранг*: Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967. 112-бет).

² Навоий муғаннийномалари ҳақида Л.Жўраева ва А.Ибрагимова изланиш олиб боришган. *Қаранг*: Л.Жўраева. Алишер Навоий муғаннийномалари. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2011; А.А.Ibragimova. Navoiy “Mug’anniynoma”lari. Магистрлик иши. Тошкент ДШИ, 2013.

³ Алишер Навоий. Хамса. Нашрга тайёрловчи: П.Шамсиев. –Тошкент: ЎзФАН, 1960. 641-бет; Алишер Навоий. Садди Искандарий. (Насрий баёни билан.) Нашрга тайёрловчи: М.Ҳамидова. –Тошкент: F.Фулум НМБ, 1991. 61-бет.

меҳнатига баланд пардаларда бағишловлар қилиши, алқаша, санъатига таҳсинлар ўқиб, ошуфталигини изҳор этиши ортади. Бу эса Навоий муғаннийномаларининг, ўзига хос, дoston ичидаги кичик асар характерини касб этишини таъмин этган. Агарда, уларни дoston матнидан юлиб олиб ҳам алоҳида китобат қилинганда, мустақил ва баркамол асар сифатида борлигини давом эттирган бўлур эди, десак муболаға эмас.

Масалан, Чин хоқони зиёфатга тайёргарлик кўриб, Искандарни Чинга келишга илтимос билан чақариши, у келгач, шоҳона базм уюштириб, унга турфа ва қимматбаҳо совғалар ҳадя қилгани ҳақидаги 52-боб воқеалари ниҳоясидаги муғаннийномага диққат қилайлик:

*Муғанний, улуғ йир навосини туз!
Пижир кўкка пийпо савдосини туз!
Мени бир наво бирла хушҳол қил,
Жаҳон фикридин фориғулбол қил!
Навоий, ичиб май, эшитгил суруд
Ки, бас, бевафодур сипехри кабуд.
Ки Хоқонға гар жуз жафо қилмади,
Сикандарға дағи вафо қилмади.¹*

Аввало, матн ҳақида: *улуғ йир* бирикмаси матнда куй номи сифатида келгани боис “Улуғ йир” дея берилиши керак. “*Пижир кўкка пийпо савдосини туз*” мисрасидаги остига чизилган сўзлар ҳам, назаримизда, янглиш ўқилган. Улар “Биржис” (Муштарий-Юпитер юлдузи-сайёраси) ва “пайпо” (муттасил) деб берилса, мазмун чиқади. Шунда:

*Муғанний, “Улуғ йир” навосини туз!
Биржис кўкка пайпо савдосини туз!*

дейилсагина, эй муғанний, “Улуғ йир” (номли) куйни чал, (бу билан) Муштарий юлдузига қадар муттасил етиш савдосини бошимизга сол, мазмуни келиб чиқади. Яъни, уд ва қубуз ижросидаги “Улуғ йир” номли наво шундай ажиб сеҳрга эга эканки, уни жон қулоғи билан тинглаган сомеъ, беихтиёр куй сеҳри оғушида, кўкка қадар – Муштарий юлдузи қадар сайр қила олар экан.

Кейинги сатрларда эса шоир давом этади: мени шу куй-наво билан шундай хушҳол қилгинки, унинг таъсирида жаҳон фикри (заминий ташвишлар)дан қутулай. Эй Навоий, май ичгину куй тинглагилки, бу мовий осмон (фалак) бевафодир. Зероки, у (дунё ҳукмдорларидан бири) Хоқонга озмунча жафо қилмаган бўлса-да, (ундан кудратли ҳукмдор) Искандарга ҳам вафо қилмади-ку?!

Мана Навоий дostonнинг 52-боби воқеалари юзасидан келтириб чиқарган хулосасининг атиги саккиз мисрада бутунлай янги ташбеҳ ва фалсафий якунда бера олишига яққол мисол. Навоий бу ўринда “Улуғ йир” номли туркий куйнинг мавжудлиги ва унинг сеҳрли оҳанги ҳақида ҳам маҳорат билан хабар берган.

Ёки дostonдаги 27-бобда келган 11-муғаннийномани олсак. У нафақат бадий равон, мазмуман пухта, балки “Садди Искандарий” асарининг умумфалсафий маъносини баланд пардада акс эта олганлиги билан ҳам жозибалидир.

¹ Алишер Навоий. Хамса. Нашрга тайёрловчи: П.Шамсиев..., 771-бет; Алишер Навоий. Садди Искандарий. (Насрий баёни билан.) Нашрга тайёрловчи: М.Ҳамидова..., 337-338-бетлар.

*Муғанний, бугун нағмаи чанг туз,
Вале навҳа соз айлаб оҳанг туз.
Ки, дардимға тортиб фиғон йиғлайин,
Даме ўйлаким шиша қон йиғлайин.
Навоий, жаҳонға вафо йўқтур,
Анинг даъбу расми жафо-ўқдурур.
Вафо айлаб онинг вафосин унут,
Наво истасанг бенаволиғни тут.¹*

Айтилмоқчики: эй муғанний, бугун чанг созида нағмалар туз; аммо бу нағмаларинг навҳа (йиғи, мунг)га мос оҳанг бўлсинки, фиғон тортиб дардим учун йиғлайин. Гўёки, шишадек қон (тўкиб) йиғлай. Негаки Навоий, бу жаҳонда вафо йўқ, унинг одати жафодан иборатдир. Сен вафодор бўлгину унинг вафосини унут. Агар наво истасанг, бенаволик йўлини тут.

Навоий мазкур мисраларда ғоявий етуклик билан бирга, бадий маҳоратни ҳам шеърий санъатлар ёрдамида кўрсата олган. Дастлабки байтда муғанний, нағмаи чанг, навҳа, соз, оҳанг сўзларини кетма-кет келтириб таносиб санъати, вафо ва жафо сўзларини қаршилантириб тазод санъатини қўллаган. “Даме ўйлаким шиша қон йиғлайин” мисрасида эса ташбеҳнинг ташбеҳи том тури ишлатилган. Яъни, шишадан қуйилаётган қизил майни кўздан оқаётган қонли ёшга менгзатилмоқда.

Энди дoston муғаннийномаларида муғаннийга тўғридан тўғри мурожаат ва улардаги оҳанг ҳамда мусиқий истилоҳларнинг ўрнига эътибор қилсак. Баъзи мисоллар:

*Муғанний, чу гулшанда базм ўлди рост,
Будур хостким тутсанг оҳанги “Рост”!*

Гулшанда тузиладиган базм равиши ва истакка мувофиқ оҳанг “Рост” мақомидир. Муғанний бу ўринда шуни ижро этиши керак.

*Муғанний Ажам ичра тутқил нағам,
Сиғур анда зикри мулуки ажам.*

Агар муғанний ажам (арабдан ташқари) халқ ичида наво қиладиган бўлса, “Ажам” нағмасини чалиб бериши мувофиқдир.

*Муғанний, тузуб нағмаи “Паҳлавий”,
Суруде анинг бирла чек маънавий.*

Муғанний “Паҳлавий” номдаги куйни ижро этар бўлса, унинг маънавий-руҳоний юкига диққат қаратмоғи лозим.^{2***}

*Муғанний, суруд айтибон руд туз,
Вафосиз жаҳон бирла падруд туз.*

¹ Алишер Навоий. Хамса. Нашрга тайёрловчи: П.Шамсиев..., 694-бет; Алишер Навоий. Садди Искандарий. (Насрий баёни билан.) Нашрга тайёрловчи: М.Ҳамидова..., 172-бет.

² *** Назаримизда, бу ўринда Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавий маънавий” асарига ишора қилинаётгани сезилади. Маълумки, бу асар “паҳлавий” (эски форс) тилида ёзилган бўлиб, маънавий жиҳатдан юксак маъноларга эга. Балки, ўша даврда мазкур маснавийдан парчалар махсус куй жўрлигида хониш қилингандир – О.Ж.

Агар муғанний торли мусиқа анжومي билан ғамгин куй ижро қилса, дунёнинг вафосизлигини билган ҳолда у билан хайрлашишни кўзлаб қолиш керак. Созандадан мана шундай маҳорат ва санъат талаб қилинади. Яъни, тингловчини бутун борлиқдан узиб олсин, у куй оғушига чўмсин.

*Муғанний қилиб соз руди нишот,
Анинг бирла тузгил суруди нишот...*

Ёки муғанний ўз тори билан шодлик куйини чалса, бутун олам шодлигу қувончга тўлиб кетсин.

*Муғанний, навода тузуб муътадил,
Навосозлиқ қил манга муттасил.*

Ёхуд, муғанний мўътадил навони ижро этса, бундай навосозлик муттасил (давомий) бўлиб қолишини истаб қолинсин.

*Муғанний, чалиб гарм ҳангома туз,
Сурудунгда оҳанги Шаҳнома туз.*

Ўтиб кетган воқеалару жанглар тарихидан ҳангома қилмоқчи бўлсанг, муғанний куйи “Шоҳнома” оҳангига мос бўлиши кифоя. Шунда созанда тарихий аурага олиб кирувчи муҳитни ярата олади.

*Муғанний, келу черт туркона соз,
Мақоми Наво, йўқса Туркий ҳижоз.*

Агар, тингловчи туркий куйлардан эшитгиси келиб қолса, муғанний созини туркона чертмоғи керак. Яъни, “Наво” ёки, ҳеч бўлмаганда “Туркий Ҳижоз” мақомини ижро этиш талаб қилинади.

Маълум бўладики, Навоий “Садди Искандарий” да келтирган барча муғаннийномалари ушбу жанрнинг энг гўзал ва баркамол намуналаридир. Кўрилганидек, улар нафақат бадиият дурдонаси, балки мусиқашунослик ва мусиқа тарихига оид жуда кўплаб қимматли маълумотларни бера олувчи асарлар ҳамдир. Чунки, санъатнинг мазкур турига мансуб бўлган бир қанча тарихий атама, истилоҳ ва фактлар Навоий муғаннийномалари матнида ўрин олган.

Достондаги сўнги муғаннийномада шоир айтади:

*Муғанний, сўзум тингла охиргаҳи,
Ҳазин нағмаи соз қил хиргаҳи.
Бир оҳанг ила айлагил ромише
Ки, етгай манга бир дам оройише.
Навоий, қилиб Тенгри коминг раво,
Санга рўзи этти ажойиб наво.
Узот Тенгри шукри навосиға тил,
Наво ортуғ истар эсанг, шукр қил!¹*

¹ Алишер Навоий. Хамса. Нашрга тайёрловчи: П.Шамсиев..., 852-бет; Алишер Навоий. Садди Искандарий. (Насрий баёни билан.) Нашрга тайёрловчи: М.Ҳамидова..., 509-бет.

Эй муғанний, сўнгги бор сўзимни тингла, ҳазин бир нағмани (дунё) чодирда соз қил. Кейин шундай оҳанг қилгинки, шодлик олиб келсин ва бир дам бўлса ҳам менга оройиш етсин. Эй Навоий, Тангри таоло сенинг истагингни раво қилди, сенга ажойиб бир наво (яъни “Хамса”) насиб этди. Бунинг учун Тангри таоло шукрига наво билан тил узот (ҳамдлар келтир). Агар, бундан ҳам ортиқ навони истасанг, янада шукрли бўл.

Эътибор қилиш керакки, мазкур муғаннийнома нафақат дostonнинг охириги муғаннийномаси, балки бутун “Хамса”нинг ҳам сўнгги мисраларидир. Алишер Навоий ана шундай муносиб ва муқаддас тилак билан ўзининг муҳташам асарига якун ясагани бежиз эмас. Устига-устак муғаннийга мурожаат билан.

Бу ўринда муаллиф ўз “Хамса”сини жаҳон адабиёт саҳнасида пайдо бўлиб, ҳали ҳеч кимга насиб этмаган наво билан, яъни услуб, бадиият, ғоя ва, албатта, оҳанг билан юз кўрсатган мукамал асар эканлигига ишора қилмоқда.

Демакки, муғаннийномалар Навоий ижодида фақат кўшиқчи ёки созандага мурожаат эмас, балки сўнгги дostonнинг боблари ва умуман “Хамса”нинг ниҳоясида ўз бадий-ғоявий мақсад-муддаосини айтиб олиш учун қўлланилган қисм сифатида ҳам аҳамиятга эгадир. Ўз навбатида Шарқ адабиётида муғаннийноманинг энг гўзал ва бадий баркамол намуналарини яратилгани ҳам “Садди Искандарий” дostonидаги муваффақиятли ўринлардан бири, дейиш мумкин.

ФАНО ВА УНИНГ МУҒАННИЙНОМАСИ

Аввалги фаслда биз муғаннийноманинг маснавийлар таркибида келган тури ҳақида тўхталдик. Бироқ, алоҳида тўртликлар шаклида яратилган махсус шу жанрдаги намуналар ҳам маълум. Афсуски, юзлаб адабий манбаларимиз орасида бу тур шеърлар у қадар кўп эмас. Ана шундай камёб асарлардан бири, XIX аср Кўқон адабий муҳитига мансуб, “Фано” тахаллусли шоир қаламига мансубдир.

Мумтоз адабиёт тарихида айнан “Фано” ёки “Фаноий” тахаллусини қўллаган ижодкорлар бир нечадир. Масалан, Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарининг учинчи мажлисида “Мавлоно Фаноий” номли машҳадлик шоирнинг шеърдан байт келтирган.¹ Пўлатжон домланинг “Тазкират уш-шуаро” асарида ҳам “Фано” ва “Фаноий” тахаллусли саккиз шоир ҳақида маълумот бор.² Аммо, бу таъкидланганларнинг барчаси ўрта асрларда Хуросон, Эрон ва Ҳиндистонда яшаган шоирлардир.

Биз сўз юритмоқчи бўлган “Фано”нинг тўлиқ исми Тоғаймурод Мирзо Сиддиқ бўлиб³, бу шоир адабиёт ва илм аҳлига у қадар яхши маълум бўлмаса-да, у ижодкор – соҳиби девон, истеъдодли, уч тилли шоирдир. У ҳақда марҳум проф. Э. Шодиевнинг алоҳида мақоласи⁴ маълум бўлиб, унда шоирни “XVIII аср охири ва XIX аср бошларида яшаб ижод этган” дея таъкидланса, тожик олими У. Каримов уни “1850 йилгача яшаган” дейди.⁵

Бироқ, мавзуга алоқадор манбалар шоирнинг нафақат таъкид этилган замонда балки, XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам ҳаёт бўлганлигини кўрсатмоқда. Бундай хулосага келишимизга сабаб, Фано асарларидаги ўз таржимаи ҳолига оид баъзи қайдлар ва айрим тарихий манбалардаги мавзуга алоқадор далиллардир.

Чунончи, Мирзо Сиддиқ форсча шеърларидан иборат девонидаги дебочасида⁶ таъкидлашича: у аслида Истаравшан (Ўратепа) шаҳридан бўлиб, умрини “улуми диния ва масоили яқиния” (шариат илмлари ва тасаввуф масалалари)ни ўрганишга бағишлаган. У “иқомат қилиш ва илмини ошириш учун Хўқанд (Кўқон)га” борган ва у ерда муқим бўлиб қолади. (Бир қанча муддат «Зокир Хожа эшон⁷* макони»да яшайди.) Мирзо Сиддиқ асосий шеърларини шу шаҳарда яратгани, хусусан “мухаммасот, ғазалиёт, рубоиёт, муғаннийнома, чистоният” ёзгани, Бедилдан кўп ўқигани ва кўқонлик бедилхонлар даврасига қўшилганини билдиради.

Ўзбекча девонидаги бир шеър муносабати билан эса ўз таржимаи ҳолига оид қуйидаги муҳим маълумотни беради:

«Вилояти Хўқанд ажноби саййидот мояи фазилату камолот интисоб Валихон Тўраи Махдумиға ихлоси каъс ақидат андешалиғим бор эрди. Шафқати мурувват бирла ман фақирға боқар эрдилар. Чун Мўйимуборакға мутавалли бўлдилар. Ҳар қайси фузалои завил-эҳтирому закий табъу аъло мақом таърих қилдилар. Бу фақирни бебизоату ҳақирким

¹ Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик, 13-т. “Мажолис ун-нафоис”..., 91-бет.

² П.Д.Қайюмов. “Тазкират уш-шуаро”. 2 китоб, 2-к. –Тошкент, 2006. 69-70-бетлар.

³ Шоир ҳақида батафсил қаранг: О.Жўрабоев. Мирзо Сиддиқ Фано ва унинг адабий мероси // Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. №2, 117-125-бетлар.

⁴ Э.Шодиев. Навоий ва Фаноий // Адабиёт кўзгуси. Илмий тўплам. 7-сон. –Тошкент, 2002. 31-33-бетлар.

⁵ Каримов У. Таджикская литература [первой половины XIX в.] // История всемирной литературы: В 9 томах / АН СССР; Ин-т мировой лит. им. А.М.Горького. —Москва: Наука, 1983. Т. 6. 1989. С. 466—468.

⁶ Девони Фано. ЎЗР ФАШИ фонди, 7015 рақамли қўлёзма, 450^а-453^б варақлар.

⁷ Кўқонда “Шайх ул-ислом” Зокир Хожа эшон ўтган (1817-18 йилда вафот этган). У Умархон даври шоирлари тазкирасида (“Мажмуат уш-шуаро”. –Тошкент: Ильин матбааси, 1900. 21-23-бетлар) биринчилардан таъкидланган бўлиб, Амирнинг яқинларидан эди. Аммо, Фано эслаган Зокир Хожа эшон шу кишими, ёки бошқами бу борада келгусида янада аниқлик киритилар, деган умиддамиз – О.Ж.

истеъдоди Асҳоби Каҳф итидек алар қаторидин қолмай, таърихи қасидаомуз ва яна бир ғазал Мўйимуборак васфина қилиб назари кимие асаридин ўткардим...»¹

Номи зикр этилган Валихон Тўра эса Худоёрхоннинг биринчи ҳукмронлик (1845-1858) даврида Қўқондаги энг таъсир доираси кучли, хоннинг ўзи ҳам эътиқод қилган тасаввуф арбобларидан бири бўлган (вафоти – 1274/1857).² Демак, Мирзо Сиддиқ бу зотга ихлос қилиб, пир (муршид) тутган. “Мўйимуборак” эса Қўқон шаҳрининг жануби-ғарбидаги қишлоқ бўлиб, бу ерда ўша даврда вақти билан халқ сайллари уюштирилиб турилган. Бу жойнинг яна бир афзал жиҳати унда ҳазрати пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг муборак мўйлари сақланувчи катта ва эътиборли масжид бўлган. Фанонинг таъкидланган тарихига кўра, Валихон Тўра ана шу масжидга 1849 йилда, Худоёрхон тарафидан, мутавалли этиб тайинланган.

Мазкур 15 байт (30 мисра)дан иборат “таърихи қасидаомуз”нинг матлаъси шундай:

*Хон эҳсонини айлабсан умур,
Топдилар ҳар бенаво андин нур...*

Охирги икки байти эса қуйидагича:

*...Тавлият таъриhini бўлғай дедим:
Асл ериға ки эй мушкил кушо.
Тавлият кўнглин берибо, деди манга:
Ходими Мўйи Набийи мужтабо.*

Асардаги таърих моддасининг ечими ҳам бир қадар қизиқ.

Ундаги моддаи таърих сўнгги мисрадир. Бу сўзларнинг абжад ҳисобидаги йиғиндиси 1219 бўлади. Энди, аввалги мисрадаги “тавлият кўнглин берибо” жумласига кўра, “тавлият” сўзининг “кўнгли” яъни, ўртаси – “вали (ёки валий)” олинади. У эса – 46 рақамига тенг. Бу сонни эса юқоридаги йиғиндига қўшамиз: 1219+46=1265.

Ҳижрий 1265 санаси эса милодийда 1849 йилга тўғри келади.

Чунки, “тавлият”– аслида арабча طويلة (тавилатун) сўзидан бўлиб, унинг “узун қасида” маъноси ҳам бор³. Шунга бинонан, шоир:

*Тавлият таъриhini бўлғай дедим,
Асл ериға ки эй мушкил кушо –*

яъни, “қасидадан чиқадиган таърихни ечиш учун асл ери (ўртаси)га қарагин, эй мушкулинг кушод бўлгур” демоқда.

Шеърда муаллиф ўзига хос санъаткорлик билан пешвосини улуғламоқда. Унингча, пирининг валий (авлиё-шайх)лиги “Мўйимуборак”ка ходим (мутаввали) бўлиш билан мустаҳкамланди.

Фикримизча, Мирзо Сиддиқ Қўқонга 1849 йилдан бир неча сана муқаддам келган. Негаки, биринчидан шоир, пири Мўйимуборакка мутаввали бўлишидан олдинроқ, у билан иртиботга кирганини юқорироқда келтирилган парчада эътироф этаётган бўлса;

¹ Девони Фано. Ўша фонд, 1030/II рақамли қўлёзма, 280^{a-b} арақ.

² Бу ҳақда қаранг: Мирзо Олим Мушриф. Ансоби ус-салотин ва Таворих ул-хавоқин. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. 57-58-бетлар; Мирза Алим ибн Мирза Раҳим Тошканди. Ансаб ас-салатин ва Таварих-ал-хавоқин. –Ташкент, 2007. С.149. Изоҳ: мазкур асарда яна бир Валихон Тўра ҳақида маълумот бор. Лекин бу киши шайх ул-ислом (1291/1874-75 йилда вафот этган) бўлиб, Мирзо Сиддиқ таъкидлаган Мўйимуборакда мутавалли бўлмаган – О.Ж.

³ Арабско-русский словарь. В двух томах. Т.2. –Ташкент, 1994. 25 стр.

иккинчидан ўша дебочасида ўз шеърларини Муҳаммад Алихон (Хон) ва Эшони Муҳаммад Худоёр девонбегининг¹ “назари кимё”сидан ўтказганини таъкидлайди. Ҳатто ўзбекча девонида Хон ғазалларидан бирига тахмиси ҳам мавжуд. Муҳаммаснинг дастлабки банди шундай:

*Бу мусалсал турралар таҳрики жавлонингдадур,
Сонма ҳеч ғам сабодин сунбулистонингдадур,
Халқа-халқа чин мушкин моҳи тобонингдадур,
Тобларким сунбули зулфи паришонингдадур,
Эй пари, ман телба оҳимдурки ҳажрингдадур –²*

Ушбулардан эса хулоса қилиш мумкинки, у Муҳаммад Алихон даврида (1822-1842) Қўқонга келган ва хон атрофидаги шуаро орасидан жой олган. У. Каримов ҳам шоирни бошқа “сўз санъати усталари каби ўз ижодини муносиб кадрловчиларнинг ҳимояси учун Қўқонга интилганини” таъкидлайди.³

Тахминимизга кўра, шоир бироз кейинроқ, тўғрироғи пирининг вафоти (1857 й.)дан сўнг, Ўратапега қайтиб кетади ва умрининг охириги йилларини ўша ерда кечиради. Бунга сабаб, Валихон тўранинг вафоти билан бирга 1858 йилга келиб, хонлик пойтахти (Қўқон) даги хон алмашиши, талотўплар ва сиёсий нотинчлик бўлиши эҳтимол.

Яна дебочасидаги маълумотларга биноан Мирзо Сиддиқ бу вақтда Ўратепадаги Намозгоҳ мадрасасида яшайди, кўп вақтини Жавор мазоридидаги ҳазрати Ибн Аббос (р.а.) нинг мақбараси атрофида кечиради. У бу ердаги яқинларидан Эшони Тўра Хожа нақибни эслайди ва шеърлари унинг “дақиқ назари”га тушгани ҳамда “манзур ва мақбул” бўлганини таъкид этади.

Бухоро амири Насрулло (1826-1860) Ўратепани 1850-йилларда яна амирлик таркибига қўшиб олган эди. Шунинг учун, Фано ўз “девонини Саййид Амир Муҳаммад Насруллох Баҳодур асрида йиғгани”ни билдиради.

Демак, Тоғаймурод Мирзо Сиддиқ Фано, тахминан, XVIII аср охирилари ва 1860 йилларда яшаган ижодкордир.

Унинг ўзбек ва форс тилларида тузган алоҳида девонлари тўлиқ ҳолда бизгача етиб келган.⁴ Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланувчи шоир девонининг икки нусхаси Хивада Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) буйруғи билан кўчирилган: 7015 рақамли қўлёзма ҳижрий 1320 / милодий 1902, 1030/II рақамли қўлёзма эса ҳ. 1324 / м. 1906 йил.

Бу эса, Фанонинг шеърляти нафақат Қўқон шоирлари, балки Хоразм адабий муҳити, ҳатто унинг бошлиғи – Феруз назарига тушганига тушганига ҳам далил.

Дарҳақиқат, Фано истеъдодли бўлиш билан бирга сермахсул ижодкор ҳамдир. У уч – ўзбек, форс ва араб тилларида шеър ёзган бўлиб, девонларидан ўнта мумтоз жанрда қалам тебратганини ўрганиш мумкин. Улар: ғазал, мустаҳзод, мухаммас, қасида, рубоий, қитъа, чистон, муаммо, маснавий, таърих. Масалан, унинг ўзбекча девонидаги ғазаллари сони 140 та бўлса, форсча ғазаллари 258 тадир. Аммо, мухаммас, қасида, рубоий, муғаннийнома фақат ўзбек тилида яратилган.

¹ Муҳаммад Худоёр девонбеги – Муҳаммад Алихон давридаги хонлик давлат мансабдорларидан бири.

² Девони Фано. 7015 рақамли қўлёзма, 514^b-515^a варақлар; 1030/II рақамли қўлёзма, 276^a варақ.

³ Каримов У. Таджикская литература [первой половины XIX в.]... С. 466.

⁴ Э.Шодиев Фанонинг икки дастхат девони Тожикистон ФАШИда сақланиши ҳақида хабар беради (Навоий ва Фаноий // Адабиёт кўзгуси. 7-сон. 31-33-бетлар.)

Кўринадики, Фанони фақат “тожик шоири”¹ сифатида тақдим этиш ҳам тўғри эмас. Бу фикр бирёқлама бўлиб, унинг ўзбек тилидаги шеърларини изчил ўрганмасдан чиқарилган, десак ўринлидир.

Маълумки, “Фано” Алишер Навоийнинг форсийда қўллаган тахаллуси – “Фоний”га мувофиқдир. Шува бошқажихатлар ҳам Мирзо Сиддиқнинг шеъриятда Навоий ижодиётидан кўп баҳраманд бўлганлигини ва улуғ адибга доимо шогирдлик эътимодида эканлигини кўрсатади. Аввало, унинг ўзбекча девони, Навоий анъанасига мувофиқ, муламмаъ (ширу шакар) услубидаги етти байтли арабча-ўзбекча ғазал билан бошланади. Қуйида биринчи байти келтирилади ғазалда мазкур услуб тўла сақланган.

*Кайфал-вусули қурбака ё қудсал-худо,
Ушишоқларға бўлмаса шавқинг чу раҳнамо –²*

Мазмуни:

*Эй тўғри йўли муқаддас бўлган, сенга яқинликка қандай эришмоқ мумкинки?!
Агар ошиқларингга (ишқингинг) шавқи раҳнамо бўлмаса.*

Бундан ташқари, Фанонинг олтига ўзбекча мухаммасидан тўрттаси айнан Навоий ғазалларига боғланган тахмислардир. Улардан “Ғаройиб ус-сиғар”даги 208-ғазалга қилган тахмисининг бир бандига диққат қилсак:

*Олам эли зарбидин десангки, асар топмай,
Кулфатни диёриға умрингда гузар топмай,
Қайғу ватани ичра ҳар лаҳза мақар топмай,
Фил бўлса гар хасминг, десангки, зарар топмай,
Бир пашишаға оламда еткурма зарар ҳаргиз –³*

Навоий ғазалидаги ғоя ва бадииятга эргашиш мароми Фано мисраларидан яққол сезилади. Унинг бошқа уч тахмиси эса Навоийнинг анъанавий девонларида учрамайдиган ғазалларгадир.⁴

Шу билан бирга унинг ғазал, мухаммас, таърих ва маснавийлари қаторида ўзбек ва форс тилларидаги “Чистониёт” ва муаммолари ҳам борки, ўша давр адабиёти учун бу камёб ҳолдир. Ёки унинг ҳазрати Абу Бакр Сиддиққа бағишланган арабча 11 банд мухаммаси ҳам муаллифнинг иқтидори ва илмий қувватини кўрсатиб турадиган асардир. Чунки Қўқон адабий муҳитида бундай мухаммасни биргина Амир Умархоннинг шеъриятдаги устози Зокир Хожа Шайх ул-ислом ижодидагина учратамиз⁵, холос.

Умуман олганда, Мирзо Сиддиқ Фано ижодий мероси ўзбек адабиётининг хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилишга арзигулик асарлардир. Уларни атрофлича тадқиқ этиш ва таҳлил доирасига тортиш адабиётшунослигимизнинг навбатдаги вазифаларидан биридир.

Шоирнинг муғаннийномасига тўхталадиган бўлсак бу асар ўзига хос бадиият намунаси, дейиш мумкин. Шарқ адабиётида муғаннийномалар яратиш анъана эканлиги юқорида

¹ Каримов У. Таджикская литература [первой половины XIX в.]... С. 466—468.

² Девони Фано. 1030/П рақамли қўлёзма, 254^b варақ; 7015 рақамли қўлёзма, 494^b варақ.

³ Ўша манба, 1030 рақамли қўлёзма, 275^a варақ; 7015 рақамли қўлёзма, 514^b варақ.

⁴ Бу ҳақда қаранг: О.Жўрабоев. Қўқон шоирларининг Алишер Навоий ғазалларига мухаммаслари ва унга нисбат берилган айрим ғазаллар борасида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. №1. 9-18-бетлар.

⁵ Мажмуат уш-шуаро, 21-22-бетлар.

кўриб чиқдик. Лекин, на Фаногача бўлган туркий тилдаги шоирлар, на замондош ва на кейинги давр Қўқон адабий муҳити шоирлари ижодида ҳам бу турдаги асарни кўрмаймиз.

Ўн тўққиз тўртликдан иборат ушбу муғанийнома ўзига хос композицион қурилмага эга оригинал манзумадир. У Мирзо Сиддиқнинг ўзбекча девони таркибидан ўрин олган бўлиб, насрдаги кичик дебоча (кириш) билан бошланади.

Бу муғанийнома тўртликлари шаклий жиҳатдан бир хил эмас. Улар гоҳ рубоий тарзида: *a-a-b-a* тарзида, ёки ду байт (икки байт) тарзида: *a-a-b-b* ўлароқ қофияланиб келади. Аммо бу жиҳат асарнинг ғоявий-тематик изчиллигига путур етказмайди. Аксинча, муаллифнинг тўртликлар яратишдаги ранг-барангликка амал қилганини кўрсатади.

Фано муғанийномаси яхлит ва изчил тизимга яъни, композиция асосига қурилган. Баҳор – умр – мусиқа – дунё бебақолиги ана шу ички бутунликни ушлаб туради. Умуман олганда, муғанийнома жанрига хос бўлган бутун тасвир ва тушунчалар мазкур асарда ўз аксини топган, дейиш мумкин. Тўғри, асар у қадар катта эмас. Шунинг учун, кўзда тутилаётган мавзунинг бутун кўлами ва терминларини ўзида мужассам эта олмаган. Бироқ моҳият эътибори ила мазкур муғанийнома бу жанрнинг ёрқин намунаси бўла олади.

Демак, Фано муғанийномасининг композицион тузилиши:

1. Насрий дебоча;

2. Умр – кўклам – мусиқа учлигини асослаш (дуёнинг ўткинчилиги, умрнинг шитоблиги, кўклам фасли келганда дилга ором бериши, боғларга чиқиб муғаний билан вақтни хуш ўтказиш лозимлиги ҳақида 5 тўртлик);

3. Асосий қисм – муғаний санъатини васф қилиш, қайси ҳолат учун қандай куй уйғун бўлишини таъкидлаш (13 тўртлик);

4. Якун – муғанийга мурожаат ва фонийлика ишора (1 тўртлик).

Асар баҳор фаслининг кириб келиши ва “хуш савдо” димоғни ошуфта қилиб, “хушалхон муғанийлар” васфида бир неча сўз айтиш учун яратилиши дебочадаёқ таъкидланади.

Муаллиф бу тўртликларида ўринли ва чиройли ўхшатишлар билан ўзининг фикрларини асослаб борар экан, муғанийнинг инсон руҳиятини кўтаришдаги мавқеига алоҳида диққат қилади.

Ички дардларни маълум даражада енгиб, кайфиятнинг хуш қилувчи ёхуд руҳга озуқа бўлувчи ва уни нафсоний эҳтиёжлардан юқори қилувчи унсурлардан бири мусиқа эканлигига шоир урғу беради. Фано муғанийномасида ҳам айнан хонанда ва созандаларнинг санъати ва маҳорати улуғланади. Бу жиҳатлар эса бадий топилмалар ёрдамида мумтоз лирикага хос маромда васф қилинади.

Шоир Бурақ отидек тез юрувчи ҳаётнинг “бору йўқи қайғу” эканлиги учун ғамдан нажот топиш илинжида муғанийга мурожаат этаётганини билдиради. Қиш фасли ўтиб баҳор келди, чаманлар сабз урди, булбуллар тараннум эта бошлади. Ана шу дамларни ғанимат билиб базм қилмоқ керакки, ҳаёт қадрлидир, дейди. Ҳатто, бу борада машҳур антик давр юнон файласуфи Арасту (Аристотель) номини ҳам келтириб, унинг мусиқа билимдони бўлганига ишора этади.

Шундан кейин, бу ўткинчи дунёда ғам чекаётган кўнгилларга муғанийнинг жонбахш наволари малҳам бўлиши ва у ранжларни “дафи” (доира, чилдирма) билан олиши айтилади. Чунки даф урма чолғу асбобларига киради. Уни урилгани сари турли рангин садолар чиқиб, куй шаклини олади. Инсон ҳам ўз юрагига бутун дарду ситамларни ютавериб, ғамга мубтало бўлади. Даф садолари урилиб янграгани сари, инсон юрагидаги чўкиб қолган дарду изтироблар ҳам мусиқа оҳанги билан кўшилиб чиқиб кетади, дея умид билдирилади. Бу каби ўхшатишларни бошқа чолғу асбобларининг ҳам номларини келтириб шоир бирма-бир санаб беради. Мисол учун, 14-тўртлик:

*Муғанний, чу танбурни соз қил
Ки, ҳар пардадин соз овоз қил!
Белинг боғла, жаҳд эт “Мақоми Ироқ”
Ки, шояд ўла дафъи дарди фиरोқ*

Муғанний танбурни шундай созласинки, унинг ҳар пардасидан мукамал мусиқа овозлари таралсин. Санъаткорона жаҳд билан Ироқ мақомини шундай чалсинки, шояд уни тинглаганлар фиरोқ дардини унутсалар.

Эътибор қилинса, муаллиф муғаннийга мурожаат қилишда чолғу асбобини ва куй номини аниқ таъкидлайди. Бу ўринда ҳам Ироқ мақоми танбур садоси остида жаранг сочиши кўнгилга марғуб ва қулоққа ёқимли бўлиши эслатилмоқда. Булар эса ўз навбатида Фанонинг маҳоратли лирик шоир бўлиш билан бирга, мусиқа илмидан ҳам анчайин яхши бохабар санъаткор ёки мусиқашунос бўлганига ҳам далолат этади.

Шеърнинг яна кўп ўринларида мусиқага оид кўплаб атамалардан унумли фойдаланилган. Масалан, шоир мумтоз куй номларидан – “Мақоми Ушшоқ”, “Мақоми Ироқ”, “Наво”; чолғу асбобларидан – “даф” (чилдирма, ноғора), “қонун”, “арғанун”, “рубоб” (торли асбоблар); мусиқий истилоҳлардан – “савт” (куй), “алҳон” (оҳанг, куй, товуш), “суруд” (қўшиқ), “гулбонг” (тантана шовқини) кабиларни мазкур шеърда келтиради. Умуман олганда, мазкур асар мусиқачи ва қўшиқчилар меҳнатини улуғловчи ўзига хос тарздаги гўзал бадиият намунаси эканлиги билан ажралиб туради.

Фано шеърлари, жумладан, муғаннийномаси адабиётимиз хазинасидан ўрин олишга муносибдир, дейиш мумкин. Қуйида “Девони Фано”нинг икки қўлёзма нусхаси асосида ушбу асар ўқувчилар ҳукмига, луғат-изоҳлар билан бирга, ҳавола этилмоқда.

МУҒАННИЙНОМА¹

Чун фасли баҳор ўлди. Хуш савдо димоғим сунбулдек ошуфта² қилди. Шояд, ғунча кўнглум гулдек очилғайму – деб, булбул киби хушалхон³ муғаннийларин орзу қилиб, алар васфинда онча сўз дедим.⁴

*1. Жаҳон ичра йўқ ҳеч асли сабот
Эрур Бурақдек тезрав⁵ бу ҳаёт.
Чу бору йўқи жумла қайғу эрур⁶
Тараб⁷ ила тобғил бу ғамдин нажот.*

*2. Ўтуб фасли қиш, келди чун фасли ёз⁸
Ки, сабза чаман ичра гулшан тароз⁹.
Таҳаммул¹⁰ қилиб гул шаҳар боғ аро
Ки, булбул тараннум била навҳасоз¹¹.*

*3. Шукуфадин¹² ашжор¹³ ўлуб сиймгун¹⁴
Ки, қушлар наво субҳи соҳиб жунун.
Садо бирла алҳон¹⁵ тузуб обшор¹⁶
Ғанимат эрур базм қилмоқ бу кун.*

*4. Деб эрмиш Арасту ўшул нағмаи санж¹⁷,
Эрур мусиқий илмида кони ганж.
Раги жонда¹⁸ ғамдин эрур гўшмол¹⁹
Муғанний олур дафи била ранж.*

¹ Муғаннийнома икки кўлёзма (№1030/II, 277⁶-278⁶ в.; №7015, 516^b-517^b в.) нусха асосида тайёрланди ва матндаги тўртликлар шартли равишда рақамланди. (Кўлёзмада рақамлар йўқ.) Бироқ, ҳар икки нусхада айрим матний тафовутлар мавжуд. Қуйидаги матности изоҳларда ушбу фарқлар ҳам кўрсатиб кетилади.

² Ошуфта – паришон, ҳаяжонли.

³ Хушалхон – ёқимли овозли.

⁴ Мазкур кириш 7015 кўлёзмада: *Чун фасли баҳор ўлди. Хуш савдо димоғим сунбулдек ошуфта қилди. “Шояд, ғунча кўнглум гулдек очилғайму?” – деб, булбул киби хушалхон муғаннийлардин озод қилиб, бу тоифанинг васфинда бир неча сўз дедим.*

⁵ Тезрав – тез юрувчи, тез борувчи.

⁶ Мазкур мисра 1030/II кўлёзмада: *Гаҳ ёру йўқ жумла қайғу эрур...*

⁷ Тараб – хуррамлик, шодлик.

⁸ Мазкур мисра 1030/II кўлёзмада: *Ўтуб фасли қиш келди чун фасли баҳор...*

⁹ Тароз – қадди расо дарахт (санавбар).

¹⁰ Таҳаммул – сабр, чидам.

¹¹ Навҳасоз – оҳу-нола қилувчи.

¹² Шукуфа – гул.

¹³ Ашжор – дарахтлар.

¹⁴ Сиймгун – кумушранг.

¹⁵ Алҳон – оҳанг, куй, товуш.

¹⁶ Обшор – шаршара.

¹⁷ Санж – мусиқий асбоб сифатида ишлатиладиган ликобча.

¹⁸ Раги жон – жон томири.

¹⁹ Гўшмол – қулоқ бураш.

5. Тун-кун бу афлок¹ бедор гар²
 Қилур қайғу ижод шом-сахар.
 Май ичгил, муғанний била айш туз
 Ғам-дарддин зарра қолмас асар.

6. Муғанний, кел, андуҳи афзун³ манга
 Ки, даврон бериб жоми пурхун⁴ манга.
 Кел эмди, суруди⁵ наво айлагил,
 Кўнгул ғамимни раҳо айлагил.

7. Муғанний, кел эмди, бу дайри хароб⁶
 Қазо тузди таъмирини чун хубоб⁷.
 Вафосизлиғин асру бунёд қил
 Ки, кетганларинг бир-бирин ёд қил.

8. Муғанний, тараб қил,наво айлагил,
 Нишоти дил ғами задо айлагил.
 Дегил лаҳни дилсўз, айла ёр-ёр
 Ман айлай санга нақди жоним нисор.

9. Муғанний, эрурсан баса дилнавоз
 “Мақомоти ушшоқ”дин айла соз
 Ки, мискинларинг кўнглини шод қил
 Бу завқ мулкини эмди обод қил.⁸

10. Муғанний, қилибдур мани мубтало
 Ки, лоларўх⁹ ҳажри эрмиш бало.
 Юракда эрур қон, кўксумда доғ
 Наво айла, бўлсун чу рафъи¹⁰ думоғ.

11. Муғанний, қуруқ жисмима кўб ситам¹¹
 Етурмиш бу ҳижрон ила дарду ғам.
 Тараннум адо айла гулбонгни
 Қилай беҳуд ўлмоқ мақомин там.

¹ Афлок – фалаклар.

² Мазкур мисра 1030/III кўлёзмада: *Туну кун бу афлок бедодгар.*

³ Афзун – кўп, мўл.

⁴ Жоми пурхун – қонли жом (идиш).

⁵ Суруд – кўшиқ.

⁶ Дайри хароб – хароб дунё.

⁷ Хубоб – кўпик.

⁸ Мазкур 9-банд 7015 кўлёзмада йўқ.

⁹ Лоларўх – лола юзли (қизил юзли).

¹⁰ Рафъ – кўтариш.

¹¹ Ситам – жабр. Мазкур мисра 7025 кўлёзмада: *Муғанний, қуруқ жисмима кўр ситам...*

12. Муғанний, эурсан чу сандуқи роз¹
Ки, қонун ила айла савтингни соз.
Раги жондадур дарддин изтироб
Ки, рафъ айла жисмимдаги печу тоб².

13. Муғанний, манга гардиши чархдин
Ки, меҳнат била дард айлаб камин³.
Десанг қайғу бизларга юзланмасун
Даф айла, наво айлагил арғанун⁴.

14. Муғанний, чу танбурни соз қил
Ки, ҳар пардадин соз овоз қил!
Белинг боғла, жаҳд эт “Мақоми Ироқ”
Ки, шояд ўла дафъи дарди фироқ.

15. Муғанний, қадим хам қилиб бори ғам⁵
Бу кажрав фалакдин етиб юз ситам
Ки, чангингни тузгил тараннум вера
Кўнгул риштасидин ёзилсун гила⁶.

16. Муғанний, тузат эмди сози рўбоб
Манга шавқидин бордурур изтироб.
Наво айлагил важд айла ҳар сурур
Кўнгул сув қилғил, кўзим ёши дур.⁷

17. Муғанний, дутор айла пурнағма туз
Ғамим уйини ҳар суруд ила буз.
Раги жонда⁸ ғамдин эрур гўшмол
Фараҳ бирла қайғуға бергил завол.

18. Муғанний, эурсан чу соҳиби шараф
Миҳан⁹ бирла кулфатни қил бартараф.
Нишоти тараб¹⁰ мавжидур наво
Ки, ман меҳнату ғам била мубтало.

¹ Сандуқи роз – сирлар сандиғи.

² Печу тоб – ўралиб, жингалак бўлиб кетган.

³ Камин – бу ўринда “пистирма” маъносида келмоқда.

⁴ Арғанун – торли асбоб.

⁵ Бори ғам – ғам юки.

⁶ Гила – гина, ўпкалаш.

⁷ Мазкур 16-банд 7015 кўлёзмада йўқ.

⁸ Раги жон – жон томири.

⁹ Миҳан – “меҳнат”нинг кўплиги.

¹⁰ Нишоти тараб – завқу шавқ шодлиғи.

*19. Муғанний, туз эт, савти алҳон била
Кетай ўзлуқумдин бу афғон¹ била.
Бу базм ичра ҳосили хусри надам²,
Фано, войким, охиридур адам³.*

¹ Афғон – фиғон, фарёд.

² Хусри надам – зарарли пушаймонлик.

³ Адам – йўқлик. Мазкур 19-банд 7025 кўлёмзада:

*Муғанний, навоз эт савти алхон била,
Кетай ўз кўйдин бу афғон била.
Бу базм ичра йўқ ҳосили жар надам,
Фано, дори дунё оқибати адам.*

ХУЛОСА

Муғаннийномалар юзасидан олиб борган мазкур мўъжаз кузатувларимизга кўра шундай яқуний илмий хулосалар қилиш мумкин:

1. Муғаннийнома Шарқ мумтоз адабиётида, у қадар кенг бўлмаса-да алоҳида мавқега эга бўлган шеърӣ шаклдир;

2. Муғаннийномага илк бора Низомий Ганжавий ўз “Хамса” асари (“Искандарнома” достони)да асос солган ва шу тариқа Шарқ адабиётида хусусан хамсачиликда бу анъана тусини олган;

3. Дастлабки муғаннийномалар жанр сифатида мустақил бўлмай турли маснавийлар таркибида келган. Бироқ кейинчалик унинг бир неча тўртлик-рубойлардан иборат шаклдаги намуналари ҳам пайдо бўлган;

4. Муғаннийномаларда асосан қўшиқчи, ашулачи ва чолғучилар васфи, турли мусиқий куйлар ва қўшиқ, ашула ва мақомлар таърифи келтирилади; тўртлик-рубойлардан ташкил топган муғаннийномаларда эса баҳор фасли билан боғлиқ янгиланишлар муғаннийга мурожаат тарзида берилади;

5. Муғаннийномалар юксак даражадаги бадиият намуналари ҳисобланади;

6. Улардан Шарқ мумтоз мусиқашунослиги ва мусиқа тарихига оид бир қанча материал ва маълумотларни ҳам аниқлаш мумкин. Чунончи, турли мусиқий истилоҳ (атама-термин) лар, куй ва мақомлар ҳамда турфа мусиқий чолғу-асбобларининг тарихий номлари келтирилган;

7. Ўзбек мумтоз адабиётида муғаннийномаларнинг маснавий шакли нома жанридаги “Муҳаббатнома”, “Латофатнома”, “Таашшукнома” каби асарлар ва кўплаб шоирларнинг ғазаллари таркибида муғаннийга мурожаат тарзида келса, Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида асар боблари ва охирида “Хамса”ни яқунловчи муаллифнинг муғанний орқали ўзига бағишлови тарзида намоян бўлади. XIX асрга келиб эса муғаннийнома, Мирзо Сиддиқ Фано ижодида 19 тўртликдан иборат, яхлит бир тизимга солинган алоҳида мустақил асар сифатида кўринади.

НАВОИЙ ВА ТАРИХ

(РИСОЛА)

Ўзбекистон Республикаси истиқлолининг
25 йиллиги ва Алишер Навоий таваллудининг
575 йиллигига бағишланади.

МУҚАДДИМА

Ҳазрат **Алишер Навоий** (1441-1501) шубҳасиз **“ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан бири”**¹. Ҳақиқатан ҳам халқимиз тарихи, маданияти, маънавияти ва адабиётида алоҳида юксак мавқе қозонган Амир Низомиддин Алишер Навоий номи қайси жабҳадан қаралса ҳам тарихимизда мўътабарлик ва буюклик билан жаранг топади. Хусусан, унинг XV аср иккинчи ярми темурийлар тарихи ва давлатчилик бошқарувидаги ўрни ва роли муайян равишда муҳим аҳамиятга эга. Навоийнинг ўз давридаги фаол сиёсий фаолияти билан бирга, кўплаб бунёдкорлик ишлари, фан, маданият, санъат ва адабиёт юзасидан хомийлиги илмий адабиётда муносиб баҳосини олган.²

Тарих давомида эса улуғ инсонларнинг қиёфаси, шахси ва ҳаётига қизиқиш доимо кучли бўлган, улар ҳақида турли асарлар яратилган. Алишер Навоийга ҳам махсус асарлар бағишланган, бошқа шоирлар ўз дostonларида ва муаррихлар эса тарихий ёдномаларида унга боб ёки фасллар ажратганлар, адабиётшунослар ўз тазкираларида бот-бот тилга олганлар. Масалан, Мавлоно Жомий, Султон Ҳусайн мирзо, Хондамир каби зотлар Навоийга юксак таъриф бериш баробарида, унинг ижодий даҳосига ҳам жуда катта баҳолар беришган. Шунингдек, яна XV-XVI асрларга оид “Равзат ус-сафо”, “Хулосат ул-ахбор”, “Дастур ул-вузаро”, “Ҳабиб ус-сияр”, “Бобурнома”, “Бадоеъ ул-вақоеъ”, “Тарихи Рашидий”, “Том ут-таворих” асарларида, “Тазкират уш-шуаро”, “Мажолис ул-ушшоқ”, “Равзат ус-салотин”, “Музаккири аҳбоб”, “Мажмаъ ул-хавоис” тазкираларида Навоий даҳоси ва шахсига бўлган юксак эҳтиромни кўриш мумкин. Булардан ташқари, Навоийга бағишланган яна бир қанча шеърлар ҳам борки, уларда ҳам **Навоий феномени**нинг энг нозик жиҳатларига урғу берилади, уни васф этилиб, мадҳлар айтилади.

Шу билан бирга, бизга шоир сурати акс этган бир неча қадимий миниатюра ҳам маълум. Улардан энг машҳури XV аср охирроқларига мансуб Маҳмуд музаҳҳиб томонидан ишланган тасвир. Миниатюрада шоир бор бўйи билан, бироз эгилиброқ, узун ҳассага таянган ҳолати акс этган бўлиб, у Бехзод мактабига хос нозик чизгилар ва тасвир маҳорати билан ажралиб туради. Навоийнинг донишмандлик барқ уриб турган чехраси, чуқур маъноли нигоҳи бир қарагандаёқ кишини ўзига жалб этади. Унда зоҳирий улуғворлик билан уйғун ботиний сокинлик, юксак ахлоқий интизом, оқиллик, мукамал ҳаётий тажриба ва даҳо ижодкорга хос салоҳият нури ажиб бир нимтабассум орқали намоян бўлган.

Мазкур тасвирнинг эса қанчалик ҳақиқат эканлигини юқорида эслатилган кўп сонли манбалардаги маълумот, далил ва ҳужжатлар исбот этади. Демак, миниатюраларда акс этган ҳаққоний тасвир – **Навоий сиймоси, нафақат назм қуёши, балки инсонийлик, олийжаноблик, саховатпешалик ва илму адаб офтоби ўлароқ ҳам тарих давомида тасаввурларда шаклланиб қолган.**

Биз Навоий шахси ва фаолиятининг тарихий манбаларда акс этишига тўхталишдан

¹ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. 47-бет.

² Бу ҳақдаги адабиётлар фойдаланилган манбалар рўйхатида берилган.

аввалроқ, Навоийнинг ўзи тарих ва тарих илмига қандай муносабатда бўлганига оид кузатувларимизни ҳам бермоқчимиз. Шунингдек, XX асрга келиб Навоий сиймосининг саҳнада акс этиши ҳам қизиқарли мавзу, деган фикрдамиз. Рисола давомида келтирилган далил ва фактларнинг баъзилари қайтариқ бўлиши, тадқиқимиз эса камчиликдан ҳоли бўлмаслиги мумкин. Зероки, ушбу рисола Навоий даҳосини ўрганиш йўлидаги бир уриниш, дея баҳоланмоғини истар эдик.

НАВОЙНИНГ ТАРИХИЙ ТАФАККУРИ

Тарихни билишда замонанинг ягонаси!..

Мирхонд

Навоий ва тарих, дея бошлавҳа қўйилган экан, аввало, Навоийнинг ижодкор сифатида тарихий тушунча ёки тафаккурига бир қур назар ташлаш лозим.

Буюк мутафаккирнинг алоҳида феномен сифатида XV аср тарихида тутган ўрни жуда муҳим бўлиш билан бирга, унинг ўз даври тарихи ва умуман тарихга муносабатини, тарихий қарашларини ўрганиш¹ бирмунча аҳамиятлидир. Мазкур масала эса, фикримизча, қуйидаги жиҳатларда кўринади:

1. Алишер Навоийнинг тарихшунос сифатида яратган тарихий асарларида;

2. Навоий қаламига мансуб ёдном-хотира (мемуар) асарларда тарихий шахс ва воқеликнинг баён этилишида (“Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Холоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Холоти Паҳлавон Муҳаммад”);

3. Бошқа (лирик, эпик ва прозаик) асарларда у ёки бу тарихий ҳодиса, шахс ёки воқеликка муаллиф муносабатида (“Хамса”, “Мажолис ун-нафоис”, “Ҳазойин ул-маоний” ва бошқ.).

Хусусан, дастлабки икки жиҳатда биз кўзда тутмоқчи бўлган масала аниқ-равшан акс этган.^{2*} Сўзимиз аввалида яна бир муҳим фактни эътиборга олиш зарур, деб биламиз. У ҳам бўлса Навоийнинг ўша давр тарих фани ривожига қўшган беқиёс ҳиссасидир.

“Адабиёт ва санъат тараққиётига ҳомийлик қилиш билан бирга Алишер Навоий илму фан ривожига, айниқса тарихга кенг эътибор берди. Ҳиротда яшаган кўпгина тарихчилар буюк Навоийнинг мулоҳазали маслаҳатларидан фойдаланишган.”³ Жумладан, “Мирхонд, Хондамир каби машҳур тарихчилар тўғридан тўғри Навоий раҳбарлиги остида, унинг моддий кўмаги ва ташвиқи билан катта тарих асарлари устида ишлаганлар.”⁴

Муҳаммад ибн Ховандшоҳ Мирхонд (1433-1498) “Равзат ус-сафо фи сияри-л-анбиё вал-мулук вал-хулафо” (Набийлар, маликлар ва халифалар таржимаи ҳолида софлик боғи) асарини Навоийнинг маслаҳати ва раҳбарлиги остида яратган.

Жумладан, Мирхонд ёзади: “... *Ва чун бо ақл машварат кардам гуфт ки, ҳарчанд ў дар таърихдони ягонаи замонаст, ҳануз ба шунидани воқеаҳои таърих бисёр иштиёқ дорад. Бинобар ин бо таълифи китоби таърих ба ў наздики жуст... ва чун сухани ҳидоятсори ақл маъқул намуда баъд аз истижоза маърузи рои оламорои гашт. Ин ҳадис мустаҳсан ва матбуи табъи ваққодаш омада ишорати олий нофиз гашт ки, бар муқтазои савобдиди он мужтаҳиди мусиб бар тартиби таърихи муборидат бояд намуд ки, иборат аз хатту холи мажоз ва истиора холий ва аз вусмати сирқату орият ори бошад... ва муштамал бар муқаддима ва ҳафт қисм ва хотима намуд...*”⁵

Яъни: “... ва ақл билан машварат қилинганда у (А.Навоий) гарчанд тарихни билишда замонанинг ягонаси бўлса ҳам ҳануз тарихий воқеалар эшитишга кўп иштиёқи бор; шунга кўра, тарихий китоб таълиф қилиш учун унга яқинлашиш зарурлигини айтди. Ақлнинг бу ҳидоятли фикри маъқул бўлиб, рухсат олингач, ул оламни безовчи фикр соҳиби (Навоий)

¹ Бу ҳақда ушбу сатрлар муаллифи илк бора 2014 йил 24 декабрь куни академик Яҳё Ғуломов номидаги “Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи” Республика илмий семинарининг 69-йиғилишида маъруза қилган.

² * Қўйилаётган масала моҳият ва кўлам нуктаи назаридан анча камровли бўлгани боис, уни бир мақола доирасида ақс эттириш қийин. Шу сабаб, биз бу ўринда фақат биринчи жиҳатга атрофлича тўхталамиз – *О.Ж.*

³ Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд..., 176-бет.

⁴ Ойбек. МАТ. 13-том. Адабий-танқидий мақолалар..., 32-бет.

⁵ Мирхонд. Равзат ус-сафо. 1-жилд. ЎЗР ФАШИ фонди, 4223 рақамли қўлёзма, 2^b варақ.

га арз қилинди. Бу ҳодиса ул зотнинг табъига маъқул бўлиб, олий равишда кўрсатма берилдики: “Тарихий асар ёзишга киришилсин. Унинг иборалари мажоз ва истиорадан холи ва (турли бошқа китоблардан) ўғирлигу орият қилиш айбидан четда бўлсин... у муқаддима, етти қисм ва хотимадан иборат бўлсин...”

Маълум бўладики, Навоийнинг таъкидлашича, Мирхонд “Равзат-ус-сафо”ни ёзар экан –

- 1) асарнинг услуби ва тили турли хил ортиқча мажоз ва истиоралардан холи бўлиши,
- 2) бошқа тарихий асарлардан катта-катта кўчирмалар олиб тўлдирилмаслиги,
- 3) муболағали ва ноаниқ жумлалардан тоза бўлмоғи керак.

Айнан мана шу уч хусусият ўрта асрлар Шарқ тарихнавислигига хос камчиликлардан бўлиб, бу ўринда Навоий чиндан ҳам “тарихни билишда замонасининг яғонаси” сифатида муҳим жиҳатга урғу бермоқда.

Энди Навоийнинг тарихий асарларига тўхталсак.

Хондамир Навоий ҳақидаги мемуарида келтиради: *“... ўша замонда иккита қисқача тарих: бири – пайғамбарлар тўғрисида, иккинчиси – ажам подшоларининг аҳволлари ҳақида тасниф қилганлар. Бу икки қимматли нусхага қизиқ ҳикоялар ва ажойиб ривоятлар ёзганлар.”*¹

Навоийнинг ўзи ҳам “Муҳокамат ул-луғатайн” (Икки тил муҳокамаси) асарида ижод маҳсулларида бир қанчасини санаб, шундай таъкидлайди:

*“...“Хамса” шуғлидин чун фароғат топибмен, тахайюлим гетийнаварддин салотин таърихи даштиға чопибмен, чун нома саводи зулматидин “Зубдат ут-таворих” адосин тузупмен, салотин ўлган отин бу ҳайвон суйи била тиргузупмен.”*²

Яъни: «“Хамса”ни ёзиб бўлгач, жаҳонкезар хаёлотим оти султонлар тарихи даштига қараб чопди; битикларнинг қора зулматидан “Тарихлар қаймоғи”ни чиқариб, асар туздим ва бу билан подшоҳларнинг ўлган номларини бу тириклик суви билан тирилтирдим.»

Бироқ, Навоийнинг “Зубдат ут-таворих” номли асари ҳанузгача фанга маълум эмас (ёки топилмаган). Академик А.Қаюмовнинг фикрича, Навоий Султон Хусайн ва унинг давлати тарихини ёзишга киришган. Аммо унинг бошланғич бўлақларигина ёзилиб битган, холос.³

Бу фикрга маълум қадар қўшилиш мумкин. Сабаби, ўрта асрлар мусулмон тарихшунослигидаги муайян анъаналардан бири – бирор давлат ёхуд ҳукмдор тарихини ёзишдан аввал, бироз бўлса-да, пайғамбарлар ва асар қаратилган подшоҳ ҳукмдорлик қилаётган регион (бу ўринда ажам – араб бўлмаган)даги тўрт сулола тарихини ҳам қаламга олиш зарур бўлган.

Ана шу зарурат туфайли бунёд бўлган “бу икки қимматли нусха” эса – “Тарихи анбиё ва ҳукамо” (Набийлар ва ҳақимлар тарихи) ва “Тарихи мулуки ажам” (Ажам маликлари тарихи) дир. Ҳақиқатан, Навоийнинг ушбу икки тарихий асари яратилиши режалаштирилган (ёки тугалланган) “Зубдат ут-таворих”нинг дастлабки қисмлари эканлигига бу каби айрим жиҳатлар ишора беради.⁴ [Бироқ, ушбу икки асарни Навоий яна бошқа ниятларни ҳам кўзда тутган ҳолда ижод қилганига оид асосли тахминлар ҳам қилинади.^{5**}]

¹ Ғиёсиддин Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ..., 58-бет.

² Алишер Навоий. МАТ. 16-жилд..., 26-бет.

³ А.Қаюмов. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар..., 234-бет.

⁴ Мисол учун, Навоий “Тарихи мулуки ажам”да Баҳром бинни Яздигирд ҳақида ҳикоя қилар экан унинг Журжон навоҳисида оз киши билан тунда ҳужум қилиб уч юз минглик қўшинни енганини келтиради ва бундай ишни ундан аввал ҳам, кейин ҳам ҳеч бир подшоҳ қилмаганини айтади. Сўнгра Навоий фақатгина Султон Хусайнгина бунга муяссар бўлганини таъкидлаб, ўша воқеани воқеа ичида қисқача баён қилади. Ва бу тарихий ҳодисани “иншоаллоҳул-азизким, ўз маҳалида шарҳ била битилгай ва нақире катирега дегинча шарҳ қилилгай” дея таъкидлайди (МАТ. 16-жилд..., 236-бет).

⁵ ** Бу шаклдаги шартлилик хусусиятини белгилашнинг бошқа (филологик аспектдаги) жиҳатлари ҳам мавжуд. Бунинг шарҳига киришиш эса алоҳида мавзу талаб қилади – О.Ж.

Навоийнинг олим, хусусан, тарихшунос олим сифатидаги фаолияти ҳам айнан мазкур икки асар билан белгиланади. Ҳар икки асар ҳам қисқа бўлса-да, муаллиф ёритмоқчи бўлган тарихнинг энг муҳим жиҳатларини акс эттира олганлиги, услубининг бу тахлит бошқа асарлардан фарқланиши билан ажралиб туради. Шунингдек, муаллиф ўзигача яратилган кўплаб бошқа тарихий асарлардан бохабар эканлиги, улардан унумли ва танқидий фойдаланганлиги ҳар икки асар матнидан маълум бўлиб боради.

Масалан, Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Насихат ул-мулк”, Абу Жаъфар Табарийнинг “Тарих-ул-умам вал-мулк” (бошқа номлари – “Тарихи Табарий”, “Тарихи Жаъфарий”), Абу Али Мискавайҳнинг “Одоб ул-араб вал-фурус”, Қози Байзовийнинг “Низом ут-таворих”, Ҳамидуллоҳ Қазвинийнинг “Тарихи гузида”, Абу Сулаймон Банокатийнинг “Девон ул-насаб” ва “Жомеъ ут-таворих”, Алоуддин Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонкушой”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” ва Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асарларидан Алишер Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ҳамда “Тарихи мулуки ажам” асарини яратишда фойдаланган ва уларни тилга олган.

Аввало, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”га тўхталадиган бўлсак; асарда исломгача яшаган пайғамбарлар ҳамда ҳаким (донишманд) зотларнинг қисқача тарихлари баён қилинган. Муаллиф, пайғамбарлар билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга тўхталар экан, бу маълумотларнинг бош манбаи – Қуръони карим эканлигига ишора қилади ва ўз фикрларини асослаш мақсадида бир неча ўринларда оятларга ҳаволалар беради¹; пайғамбарлар билан содир бўлган турли хил ибратли ва қизиқарли воқеаларни қаламга олади. Шу билан бирга Навоий ўзигача ижод қилган мусулмон муаррихларидан ўзгачароқ йўл тутган. Улар қуйидагиларда кўринади:

а) пайғамбарлар тарихига оид аксарият асарларда ҳазрати Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) гача бўлган набийлар ҳақида жуда қисқача бериб, асосий ўринни Расулуллоҳ тарихига бағишланган. Навоийда эса исломгача келган пайғамбарлар тарихи ҳақида, муфассал бўлмаса-да баён қилинади (Одам, Нух, Мусо, Юсуф, Исо алайҳиссаломлар каби). Аммо Расулуллоҳ тарихига тўхталинмайди. Бу жиҳат бизнингча, муаллифга қадар Расулуллоҳ тарихларининг кўп яратилганлиги, аввалги пайғамбарларга эса нисбатан кам эътибор берилганлиги бўлиб, Навоий ўз диққатини ана шу “кемтиклик”ни маълум қадар тўлдиришга интилагандир;

б) Навоий ортиқча муболағали тафсилот, хаёлот доирасидан ўта узоқ ва шубҳали жиҳатларга тўхталмаган. Аксинча, бу борада бир неча ўринларда ўз танқидий мулоҳазаларини билдириб ўтган. Бу хусус “Тарихи мулуки ажам” учун ҳам хос бўлиб, муаллифнинг тарихга ўзига хос ва холис ёндашувини кўрсатади;

в) асарнинг “ҳукамо” (ҳаким-донишмандлар)га оид бўлаги эса анбиёлар қисмидан ҳам ўта қисқа бўлиб, унда умумий маълумот бериш билан чекланилган. Навоий Қуръони каримда номи кечган Луқмони ҳаким² билан бошлаб, қадимги юнон файласуфлари – Фишоғурс (Пифагор), Буқрот (Гиппократ), Суқрот (Сократ), Афлотун (Платон), Аристотилис (Арасту), форс донишмандларидан – Содик, Бузуржмеҳр кабиларга тўхталган (жами 13 олим). Ҳар бир пайғамбар ва ҳаким ҳақидаги баёндан сўнгра якунловчи бир байт шеър илова қилинган.

¹ Масалан, Одам алайҳиссалом ҳақидаги дастлабки парчада “Бақара” сураси 31-оят, “Ҳижр” сураси 19-, 35-, 50-оятлар, “Моид” сураси 31-оят; Иброҳим а. ҳақидаги ўринларда эса “Анъом” сураси 76-, 78-оятлар, “Иброҳим” сураси 37-оят; Юсуф а. ҳақидаги қисмда эса “Шўро” сураси 11-оят, “Юсуф” сураси 4-, 31-, 37-, 57-, 100-оятлар келтирилган.

² Навоий уни набийлар қисмида ҳам келтирган ва “тарих аҳлидин баъзи они ҳукамо силкида мазкур қилибдурлар. Ва кўбрак эл ани пайғамбар дебдурлар” дея таъкид этади (МАТ. 16-жилд..., 168-бет). “Ҳукамо зикри” қисмида эса: “Чун Луқмоннинг ҳикмати ва нубуввати орасида ихтилофдур” сўзлари билан ҳамда “Анбиё зумрасида битилди ва ҳукамо орасида ҳам мазкур қилилди” дея қайд этади (190-бет).

Баъзи мисолларга мурожаат қиламиз. Навоий Нух пайғамбар авлодидан бўлган Ҳом ҳақида ёзар экан, унинг авлодлари турли мулкларга тарқалишининг тарихий манбаларда ихтилофли эканлигига урғу бериб, бу борада яқдил фикр йўқлиги ва шу билан сўзни узатмай қисқа қилиш лозимлигини таъкидлайди. Акс ҳолда? бундай ихтилофли сўзлар ўқувчида шубҳа туғилишига сабаб бўлади.

“...Бу тарихни мутолаа қилур маходим арзиға еткурулурким, таворихики битибдурлар, бу мавзуъдин паришонроқ ер йўқтур. Асру қўп мухталиф ақвол бу ерда мазкурдурурким, битмаги ўқур элга мужиби тараддуд бўлур. Ул жиҳатдин баъзи муътабар кутубдин ушмунча сўз била ихтисор қилилди.”¹

Ёки, “Зулқарнайни Акбар” ҳақидаги ўринда Зулқарнайнинг девор кўтариши ҳамда яъжуж ва маъжуж “сифотида” тарих китобларида шундай муболағалар қилинганки, ҳатто “бу фақир қаламиға ул қобилият йўқдурким, аҳли тарих биткондин таҳрир қилғай” дея айтилади².

Яъни, Навоийдек улуғ ва қудратли ижодкор ҳам тарих аҳли йўл қўйган ўта даражадаги муболағаларни таҳрир қилишда “қобилиятсиз”дир. Албатта, бундай камтарликнинг ортида бироз ирония (киноя) ҳам бор. Чунки Навоий худди шу парча якунидаги шеърда тарих аҳлининг ихтилофи кўплиги, аксар тарихий асарлар “Шоҳнома”дек сермуболаға лофга бойлиги, баъзи мутаассиблар эса фақат ўз сўзини тўғри деб туриб олишини айтади:

*Тарих аҳлининг ихтилофи кўптур,
“Шаҳнома”нинг ул навъки лофи кўптур.
Баъзи мутаассиб эл газофи кўптур,
Сен ёзғали ҳам нуктаи вофи кўптур.*

Демакки, Алишер Навоий диний мазмун ва характердаги асарларда ҳам тарихий ҳақиқат ўнг планда бўлиши лозимлиги, пайғамбарлардек улуғ инсонларни эса биринчи галда реал тарихий шахс сифатида гавдалантиришга аҳамият беради. Асарнинг донишмандларга доир қисмида ҳам ҳар бир ҳаким (ёки файласуф) тарихига қисқача биографик характеристика беради, у кимнинг даврида яшаганлиги, устози ким эканлигини эслатиб, ундан қолган ҳикматли сўзлардан намуна келтиради. Ва шу билан уларни ҳам тарихий шахс сифатида тасвирлайди.

Бундай тамойилни унинг иккинчи тарихий асари “Тарихи мулуки ажам”да ҳам кўриш мумкин. Навоий ушбу асарни ёзиш билан ўзигача яратилган ажам подшоҳлари тарихи ёки замонавий тарзда айтилса: Эрон ҳукмдор сулолалари ҳақидаги тарихий хроникани анча тизимга солди. Унда қадимги даврларда Турон ва Эрон мулкида ҳукмронлик қилган тўрт асосий сулола: *пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар* ва *сосонийлар* тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Навоий номларини келтирган 63 нафар подшоҳ Каюмарсдан бошлаб, Кисро Меҳрижис билан тугайди. Уларнинг ичида учта аёл ҳукмдор ҳам бор (Ҳумой-Ҳумон, Турондўхт, Озармдўхт). Бунда ҳам ҳар бир подшоҳ ҳақида тўхталгач, якунида хулосавий шеър берилади.

Навоий ушбу асар баёни давомида тарих билимдони, воқеликка муносиб баҳо бера олувчи ўткир ақл соҳиби сифатида ҳам намоён бўлган. Асарда юзлаб географик ва шахс номлари, кўплаб воқеа-ҳодисаларнинг ўз ўрнида келиши муаллифнинг ўткир зақоси, муаррих сифатида нуктадонлиги, хотира ва билим доирасининг кенглигига ҳам далолат қилади. «“Тарихи мулуки ажам” муаллиф ўз олдига асосий вазифа қилиб подшоҳларнинг шахсий ҳаётларини ёритишни эмас, балки уларнинг жамиятга, халқ ва мамлакат манфаатларига

¹ Алишер Навоий. МАТ. 16-жилд..., 106-бет.

² Алишер Навоий. МАТ. 16-жилд..., 112-бет.

муносабатларини кўрсатишни қўйган. Ана шу ижобий факт Навоийдаги тарихни объектив тушуниш тенденциясини кўрсатади.»¹

Масалан, Жамшид ҳақида тўхталар экан, “Чун салтанатқа ўлтурди, жаҳон мулкин адл ва дод била тузди. Ва хусну жамолда дилпазир ва фазлу камолда беназир эрди” дея алоҳида таъкид этади².

Бу ўринда Навоий фақат Навоийгагина хос бўлган услуб³ ва бадиият билан ўз фикрини изҳор қилган ва асослаган. Диққат этилса, матнда дастлаб Жамшиднинг подшоҳлик тахтига ўтириши ва ўтирган заҳоти мамлакатни адолат билан бошқара бошлаганлиги келмоқда. Сўнг эса, унинг шахсий сифати яъни, хусну жамоли дилни ўртовчилиги ва фазлу камолда ҳам ўхшашсизлиги айтилмоқда. Бу эса, Навоийга кўра ҳукмдорнинг шахсий фазилатларидан ҳам адолатли шоҳ сифатидаги ўрни бирламчи эканлигига урғу бермоқда. Шу билан бирга, матндаги тагматн – иккиламчи маъно ҳам ўз-ўзидан юзага чиқади. Бу билан улуғ мутафаккир адиб инсон қанчалик адолатли ва халқ учун манфаатли бўлса, унинг хусни ва камолоти яна зиёда бўлади, деган эзгу ғояни илгари суради. Мана Навоийнинг тарихий шахс, хусусан, ҳукмдорга муносабатининг асос жиҳати.

Тарихнавислик учун яна бир муҳим масалага Навоий ўз нуқтаи назарини “Тарихи мулки ажам” орқали билдириб кетган. У ҳам бўлса юқорироқда ёдга олинган “ихтилоф” масаласидир. Фақат бу ўринда янада аниқроқ ва лўндароқ акс этади. Мисол учун, Яздигирд бинни Баҳром ҳақидаги парчада⁴ унинг салтанат муддатини тарихчилар турлича беришлари айтилади: жумладан, Қазвиний “Тарихи гузида”да 1 йил, Банокатий “Девон ул-насаб”да 10 йил, “Жомеъ ут-таворих”да 17 йил, Қози Байзовий “Низом ут-таворих”да 18 йил. Навоий ана шуларни келтиради, лекин бу масалага ойдинлик киритмайди. Аксинча, “аҳли тарих” бу йилларни аниқлашда кўп ихтилофга борганлигини, бу эса фойдасизлигини билдиради.

Айтиш керакки, бу каби ўринларда Навоийнинг тарихга муносабатидаги принципиал ёндашуви маълум бўлади. У тарихий воқеа-ҳодисаларни мавҳум ва ихтилофли саналардан ҳам кўра уларнинг моҳиятига, шахсларни эса фаолият даражасига кўра баҳо беради. Зероки, “ўтмишни баҳолашнинг энг тўғри ва холисона йўли унга ҳаёт ҳақиқати, инсон ва жамият ўртасидаги боғлиқлик, уйғунлик, кишилиқ ҳаётининг узлуксиз тараққиёти замирида ётган муносабатлар, қарама-қаршилиқлар, манфаатлар орқали баҳо беришдир.”⁵ Айнан мана шу жиҳатлар Алишер Навоийнинг тарихни англаши, унда содир бўлган воқеа-ҳодисаларни баҳолаши ва инсон омилини тарихий тараққиётда қай тарзда кўра билганлигини кўрсатади.

“Навоий тарихий темада асар ёзганда тарихни бузмасликни, уни қандай бўлса шундай тасвирлашни, бунинг учун тарихий фактларни пухта ўрганишни талаб этар эди.”⁶ Худди шу талабга муаллифнинг ўзи ҳам ҳар икки тарихий асарида қатъий амал қилган. Негаки, Навоий учун тарихий ҳақиқат бевосита аниқ-конкрет давр кишилари ҳаёти ва ҳаёт мантиғидир. Тарихда эса мавҳум ҳодиса ёки тушунча бўлмаслиги маълум. Тарих ҳам мантиқан, ҳам табиатан аниқлик орқали идрок этилади ва у аниқ воқелик натижасида ўз мазмуни, фалсафаси ёки бошқачароқ айтганда, ўз ҳукмини кўрсата олади. Навоийнинг ажам подшоҳлари тарихига доир асарида ҳам мана шу ҳақиқат ва мантиқнинг юксак даражада бажо келтирилганига гувоҳ бўламиз.

¹ Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2-том..., 443-бет.

² Алишер Навоий. МАТ. 16-жилд..., 199-бет.

³ Навоийнинг насрий услуби ҳақида қаранг: С.Ғаниева. Наср ва бадиият / Китобда: Навоий ва ижод сабоқлари. –Тошкент: Фан, 1981; Ўша муаллиф. Навоий ижодиёти ва наср проблемалари / Китобда: Ўзбек насри тарихидан. –Тошкент: Фан, 1983; Қ.Эргашев. Навоий насрий услубининг айрим жиҳатлари // Навоийга армуғон. Бешинчи китоб. –Тошкент, 2006. 109-114-бетлар; Ўша муаллиф. Ўзбек насрида иншо. –Тошкент: Muharrir, 2011.

⁴ Алишер Навоий. МАТ. 16-жилд..., 238-бет.

⁵ Н.Жўраев. Тарих фалсафасининг назарий асослари..., 17-бет.

⁶ А.Ҳайитметов. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари..., 163-164-бетлар.

Фикримиз исботи учун яна шуни ҳам айтиш мумкинки, Навоийнинг ушбу асари кейинги йилларда тарихий нуқтаи назардан янада қизиқарли ва асосли тадқиқотлар учун манба бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, навоийшунос Қ.Эргашевнинг таъкидлашича, «“Тарихи мулуки ажам” асаридан қадимги Эроннинг қўшни давлатлар ва халқлар, энг аввало, ўша даврнинг буюк империялари бўлган Турк хоқонлиги ва Рим (Византия) билан муносабатлари ва алоқаларига доир маълумотлар ҳам ўрин олган”.»¹

Бу каби жиҳатлар эса мазкур асарнинг нафақат Эрон тарихида ўтган тўрт ҳукмдор сулола, балки умумшарқ тарихига оид яна бошқа турли масалаларни ҳам ёритиб беришга хизмат қила оладиган бир мунча маълумотларга бой манба эканлигини ҳам кўрсатади. Демак, Навоийнинг тарихга принципиал, илмий ва холисона ёндашуви натижасида юзага келган бу икки асар ўз қамровининг кенглиги, ёритилаётган масалаларнинг ранг-баранглиги, ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисаларнинг қизиқарли эканлиги билан бирга айни дамда ҳаққоний асосга эга эканлигини ҳам исбот этади.

Умумхулоса қилганда, ўзбек адабиётини янги ва юксак поғонага кўтарган Алишер Навоий тарихий мавзудаги асарлари билан ҳам ўз давридан бир қадар илгарилай олди. Унинг асарларидаги ижтимоий мазмундорлик айнан тарихий асарларида тарихга муносабатнинг акс этишида яққол кўзга ташланади. Жумладан, Навоий ижодиётида биринчи ўринда турувчи инсон ва инсонийлик мавзуи тарихий планда, тарихий шахсларни тарихий жараёнда тасвирланишида ҳам сезиларли даражада акс этган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Навоийнинг тарихий асарларидаги реал шахслар тасвири билан дostonлари ёки бошқа битикларидаги қаҳрамонлар тасвиридан фарқ қилади. Улар янада аниқроқ, янада конкретроқ ва янада ҳаққонийроқ тасвир этилган. Лекин шу жиҳат ҳам борки, Навоийнинг бир қанча машҳур образлари (Фарҳод, Қайс-Мажнун, Баҳром, Искандар каби) реал тарихий прототипга эга қаҳрамонлардир.²

Навоий ҳар бир асарини аниқ бир мақсад билан яратар экан, унинг тарихий асарлари ҳам ўз даври ва келгуси авлодга тарихни қандай тушуниш ва англаш кераклигини, тарих воқеа-ҳодисасига, тарихий шахсларга нисбатан қарашларини, изчил ва принципиал муносабатини, илмий ва бадиий жиҳатдан асосли заминга эга кузатишларини тақдим этган. Гарчанд у, ўзидан аввал ўтган тарихчилар каби, тарихни асосан шахсларга боғлаб тушунтиришда давом этган бўлса-да, лекин ёзиш ва баён қилиш услуби, тарихий асарга қараш нуқтаи назаридан тамоман мустақил йўл тутган муаррихдир. Улуғ Навоий диний-фалсафий заминга эга “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, ижтимоий-сиёсий мазмунга эга “Тарихи мулуки ажам” асарлари орқали “ҳеч нарса айтмай кўп нарса айта олиш маҳорати”³ билан ўзбек тилида тарихий асар ёзишнинг янги бир услубини ярата олди. Унга қадар ўзбек тилида шу типда ва айнан шу тахлит асар яратилганлиги ҳануз маълум эмас.

Навоий, юқорироқда таъкидланганлардан ташқари, айнан шу жиҳатлари билан ҳам оригинал тарихчи сифатида баҳоланишга муносибдир. Негаки, Навоий тарихий асарлари билан ўтмиш воқеа-ҳодисаларини ўз давридаги ўткир ижтимоий-сиёсий муаммоларга боғлаб ёрита олган ва бу жиҳатни юксак бадиий маҳорат орқали ифодалай билган улкан ижодкордир.

¹ Қ.Эргашев. “Тарихи мулуки ажам”да давлатлараро муносабатлар талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013, №1. 25-бет.

² Бу ҳақда қаранг: И.Ю.Крачковский. Ранняя история о Меджнуне и Лейле в арабской литературе / В книге: Алишер Навои. Сборник статей..., 31-67-стр.; Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2-том..., 235-323бетлар; С.Эркинов. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. –Тошкент: Фан, 1971; С.Ҳасанов. Навоийнинг етти тухфаси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991; ва бошқ.

³ Қ.Эргашев. Ўзбек насрида иншо..., 89-бет.

ТАРИХДА НАВОИЙ СИЙМОСИ

*Мазҳари давлат Алишер, улки шеру Ҳақ эрур!..
Давлатшоҳ Самарқандий*

Миллат ва ватан тарихида ўчмас из қолдирган даҳолар ҳар бир халқ тарихида топилади. Лекин асрлар оша халқнинг маънавий бутунлиги ва борлиғи учун курашган ва ўз номини олтин ҳарфлар билан ёздира олган улуғлар у қадар кўп эмас. Ана шундай муҳтарам зотлардан бири Алишер Навоий ҳақида тарих давомида яратилган асарлар борасида тўхталсак.

Булар:

- 1) Алишер Навоий ҳақидаги махсус асарлар;
- 2) дoston ва тарихий асарлардаги Навоийга бағишланган боб ёки қисмлар;
- 3) тазкира ва илмий асарлар.

Биринчи тоифадаги асарлар сирасида илк галда, Ғиёсиддин Ҳумомиддин Хондамир (1475-1535) қаламига мансуб “Макорим ул-ахлоқ” (Олийжаноб сифатлар) асарини келтириш керак.

Навоий тарихчи Мирхондга ўзининг бой кутубхонасидан унумли фойдаланишга ва моддий жиҳатдан эҳтиёжманд бўлмаслигига ҳам шароит яратиб берган. Яна шундай ҳодиса Мирхонднинг набираси ёки ўғли Хондамир билан ҳам рўй беради. Кейинчалик Хондамир ҳам Навоийнинг тўла эътибори ва ҳомийлиги остида ижод қилган, унинг ихтиёрида Навоийга мансуб нодир манбаларга тўла кутубхона бўлиб, ўзига керакли энг ноёб китобларни шу ердан топар эди; Навоий ҳаётлик чоғидаёқ (1500) унга бағишланган “Макорим ул-ахлоқ” асарини ёзишни ҳам бошлаган.

Бироқ улуғ шоирнинг бевақт вафоти туфайли уни тақдим этолмаган. Шуниси қизиқки, Навоий айнан Хондамирнинг қўлида жон беради. Бу бетакрор даҳо инсоннинг вафоти эса ёш тарихчини чуқур қайғуга солади ва бир қанча вақт қўли ишга бормаи ҳам қолади. Фақат Султон Ҳусайн Бойқаронинг талаби билангина у мазкур асарни тугатади.¹

Асар Навоий ҳаёти, ижодий мероси, ижтимоий-сиёсий ва ҳомийлик фаолияти ҳақида бирмунча батафсил маълумот берувчи манбадир. Навоий кутубхонасида ходимлик қилган Хондамир шоир ва унинг фазилатларини яхши биларди. Шу боис, унинг бу мемуар асари далилларга бойлиги ва қизиқарли эканлиги билан ажралиб туради.

Асар муқаддима, ўн мақсад (боб) ва хотимадан иборат. Уларда Навоийнинг таваллудидан вафотига қадар бўлган маълумотлар лўнда ва гўзал тарзда баён этилган. Шоирнинг юксак ахлоқий фазилатлари нафақат саналган, балки уларга аниқ мисоллар ҳам келтирилган. Бу ҳақда тўхталиш ортиқча. Зероки, асарнинг ўзбекча таржимаси бир неча бор чоп этилган (1940, 1949, 1967, 2015). Академик И.Султон таърифи билан айтганда: “Макорим ул-ахлоқ”да Навоийнинг биографияси эмас, балки унинг тарихи, характеристикаси масаласи биринчи ўринда туради.

Султон Ҳусайн мирзонинг ҳам Навоийга махсус бағишланган “Рисола”си мавжуд. Ҳажман қисқа, аммо Навоий ижодиёти ҳақида жуда муҳим маълумотларни бера олувчи бу асарда Ҳусайн Бойқаро баланд оҳанг ва мукамал услубда шоир асарларига юксак баҳо беради. Тахминларга кўра, бу асар Навоий “Хамса”ни ёзиб тугатган – 1485 йил яратилган. Айнан унда:

¹ М.Салъе. Книга благородных качеств и ее автор / В книге: Родоначальник узбекской литературы..., 174-стр.; А.Ю.Якубовский. Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои / В книге: Алишер Навои. Сборник статей..., 29-стр.

“...Мир Алишер аслаҳ ал-лаҳу шағнаҳуқим, таҳаллуси Навоийға машҳурдуруру ашғорида бу таҳаллуси мастур, турк тилининг ўлган жасадиға Масиҳ анфоси била руҳ кийурди... Анинг назми васфида тил қосир ва баён ожизтурур...” тарзидаги ажиб таърифлар ўрин олган.¹

Яна Навоийга бағишланган асарлар қаторига алоҳида шеърларни ҳам киритиш мумкин. Мисол учун, Давлатшоҳ Самарқандийнинг муламмаъ (ўзбекча-форсча) қасидаси маълум. Жумладан унда шундай сатрлар бор:

*Бўлди зоҳир қуфру имон қуфри зулмат нуридин,
Шоҳ ховаридин ҳазимат қилди хайли барбари...
То малоик дид рўят, саждаҳои шукр кард,
Акси рухсорат чу пайдо, гашт, пинҳон шуд пари...
Чун маломат мантиқи тўти надорат ҳолате,
Бо лабат шаккартаре чи буд, чу ту ширинтари...
Тийнатиңг, ё Раб, малоикдинмудирким дунёда,
Бўлмади зоҳир санингдек даври айёмда пари...
Осмони мағдалат, хуршиди дин, баҳри шараф,
Онки хўрда гўшмолаш гўши чархи чанбари.
Мазҳари давлат Алишер, улки шери Ҳақ эрур,
Ҳар маоликда анинг фатҳу саодат ёвари!..²*

Ёхуд Навоийнинг яқин дўстларидан бўлган Мавлоно Фасиҳиддин Соҳибдоронинг катта ҳажмли таркиббанди ҳам бор. Ушбу шеърнинг ҳар байти биринчи мисрасидан шоир таваллуд тарихи (ҳижрий 844) ва иккинчи сатридан эса вафот йили (ҳижрий 906) абжад ҳисобида келиб чиқади. Ушбу таркиббанд-таъриҳда Навоийдек зотнинг дунёга келиши қанчалик хайрли ва қувончли бўлган эса унинг вафоти замондошларини шунчалик чуқур ғам-ғуссага кўмиб кетгани таъкидланади.

Яна Хондамир, Султон Иброҳим Аморий, Фасиҳиддин Муҳаммад Низомий Охунд, Камолиддин Султон Ҳусайн, Мавлоно Дарвиш Али кабиларнинг ҳам шундай таъриҳлари маълум. “Тарихи том” асарида муаллифи номаълум бир таъриҳ келадикки, унда ҳазрат Навоийни қуёшга ўхшатилиб, у бу дунёдаги жуда кўп хайрли амаллари эвазига жаннати бўлганлиги таъкидланади. Бу эса Навоий сиймосининг тарих аҳли наздида нурли эканлиги ва ўзининг эса чин маънода пок инсонлигига ишорадир.

*Мири хуршидсифат Мир Алишери шаҳир,
Рахт ба баст чу зи-и зовияи пурмеҳнат.
Соли таърихи вай аз манзили ў нўрсидам:
Омад овоз зи Фирдавс, ки: “Жаннат, жаннат!”³*

Яъни:

*Қуёш сифатли машҳур (зот) Мир Алишер,
Бу азоб тўла зовия (дунё)дан бутунлай кўчди.
Таърих йили ва манзилини сўрасам
Фирдавс боғидан овоз келдики: “жаннат, жаннат”*

¹ Хусайн Бойқаро. Рисола..., 13-бет.

² Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони..., 195-196-бетлар.

³ Шарафуддин Роқимий. Тарихи том..., 63-бет.

Матндаги “жаннат” сўзининг икки марта келиши абжад ҳисобида 906ни – Навоий вафот этган йилни кўрсатади.

Навоийнинг мансабга тайинланиши, Ҳирот ва унинг атрофида қурдирган кўплаб иншоотлар санаси ҳақидаги таърихлар ҳам маълум. Мавлоно Атоуллоҳ Розий ва Амир Бурҳониддиннинг Навоий амирлик мансабига тайин этилиши муносабати билан, Мир Ҳусайн Муаммой, Дарвиш Али табиб, Қози Ихтиёриддин, Мир Бурҳониддин Атоуллоҳ кабиларнинг Навоий қурдирган мадрасалар битиши ва у ерда дарс берилиши муносабати билан таърихлар айтганлар. Улардан Мир Атоуллоҳ ҳижрий 891 (милодий 1486) йил Навоий қурдирган бир мадрасага бағишланган таъриҳида:

*Чун мадраса сохт Мир бо илму адаб,
Фармуд мурод ифодаи аҳли талаб.
Чун дар шашуми моҳи Ражаб кард ижлос,
Таърих талаб аз “шашшуми моҳи Ражаб”.¹*

Яъни:

*Илму адаб эгаси Мир (А.Навоий) мадраса қурдириб,
Дердики, мурод (истак) талаб аҳлини ўқитмоқдир.
Ражаб ойининг олтинчисида дарсга ўтиш бошланди
Таърих талаб қилсанг: “Ражаб ойининг олтинчиси”дан қидир.*

Бу ўринда Навоийнинг қурдирган мадрасадан асосий мақсад илм аҳлини эҳтиёжини қондириш эканлиги уқтирилмоқда. Шу билан бирга, яна бир муҳим жиҳат ҳам борки, ҳақиқатан, Амир Алишер Навоий нафақат ўзи қурдирган мадраса-ю бошқа бинолар туфайлигина эмас, балки катта илм ва юксак адабга соҳиблиги билан ҳам ҳурмат қозонилган зот эди.

Иккинчи хил асарлар ҳам бирмунча бўлиб, улар қуйидагилардир:

Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг “Фотиҳат уш-шабоб” девони, “Лайли ва Мажнун” ва “Ҳафт пайкар” дostonларида ҳам Навоийга юксак таъриф бериш баробарида, унинг ижодий даҳосига ҳам жуда юксак баҳолар берилган.

XV-XVI асрлар тарихини акс эттирувчи муҳим тарихий асарларда ҳам Алишер Навоий ҳаёти, айниқса сиёсий арбоб сифатидаги фаолиятига доир жуда кўплаб муҳим маълумотлар акс этган. Жумладан, Муҳаммад ибн Ховандшоҳ Мирхонд (1433-1498) ўзининг “Равзат-ус-сафо фи сияри-л-анбиё вал-мулук вал-хулафо” (Набийлар, маликлар ва халифалар таржимаи ҳолида софлик боғи) асари. Аслида, ушбу машхур асарини Мирхонд Навоийнинг маслаҳати ва раҳбарлиги остида яратган. Айнан унда Навоийнинг “соҳиб тадбирлиги”, Ёдгор мирзога қарши “муҳорабалардаги иштироки”, амирлик мансаби, Астрободга бориши, укаси Дарвиш Алининг исёни, Бадиуззамон ва Музаффар мирзо ўрталаридаги муҳолифатни бартараф этиши, Мўмин мирзонинг қатли, ҳажга жўнаши, аммо Машҳаддан Султон Ҳусайн чақиртириб келиши ҳақидаги тарихий ҳодисалар зикр этилган.

Мирхонднинг авлоди Хондамир “Макорим ул-ахлоқ”дан ташқари яна учта тарихий асарида Навоийни бирқанча ўринларда ёдга олади. Хусусан, Хондамир Навоий раҳнамолигида, олти ой (1499) ичида ёзиб тугаллаган, илк тарихий асари “Хулосат ул-ахбор фи аҳволи-л-ахёр” (Хайрли кишилар аҳволида жаҳон хабарларининг хулосаси) да Навоий ҳақида жуда муҳим тарихий ҳужжат ва маълумотларни келтиради. Масалан,

¹ Махмуд Ҳасаний. Таърихларда Навоий васфи..., 20-бет.

Ҳиротда Навоий иншо этган бинолар, обод қилган зиёратгоҳлар, Навоийга дўст ва унинг ҳимматидан баҳраманд бўлган олим, шоир, хаттот, санъаткор ва бошқалар ҳақида.

Хондамир қаламига мансуб вазирлар ҳақидаги “Дастур ул-вузаро” асарининг бир неча саҳифаларида Навоийнинг вазирлик мақомидаги яхши ишлари ва сиёсий фаолиятига таърифлар берса, ўз замонасининг энг муҳим асарларидан ҳисобланадиган “Ҳабиб ус-сияр” да Султон Ҳусайн даври тарихининг жуда кўп ўринларида Навоий тилга олинади ёки айнан у билан боғлиқ тарихий воқеалар ҳикоя қилинади.

Мазкур асарнинг аҳамиятли яна бир жиҳати шундаки, Хондамир аввалги асарларда ёритишни унутган ёки кам тўхталган Навоий билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни батафсил келтиради, унинг тарихий сиймосига аниқроқ чизгилар тортади.

Айтайлик, Алишер Навоий барча амалу мансабларга ўз ихтиёри билан келган эмас, аксинча, улардан истеъфо беришда эса ўз ихтиёри билан йўл тутган. “Ҳабиб ус-сияр” да келтирилишича, Навоий муҳрдордик лавозимидан *“истеъфога чиқди ва амир Низомиддин Шайх Аҳмад Сухайлийни муҳрдор қилиб тайинлашни подшоҳдан илтимос қилди”*. Султон Ҳусайн унинг бу илтимосини қабул қилади ва ҳижрий 876 йилнинг шаъбон ойида (1472 йил, январь) Навоийни юқорироқ мансабга “девони олий амирлиги”га тайинламоқчи бўлади. Навоий бу мансабни ҳам рад этиб, важ ва сабаб келтирса-да *“ҳоқоннинг муносиб хоҳишига биноан девони олий амирлиги мансабини эгаллади”*.¹

Бу ўринда бир муҳим жиҳат – Навоий табиатидаги камтарлик бўлиб, у мансаблар сари интилишни эмас, худбинлик қилмай эзгуликка хизмат қилишни ҳаётда мақсад қилганлигига урғу берилмоқда. Муаллифнинг холислигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Негаки, Хондамир ушбу асарини 1515-1523 йилларда ёзган. Бу даврда Султон Ҳусайн салтанати ҳам, теурийлар даври ҳам тугаган эди. У тарихий ҳақиқатни, улуғ шоиримизнинг тарихдаги бор бўйини кўрсатишга интилган.

Навоийнинг яна икки кичик замондоши ўзларининг муносиб тарихий асарларида у ҳақида жуда уникал ва қизиқарли далилларни келтирганлар. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг (1483-1530) “Бобурнома”си ва Зайниддин Восифийнинг (1486-1566) “Бадоеъ-ул-вақоеъ” асарида Навоий характери ва шахсиятини очиб, бир неча воқеа ва мулоҳазалар келтирилган. Шуниси қизиқки, ҳар икки муаллиф ҳам Навоийнинг нозиктаъблиги ва олий хулқи ҳақидаги ўринларга диққат қиладилар.

Гарчанд, “Бадоеъ ул-вақоеъ”даги ҳикоялар кўпроқ бадийлик касб этса-да, уларда ҳужжатлилик ва тарихийлик ҳам акс этиб туради. Восифий “Амир Алишер мижози назокати ва латофати”, Навоийнинг атрофдагиларга лутфу ҳазиллари, “Навоий таъбида нафсоний шаҳват руҳий лаззатга майлнинг чеклангани”, Биноий билан муносабати ва яна бошқалар ҳақида ҳикоя қилади.

“Бобурнома”да эса ҳижрий 911 (милодий 1505-1506) йил воқеалари баён этилар экан Султон Ҳусайн мирзо умароси қаторида Навоий ҳам тилга олинади ва муҳим маълумотлар келтирилади. Кейинги саҳифалар оша ҳам Алишер Навоий турли воқеалар муносабати билан эсланади. Бобур ёзади: *“...Яна Алишербек Навоий эди, беги эмас эди, балки мусоҳиби эди, кичиклигида ҳаммактаб экандурлар...”*²

Бу ўринда Ҳусайн Бойқарога муносабати ва унга боғлиқлиги нуқтаи назаридан Навоий эсланаётган бўлса-да Бобур жуда муҳим жиҳатга диққат этмоқда. Яъни подшоҳнинг ҳар бир умароси ёки беги унинг “мусоҳиби” (суҳбатдоши) бўлмаслиги ва Навоий айнан шундай яқин эканлиги, уларнинг бу яқинлиги болалиқдан бошлангани уқтирилмоқда.

¹ Навоий замондошлари хотирасида..., 121-бет.

² Бобурнома, 132-бет.

Шундан сўнг, Бобур яна жуда қисқа ва асосли мулоҳазани беради: “Хусусият бисёр экандур.” Эътибор беринг, Навоий ва Султон Ҳусайн кўп хусусда бир фикрдаги, ўхшашликлари бисёр дўст экан. Айнан шундай тўхтамни ҳеч бир тарихчи бермаган эди. Ёки яна тарихий асарларнинг аксарида Навоий жуда мақталса-да ундаги икки хусусият – нозикмижозлик ва тез ранжишга махсус урғу бериларди. Бобур эса ана шу жиҳатларга ҳам нуқтадонлик билан жавоб топади. Унинг таъкидлашича:

“Алишербеқнинг миждози нозуклук билан машхурдир. Эл назокатини давлатининг ғуруридин тасаввур қилур эдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандта эканда ҳам ушмундоқ нозук миждоз экандур...”

Талқинга кўра, халқ Навоий табиатидаги нозикмижозлик (нозик ҳис-туйғулар, суҳбатдош ва дўстни чертиб-чертиб танлаш, нафис ва гўзал нарсаларни суюш, тавозеъ, озода ва саришталик каби) хусусиятини ўта давлатманд ва юқори мансабга эга бўлгани учун ғурур-кибрга берилган, дея тасаввур қиларди. Йўқ асло ундай эмас экан. Бундай сифат у зотда туғмадир. Чунки Самарқандда моддий қийинчилик билан кечган тўрт йил давомида ҳам худди шундай “нозук миждоз экандур”.

На Мирхонд, на Хондамир, ҳатто кейинчалик Восифий ва бошқалар ҳам айнан Навоий шахсиятидаги ажиб жиҳатларни Бобурчалик бу тарзда нозик кашф этиб, баён қилмаган эди. Умуман, Бобурнинг Навоийга муносабат, қарашлар ва талқини бошқаларникидан реаллиги ва кенг қамровлилиги билан ажралиб туради.

Бобурнинг холаваччаси Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг (1503-1551) “Тарихи Рашидий” асарида “Мир Алишер зикрида” номли парча мавжуд. Бироқ, ундаги маълумотлар аввалгиларни деярли қайтариғидир. Умуман олганда, кейинги тарихий асарларда бирмунча такрорлар сезилади.

Аммо унчалик машхур бўлмаган яна бир тарихий асар борки, ундаги айрим далиллар янгилиги ва қизиқарли эканлиги билан ажралиб туради. Бу асар Абдулмўминхон ибн Абдуллахон (1598 йил вафот этган) қаламига мансуб “Том ут-таворих”дир. Атоқли навоийшунос, проф. А.Ҳайитметовнинг аниқлашича, бу асарнинг ягона кўлёмаси бўлиб, унинг уч саҳифасида Навоий ҳаёти билан боғлиқ баъзи муҳим маълумотлар, жумладан, унинг отаси, Самарқанддалик даври, Ҳиротга қайтиши, сўнгги ёзган шеъри ва вафоти ҳақида билдирилган.¹

Мисол учун, унда таъкидланишича, шоирнинг отаси Ғиёсиддин Кичкина “бисёр саодатманд ва нек (яхши) ниятли”, олийжаноб киши бўлган ва қўлга тушган банди (асир) ларни хун пулини ўз ёнидан тўлаб, озода қилиб юборар экан. Яна, Навоий вафот этишидан бироз аввал ёзган ғазалидан уч байт келтириладики, бу шеър бошқа манбаларда учрамайди. Унинг мақтаъси:

*Эй Навоий, қил фидо, жононгаким жон, лоф эрур,
Ошиқ ўзни ишқ даъвосида машхур айламак.*

Учинчи хил асарлар яъни, тазкира ва илмий асарлар ҳам бирмунча. Тазкиралар – Давлатшоҳ Самарқандийнинг (1435-1495) “Тазкират уш-шуаро”, Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳийнинг (XV аср иккинчи ярми – XVI аср бошлари) “Мажолис ул-ушшоқ”, Фаҳрий Ҳиравийнинг (1497-1559) “Равзат ус-салотин”, Ҳасанхожа Нисорийнинг (1516-1597), “Музаққири аҳбоб”, Содиқбек Содиқийнинг (1533-1610) “Мажмаъ ул-хавоис”, Шарафуддин Роқимийнинг (XVII аср) “Тарихи том” кабилардир.

¹ А.Ҳайитметов. Навоий ҳақида янги маълумотлар / Ҳаётбахш чашма..., 109-118-бетлар.

Шу билан бирга, Бобурнинг арузшуносликка оид бўлган муҳим асари – “Аруз рисоласи” да ҳам Навоийнинг бир қанча шеърларидан келтирилади, айрим фикрлар билдирилади. Аммо бу соф илмий асар бўлгани учун Навоий ҳаёти ва шахсиятига оид маълумот ва фикрлар берилмаган.

Тазкираларда эса аксинча, Алишер Навоийни, асосан, шоир сифатида ёд этилади, асарларидан айрим намуналар берилади. Шунингдек, шоир билан боғлиқ баъзи тарихий воқеа ва ҳодисаларга ҳам ишоралар берилади, таҳлил қилинади. Масалан, Давлатшоҳ ўз тазкирасида Навоийни таърифлашни шундай талқин қилади:

*“Офтобни таърифлаш ақл қисқалигидан нишона, тоза мушк фазилати хусусида қиссани чўзиш жоҳиллик аломатидир. Бу улуғ амирнинг мақбул ишлари ва қутлуғ зикри рубъи маскуннинг барча мамлакатларида маълум, фазилатининг дабдабаси ва олий ҳимматининг камолоти бутун оламга ёйилгандир. Бу хусусда нима дейилса ҳам ибрат бўлғусидур...”*¹

Умуман олганда, тазкираларнинг муаллифлари Навоий даҳоси ва шахсига бўлган юксак эҳтиромларини турлича изҳор этганлар. Мисол учун, бир қанча баҳс-мунозараларга сабаб бўлган “Мажолис ул-ушшоқ” (иккинчи номи – “Тазкираи урафо”) муаллифи – Амир Камолиддин Навоий ҳақидаги ҳикоясини *“Хусрави иқлими суханоройи...”* (сўз иқлимининг Хусрави) дея бошлайди ва улуғ шоирга бўлган самимий эътиқодини яширмаган.²

Ҳасанхожа Нисорий эса уни тушда кўргани, Навоий ундан шеърларидан ёд билиш-билмаслигини сўраганлиги, илтифот қилганлигини айтади.³

Фаҳрий Ҳиравий эса: *“Амир Алишер – мағфиратпаноҳий. Унинг аҳволининг шарҳи шу қадар кўплигидан баён чегарасига сиғмайди...Унинг улуғлиги қуёшдек аёндыр...”* дейди.⁴

Таъкидлаш лозимки, тазкираларда бир фикр ҳамиша бош планда акс этган, у ҳам бўлса – Навоий туркий ва форсий шеърятда мукамал асарлар яратган, табиатининг қуввати ва қобилиятининг кенглигини васф этиб тугатиб бўлмайди; у офтоб-қуёшдыр, уни таърифлаш ортиқчадир.

Демак, миниатюраларда акс этган ҳаққоний тасвир – Навоий сиймоси, нафақат назм қуёши, балки инсонийлик, олийжаноблик, саховатпешалик ва илму адаб офтоби ўлароқ тарих давомида ҳам тасаввурларда шаклланиб қолган. То ҳануз, бу қуёш биз авлодларга ўз нурларини таратмоқда.

Ҳазрат Навоийга тарих давомида берилган барча таъриф таҳсинлар жуда тўғри бўлгани ҳолда, XXI асрга келиб, ул зотга яна бир таъриф берилдики, бунда Навоий ҳақида ҳаққоний ва холис қараш акс этган, дейиш мумкин.

“Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафакқури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир”,⁵ деган фикрлар қанчалик ҳақ эканлигига, юқоридаги каби манбаларни диққат билан ўрганиш давомида, амин бўлиб борамиз.

Ҳақиқатан, улуғ зотларни улуғлар янада яхшироқ танишлари ростдир. Чиндан ҳам, “агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир”⁶.

¹ Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони..., 188-бет.

² Амир Камолиддин Гозургохий. Мажолис-ул-ушшоқ..., 335-338-бетлар.

³ Ҳасанхожа Нисорий. Музаққири аҳбоб..., 135-бет.

⁴ Фаҳрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин..., 108-109-бетлар.

⁵ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч..., 47-бет.

⁶ И.Каримов. Ўша китоб, ўша бет.

САҲНАДАГИ НАВОИЙ ТАРИХИЙМИ?..

Унутмайман сени токим, тирикман...

“Алишер Навоий” драмасидан

Хўш, бу савол қанчалик ҳақли? Ёки шу тушунча XX асрда қандай ва қай тахлит сақланиб қолди ва давом этди?!

Жумладан, аждоқларимиз беш аср давомида ардоқлаб, эъзозу эҳтиромда сақлаган ҳазрат Навоий сиймоси хоҳ у зоҳиран, хоҳ ботинан бизнинг тасаввуримизда ҳам тўла шаклландими?!.

Ҳолбуки, ўтган аср давомида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий меросини тадқиқ этувчи ўнлаб илмий асарлар яратилди. Истиқлолимиздан сўнг, шоир асарлари тўла (20 ва 10 жилдликлар) ҳолида ўқувчиларга етиб борди. Аммо, барибир ижодкор шахсияти ва тақдири китобхонни қизиқтираверади. Бу табиий ҳам. Оддий китобхон учун ижодкор илмий-адабий мероси ҳақидаги тадқиқот ўқигандан кўра, у ҳақда ёзилган бадиий асарни мутолаа қилиш осонроқ ва энгилроқ. Зероки, бадиий адабиётнинг жозибаси ҳам оммани ўзига жалб қила билишидадир.

Ўзбек китобхони учун эса Навоий ҳақида Ойбекнинг “Навоий” романи ва “Бола Алишер” қиссаси, Лидия Батнинг “Ҳаёт бўстони”, Мирқарим Осимнинг “Зулмат ичра нур” қиссалари, Омон Мухторнинг “Навоий ва рассом Абулхайр” романи, Иззат Султон ва Уйғуннинг “Алишер Навоий”, Иноят Махсумнинг “Навоий Астрободда” драмалари, Барот Бойқобиловнинг “Янги Ҳамса”си каби бадиий ижод намуналари тақдим этилган.

Насрий асарлар ичида, шубҳасиз, Ойбекнинг “Навоий” романи оммалашиб, машҳурлик топди. (Кейинчалик унинг асосида кўп қисмли видеофильм ҳам қўйилган.)

Бироқ таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 40-60-йилларида айнан “Алишер Навоий” драмаси орқали халқ оммаси, Навоийнинг сиймоси ва шахсини кўрди, таниди.

Драма устида иш Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигига тайёргарлик асносида 1939 йил И.Султон, Уйғун ва Ҳамид Олимжон ҳамкорлигида бошланган. Улар жуда кўп материал жамлашади, Навоий асарларини қунт билан ўрганиб чиқишади. И.Султоннинг эслашича: *“Шу орада... Ҳамид Олимжонни... бир ойга хизмат сафарига юборишди. Биз Уйғун билан Оқтошда пьесанинг сюжетини пардама-парда ёзиб чиқдик. Ҳамид сафардан қайтгач, “бир ой ичида жуда кўп иш қилиб қўйибсизлар, мен чиқдим”, деди. Уйғун билан икковимиз қолдик...”*¹

Пьеса Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат драма (ҳозирги: Миллий академик драма) театрига 1941 йил саҳналаштириш учун топширилгач, негадир тўхтаб қолади. Орада эса II Жаҳон уруши бошланади ва 1947 йилга келибгина асар қўйилди. Маннон Уйғур саҳналаштирилган бу спектакль то ҳануз ўзбек саҳнасининг шоҳ асарларидан ҳисобланади.

Асар қурилишида кўплаб тарихий-фактик маълумотлар билан бирга “Гули билан Навоий” халқ афсонаси етакчилик қилади. И.Султоннинг хабарига кўра проф. А.Семёновнинг мазкур афсона ҳақидаги мақоласи бунга асос бўлиб хизмат қилган.² Драманинг илк варианты эса тўла насрда ёзилган эди. Бироқ, Алишер Навоий характеридаги улўғлик, табиатидаги доноликни кўрсатиш учун шоирона руҳ бериш даркор бўлади. Яъни, фалсафа билан лирикани уйғунлаштиришга эҳтиёж сезилиб қолади. Буни пайқаган И.Султон Уйғунга “пьесада шеър етишмас”лигини айтади. Баҳслар натижасида “шеър пьесага қанот бағишлайди”. Шу тариқа, ғоят мароқли ва ёқимли тасвирланган Навоий ва Гули ўртасидаги шеърый айтишувлар, дардли оҳангларга бурканган Гулининг:

*Ҳамон ёдимдадур: гул чоғи эрди,
Кўришкан масканим гулбоғи эрди...*

¹ Н.Раҳимжонов. Бадиий асар биографияси..., 80-бет.

² Ўша китоб, 78-79-бетлар.

*Фақат бир илтимос, кўркам чаманда,
Очиб гул ғунчалар этканда ханда...*

ва Навоийнинг:

*Куй, ғазал... Оҳ... Қайтадан тирнар ярамни,
Тағин эслатди у машғум ҳарамни...
Унутмайман сени токим, тирикман,
Сени жон ўрнида сақлар тирик тан...*

дея бошланувчи, бир неча ўн йиллардан буён халқимизга ёд бўлиб кетган, монологлар ижод қилинган.

Кейинчалик академик И.Султон шундай эслайди: *“Уйғун ғоят ингичка лирик шоир. Ундаги кечинма-туйғуларнинг пўртанаворлигини айтмайсизми? Кечинмаларнинг кескин, жўшқин ва бетакрор бўлишига эришиш жиҳатидан Уйғун изланишлари пьесага алоҳида оҳанг бағишлаган...”*¹

Ҳақиқатда, И.Султоннинг асар тарихий драма бўлиши учун кўплаб изланишлари, билимининг кенг қамровлиги ва Уйғуннинг хассос лирик шоир эканлиги нуқтаи назаридан пьеса ўз даврида вазифасини аъло даражада адо эта олган.

Лекин, яна айнан И.Султоннинг ўз эътирофига кўра: *“Асар драмадан кўра кўпроқ дostonга ўхшаб кетган. Драманинг ишонтирувчанлик қуввати пасайган. Худди Гули билан Алишер Навоий ҳақидаги халқ афсонаси сингари бу ҳам гўё бир афсонага ўхшаб қолган...”*

Албатта, ҳар бир ижодкор вақт ўтган сари ўз асари юзасидан турли тўхтамларга келиши, унда йўл кўйилган камчиликларни тобора ўткир нигоҳ ила кўриб бориши бор ҳодиса. Бироқ, ҳар бир асар дастлаб ўз даври андозасига кўра баҳоланади. “Алишер Навоий” драмаси ҳам XX асрнинг олис 40-50 йиллари доирасида улкан аҳамиятга эга, халқимиз маънавий ҳаётидаги ўчмас излардан бири сифатида баҳоланишга сазовор асардир. Лекин соф санъат нуқтаи назаридан ҳар қандай асар ҳам ҳамма даврларда турлича қарши олинган, ё тўла ижобий, ёки бутунлай инкор этилган. Мазкур саҳна асари эса ҳануз росмана санъат намунаси ўлароқ мутахассислар диққат марказида бўлиб келмоқда, яшамоқда.

Шу ўринда айнан пьеса билан боғлиқ икки ибратли воқеани келтириш ўринли. Драма саҳнага кўйилгач, бир куни И.Султон атайин фикрини билиш учун Ойбекни спектаклга олиб боради. Негаки, бу фикр унинг учун жуда ҳам қизиқ ва аҳамиятли эди. Ойбек эса пьесани *“кўргандан кейин ғазаб билан айтди: “Ёлғон, ҳаммаси ёлғон!”*².

Ёки, 1960 йилларда Туркиянинг ўша вақтдаги президенти Исмат Инону Тошкентга келганида уни театрга айнан шу драмани кўришга олиб келишади. У хурсанд бўлади, ҳатто бош рол ижрочиси Олим Хўжаевни кучиб, табриклайди. Муаллиф И.Султонга одоб билан асар ёқмаганлигини айтиб, *“Биз Навоийни яхши биламиз. Сиз тасвирлаган Навоий билан биз билган Навоий ўртасида фарқ катта”* дейди. Фарқлар нимадан иборат эканини сўрагач, *“Биз Навоийни биринчи галда мутасавуф сифатида биламиз”* дея таъкидлайди³.

Мана бир асарга муносабатнинг икки кўриниши, икки талқини...

Ўша пайтда Навоий ҳақида роман ёзган, Навоийнинг атрофли ва чуқур билган айнан Ойбек эди. Уни Навоийнинг тарихий манбалардаги қиёфаси, ҳаёти ва фаолияти билан саҳна асаридаги ноўхшашликлар таажжублантирган. Ўз фикрини “ёлғон” сўзи билан ифода этган. Инону эса, асар ёзилган ва қўйилаётган давлатга меҳмон, унинг дунёқараши ҳам, олган маълумотлари ҳам буткул бу тузумга мувофиқ эмас. Шунга кўра, у ҳам ўз нуқтаи назарини юқоридаги тарзда ифода эта қолган.

Аслида, аҳвол қандай? Наҳот, асар муаллифлари ҳақиқатни билишмаган бўлса?!

Билишган. Бироқ...

Уларга энг кўп эътироз Хусайн Бойқаро образи туфайли бўлган эди. Шу ҳақда бошлай қолайлик...

¹ Ўша китоб, 84-бет.

² Ўша китоб, 238-бет.

³ Ўша китоб, 244-бет.

Саҳна қонуниятига кўра бош қаҳрамон – Навоий драма давомида ҳар жиҳатдан ўсиб, унинг қарама-қаршисидаги Хусайн Бойқаро эса пасайиб бориши керак. Муаллифлар бунга эришганлар. Лекин ўз даврида ҳам, кейинчалик ҳам Султон Хусайн мирзо образи ғоят қора бўёқларда берилганига доир фикрлар билдирилган. Бу тахлит, қарашларга нисбатан муаллифлар аниқ муносабат билдирмасалар-да пьесани *“саҳна учун яратилган. Кўримлилиқ унинг бош хусусияти”* эканини ва *“Хусайн Бойқарога баҳо беришда, асосан, “Бобурнома”га асослангани”*ни таъкидлашади¹.

Шу билан бирга, *“асардаги Навоий образи билан тарихда ўтган Навоийнинг ҳаёти, тақдири ўртасида фарқ бор. Навоийни гуманист сифатида олиб, антигуманистик кучларга қарши қўйганмиз,”* – дейди И.Султон.²

Бу жиҳатни эса бадииятнинг ўзига хос қонунларига мувофиқ далил сифатида қабул қилиш мумкин. Негаки, бадий асарда тарихийлик тўла равишда акс этмаслиги мумкин, ёхуд бадий асар тарихийликнинг айнан нусхаси бўлмаслигини кўзда тутмоқ керак. Қолаверса, асар яратилган давр мафқурасига кўра ҳам асар сюжети ва воқеалари тўла равишда ижобий ҳодиса сифатида баҳоланган эди.

Кейинчалик, саҳна асарида Навоий сиймосини тўлақонли яратиш ва акс эттириш имкони бўлмагани туфайли адабиётшунос И.Султон шоир ҳақида махсус асар яратди. Ҳамда уни *“Навоийнинг қалб дафтари”* деб атади. Шу билан чекланмай *“Буюк шоирнинг ҳаёти билан ижоди ўзининг ва замондошларининг тасвирида”* дея эслатмани қайд этади. Бу эса Навоий сиймосининг ҳаққонийлиги борасида авлодлар олдида масъулият бурчини доимо ҳис қилган олимнинг тўғри эътирофи ва изчил тадқиқи натижаси бўлиб намоян бўлди.

У шундай таъкидлайди: *“Бизнинг вазифамиз – Навоий таржимаи ҳоли ва ижоди масалаларини даставвал Навоийнинг ўз айтганлари ва уларга қўшимча ўлароқ, замондошларининг айтганлари асосида тушунишга интилишдир...”*³

Яна драмага қайтиладиган бўлса, ундаги бошқа ўринлар юзасидан ҳам турлича муносабат ва баҳсларни давом этиш мумкин. Биз муаллиф фикри нуқтаи назаридан фақат бир ўринга тўхталамиз.

Асарда Маждиддиннинг совчиликка бориш саҳнаси мавжуд. У дастлабки вариантда ҳам бўлган. Лекин пьеса илк саҳнага қўйилмасдан олдин бу саҳна ортиқча туюлиб қолади. И.Султон: *“Лирик руҳнинг ҳаддан ортиқ тошириб юборилгани пьесанинг ижтимоий йўналишига путур етказарди”*, деган фикр билан ҳаммуаллифи Уйғун ва режиссёр М.Уйғурга мурожаат қилади. Мунозара ва пьеса прогонидан сўнгра бу эпизод олиб ташланади.⁴

Аmmo вақтлар ўтиб бу кўриниш қайта тикланади. Бунга яна И.Султон изоҳ беради: *“Адабий асарнинг тақдири турфа бўлади. Яқинда саҳнага қўйилган янги вариантда яна шу эпизодни тикладик. Чунки “Алишер Навоий” саҳналаштирилган даврда ижтимоий руҳи кучли асарлар муваффақият қозонар эди. Ҳозирги томошабин лирик оҳанг кучли бўлган саҳналарни михланиб кузатади...”*⁵

Айнан ХХI аср томошабини учун ҳам Навоийнинг саҳнадаги сиймоси ва бу борадаги муаллиф (ёки муаллифлар)нинг юқоридагидай эътирофлари жуда ҳам муҳим, деган фикрдамиз. Негаки, Навоий ҳаёти ва ижодиётига доир кўплаб тарихий маълумотлар китобхонларга маълум бўлган бир даврда улуғ шоиримизнинг саҳнадаги образи ҳам тобора ҳаққонийлашишини истаб қолиниши табиийдир.

Навоий соғинчи, буюклиги, севимлилиги, даҳоси мудом ёдимизда экан унинг сиймосини саҳнада ҳаққоний акс эттирилишига эҳтиёж ҳам ортиб бораверади.

¹ Ўша китоб, 85-, 93-бет.

² Ўша китоб, 90-бет.

³ И.Султон. Асарлар. Тўрт томлик. 3-том..., 8-бет.

⁴ Н.Раҳимжонов. Бадиий асар биографияси..., 88-бет.

⁵ Ўша китоб, 89-бет.

Фойдаланилган манбалар:

1. И.Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик, 16-ж. –Тошкент: Фан, 2000.
3. Алишер Навоий. Сборник статей. –Москва-Ленинград: АН, 1946.
4. Амир Камолитдин Хусайн Гозургоҳий. Мажолис ул-ушшоқ. Ба эҳтимоми: Фуломризо Табатабойи Мажид. –Техрон, 1376 (1998).
5. Бартольд В.В. Сочинения. Том II, часть 2. Мир Али-Шир и политическая жизнь. –Москва: Наука, 1964.
6. Бертельс Е.Э. Навоий. –Москва-Ленинград: АН, 1948.
7. Великий узбекский поэт. Сборник статей. –Ташкент: УзФАН, 1948.
8. Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Форс тилидан Б.Аҳмедов таржимаси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981.
9. Жўрабоев О. Алишер Навоийнинг тарихий тафаккури // “Ўзбекистон тарихи” журнали. 2015. №1. 57-69-бетлар.
10. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Тошкент: Маънавият, 2008.
11. Зайниддин Восифий. Бадоеъ-ул-вақоеъ. Форсийдан Н.Норкулов таржимаси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.
12. Захриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи: С.Ҳасанов. –Тошкент: Шарқ, 2002.
13. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1969.
14. Иззат Султон. Асарлар. Тўрт томлик, учинчи том. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973.
15. Levend A.S. Alişir Nevai. I cilt. Hayatı, sanatı ve kişiliği. –Ankara: Türk tarih kurumu basimevi, 1965.
16. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. –Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1963.
17. Маҳмуд Ҳасаний. Таърихларда Навоий васфи. –Тошкент: Ғ.Фулом НМБ, 1991.
18. Навоий замондошлари хотирасида. Тузувчи: Б.Аҳмедов. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985.
19. Навоий ва ижод сабоқлари. Мақолалар тўплами. –Тошкент: Фан, 1981.
20. Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 13-том. Адабий-танқидий мақолалар. –Тошкент: Фан, 1979.
21. Раҳимжонов Н. Бадиий асар биографияси. –Тошкент: Фан, 2008.
22. Родоначалник узбекской литературы. Сборник статей об Алишере Навоий. –Ташкент: УзФАН, 1940.
23. Садриддин Айний. Танланган илмий асарлар. –Тошкент: Фан, 1978.
24. Сирожиддин Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. –Тошкент: Akademnashr, 2011.
25. Султонов И. Пьесалар. Мақолалар. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1959.
26. Турсунов Ю. “Муншаот” – как историко-литературный источник в изучении жизни и деятельности Алишера Навоий. АКД. –Ташкент, 1986.
27. Фахрий Ҳиравий. Равзат-ус-салотин. Жавоҳир-ул-ажойиб. Таржимонлар: С.Ғаниева, Ж.Жўраев. –Тошкент: Mumtoz soʻz, 2014.
28. Шайхзода М. Асарлар. 4-том. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972.
29. Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. Форсийдан Ҳ.Бобобеков, Н.Норкулов таржимаси. –Тошкент: Маънавият, 1998.
30. Эргашев К. Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Навоий. –Ташкент: Фан, 2009.
31. Эргашев Қ. Ўзбек насрида иншо. –Тошкент: Muharrir, 2011.
32. Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. –Тошкент: Фан, 1971.
33. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). –Тошкент: Akademnashr, 2011.
34. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2-том. –Тошкент: Фан, 1977.
35. Ўзбек насри тарихидан. Мақолалар тўплами. –Тошкент: Фан, 1983.
36. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1-жилд. –Тошкент: Фан, 1992.
37. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. –Тошкент: Mumtoz soʻz, 2011.
38. Ғиёсиддин Хондамир. Макорим-ул-ахлоқ. Форсчадан М.Фахридинов ва П.Шамсиев таржимаси. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967.
39. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. –Тошкент: ЎзФАН, 1959.
40. Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. Мақолалар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974.
41. Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. Форс тилидан И.Бекжон таржимаси. –Тошкент: Халқ мероси, 1993.
42. Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.
43. Хусайн Бойқаро. Рисола. Нашрга тайёрловчилар: А.Рустам, К.Ҳасан. –Тошкент: Шарқ, 1991.

ХУРШИД АБДУРАШИД

**ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИДА
НАВОИЙ ОБРАЗНИНГ
БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**

КИРИШ

Мустақиллик йилларида аждодлар номини абадийлаштириш ва уларнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш масаласи кун тартибига кўтарилди. Собиқ тузум даврида бирёқлама талқин этилган аждодларимиз номи оқланди, уларга нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш қадрият даражасига кўтарилди. Ушбу жараённинг бош лейтмотиви вазифасини адабиёт бажарди, бундай ўринда тарихий ҳақиқат тушунчаси бадиий ҳақиқат билан уйғун ёки фарқли келган жиҳатлар ҳақида гапириш лозим бўлади. Лекин тарихий шахслар ҳақида яратилган адабий асарларнинг бош мақсади – тарихий шахсларнинг ибратли ва шонли ҳаёт йўли, ижодини, маънавий портретини халқимизга танитишдан иборат бўлди, десак янглишмаган бўламиз.

Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул айтмоқчи, “ўзбек адабиётининг пойтахти” бўлмиш Алишер Навоий ҳаёти, шахсий фазилатлари, фаолияти, кўпқиррали меросини билиш ва англашга интилиш бугун пайдо бўлиб қолган эмас. Навоий ўзининг кўпқиррали фаолияти билан мамлакат ва халқ тақдири, илм-маърифат, шеърият ва маънавият тарихида алоҳида мавқега эга бўлган инсон эди. Алишер Навоий ўзининг фаолияти ва олийжаноб инсоний фазилатлари билан ҳаётлиги вақтидаёқ жуда катта обрў ва ҳурматга сазовор бўлган. Шунинг учун унинг ҳаёти, фаолияти, илмий ва адабий меросини ўрганиш, шахсий фазилатларини ёритиш, унга баҳо бериш, уни ибрат-намуна сифатида эътироф этиб кенг тарғиб этиш ўша вақтдан, яъни XV асрнинг иккинчи ярмидан бошланган.

Алишер Навоий сиймоси инсоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақида илк маълумот берувчи манба бу, шубҳасиз, улуғ шоирнинг ўз асарларидир. Шоир гарчи ўз таржимаи ҳолини махсус ёзиб қолдирмаган бўлса-да, лекин Навоийнинг деярли барча асарларида унинг шахсияти, ижодий ва ижтимоий фаолияти ҳақида муайян фикрлар келтирилади. Хусусан, “Вақфия”, “Муншаот” асарларида улуғ шоирнинг ижтимоий фаолияти акс этса, “Мажолис ун-нафос”, “Хамса”, “Муножот”, “Ҳазойин ул-маоний” каби асарларида шахсий ҳаёти, “Муҳокама-ту-л-луғатайн”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” каби асарларида шоир қаламига мансуб баъзи асарларнинг ёзилиш тарихи билан боғлиқ маълумотларни учратиш мумкин.

Хусайн Бойқаронинг “Рисола”сида ҳам ҳазрат Навоийнинг туркий тилдаги ижоди, хусусан, шеърияти ҳамда “Хамса” асарига юксак баҳо берилиб, буюк шоир “сўз мулкининг кишваристони, соҳибқирони” деб улуғланади.

Ғиёсиддин Ҳумомиддин Хондамирнинг “Хулосат ул-ахбор” ва “Ҳабиб ус-сияр” асарларида Хусайн Бойқаронинг Хуросон тахтига ўтириши ва Алишер Навоийнинг Ҳиротга қайтишидан бошлаб, улуғ шоирнинг вафот этишигача бўлган давр оралиғидаги воқеалар баён қилинади. Тарихчининг “Макорим ул-ахлоқ” асари эса Навоийнинг юксак ахлоқига бағишланган махсус рисола бўлиб, шоир таржимаи ҳолига доир муҳим фактик маълумотларнинг келтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Зайниддин Восифий қаламига мансуб “Бадоеъ ул-вақоеъ” (“Гўзал воқеалар”) хотиралар тўпламининг тўрт боби Алишер Навоий шахсиятига бағишланган. Унда ҳазратнинг феъли-сажияси, замондошлари билан ижодий мулоқотлари, Навоий билан боғлиқ турли қизиқарли воқеалар ҳақида сўз боради.

Шунингдек, Абдуллоҳ Ҳотифийнинг “Лайли ва Мажнун”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Жавоҳир ут-тафсир”, Атоуллоҳ Асилийнинг “Равзат ул-аҳбоб”, Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнийнинг “Бадоеъ ус-саноеъ”, Шамсиддин Муҳаммад Бадахшийнинг “Рисолаи муаммо”, Ҳусайн бин Муҳаммад Ҳусайнийнинг “Рисолаи муаммо”, Аҳлий Шерозийнинг “Куллиёти Аҳлий Шерозий” даги мувашшаҳ-қасидаи маснуъси ва бошқа кўплаб асарларда ҳам Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди ва ижтимоий фаолияти ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

Бугун жамиятимизда Навоий сиймоси ҳақида аниқ тасаввур етишмаётгандай. Навоийшунос Олимжон Давлатов бу ҳақида шундай ёзади: “Биз Навоийни таркидунё қилган, тақволи, бир мўйсафид чол қиёфасида тасаввур қилишга ўрганиб қолдик. 2 йил ичида “Хамса”ни ёзиб тугатиш бизнинг тасаввуримиздаги Навоийнинг қўлидан келмайди. “Хамса”да шоирнинг ўзи “кундузи давлат юмушларини қилиб, хуфтондан кейин икки рақъат нафл намозини ўқиб устозлари руҳига дуолар қилиб кейин ёзганини, агар бу ортиқча юмушлар бўлмаганда 6 ойда ёзиб тугатган бўлишини” айтади. Тасаввур қилиб кўринг, кундузи халқ ғами билан юрган одам тунда ишлашга қандай куч топди? Демак, Навоий жуда бир ғайратли одам. Шахс сифатида ҳам назири йўқ киши бўлган бу улуғ зотни шунчаки шоир қолипига, ё бир вазир қолипига, ё бир мулланинг қолипига сиғдириб бўлмайди. У бир соҳилсиз денгизга ўхшайди. Ўзимизда ҳам ана шу денгизга бўлган муносабатни шакллантиришимиз керак”.¹

Ўтган аср давомида ва мустақиллик йилларида ўзбек адабиётида ҳам Алишер Навоий маънавий портретини яратишга жиддий уриншларни кўришимиз мумкин. Навоий сиймоси хусусида адабиётнинг учала турида ҳажман ҳам, маъно томонидан ҳам турли даражадаги асарлар яратилди. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган йирик шеърӣ асарлар қаторига Барот Бойқобиловнинг “Сокин Хуросон”, “Нотинч Хуросон”, “Шукуҳли карвон”, “Қонли Хуросон” ва “Ҳайрат ул-Аҳрор” шеърӣ романларини киритиш мумкин². Ушбу асарлар шеърӣ йўлда ёзилган бўлишига қарамай, Алишер Навоий маънавий портретини яратиш йўлида жиддий ва салмоқли уринишлардан бири бўлди.

Ғафур Ғулом 1948 йил ёзган “Алишер” номли шеърӣда Навоийнинг бутун башарият фарзанди, фавқулодда истеъдод соҳиби ва инсонпарварлик куйчиси сифатида таърифлайди.

*Тўфон, қуюнларда яккаю ёлғиз,
Монолит, гранит ҳайкалдай мағрур,
Темурбек давлатин сўнгги чоғида
Саркашу барҳаёт, бўйсунмас шуур –
Дарахшон юлдузлар сари ўқирган,
Бўйнида занжиру, қалби озод шер.
Инсоний муҳаббат меҳри-ла вафо,
Эрку бахт тимсоли улуғ Алишер.³*

¹ Олимжон Давлатов: “Маънавий далтонизмга қарши курашишимиз керак”, turon24.uz, 2018.

² Собир Мирвалиев. Ўзбек адиблари: (XX аср ўзбек адабиёти). – Т.: “Ёзувчи”, 2000.

³ Ғафур Ғулом. Танланган асарлар. – Т.: “Шарқ” НМИУ, 2020.

Адиб “Монолит, гранит ҳайкалдай мағрур” деганда Навоийнинг давр ва муҳит зарбаларига дош бериб ўзидан сўнмас адабий мерос қолдирганлигини жуда моҳирлик билан таърифлайди. Алишер Навоий чизган “Занжирбанд шер” расми унинг тақдирини акс эттарганлигини ҳамда бутун умрини инсон ҳимоясига бағишлаганини баён қилади.

Ўтган асрнинг 30-йилларида Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек “Навоий” номли поэма ёзди¹. Ушбу асар кейинчалик Ойбекнинг Навоий ҳаётига бағишланган йирик насрий асарларига “хамиртуруш” вазифасини ўтади. Булар: “Алишернинг болалиги” қиссаси ҳамда “Навоий” романидир. Ойбекнинг ушбу романида Алишер Навоийнинг ҳаёт йўли, ўша даврдаги ижтимоий ҳаёт ва мураккаб сиёсий воқеалар акс эттирилган. Ойбек бу асарнинг яратилиши ҳақида ўз таржимаи ҳолида қўйидагича ёзган эди: «Навоий образи менинг кўпгина лирик шеърларимда пайдо бўлди ва ниҳоят, 1942 йилда «Навоий» романини тамомладим». Бу асар турли муҳокамалардан сўнг 1944 йилда нашр этилган. Ойбек бу романда ўзбек адабиётида биринчи бўлиб, Алишер Навоий образини яратади. Шунингдек, бутун умри давомида тарихий асарлар ижод қилган ёзувчи Миркарим Осим Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзловчи “Астробод”, “Алишер Навоий ва Дарвешали”, “Бадарға”, “Навоийнинг хислатлари”, “Улуғбек ва Навоий” каби ҳикоялар ёзади². Кейинчалик Алишер Навоийнинг болалиги ҳақида “Зулмат ичра нур” номли қиссани яратади. Миркарим Осим тарихий ҳикоялари тарихий манбалар асосида ёзилган ва бадиийлаштирилган асарлардир. Муаллиф асарда бадиий тўқималарга кенг ўрин бермайди. Тарихчи ўлароқ, воқеани бадиий билан ҳикоя қилиб беради. Ўтган асрда яратилган тарихий романларда биз бадиий тўқимага кенг ўрин берилганига гувоҳ бўламиз. Бадиий ҳақиқат тарихий ҳақиқатга зид келмаса, асарнинг қизиқарлилигини оширади. Тарихий-биографик кўринишдаги “Зулмат ичра нур” асарида Миркарим Осим Алишер Навоийнинг болалиги манзараларини бадиий йўсинда акс эттириш орқали улуғ ижодкорнинг маънавий-руҳий қувватининг илдизини топишга ҳаракат қилади ва буни ўқувчига тақдим этади. Ёзувчи Омон Мухтор ўтган аср охирида “Ишқ аҳли” номли роман ёзиб, бу асарда Навоий сиймосини архитектор йигит нигоҳи орқали бадиий талқин қилади³. Ушбу асарлар Навоий сиймоси ҳақида турли даражада тасаввур беради, ўқувчининг Навоий ҳақида тасаввурини чегаралаб қўймайди. Биз ўрганишни мақсад қилган жиҳат эса ўзбек драматургиясида Навоий образининг акс эттирилиши масаласидир.

Қолаверса, ўтган асрда Навоий сиймосини экран санъатига кўчириш йўлида ҳам маълум бир ижодий ишлар амалга оширилди. Бу 1947 йилда кинорежиссёр Комил Ёрматов томонидан суратга олинган Алишер Навоий ҳаётига бағишланган “Алишер Навоий” тарихий-бадиий фильмидир⁴.

Фильмга маълум маънода Иззат Султон ҳамда Уйғун томонидан ёзилган “Алишер Навоий” драмаси асос бўлиб хизмат қилган. Тарихий кинокартинанинг сценарийсини Иззат Султон, Виктор Шкловский, Алексей Спешнёв ҳамда Уйғун ҳаммуаллифликда ёзишган. Фильм сюжетига кўра, Алишер Навоий шаҳзода Ҳусайн Бойқаро билан талабалик давридан бери дўст бўлиб келади. Тахтга ўтиргандан сўнг, Алишер Султон Ҳусайнга давлатни бошқаришда ёрдам беради. Муваффақиятли урушлар давридан сўнг, нотинчлик юзага келади. Кўп ўтмай, Султоннинг қариндоши шаҳзода Ёдгор исён кўтариб, тўғонни бузиб ташлайди ва деҳқонларни

¹ Собир Мирвалиев. Ўзбек адиблари: (XX аср ўзбек адабиёти). – Т.: “Ёзувчи”, 2000.

² Собир Мирвалиев. Ўзбек адиблари: (XX аср ўзбек адабиёти). – Т.: “Ёзувчи”, 2000.

³ Омон Мухтар. “Ишқ аҳли”, “Шарқ юлдузи” журнали 2000.

⁴ Аъзам Исҳоқов. Кинематография тарихи. – Т.: “Зилол булоқ” нашриёти, 2019.

сувдан маҳрум қилади. Жанг олдидан вазир Мажидиддин ватанга хиёнат қилади, аммо Алишер ўйлаган жанг тактикаси туфайли жангда Бойқаро ғалаба қозонади. Тез орада Ёдгор Ҳирот қалъасини эгаллайди. Хусайн ўз дўстининг вазирнинг маслаҳатига амал қилиб, қўшинни жалб қилишга иккиланиб қолади. Ёдгор исёни бостирилгани билан мамлакатдаги тинчлик барқарорлашмайди. Деҳқонлар ва хунармандлар Ҳиротда солиқ тўлашни тўхтатадилар ва қуролланиб, шаҳар дарвозаларини ёпадилар. Хусайн Бойқаро дастлаб шаҳарни зўрлик билан олишга қарор қилади, аммо бунинг ўрнига Алишерни адолат ўрнатиш мақсадида қалъага юборади. Навоий вазиятни изга туширади. Аммо беклар Хусайндан Алишерни ўз вазифасидан олиб ташлашни талаб қилишади. Сўровни бажариш учун Гули исмли қизни Султонга совға сифатида олиб келишади. Алишер Гулига бўлган муҳаббатини Хусайн Бойқаро олдида очиқ ва ошкора тан олади, уни ўзи билан бирга қўйиб юборишини сўрайди. Йўлда Гули вазир берган захардан вафот этади. Алишер ёлғиз яшайди ва қариганида Ҳиротдаги ҳовлисига қайтади. Фильм қизиқарли интригалар асосига қурилган. Алишер Навоий ролини таниқли актёр Раззоқ Ҳамроев ижро этган бўлса, Хусайн Бойқаро ролини Асад Исматов ўйнаган.

Ушбу фильм ҳозирча Алишер Навоий ҳақида яратилган ягона ўзбек бадий фильми бўлиб турибди. Гарчи Ҳазрат Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисида кўплаб ҳужжатли фильмлар ишланган бўлса-да, кенгроқ миқёсда тўла метражли бадий фильм ва сериал яратилишига эҳтиёж бор. Чунки экран санъати бугун оммабоплиги билан санъатнинг бошқа турларидан яққол ажралиб туради. Навоий шахсини яқиндан танитиш учун экран санъатига мурожаат қилиш ижобий самара беради.

Ўзбек шеърляти Навоий ижодидан улкан маънавий қувват олган, десак муболаға бўлмайди. Навоий ҳақида энг кўп ёзилган адабий тур ҳам шеърлятдир. Ҳар бир ўзбек шоирининг Навоий ҳақида шеъри, Навоий ҳақида ўз айтар сўзи бор. Жумладан, юқорида тилга олганимиз Ғафур Ғулом, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовларнинг ҳам Навоий ҳақида битган шеърляри шоирнинг маънавий қиёфасини, ижодий аъмолини акс эттириб бера олган. Абдулла Орипов “Оқ от” номли шеърида Навоий ҳаёти билан боғлиқ бир ҳикоятни тилга олади:

*Навоий “Хамса”ни тугатди ёзиб,
Қутлашга йиғилди аркони давлат.
Бойқаро айрича хурмат кўрғазиб,
Оқ отин минишга айлади даъват.
Лекин узр, деди шоири даврон,
Эҳтимол, бу ҳолни кибр деб билди.
Шунда секингина лутф этди Султон:
– Буни отнинг ўзи илтимос қилди.¹*

Қолаверса, Абдулла Ориповнинг ёшлик йилларида ёзган “Алишер” шеъри ҳам ҳар томонлама мукамал ижод намунаси бўлиши билан бирга Ҳазратга нисбатан чексиз муҳаббат кўриниб туради.

*Жаҳонки муқаддас нени кўрибди, –
Барига онасан, эй қодир ҳаёт.
Беш юз йил наридан боқиб турибди,
Нурли бу юзларга нуроний бир зот.²*

¹ Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 8 жилд. – Т.: “Ғафур Ғулом” номидаги НМИУ, 2016 й.

² Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 1 жилд. – Т.: “Ғафур Ғулом” номидаги НМИУ, 2000 й.

Шоир ўзи тасаввур қилган Навоийни шеърий сатрлар воситасида чизмоқчи бўлади. Навоий ва ўрталиқдаги беш асрни мангуликка чоғиштиради.

*Жаҳон меҳробида пайдо Алишер...
Шодмон қасида айт сен ҳам, эй қуёш!
Беш юз йил унга ҳам нима гап ахир,
Мингга қадам қўйди йигирма беш ёш.¹*

Эркин Воҳидовнинг “Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса” номли шеърида Навоийнинг кадр-қиммати, ундан айро бўлиш миллат учун қандай оқибатларга олиб келиши юмористик руҳда таҳлил қилинади.

*Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Дод демоққа палла бўлгани шудир.
Маърифатдан айри ўйнаса, қулса,
Аза чоғи ялла бўлгани шудир.
Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Алдангани, алла бўлгани шудир.
Юлғич азиз бўлиб, билгич хор бўлса,
Пайтаванинг салла бўлгани шудир.²*

Дарҳақиқат, ўзбек тарихи ва адабиёти пешонасига иқбол бўлиб битилган Навоий деб аталмиш улкан ҳодисанинг таъсири салкам олти асрдан буён миллат учун “бемисл ганж” бўлиб келмоқда. Аммо бу “ганж”дан беҳабарлик, беъэтиборлик шу халқнинг ютқизиғи бўлиши шубҳасиздир. Эркин Воҳидов шеърининг охириги мисралари халқни уйғоқликка чорлайди:

*Ўзбек ўзлигини англаса бекам,
Унинг «Баракалла» бўлгани шудир.
Оламга Навоий наслиман деган
Овози баралла бўлгани шудир...³*

Алишер Навоий ровий сифатида иштирок этган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби асарлар ҳам ёзилган. Ушбу асарлар муаллифи Шамсиддин Шарофиддин ўғли Хуршид (1892–1960) жадид маърифатпарварларининг фаолларидан, театр санъати, айниқса, Ғулом Зафарий қаторида ўзбек мусиқали драма жанрини қарор топтиришда хизмати беқиёс фидоиларидан эди. Унинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” пьесалари “Ҳалима” билан бирга саҳнада мусиқали драма талқинларига асос солган асарлар эди. “Лайли ва Мажнун” бизда миллий мусиқали драма яратишга ҳавас уйғотган, туртки бўлган йўл бошидаги илк саҳна асаридир. Бу ҳавас машҳур озарбайжон актёри ва режиссёри Сидқи Руҳиллонинг 1917 йил Тошкентга ижодий сафари даврида намойиш қилинган “Лайли ва Мажнун” спектаклидан бошланади. 1916 йил навбатдаги сафар давомида “Лайли ва Мажнун”да “Турон” театри артистларининг Сидқи Руҳилло жамоасига қўшилиб роль ўйнаши билан давом этди. Шу зайдда 20-йилларнинг аввалида Хуршид мазкур асарни ўзбекчага ўгириб, Маннон Уйғурнинг “Намуна” (“Турон”) театрида саҳналаштиради. Кейинроқ Хуршид Алишер

¹ Абдулла Орипов. Танланган асарлар. 1 жилд. – Т.: “Ғафур Ғулом” номидаги НМИУ, 2000 й.

² Эркин Воҳидов. Танланган асарлар. – Т.: “Шарқ” НМИУ, 2019 й.

³ Эркин Воҳидов. Танланган асарлар. – Т.: “Шарқ” НМИУ, 2019 й.

Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони бўйича либретто яратиб, унга Шораҳим Шоумаров мақом ва халқ, куйлари асосида мусиқа басталайди, Маннон Уйғур эса сахнага қўяди. Лайли ва Мажнун ролларини Маъсума Қориева ҳамда Аброр Ҳидоятлов ижро этишади. Мазкур асар ҳамда “Фарҳод ва Ширин” ўзбек сахнасининг тенги йўқ, умрбоқий томошалари сифатида ханузгача тинимсиз ижро этилади. Хуршид умрининг охиригача уларнинг янги мусиқали драма ва опера нусхаларини янги бастакор, режиссёр ва ижрочилар билан тинимсиз қайта ишлайди, такомиллаштиради. Хуршид 1919 йилда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Буюк устоз Алишер Навоий асарларига ихлос қўйган Хуршид 20-йилларнинг бошлариданоқ севги ва садоқатни, дўстлик ва меҳнатни улуғлаган “Фарҳод ва Ширин” мусиқали драмасини ёзади. Асар биринчи марта 1922 йилда Тошкентда, Кализейда сахналаштирилади.

1929 йилда эса “Фарҳод ва Ширин” драмаси Ҳамза номли театрда Маннон Уйғур томонидан сахнага қўйилган. 1940 йилда эса Хуршиднинг “Лайли ва Мажнун” пьесаси Глиэр ва Т. Содиқов томонидан операга айлантирилди. “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” ўзбек сахнасида мусиқали драма дostonчилиги – севишганлар романтик қиссасини жорий этиб, шу йўналишга йўл очади. Хуршиднинг ўзбек опера санъатини яратишдаги хизматлари анчагина бор, унинг либреттолари асосида, ижодий кучлар ҳамкорлигида театр дастлаб, “Лайли ва Мажнун”ни (1940), кейинчалик “Фарҳод ва Ширин”ни (1957) тўла опера асосида сахнага қўйди.

Биз тадқиқ этишни мақсад қилганимиз ўзбек драматургиясида Навоий образи масаласи насрий ва шеърый асарларда гавдаланган Навоий ҳақидаги тасаввурларимизни қайсидир маънода давом эттиради ва тўлдиради. Ушбу кичик рисолада Уйғун ҳамда Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” беш парда, ўн кўринишли драмаси, Муҳаммад Алининг “Навоий ва Бойқаро” беш парда, ўн кўринишли тарихий драмаси, Омон Мухторнинг “Амир Алишернинг дарди” икки парда, ўн икки ҳолатдан иборат тарихий драмаси, Комил Авазнинг “Шоҳ бўлди ишқ ичинда” беш кўринишли мусиқий драмаси, Восит Саъдулланинг “Хуросон юлдузи” драматик поэмаси, Иқбол Мирзонинг “Самарқанд сайқали” бир парда, саккиз кўринишли драмаси, “Алишербек ва Ҳусайн” ёш томошабинлар учун етти кўринишли тарихий пьесаси воситасида ўзбек драматургиясида Алишер Навоий образининг бадиий талқини масаласини таҳлилга тортамыз.

I. ДРАМАТУРГИЯДА ТАРИХИЙ ШАХС ОБРАЗИ ВА ХАРАКТЕР ЯРАТИШ МУАММОСИ

Драматургияда тарихий образнинг ёритилиши масаласини ўрганишдан аввал драманинг ўзига хос ва бошқа адабий турлардан фарқли жиҳатларини кўриб чиқиш лозим. Драманинг характерли хусусияти шундан иборатки, унинг муаллифи носир ва шоирдан фарқли ўлароқ ўқувчилар ва томошабинлар билан ўз қаҳрамонлари орқали бевосита гаплашади, мулоқотда бўлади. Драматург қаҳрамонларининг фаолиятини кўрсатиб, ахлоқини ифодалаб, руҳий оламини очиб, ўзининг ҳаёт ҳақидаги тафаккурини изҳор этади, даврининг муҳим, долзарб масалаларига муносабатларини билдиради. Бу ҳол драмада қаҳрамоннинг аҳамиятини жуда оширади, унинг турмуш мезонини аниқлайдиган шахсга айлантириб юборади.

Мана шундагина қаҳрамоннинг ҳаётини замини, қилмишлари ва хатти-ҳаракатларининг аҳамияти кўзга ташланади. Бундай қаҳрамон драманинг ғоявий моҳияти билан узвий боғланиб, унинг туб маъносини гавдалантиради, бош драматургик конфликтнинг ривожига алоҳида куч бахшида этади. Драманинг бошқа турлардан ажратадиган хусусияти шундаки, муаллиф юз берган ҳаракатни, ҳодисани, томошабинларни бевосита кўз олдида келтириб ижод этади. Юз берган ҳодисага урғу қилишимизнинг боиси шундаки, асар диалог ва монологлардан ташкил топиб, муаллиф «четлаштирилиб», ўз сўзидан маҳрум қилинади. Воқеа ва ҳодиса тўла равишда ҳаракатда ўз ифодасини топиши туфайли муаллифни баёнчиликдан, ҳикоя этишдан фориғ этади. Драматург томошабинга ҳеч нарса тушунтирмасдан, қаҳрамонларининг қилмишларини баён қилмасдан воқеаларга шундай ҳаракат бериб юборадики, шундан томошабинга ҳамма нарса юборадики, шундан томошабинга ҳамма нарса аён бўлгандай туйилади. Келгуси воқеалар оқимига назар ташлай билади, уларни ҳаяжон билан кузатади.¹

Маълумки, муаллиф драмада персонаж таржимаи ҳолини беришда жуда чекланган. Наср ва назмда қаҳрамоннинг келиб чиқиши, қаерда яшагани, қаерни битиргани, илгари нима иш қилганини, ҳозирда нималар билан шуғулланаётганини, ота-онасининг ҳаётини, қариндош – уруғларини кенг ёритиб бериши мумкин. Драмада эса инсонларнинг қисматларини, ички оламларида тез-тез юз берадиган кечинма ва товланишларини муаллиф ўз тили билан ҳар томонлама очиб бериш имкониятига эга, холос. У ўз қаҳрамон билан романчидай ҳар вақт бирга бўлиб, ўқувчиларга уларни қандай тушуниш кераклигини айтиб бера олмайди. Шахсларнинг сирли фикрларини, характеридаги яширин мотивларини, кучли кечинмаларининг сабабларини тушунтиришдан холидир.

Шундай бўлгандан кейин драматург ўз асарининг сюжетини шундай тузиши, воқеаларини шундай ифода этиши керакки, уларда қаҳрамонлар ва вазиятлар, характерли хусусиятлар, персонажларнинг зарур қирралари очиқ-ойдин тўлалигича намоён бўлсин. Булардан ўқувчи ва томошабин муаллиф айта олмаган, бўлиши мумкин бўлган нарсаларни ҳам

¹ В.К. Туркин. Драматургик кино. – Москва.: ВГИК, 2007.

фаҳмлаб олади. Роман қаҳрамони билан драма қаҳрамони ўртасида қандай фарқлар бор? Саҳна асарини ёзишга киришган қаламкаш бу масалага диққат эътиборини қаратмасдан туриб, пьеса ёза олмаслиги, ёзса ҳам унинг асари муваффақиятсиз чиқиши аниқ. Икки жанрдаги шахсларни бир-биридан ажратиш, тафовутларни обдон билиш лозим. Албатта, буларни бир-бирига қарши қўйиш ёки фарқларига бефарқ қараш орқали масалага тўғри ёндашиб бўлмайди. Маълумки, икки жанрнинг ўзига хос табиати, бадиий шакллари уларнинг фарқларини келтириб чиқаради. Қаҳрамонларни характерлаш, уларнинг қиёфасини ёритиб бериш икки жанрда турлича намоён бўлади.

Маълумки, икки жанрдаги қаҳрамон ҳам адабиётнинг умумий қоидалари ва талабларидан келиб чиқиб яратилади. Шу сабабдан ҳам уларга кўп умумийлик хос. Ҳар икки адабий қаҳрамоннинг образлар деб аталиши ҳам бежиз эмас. Бу ҳол эса драмадаги персонажни эпос ва лирика қаҳрамонидан бутунлай бошқача, бадиий воситалардан фойдаланмай яратилган, деб фараз қилиш ҳам жуда зарарли оқибатларга олиб бориши мумкин. Тўғри, драматик шаклда намоён бўлган характер ихчам, лўнда қилиб таърифланади ва қиёфаси очиб берилади. Бундан ташқари, наср ўз қаҳрамонларининг келажаги қандай бўлиши мумкинлигини кенг ва ҳар томонлама таҳлил қилиш имкониятига эга. У асар ҳажми билан ҳамда вақт оралиғи билан чекланмаган. Драматург бундан кўпроқ нарсани қила олмаслиги маълум. Бу дегани характерни тўла очиб бермаслик, сюжетни пухта тузмаслик, конфликтни кенг ёритмаслик, драматик ҳаракатни тор доирада бериш дегани эмас.

Драматургдан бадиий асар яратиш талаб қилинар экан у адабий асарнинг талабларига тўлиқ жавоб бериши, катта мазмунни, чуқур ғояни, пухта характерларни бера олиши шарт қилиб қўйилади. Шундагина воқелик драмада ўзининг муносиб аксини топган бўлади. Драмада вақт, давр, жой тасвири ҳам бошқа турлардан фарқ қилади. Санъаткор табиатни, ранг-баранг шароитларни кенг ифодалай олмай фақат, кўпи билан 4–5 хил кўринишни кўрсатиш билан кифояланади. Пьеса узоқ вақтни, бир қанча даврларни қамраб олиш имкониятига эга бўлмай, балки тасвирланган воқеа қисқа вақт, ҳаттоки кўп ҳолларда бир неча кунда, ҳатто бир кунда, бир неча соатда бўлиб ўтади.

Асрлар давомида буюк драматурглар томонидан ёзилган ўлмас драмалар бизгача етиб келди. Аммо даҳолар ҳам ҳамиша яхши асарлар ёзаверишмаган. Уларнинг ҳар бир ёзгани асрлар билан бўйлашадиган муваффақиятли асар бўлавермаган. Бу ҳодисани табиий қабул қилиш лозим. Нега? Чунки энг кучли драматурглар ҳам аниқ билимдан кўра сезгига ва индивидуал ижодий қувватга таяниб ёзишган. Ижодий инстинкт бир ёки бир неча марта ўлмас асар яратишга туртки бўлиши мумкин, аммо агар инстинктдан бошқа нарса бўлмаса, ижодий силсиланинг тадрижи алалоқибат муваффақиятсизлик билан тугайди. Драмани тартибга солувчи қонун-қоидалар асрлар давомида пишиб, сайқалланиб мукамал ҳолатга келган. Назариётчи Аристотел 2500 йил олдин шундай деб ёзади: «Бу қисмларнинг энг муҳими воқеалар омборидир. Дарҳақиқат, фожиа одамларга тақлид эмас, балки ҳаракатларга, фожиалар омборига тақлид қилишдир».¹ Аристотел характернинг муҳимлигини инкор этади ва унинг фикри ҳозирги кунгача энг эътиборли қарашлардан бири бўлиб қолмоқда. Бошқалар характерни ҳар қандай адабий асарнинг энг муҳим қисми деб билишади. XVI асрдаги испан драматурги Лопе Де Вега қуйидаги схемани берган: «Биринчи поғонада фитнани бошланг. Иккинчисида воқеаларни тўқинг, шунда учинчи поғонанинг ўрталарига қадар натижасини олдиндан айтиш мумкин эмас. Ҳар доим умидларни алдаётган бўлинг,

¹ *Арасту*. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2011.

натижада содир бўлаётган воқеалар ваъда қилинган вақтга тўғри келмайди ва томошабиннинг онгига иш беради».¹

Немис танқидчиси ва драматурги Лессинг шундай деб ёзган эди: “Драма қонунлари санъат бўлгани учун борлиги аниқ, аммо бу қонунлар нима эканлиги аниқ эмас”.²

Ва шунга ўхшаш нарсалар ва ҳамма бир-бирига рози эмас. Баъзилар умуман қонунлар ёки қоидалар бўлиши мумкин эмас, бу энг тушунарсиз нуқтаи назар деб айтишгача борди. Биз овқатланиш, нафас олиш қоидалари борлигини биламиз, ҳатто расм, мусиқа, рақс, учиш ва кўприк қуриш қоидалари борлигини билсак ҳам, табиат ва ҳаётнинг ҳар қандай намоён бўлишининг қоидалари борлигини биламиз – бу ягона адабиётдир? Албатта, йўқ.

Драматик қоидаларни кашф этишга уринаётган бир нечта муаллифлар бизга ушбу ўйин турли қисмлардан иборат: мавзу, сюжет, эпизодлар, зиддиятлар, асоратлар, мажбурий саҳна, атмосфера, диалог ва авж нуқтаси, китобларнинг ҳар бири ҳақида тушунтириш ва таҳлил қилиш ҳақида ёзилган.

Драматургияда характер яққол акс этмас экан, асар қаҳрамонга тўла очилмайди. Характер тушунчасини тавсифлашдан аввал “одам” деб номланган мавжудот қандай элементлардан иборат эканлигини аниқ билиб олиш лозим. Белгилар биз ишлашимиз керак бўлган асосий материалдир, шунинг учун уни иложи борица батафсилроқ билиш драматургнинг мақсадини яққол ифодалайди. Гейнрих Ибсен ўзининг ижодий усули ҳақида гапириб, шундай ёзади: “Мен бирор пьесани ёзаётганимда ёлғиз қолишим керак. Агар мен ишлаётган драмада саккизта белги бўлса, демак, бу катта бир жамият дегани. Мен шу жамиятни тушунишни ўрганишим керак. Жараён эса узоқ ва оғриқли. Қоида тариқасида мен ўзимнинг пьесаларимни уч марта қайта ёзганман. Материални бошлаганимда дастлаб қаҳрамонларим билан поездда учрашиб қолгандек ҳис қиламан. Танишиш учун умумий фикр бор, у ёки бу нарса ҳақида бироз суҳбатлашдик. Қайта ёзаётганимда жуда кўп нарсаларни аниқроқ кўраман ва мен бу одамларни худди улар билан бир ой яшагандай яхшироқ биламан”.³

Характерда ҳар бир элемент учта ўлчамга эга: чуқурлик, баландлик, кенглик. Одамларда яна учта жиҳат бор: физиология, социология, психология. Ушбу ўлчамларни билмасдан, биз инсонни тушуна олмаймиз. Бирор кишини ўрганиш, унинг кўпол ёки одобли, диндор ёки атеист, камтар ёки манманлигини билиш етарли эмас. Нима учун ўша инсоннинг феъли нега бундайлигини, нима учун унинг феъл-атвори доимий равишда ўзгариб туришини ва нима учун инсон ўзи хоҳлашидан ёки хоҳламаслигидан қатъи назар билиб олиш керак.

Агар ушбу ўлчовларни кетма-кетлик асосида ташкил қилиш лозим бўлса, унда физиологик жиҳат биринчи бўлади. Чўлоқ, кўр, кар, чиркин, келишган, баланд бўйли, бўйи паст – ҳамма дунёни бошқалардан бошқача кўради. Бемор соғликни энг юқори марҳамат деб билади, соғлом одам эса соғликнинг аҳамиятини етарли даражада тушунмайди. Бизнинг жисмоний ҳолатимиз дунёқарашимизга, ҳаётга бўлган муносабатимизга таъсир қилиши, шубҳасиз. Бу таъсир чексиздир, у бизнинг ақлий қиёфамизни белгилайди, устунлик ёки пастлик мажмуаси учун асос бўлиб хизмат қилади. Ва бу ўлчов ҳамма учун энг ёрқин ва равшан.

Билиш керак бўлган иккинчи ўлчов – социологик. Агар одам ертўлада туғилган бўлса ва кўчада ахлоқсизлик билан шуғулланган бўлса, бундай одамнинг хатти-ҳаракатлари ҳаша-

¹ *Лайош Эгри*. Искусство драматургии. Творческая интерпретация человеческих мотивов. Москва, 2006.

² *Лайош Эгри*. Искусство драматургии. Творческая интерпретация человеческих мотивов. Москва, 2006.

³ *Лайош Эгри*. Искусство драматургии. Творческая интерпретация человеческих мотивов. Москва, 2006.

матли уйда туғилган, тоза ва чиройли ўйинчоқларни ўйнаб улғайган боладан фарқ қилади. Аммо иккаласи ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмасдан туриб, у икки одамнинг фарқларини аниқ таҳлил қилиш мумкин эмас. Ота-онаси кимлар эди? Улар касалми ёки соғлом эдилми? Қаерда ишлашган? Улар ким билан дўст эди? Улар ва дўстлари бир-бирларига қандай таъсир кўрсатган? Шу каби саволлар социологик ўлчамни очишга хизмат қилади.

Учинчи ўлчов – психологик, бу дастлабки икки ўлчамнинг самараси. Уларнинг биргалликдаги таъсири темперамент, комплекслар, ақлий хусусиятлар, позитивлик ва бошқаларни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, психология инсоннинг уч ўлчовли схемасини тўлдиради.¹

Лайош Эгри ўзининг “Драматургия санъати” китобига киритган “Инсоннинг характери асосида ижодий талқин” номли тадқиқотида шу ўлчам асосида тахминий диаграмма келтиради. Буни уч ўлчовли инсон характерининг скелетлари дейиш мумкин.

Физиология:

1. Жинс.
2. Ёш.
3. Баландлиги ва вазни.
4. Соч, кўз, терининг ранги.
5. Жисмоний ҳолат, сеvimли позициялар.
6. Ташқи кўриниши: ёқимли, озода, бепарво ва бошқалар. Бош, юз, оёқ-қўллар шакли.
7. Камчиликлар: деформациялар, туғма нуқсонлар, касалликлар.
8. Ирсият.

Социология:

1. Синф: қуйи, ўрта, юқори.
2. Касблар: иш тури, иш вақти, даромади, меҳнат шароити, касаба уюшмаси бор ёки йўқлиги, ишни ташкил этиш даражаси, бу ишни бажариш қобилияти.
3. Таълим: синфи, мактаби, сеvimли мавзулари, ёқтирмайдиган мавзулари, мойилликлар, сеvimли машғулотлар.
4. Уйдаги ҳаёти: ота-оналарнинг турмуш тарзи, ота-оналарнинг одатлари, ота-оналарнинг интеллектуал ривожланиши, уларнинг иллатлари, бепарволиги. Оилавий ҳолати.
5. Дин.
6. Ирқи, миллати.
7. Гуруҳдаги позицияси: дўстлар орасида, ҳамкасблар орасида.
8. Ўйин-кулги, сеvimли машғулотлари: у ўқиган китоблар, журналлар, газеталар.

Психология:

1. Жинсий ҳаёт, ахлоқ қоидалари.
2. Шахсий мақсадлари, интилишлари.
3. Мағлубият, умидсизлик, муваффақиятсизлик.
4. Темперамент: холерик, бепарво, пессимист, оптимист.
5. Ҳаётга муносабати: итоаткор, фаол, енгилувчан.
6. Комплекслар: хурофотлар, фобиялар.
7. Экстрове́рт, интроверт, ўртача тип.

¹ Лайош Эгри. Искусство драматургии. Творческая интерпретация человеческих мотивов. Москва, 2006.

8. Қобилиятлар: тилларни билиш, алоҳида истеъдод.

9. Сифатлар: тасаввур, эҳтиёткорлик, дид, мувозанат.

10. Ақлий ривожланиш даражаси.

Биз характер ташқи таъсирга қандай жавоб қайтаришини кўриб чиқдик. Ички томонда нима бўлади? Таъсир энергияси қандай туғилади?

Киши драматик ҳолатга тушганида, унга нима ҳалақит қилаётган бўлса, ундан қутулиши керак ёки унга нимадир етишмаса, шунга эришиши керак. Унинг ақлини нима банд қилган бўлса, қисқа қилиб дард деб аташ мумкин. Бу нарса учун дард атамаси жуда мос келади. Қаерингдир оғриётган бўлса, бошқа ҳамма еринг унга нисбатан аҳамиятсизроқ бўлади. Унга қарши қилинадиган ҳаракатдан бошқаси аҳамиятсиз бўлиб қолади.

Биринчидан, инстинктив тарзда бирданига характерда қарши таъсир мотивацияси – қисқача айтганда – мотив ишга туширилади. У худди чироқ сингари, персонажни ички томондан ёритади.

Мотивация характернинг барча – онгли, онгсиз, инстинктив даражаларида намоён бўлади. Аммо унинг онгли даржаси албатта бўлиши лозим.

Мотивация ниятга – мўлжалга эришиш истагига айланади. Ният – бу энди онгли қарор. У “хоҳиш”ни “фаолият кўрсатиб, мақсадга эришиш”га айлантиради. Ҳали сиз мақсадга эришганингиз йўқ ва ҳали аниқ бир дарддан қутулмагансиз, драматик ҳолат ҳали ҳал этилмаган. Бир мақсадга эришдингиз – битта дарддан халос бўлдингиз, кейинги драматик ҳолатга ўтасиз.

Сиз оёғингизни синдириб олдингиз. Гипс қўймагунларича ҳаракатингизни давом эттира олмайсиз.

Машинангиз ҳалокатга учради – сиз уни тuzатмасдан йўлда давом эта олмайсиз; ёки уни йўлга ташаланг-у, пиёда кетинг.

Драматик ҳолат йўлда ҳаракатни давом эттириш учун енгиб ўтилиши лозим бўлган тўсиқдир. Драматик воқеада характер тўлиғича ҳал қилиб, йўлда давом этиш мумкин бўлган биргина оддий муаммога жалб этилади. Шу тарзда биз жуда оддий элементлардан ҳаётнинг ўта мураккаб кўринишларини тузишимиз мумкин. Уларнинг битта яққол афзаллиги бор. Улар эмоционал жавоб топадилар, томошабин билан боғланишга эришадилар.¹

Фақат бир ҳолатдагина биз бир драматик ҳолатдан бошқасига ҳаяжонланган томошабинни ўз орқамиздан эргаштирган ҳолда ўтишимиз мумкин: уларга қаҳрамоннинг кечинмалари тушунарли бўлиши керак, шундагина томошабин характерга эмоционал киришиш имкониятига эга бўлади.

Персонажнинг онгида бир вақтнинг ўзида яшаётган барча аргументлар ва ниятлар орасида ҳар сафар бизни характерда биргина конкрет қадам қўйиш истагини туғдирадиган битта конкрет мотив қизиқтиради. Биз драмада ҳар сафар биргина ҳукмрон мотивацияни танлашимиз лозим.²

Прозада эса бу шарт эмас. Ҳикоя қилиб бериш учун персонажларнинг кўпқаватли мотивациялари, рефлексиялари, ноаниқ ниятлари ва ноилоҳ ҳолатлари – бу оддий, табиий ва саводли ҳол. Аммо драманинг персонажи тубдан бошқача, у фаолият кўрсатиши антагонист билан курашиши ва томошабинни унга ҳамдардлик қилиши учун жалб қилиши керак. Шунинг учун ҳар сафар унда биргина тушунарли ҳаракат учун биргина тушунарли моти-

¹ Александр Митта. “Кипр между адом и раем”. Издательский дом, Подкова, 1999.

² Александр Митта. “Кипр между адом и раем”. Издательский дом, Подкова, 1999.

вация бўлиши лозим. Умумий йўл жуда мураккаб бўлиши мумкин. Ҳар бир қадам содда бўлиши керак.

Бу ҳақида Дэвид Маммет шундай деган эди: “Персонажнинг ҳар бир ҳаракатида фақат битта мотивация бўлиши керак, агар шундай бўлмаса сиз: “мен автобус ҳайдовчилари иш ташлаганлари учун дарсга кеч қолдим, менинг холам бўлса зинадан йиқилиб, оёқларини синдириб олди, деган талабага ўхшаб қоласиз”.¹ Мотивациялар кўп бўлса, муаллифнинг ғояси, актёрнинг ижодий иродаси ва томошабиннинг қизиқишлари чўкиб кетади.

Миттага кўра, “Ҳар қандай воқеа драматик ҳолатдан бошланади. У қанчалик тез юзага чиқиши керак? Энг яхшиси – дарҳол. Драматик ҳолат инсонлар ўртасида вужудга келган муаммо ҳақида баён қилади. Бу жуда муҳим чеклов. Қаҳрамон ва табиат кучлари, ижтимоий ҳодисалар ва фалсафий концепциялар ўртасидаги муаммолар ҳикояларда ёмон ишлайди. Уларнинг ҳаммаси конкрет, тирик кишилар ўртасида бўладиган тўқнашувларга келтирилиши керак”.²

Аристотел назарияси ва Фрейднинг инсоннинг уч томонидан бирини ўрганиш бўйича қилган ишларига қарамай инсон руҳияти ва характери тўлалигича тадқиқ этилмаган. Уильям Арчер “Драматургия: магистр учун қўлланма» китобида шундай дейди: “Характер белгиларини тасвирлашни назарий маслаҳат билан ўргатиш мумкин эмас”. Биз «назарий тавсиялар» фойдасиз деган фикрга қўшилишга тайёрмиз, аммо аниқ тавсиялар ҳақида нима дейиш мумкин? Жонсиз нарсаларни ўрганиш осонроқ эканлиги ҳақиқатан ҳам, инсоннинг мураккаб табиати ҳам ўрганилиши керак деган хулосага олиб келади ва бу вазифани соддалаштириши мумкин. Арчер ўзи учун номаълум бўлган инсоннинг характерини билиш қобилияти борлигини, лекин бу юзага чиқиши учун драматик ҳолат бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Аммо агар кимдир муваффақиятга эришган бўлса ва биз буни қандай амалга оширганини билсак, нега биз ундан ибрат олмаймиз? Ёмон пьесани ўқиётганимизда муаллиф ўз қаҳрамонларини қанчалик яхши билмаслигига ҳайрон бўламиз; яхши асарни ўқиганимизда муаллиф улар ҳақида қанчалик билганига ҳайрон бўламиз. Хўш, нега биз иқтидорли бўлмаган ёзувчига кўзларини кўришга ва ақлини тушунишга ўргатишни тавсия қилмаслигимиз керак? Нега кузатишни тавсия қилмайсиз?

Агар «йўқ» ёзувчида тасаввур, танлов ва ёзиш мавжуд бўлса, у «йўқ» биладиган нарсаларни фақат инстинкт орқали атайлаб ўрганиб чиқсин. Бир пайтлар характерни тасвирлашга муваффақ бўлган одам энди бутунлай бу ишни қилолмай қоладими? Балки у фақат ўз инстинктига таянганлиги учундир? Сизни ишонтириб айтамызми, даҳолар жуда кўп ёмон пьесалар ёзганлар, чунки улар инстинкт кучига таянар эдилар, бу энг яхши ҳолатда тасодифий ишлайди.³

Муҳим бизнес тасодифий равишда амалга оширилмайди, балки билимга мувофиқ ҳаракат қилади деб ишонилади. Арчер характерга қуйидаги таърифни беради: “... драматургнинг амалий мақсадлари учун характерни интеллектуал, ҳиссий ва асабий хусусиятлар мажмуаси сифатида аниқлаш мумкин”. Лоусон эса комплекс сўзига эътибор қаратади: “Комплекс – икки ёки ундан ортиқ қисмдан иборат, мураккаб, содда эмас. Интеллектуал –

¹ Александр Митта. “Кино между адом и раем”. Издательский дом, Подкова, 1999.

² Александр Митта. “Кино между адом и раем”. Издательский дом, Подкова, 1999.

³ Лайош Эри. Искусство драматургии. Творческая интерпретация человеческих мотивов. Москва, 2006.

фақат ақл, онг ёрдамида таниб олиш мумкин, бу эса руҳиятга кириш имконини беради. Эмоция эса тажрибадир”.¹ Энди тушунарли. Бу бир вақтнинг ўзида ҳам содда, ҳам қийин.

Жон Лоусон ўзининг “Драма назарияси ва техникаси” китобида шундай ёзади: “Кўп одамлар воқеани шунчаки юз берган қандайдир бир воқеа сифатида кўришни билмайдилар. Характерлар кўринмас экан доим шундай бўлади. Пьеса бир-биридан фарқ қиладиган қисмлар тўплами эмас: диалоглар, характерлар ва бошқалар. Бу жонли нарсадир, бу ерда барча қисмлар бирлаштирилиши керак”.² У фикрини давом эттираркан шаклни, яъни асарнинг ташқи томонини ўрганиш мумкин, аммо ички томони, унинг руҳи бизни четлаб ўтади, дейди. Агар биз характерни тушуна олмасак, асарнинг руҳи бизни ҳар доим четлаб ўтади. Бу асарнинг ички томони, олдиндан айтиб бўлмайдиган қалб, қалбни эса характерни очмасдан кўрсатиб бўлмайди. Лоусон Аристотелнинг «хатти-ҳаракатлар характердан кўра муҳимроқ» қарабини қабул қилади. Лайош Эгри “характер бу дунёдаги энг қизиқ нарса, ҳар бир белги алоҳида дунё бўлиб, инсон ҳақида қанча кўпроқ билсангиз, унга шунчалик қизиқасиз”, дейди.³

Асосий характер – бу протоголист, яъни ижобий қаҳрамондир. Лоусонга кўра, протоголист «баъзи бир ҳолат ёки ҳаракатларда етакчи рол ўйнайдиган» кишидир.⁴ Ким қаҳрамонга қарши чиқса, у рақиб, душман ёки антагонистдир. Асосий характер зиддиятни келтириб чиқаради ва томошани қизиқарли қилади. “Отелло”да асосий рол Яго. У ҳаракат қилувчи одам. Отеллодан хафа бўлиб, у қасос олади, нифоқ ва ҳасад оловини сочади. У можарони бошлайди. “Кўғирчоқлар уйи” драмасида Кростад ўз ўрнини сақлаб қолиш учун Норани деярли ўз жонига қасд қилишга мажбурлайди. У асосий, етакчи фигура. Ким асосий қаҳрамонга қарши чиқса, муқаррар равишда антагонист, яъни рақиб бўлади. Антагонист – зўравонлик қаҳрамонини тийиб турувчидир. У чекланмаган зўравонликка қарши курашиш учун бор кучини, ақл-заковатини, зукколигини сарфлайдиган киши. Агар бирон сабабга кўра антагонист бундай курашга дош беролмаса, бошқасини топишга тўғри келади.

Ҳар қандай драмадаги антагонист, албатта, қаҳрамон каби кучли ва баъзан, жиловсиз бўлиши керак. Кураш кучлар тенг бўлган тақдирдагина қизиқарли бўлади. Агар асар яхши ёзилган деб ўйлаган бўлсак ҳам, антагонистлар асарнинг ўртасида ҳеч қандай вазифа бажармай қўйса, жавобни «қарама-қарши томонларнинг бирлигидан» излаш керак. Ушбу иборани кўпчилик нотўғри тушунади ва ишлатади. Қарама-қаршиликларнинг бирлиги курашаётган кучларга ёки тўқнашган томонларга тааллуқли эмас. Ушбу бирликнинг нотўғри қўлланилиши, характерлар зиддиятни охирига етказа олмайдиган шароитларга олиб келади. Бундай офатдан ҳимоя қилишнинг биринчи чораси шартларни аниқлаштиришдир. Агар бир киши тасодифан бошқасини итариб юборса ва жанжалдан кейин улар курашишни бошласа, бу кураш қарама-қаршиликлар курашининг натижаси бўладими? Фақат ташқи томондан, аммо чуқур ёндашиш шарт эмас. Одамларда курашиш истаги бор. Уларни ҳақорат қилишади, улар қасос олишни хоҳлашади, аммо уларнинг орасидаги фарқ унчалик чуқур эмас. Булар асарнинг ўртасида ўзаро тинчликка келишув йўли билан тарқалиб кетадиган антагонистлардир. Улар тушунтириш, кечирим сўраши ва қўлларини силкитиши мумкин. Қарама-қаршиликларнинг ҳақиқий шакли – бу мурасага эришишнинг иложи йўқлигидир. Шамол қанчалик

¹ John Howard Lawson. Theory and Technique of Playwrighting, Putnam, 1936.

² John Howard Lawson. Theory and Technique of Playwrighting, Putnam, 1936.

³ Хайош Эгри. Искусство драматургии. Творческая интерпретация человеческих мотивов. Москва, 2006.

⁴ John Howard Lawson. Theory and Technique of Playwrighting, Putnam, 1936.

кучсиз бўлмасин, бу – ҳаракат. Ёмғир – бу ҳаракат. Ғор одами ҳайвонни ўлдирди – бу, албатта, ҳаракат. Ва пиёда юриш, қушларнинг учиши, овқат тайёрлаш ва китоб ўқиш – ҳаётнинг ҳар қандай намоён бўлиши “ҳаракат” дир. Аммо биз ҳаракатни мустақил ҳодиса сифатида кўришимиз мумкинми? Мана шамол. Биз буни нима деб атаймиз – бу ҳарорат, босим ва бошқаларнинг ўзгариши натижасида атрофимиздаги кўринмас ҳаво океанининг ҳаракати. Яъни, «шамол» деб номланган ҳаракат кўплаб омилларнинг ўзаро таъсири натижасида рўй беради. Қуёш ва бошқа омиллар бўлмаса, ёмғир бўлмайди. Ғор одами ҳайвонни ўлдирди. Қотиллик бу ҳаракат, аммо унинг ортида уни ўлдиришга ундаган шароитда яшайдиган одам туради: очлик, ўзини ҳимоя қилиш ва хоказо аргументлар билан далилланган одам. Қотиллик муҳим омилларнинг ўзаро таъсири натижасидир, гарчи биз уни алоҳида «ҳаракат» деб атасак ҳам. Дунёда сабаби ўзида бўлган ҳаракат ёки воқеа йўқ. Ҳамма нарса бошқа нарсанинг натижасидир.

Ҳеч нарса тўғрисида қарор қабул қила олмайдиган пьеса қаҳрамонлари ёки бундай қаҳрамонларни танлаган драматург асарнинг ҳаракатсизлиги учун жавобгардир. Ҳеч нарсани истамайдиган ёки нима истаётганини билмаган одамдан ривожланиб бораётган можарони кутиш мумкин эмас. Драматик ҳаракатни статик ҳолатга келтирадиган нарса нима, деган саволга жавоб излаб кўрамиз. Энг статик зиддиятнинг ҳам баъзи ҳаракатлари борлигини таъкидлаш зарур. Табиатда мутлақо статик нарса йўқ. Жонсиз нарса ҳаракатга тўла, кўзга кўринмас, асарда жонсиз муҳит ҳам ҳаракатни ўз ичига олади, аммо ҳаракатсиз бўлиб туюлади.

Ҳеч қандай диалог, ҳатто энг интеллектуал диалог ҳам конфликтни олдинга силжитмаса асарни зиддиятдан маҳрум қилади. Фақат зиддият кейинги конфликтни келтириб чиқариши мумкин ва биринчи зиддият мақсадга эришишга интилган онгли иродадан келиб чиқади, яъни асарнинг дастлабки шарт билан белгиланади. Драмада ҳар бир персонажнинг бошқаларга тегишли мақсадлари билан тўқнашадиган ўзига хос мақсади мавжуд. Мақсадлар ва манфаатлар тўқнашиши керак. Шунда зиддият яъни конфликт пайдо бўлади. Бу драматургиянинг энг асосий қондаси ва бусиз иложи йўқлигини драматург яхши англаши лозим.¹

Ўзбек драматургиясида пафос ва кўтаринкилик кўпроқ учрайди. Шунинг учун характер тушунчасига тавсиф беришни шу ерда тугатиб, “пафос” ҳақида тўхталамиз. “Пафос” лотинча сўз бўлиб, “бир ҳисга қаттиқ берилиш”, “зўр ҳаяжон, эҳтирос” демакдир. Оддий ҳаётда бирор киши ўз фикрини чуқур эътиқод билан “ёниб – куйиб” ифодаласа, уни “пафос” билан сўзлаётир дейдилар. Адабиётшунослик ва санъатшуносликда ҳам “пафос” сўзи ана шунга яқин, аммо ундан анча кенг ва чуқур маънода ишлатилади. “Пафос” сўзининг маълум эстетик ҳодисани ифода этувчи термин сифатида илмга, даставал Гегел киргизди, Билинский эса адабиёт ва санъат асаридаги “пафос” тушунчасини илк маротаба илмий жиҳатдан кенг асослади, унинг мазмунидаги кўп янги қирраларини очди. Ўзбек классик адабиётшунослигида бирор асарнинг мазмунига сингиб кетган чуқур маъно ва ҳаяжонни қайд этмоқчи бўлганларида, маъноси жиҳатдан “пафос” сўзига яқин “дард” тасдиқ қилар эдилар. Ўзбек халқининг “Бу одамнинг дарди фалон нарса”, деган ифодаси билан шоирнинг дарди ҳақидаги таъбир орасида, шубҳасиз, алоқа бор.

Ҳар бир санъат асарининг кучи унинг мазмунидаги ана шу эҳтиросни, “дард”ни ўқувчи, эшитувчи ёки томошабинга “юқтира билиш”да кўринади. Аммо “эҳтирос” ёки “дард” иборалари бадий асарга хос ана шундай “юқтирувчанлик хусусиятини тўла ифода этолмайди. Билинский пафоснинг эҳтиросга ўхшашлигини қайд этиши билан бирга, уларнинг айнан

¹ Лайош Эри. Искусство драматургии. Творческая интерпретация человеческих мотивов. Москва, 2006.

бир нарса эмаслигини ҳам ўқтириб ўтади. Эҳтирос – умуман “ҳис-ҳаяжон”, демакдир. Пафос эса ғоя билан боғлиқ бўлган ҳисни, бирор ғояга мафтунлик натижасида ижодкорда пайдо бўлган қаттиқ ҳаяжонни, кўтаринки руҳни билдиради. Пафосда драматург худди жонли, гўзал мавжудодга кўнгил бергандек, ғояга мафтун бўлган зот сифатида намоён бўлади, бу мавжудотнинг ўзи ана шу ғоя билан эҳтиросли равишда тўлиб тошган бўлади ва санъаткор бу ғояни онги, идроки билан эмас, фақат бир ҳис билан эмас ва ўз руҳининг бирорта қобилияти билан эмас, балки ўз маънавий ҳаётининг бутун тўлалиги ва яхлитлиги билан мушоҳада этади. “Пафос” деганда ҳам эҳтирос кўзда тутилади, шу билан бирга, бошқа ҳар қандай эҳтирос каби инсоннинг тўлқинланиши, бутун асаб системасининг ларзага келиши билан боғлиқ бўлган эҳтирос кўзда тутилади. Аммо пафос доимо инсон қалбида ғоя кучи билан аланга олдираётган ва доимо ғояга интилувчи “эҳтирос”дир. Белинский фикрича, пафос – ёзувчи шахсини ва асарларини тушунишнинг калитидир.

Митта қаҳрамонга бўлган муҳаббатни ўқувчида ёки томошабинда уйғотиш зарурлигини таъкидлайди. У бу жараёни “қаҳрамонни севишга шошил”, деб атайди. Шу билан бирга ушбу процессни асослаб беради, қаҳрамонни севишга ундовчи сабабларни келтиради:

1. У – воқеанинг маркази.
2. Унинг мотивлари сюжетни ҳаракатга келтиради.
3. Томошабинга ўзини қаҳрамон билан таққослашга ёрдам берадиган эмоцияларни кўрсатишга шошилини.
4. Қаҳрамон хуш кўрилиши керак. Бунинг учун у – қанча олдин бўлса шунча яхши – драматик ҳолатда бўлиши керак.
5. Қаҳрамон тушиб қолган хавф-хатар унинг уларга қарши туриш имкониятларидан тезроқ ўсиб бориши керак.
6. Қандай қаҳрамон севги уйғотади?
 - а) Яхши ва меҳрибон.
 - б) Кулгили ва адолатли.
 - в) Ўз ишининг устаси.
7. Тенглаштириш муаммосини зудлик билан ҳал қилиш керак. Аввал ёқтириб қолиш, кейин бошқалари. Иложи борица тезроқ томошабинни қаҳрамон билан таништиринг.
8. Қаҳрамонга куч беринг. Қандай куч?
 - а) Одамлар устидан ҳукмронлик кучи – Кейн. Майкл Корлеоне.
 - б) Иккиланмасдан ҳаракат қилиш – Шварценеггер, Бельмондо, Рембо.
 - в) Ўз ҳиссиётларини ифодалашда журъатлилик – “Битирувчи”даги Дастин Хофман.
 - г) кечинмалар кучи ва реаллик таъсирига жавоб бериш чуқурлигининг “Кўзичоқлар сукути”даги Жоди Фостер, “Какку”даги Жек Николсон.
9. Кучсизликлар ва камчиликлар (ичади, севувчан, дангаса) билиадиган ва тушунарли бўлиши керак.
10. Реалликни қаҳрамон билан бирга, унинг кўзлари билан очинг. Реалликка унинг саволлари – сизнинг саволларингизни ўзи. У сиз билан бирга жавоб ахтаради. Бу яқинлаштиради.¹

Ушбу назарий қарашлар бизга ўзбек драматургиясида Алишер Навоий образининг бадий талқини қанчалик муваффақиятли ёки муваффақиятсиз чиққанини аниқлашда ёрдам берадиган барометр кабидир. Таҳлилларда шу ва яна бошқа назарий қоидаларга таянамиз.

¹ Александр Митта. “Кино между адом и раем”. Издательский дом, Подкова, 1999.

II. ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ОБРАЗИ ТАСВИРЛАНГАН АСАРЛАР

Навоий ҳаётига оид асосий воқеалар занжири борки, бу каттадан кичикка қадар маълум. Навоий ҳақида бадиий асар ёзаётган ижодкор учун бу каби маълумотларнинг кўплиги қўл келса-да шу билан бирга ўқувчини қизиқтира олиш, янги гап айта олиш нуқтайи назаридан қаралганда, мураккаблик ҳам туғдиради. Асосий воқеалар нималардан иборат? Шу ҳақида бироз тўхталиб ўтсак. Низомиддин Мир Алишер 1441 йилнинг 9 феврилида Ҳиротнинг боғи давлатхона мавзейида, темурийлар хонадонига яқин бўлган давлат хизматчиси Ғиёсиддин Баҳодир оиласида таваллуд топган. Тарихчи Мирхонд «Равзат ус-сафо» асарида ёзишича, Амир Алишернинг бобоси Амир Темурнинг ўғли Умаршайх билан эмиқдош бўлган. Тарихий манбалардан маълумки, Навоий ёшлигидан Хуросоннинг бўлажак ҳукмдори Хусайн Бойқаро билан (1469–1506) дўст бўлган. 10–12 ёшидан шеърлар ёзишни бошлаган. Навоийнинг замондоши бўлмиш тарихчи Хондамир қолдирган маълумотларга кўра, машҳур ўзбек шоири Лутфий (1369–1465) қариган чоғларида болакай Навоий билан кўришади ва унинг шеърий иқтидорини юқори баҳолайди. Ҳаёти давомида Навоий муслмон Шарқининг турли мамлакатларида бўлади, ўз даврининг таниқли шахслари билан кўришади. Ўзининг шеърий маҳоратини оширади. 1464–1465 йиллар Навоий ижодининг шинавандалари унинг илк шеърий тўпламини (девлонлари) тайёрлашади. Бундан кўриниб турибдики, ўша даврлардаёқ Навоий машҳур шоир бўлиб улгурган. 1469 йилгача темурийлар ўртасидаги ўзаро ички низолар туфайли Навоий ўзининг она шаҳри Ҳиротдан узоқда яшашга мажбур бўлган. Жумладан, Навоийнинг шу даврда Самарқандда яшагани ва маданий ҳаётда Мирзо Улуғбек даврида бошланган жонланиш эпкинидан нафас олгани муҳим ҳаётий чизиқлардан биридир. 1469 йил темурий Хусайн Бойқаро Ҳиротни эгаллайди ва Хуросон ҳукмдори бўлади. Шу вақтдан эътиборан, Навоий ҳаётининг янги босқичи бошланади. У мамлакатнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этади. Шу йили Хуросон ҳукмдори Навоийни давлат муҳрдори этиб тайинлайди, 1472 йил вазир бўлади. Эгаллаган мансаби орқали у мамлакатнинг маданий ва илмий тараққиётида катта ёрдам кўрсатади. Катта мулк эгасига айланади. 1480 йил Ҳирот шаҳрида ва бошқа вилоятларда ўз ҳисобидан бир нечта мадраса, 40 та работ (йўловчилар учун бекат), 17 та масжид, 10 та сўфийлар тураржойи (хонақоҳ), 9 та ҳаммом, 9 та кўприк ва бошқаларни қурдиради. Бироқ, сарой амалдорларига Навоийнинг бу каби фаолияти ёқмайди ва турли фитналар орқали Хусайн Бойқаро билан муносабатларини бузишади. Шундай қилиб, Навоий эгаллаб турган мансабидан озод этилиб, 1487 йил Астробод шаҳрига ҳукмдор сифатида юборилади. Бу ерда у икки йил хизмат қилади. Мазкур муддат ниҳоясига етгачгина, Хусайн Бойқаро унга Ҳиротга қайтиб, ҳокимиятда мансабга эга бўлишига руҳсат беради. Лекин Навоий бу таклифни рад этади. Рад жавобига қарамай, Бойқаро “амир ул-муқарраб” (“султоннинг яқин кишиси”) лавозимини таклиф этади. Бундай лавозимда Навоий барча давлат ишлари билан боғлиқ ишларда қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эди. Қолаверса, яна Алишер Навоийнинг баъзи бир маълум ва машҳур ҳаётий чизиқлари бор. Навоийнинг илмга бўлган иштиёқи эрта уйғониб, 4 ёшида

мактабда таълим ола бошлаган. Навоий ҳазратлари 7 ёшида Фаридиддин Атторнинг «Ман-тиқ ут-тайр» асарини ёддан билган. Қолаверса, буюк муҳаддис Бухорий ҳазратларининг олти мингдан зиёд ҳадиси шарифларини ёд билган. Манбаларда Мир Алишер 7–8 ёшларидан бошлаб ғазаллар ёза бошлаганлиги айтилади. Туркий тилни қайта тирилтиргани Навоийнинг маънавиятимиз учун улкан жасорати бўлган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Туркий тил била то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас»¹, деб ёзса, Хусайн Бойқаро «Мир Алишер турк тилининг ўлик жасадиға Масиҳ нафаси ила жон ато этди» деб таъкидлаган. Навоий ўн беш-ўн олти ёшларида ҳам туркий, ҳам форсийда ижод қиладиган “икки тилли” шоир сифатида танилган. Ўсмирлик йилларида ўзи севган шоирларнинг 50 минг байтдан ортиқ шеърларини ёд билган. Туркий тилда ёзган шеърларига Навоий, форсий тилдаги шеърларига Фоний деб тахаллус қўяди. Шоирнинг форсий шеърлар тўплами “Девони Фоний” деб номланган. Навоийнинг севгилиси сифатида тасвирландиган “Гули” исми фақат халқ оғзаки ижодида, Навоий ҳақидаги ривоят ва афсоналарда учрайди, холос. Гули номи Навоийнинг ҳаёти ҳақида маълумот берувчи ёзма манбаларнинг ҳеч бирида учрамайди. Уйғун ва Иззат Султон томонидан ёзилган “Алишер Навоий” драмасидан кейин Гули номи Навоий билан ошиқ ва маъшуқа сифатида кўпроқ тилга олина бошланган.

Шу каби асосий тарихий фактлар ва Навоий ҳаётининг муҳим нуқталари бор. Бадиий асар ёзишга чоғланаётган ижодкор шу воқеалар ўзанидан чиқиб кета олмайди. Лекин тарихий ҳақиқатдан узоқлашмаган ҳолда ўз бадиий ҳақиқатини китобхонга етказиш имкониятини ўзида сақлаб қолади.

Тадқиқотимизнинг аввалида Алишер Навоий ҳақида битилган шерий ва насрий асарлар хусусида маълумот бергандик. Ўзбек драматургиясида ҳам Навоий образи акс эттирилган бир нечта пьесалар яратилган.

Алишер Навоий ҳаётига бағишланган тарихий драмалар сирасига Уйғун ҳамда Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” беш парда, ўн кўринишли драмаси, Муҳаммад Алининг “Навоий ва Бойқаро” беш парда, ўн кўринишли тарихий драмаси, Омон Мухторнинг “Амир Алишернинг дарди” икки парда, ўн икки ҳолатдан иборат тарихий драмаси; Комил Авазнинг “Шоҳ бўлди ишқ ичинда” беш кўринишли мусиқий драмаси, Восит Саъдулланинг “Хуросон юлдузи” драматик поэмаси ҳамда Иқбол Мирзонинг “Самарқанд сайқали” бир парда, саккиз кўринишли драмаси, “Алишербек ва Хусайн” ёш томошабинлар учун етти кўринишли тарихий пьесалари киради.

2.1. “Алишер Навоий” драмаси (Иззат Султон, Уйғун)

Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмасида ўша даврдаги ижтимоий гуруҳлар ўз вакиллари орқали гавдалантирилган. Асарда иштирок этган ҳар бир тип, бир ижтимоий гуруҳнинг вакили бўлиши билан бирга, ўша гуруҳнинг манфаати ва мақсадини ифодалайди. Ҳар бир гуруҳнинг вакили орқали даврнинг характеристикаси очилади, жамиятдаги ҳаракат қилаётган ва курашаётган ижтимоий кучлар кўрсатилади. Драманинг марказида XV асрнинг улуғ шоири Навоий образи туради. Навоий ўз даврининг тараққий-парвар кишиси, адолат учун тинмай курашувчи, ўзининг куч ва иродасини халқ бахти учун сарф қилган, мамлакатда зулм ва бахтсизликка қарши курашувчи буюк гуманист кишидир.

¹ Заҳириддин Муҳаммад. Бобур Бобурнома. – Т.: “Юлдузча”, 1989.

Асарда Навоий, айниқса, давлат арбоби сифатида тез кўзга ташланади. Уни ягона марказий давлат тузиш учун олиб борган кураши асарнинг бошидан то охиригача қизил ип каби ўтади. Навоий мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш учун бутун имкониятини, кучини сарф этади, мамлакат ичидаги ўзаро урушларга қарши курашади, шоҳ Хусайн Бойқаро билан унинг ўғиллари ўртасидаги кескин низоларни йўқотишга интилади, саройни фитна ва ғийбатдан тозалашга ҳаракат қилади, Мажидиддин ва унинг каби кишиларга қарши кураш олиб боради. Навоий келажакка зўр умид билан қаровчи образдир. У «қачонлардир адолат офтоби барқ уриб чиқмоғи»га ишонади. «Дунёда бахт ва ҳаққоният тантана қучмоғи лозим»лигига умид қилади. Шунинг учун ҳам у: “Муқаррар, оқибат бизнингча бўлғай, Адолат нурлари оламга тўлғай”, дейди. Навоийнинг келажакка бундай умид билан қараши унинг ўз замонасини тараққийпарвар, илғор, гуманист кишиси эканлигидан далолат беради.

Драма ҳам шеърий, ҳам насрий йўлда ёзилган бўлиб, шеърий ифодалари ниҳоятда гўзал ва раван ёзилган.

Навоий. Кўзимнинг нури кел, тоза гулим кел!
Кўнгул боғида сайроқ булбулим, кел.

Гули. Куриб гулзор ичида сизни ёлғиз
Сўроқсиз, индамай, мен беҳаё қиз,
Кечиргайсиз, келишга журъат этдим.

Навоий. Кўнгил армони, кел! Мақсадга етдим..
Нечук безовтасан! Барвақт турибсан?
Малак янглиғ ўзинг танҳо юрибсан?

Гули. (Саҳар чоғи туриб ширин ғазалдин,
Эшитмак одатим бўлган азалдин.¹

Маълумки, драмада образ ва характер бу персонажнинг қайтарилмас қиёфаси ҳисобланади. “Алишер Навоий” драмасида характер тўла очиб берилган персонажлар кўп. Шу жиҳатдан драманинг асосий ютуқларидан бири характерлар билан боғлиқ. Мазкур драмада Музаффарнинг ўғли Мансур бир томондан Мажидиддиннинг қутқусига қолса, бир томондан Навоийга бўлган ихлоси орасида ички зиддиятда қолади. Шу орқали, ушбу образнинг характери тўла очилади.

Мансур. Бало ошпаз, бало. Ўлгунча айёр.
Ўзи қулваччаю идроки юксак.
Шу важдин кўп яқин шоирга бу сак.
«Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш».
Қафасга тушмасин халқим, элим дер
Вазир, олим, буюк шоир Алишер.
Бу шернинг панжасига панжа урмоқ,
Уруш дулдуллари майдонга сурмоқ,
Қийин иш... Беҳаё Мажидиддин эрса,
Қулай пайт топсаю тез зарба берса.
Хаёл, муфсил хаёл.. Мен истамайман
Ёвузнинг илкида ханжар бўлишни.

¹ Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». – Т.: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

Илоҳим, билмасин умри сўлишни,
Бу шеър даҳосига минг йил умр бер!
Бу элнинг фахридур, шоир Алишер.

Маждиддин Навоийга қарши барча конфликтларнинг марказида туради. У қандай қилиб бўлмасин, Навоийни йўқ қилиш мақсадида исталган ёмонликдан қайтмайдиган салбий образ сифатида гавдаланади.

Маждиддин. Ҳар ҳолда оғир мусибат юз бермиш. Халқ бир ёқдин, шаҳзода Ёдгор иккинчи ёқдин. Икки оловга қарши бирдан чора кўриш мушкул. Фикри ожизимча, ҳозир Ҳиротдан узоқроқ кетиб турмоқ, куч йиғиб, сўнг Ҳирот устига юриш қилмоқ лозим...

Хусайн. Фурсатни қўлдан бериш мумкин эмас!

Маждиддин. Бошқа чора йўқ.

Хусайн. Оғзингни юм, кўрқоқ! Чора топиш керак! Чора топиш зарур!

Навоий. Чора топилади, шоҳим.

Хусайн. Демак, Алишер, бизни фалокатлардан яна сиз қутқарасиз?

Навоий. Юртни тинчитиш ва Ёдгор Муҳаммадни даф қилиш борасида бутун ихтиёрни менга топширсалар.

Хусайн. Менинг номимдан истаган чорани кўра олурсиз.

Навоий. Халқ ҳузурида, шаҳаншоҳ бутун кучини юртни обод қилишга сарф этурлар дея, ваъда беришга ваколат сўрайман.¹

Драмада риёкор диний уламоларнинг образи ҳам ишонарли тарзда очиб берилади. Шайх ул-ислом образи аслида мамлакатдаги тўғрилиқ тарозиси бўлиши керак бўлган шахс. Аммо у ҳам шайтон йўлидан юрадиган риёкор кимса эканига гувоҳ бўламиз. Навоий бу каби шайхларни танқид қилиб “Шайх” радифли ғазал ҳам ёзган.

Шайхулислом. Улуғ амир, бекзодаларни жазога мустаҳиқ этиб, ғайри шаръий иш қилдингиз, янглишдингиз.

Навоий. Янглишган бўлсам, Худо мени кечирар. Менингча, олтмиш йил қуруқ тоат-ибодат қилгандан кўра, бир соат одил бўлмоқ савоблироқдир.

Шайхулислом. Билмадим, шаҳаншоҳ, бундай ношаръий ишларга нечук розилик берди экан.²

Драматурглар Навоий образини тарихан тўғри ёритишга муваффақ бўлганлар. Ундаги дунёқарашнинг чекланганлиги – яхши шоҳ талабдорлиги, шунинг натижасида Хусайн Бойқародан мурувват кутиши, унинг адолатли шоҳ бўлишга чақириши драмада жуда яққол ифодаланади. Навоий шоҳни «ёмони ҳам бўлади, яхшиси ҳам» деб иккига ажратади ва ўзи яхши шоҳ талабгори бўлади, ёмон шоҳдан нафратланади, унга қарши кураш олиб боради. Мамлакатни шоҳсиз идора қилиб бўлмайди. «Мамлакат бир боғ бўлса, шоҳ боғбондир. Боғ боғбонсиз хароб бўлур», дейди ва Хусайн Бойқарони адолатли шоҳ бўлишга чақиради. Айни чоғда Навоийнинг буюк шоир эканлиги, у ўз асарлари билан халқ орасида шухрат қозонганлиги, барча асарларида халқ манфаатларини, уларнинг орзу ва истакларини тасвирлаганлиги қатор эпизодларда берилади. Драматурглар Навоийдаги бу икки улуғ кучни тараққиётпарвар, гуманист, давлат арбоби ва буюк шоирлигини бир-бирига чамбарчас боғлаган ҳолда тасвирлашга эришган, драмадаги Навоийнинг шоирлиги ҳақидаги эпизодлар унинг буюк шоирлигини тўлиқ тасдиқлайди. Драмада кишида зўр таассурот қолдирувчи ижобий образлардан бири Гулидир. Гарчи бу образ муаллифларнинг хаёлий тўқимаси бўлса-да, Навоий

¹ Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

² Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

образини яна тўлдиради. Гули улуғ шоир севгисига муяссар бўлган ақли расо, юксак фазилатли, зўр куч ва иродага эга. У ўзининг юксак инсоний фазилати, соф муҳаббати билан шоирнинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлади. Гули Навоийга умрбод содиқ қиз. У Навоийни ҳар қандай фалокатлардан сақлашга интилади, ҳатто бу йўлда ўзини қурбон қилишга ҳам рози бўлади. Чунки Навоий фақат ўзи учун зарур бўлган киши эмас, балки у замона сининг улуғ кишиси, жамият учун, халқ учун керак бўлган шахсдир. Шунинг учун ҳам Навоийнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўзининг ҳалок бўлишини афзал кўради.

Муаллифлар асарда Навоий, Гули каби ижобий образларнинг гуманистик хислатларини қанчалик тўлиқ ёритишга интилсалар, Хусайн Байқаро, Мажидиддин, Мансур Шайхулислом каби шахсларнинг салбий характери, уларнинг ички ва ташқи қиёфаси қанчалик чуқур ва ёрқин очилади.

Навоий. (Шайх ул-исломнинг оркасидан караб). Шариат, адолат дейдилар. Аммо адолат ўрнатиш пайти келганда, золимларга ён босиб, шариатни ҳам, адолатни ҳам бузадилар.

Жалолиддин. Улуғ шайх Саъдий яхши айткан: илмига амал қилмайдиган муллодан, устига китоб ортилган эшак афзал. (Куладилар.)

Навоий. Жуда қаттиқ кетдингиз, уста Жалолиддин. Мен султонимизнинг ўнг қўл вазири бўлишим муносабати билан Шайх ул-исломимизнинг шаънларига айтилган бу сўзларингиз учун сизнинг бошингизни олишим лозим.

Жалолиддин. Ҳали ҳам бошим улуғ шоиримизнинг ихтиёрларида.¹

Драмада Хусайн Бойқаро мустақил фикрга эга бўлмаган, кайф – сафога берилиб, давлат ишларини Мажидиддин каби муттаҳамлар қўлига топшириб қўйган бераҳм шоҳ сифатида намоён бўлади. Абдулмаликнинг «Дунё тўғрисида қайғурадиганлар хўроз уруштириш, каптар учуриб ўйнаш, олтин қадаҳларда май ичиш билан овора» деб шоҳга қарата айтган сўзи Хусайн Бойқаронинг бутун ички ва ташқи қиёфасини очиб ташлайди, унинг хатти-ҳаракатини яққол кўрсатиб беради. Хусайн Байқаро «Кечаю-кундуз кайфу сафодан бош кўтармаган, тўйда ҳам, азада ҳам тўхтовсиз ичадиган» майпараст шоҳга айланиб қолади. Мамлакатдаги халқнинг оғир аҳволидан хабар олмайди, унинг ҳақли талабини адолат йўли билан эмас, балки «Темур авлоди қиличининг қудратини яна бир бор» кўрсатиш билан ҳал этмоқчи бўлади. Чунки у мамлакатни адолат йўли билан эмас, балки зулм, ноҳақ қон тўкиш йўли билан идора қилиш услубини ёқловчи жосус вазир Мажидиддин, халқ ҳисобига бойлик орттирувчи Музаффар, Қутбиддин, Убайдулло каби беклар, сарой атрофига тўпланиб олган бир тўда текинхўр дин аҳиллари доирасига тушиб қолади, бу гуруҳлар Хусайн бойқаро устидан ҳукмронлик қилади. Хусайн Бойқаро «ғоят мудҳиш йўл»га кириб қолади. У Навоийнинг олийжаноб маслаҳатларига қулоқ солмайди. Навоийнинг бошлаган ободончилик ишларини тўхтатиб қўяди. Мажидиддиннинг сўзига кириб Навоийнинг бошига оғир кулфатлар солади ва уни ўзининг душмани деб саройдан узоқлаштиради. Хусайн Бойқаронинг «хавfli бир ити» бўлмиш вазири Мажидиддин Навоийнинг шоҳ томонидан саройдан узоқлаштириши билан чекланмайди. У «Зарарсиз» ҳали бу йўлда кўргуси тадбирлар тугаган эмас», деб маккорлик ишларини янада давом эттиради.

Мунажжим. Ҳаққост, рост. Ўтган кеча, бешинчи фалакда Нохид юлдузининг авзойи бузуқ эди.

Шайхулислом. Бу ишда Навоийнинг қўли йўқмикан?

Мажидиддин. Бор деб ҳисоблаймиз-да, тақсир.

¹ Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». – Т.: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

Шайхулислом. Бали! Ана энди Алишерга кишт берсангиз бўлади.

Маждиддин. Агар бу ҳодиса шаҳаншоҳга яхшилаб уқдирилса...

Шайхулислом. Иншоолло, уқдира билурмиз.

Маждиддин. У ҳолда мот кишти бўлади.

Мунажжим. Бали!

Маждиддин. Фақат юра билиш лозим: муомала силлиқ бўлсун, сўзингиз ҳар қанча ачиқ бўлса, овозингиз шунча майин бўлсун, ғазабни табассум билан, ғаразни хушомад билан яширинг, ана шунда омадингиз келади.¹

Драмада Мажидиддиннинг қаллоблик, иккиюзламачилик ва жосуслик ишлари бирин-кетин очила боради (Навоий учун тутган тадбирлари. Навоий устидан юргизган туҳматлари, қалбаки ҳужжатлар ясаши, халққа ноҳақ солиқлар солиши, Мўминмирзони ўлдирилиши ва ниҳоят ўзини ҳимоя қилиш учун талвасага тушиши). Маждиддин ўзининг ва ўз атрофидаги кишиларнинг манфаати учун давлатни парчаланиб кетишига қарши эмас. Шунинг учун ҳам Ёдгорбек қўзғолонига моддий ёрдам бериб туради, бу яширинча берилган ёрдамни шоҳдан беркитиш учун хонавайронликка дучор қилади. Асарда бу образлардан ташқари ўнлаб шахслар қатнашади.

Шайхулислом (майни ичади). Ҳа, энди шатранж тахтасида дона суришга хийла устасизу, аммо сиёсат тахтасида дона суриб доим адашасиз.

Маждиддин. Тақсир, ўйинда адашилади, яна тузатилади, унинг ахамияти йўқ. Гап ўйиннинг оқибатида.

Шайхулислом. Ҳар нечук Алишерни мот қилиш мушкул кўринади.

Маждиддин. Ташвиш қилмасинлар, тақсир, бугун Алишерни, албатта, мот қиламиз.

Шайхулислом. Бу гапларни беш йилдан бери сўзлайсиз.²

Драмада қатнашган ҳар бир шахс жамиятда тутган ўзининг мавқеи билан давр характеристикасини ва асосий образларнинг фикр-туйғуларини, ҳаракат ва интилишларини янада тўлароқ очишга хизмат қилади. Асарнинг кўп қисми шеърӣй йўл билан ёзилган. Муаллифлар асарга кўпроқ Навоийнинг ўз шеърларини киритишга уринганлар. Драматурглар ҳар бир образларнинг хусусиятига, хатти-ҳаракатига ва жамиятда тутган мавқеига қараб ўзига хос индивидуал тил билан гапиртиради. Агар Навоийнинг сўзи ва ҳаракатидан замонасининг донишманди, Улуғ шоири тараққийпарвар кишиси эканлигини англасак, Ҳусайн Бойқародан эса мустақил фикрга эга бўлмаган, ҳар бир ишни ҳовлиқиш, мунажжимнинг бемаъни фикрларига қараб ҳал этишга уринган, калбатин золим шоҳ эканлигини англаймиз. Маждиддиннинг фош бўлиши саҳнасида Навоийнинг характери янада очилади.

Хусайн. Хоин. Жосус! Бу муттаҳамнинг бошидин вазирлик кулоҳини олинг.

Мулозимлар Мажидиддиннинг бошидан кулоҳини оладилар.

Навоий. Шоҳим, бошини кулоҳидин енгиллатдингиз, энди бўйнини бошидан енгиллатинг.

Хусайн. Жаллод!³

Драма сўнггида эса Навоийнинг мақсаду муддаоси, орзу ва армони ишонарли, таъсирли қилиб ифода этилади.

¹ *Уйғун, Иззат Султон.* «Алишер Навоий». – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

² *Уйғун, Иззат Султон.* «Алишер Навоий». – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

³ *Уйғун, Иззат Султон.* «Алишер Навоий». – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

Навоий. Ноумид шайтон. Мен ҳали умидларимдин воз кечганим йўқ. Биз етолмаган умидларга келажак наслларнинг етмоғи мумкин. Қачонлардур адолат офтоби барқ уриб чиқмоғи керак. Дунёда бахт ва ҳаққоният тантана қилмоғи лозим. Одамлар орасида низо йўқолмоғи даркор. Аммо қачон? Бу савол ҳамон жавобсиз қолди. Лекин инсоният бу жумбоқни ахир ҳал қилур. Чунки унинг қўлида ҳақиқат ва адолат йўлини ёритувчи тафаккур машъали бор. Шунда кишилар мени ўзларининг буюк ҳамкорликларига чақирурлар ва мен асрлар оша ўз шеърларим билан лаббай, деб жавоб берурмен. Мен кетдим!

Хусайн. Қаёнга?

Навоий. Ижодимга. Халқимга! (Кета бошлайди.)

Хусайн. Алишер, қайтинг! Ҳузуримда қолинг.

Навоий. Хатоларни кўпайтириш, гуноҳларни орттириш учунми? Хайр, шаҳаншоҳ!¹

Мажидиддин эса бутунлай ўзига хос тилда: фирибгарлик, қалбакилик, иккиюзламачилик, жосуслик ва хушомадгўйлик тили билан гапиради. Унинг тили бу образнинг бутун фикр-туйғусини ички ва ташқи қиёфасини очиб беради. Умуман асар равон ва ранг-баранг тилда ёзилган. Асарнинг баъзи ўринларида ўқувчининг тушуниши қийин бўлган форс-араб сўзлари ҳам учрайди. Лекин бу асар тилининг равонлигига ҳалол бермайди. «Алишер Навоий» драмаси фақат муаллифлар учун муваффақиятли бўлмай, балки ўзбек драматургиясининг қўлга киритган катта ютуғидир. Ҳатто мазкур асарни томоша қилган чет эллик меҳмонлар ҳам «Алишер Навоий» драмасига юксак баҳо берганлар. Ҳақиқий ёзувчи тарихга санъат асари учун ўзига хос ҳаётий манба, билим ҳамда муайян эстетик рағбат уйғотиш, ахлоқий, таълимий-тарбиявий сабоқ бериш майдони сифатида ёндашади.

Драманинг ниҳоятда чиройли ва самимият билан тўйинган саҳналари бу, шубҳасиз, Навоий ва Гули ўртасидаги диалоглардир. Икки қаҳрамон иштирок этган саҳналар ўқувчига лирик кечинмаларни тақдим этади.

*Сенга беш бебаҳо ҳайкал қурурмен,
Гоҳи Лайли, гоҳи Ширин бўлиб сен,
Яшарсан доимо дostonларимда,
Хазонсиз гул бўлиб бўstonларимда...
Мана фасли баҳор, кўркам чаманда
Очиб гул-ғунчалар, этганда ханда,
Жувонмарг ғунчани ҳам эсла, ёд эт.
Унутма, доимо руҳимни шод эт!
Унутмасман сени токи тирикман,
Сени жон ўрнида сақлар тирик тан.
Ҳамон қалбимга Сен илҳом солурсен.
Менинг шеърим бирлан мангу қолурсен.²*

Драманинг шеърӣ қисмини Уйғун ёзган. Сатрлар ниҳоятда пишиқ, қофиялар оригинал, худди алоҳида шеър каби севиб ўқилади. Навоийнинг орзу ва армони, муҳаббати ва изтироби, қувонч ва қайғуси ушбу мисраларда ўз аксини топади.

¹ Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

² Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

*Мен эрсам ғам билан йиғлаб кетармен,
Сенинг ишқинг билан танҳо ўтармен.
Яна кўз ёшими? Кўнглимни бузма.
Ва ёш дарёсида беҳуда сузма!
Бу дарё хавфлидир ғарқ айлағай бот
Ўчирмас дил ўтин, кўз ёши ҳайҳот.
Ҳайҳот дилда бирон осуда дам йўқ,
Кўнгил йиғлайдию, кўзларда нам йўқ,
Эссиз тақдир экан қайдин билибмиз
Азизим, дунёга бевақт келибмиз.¹*

Шу ваздан тарихий мавзудаги асарда ўтмишдаги ҳаётни, курашни ҳаққонийлик нуқтаи назаридан чуқур ва тўғри акс эттириш, унинг илғор ва ибратли томонларини кўрсатиш, келажак билан ҳамоҳанглик нуқталарини чамалаш қанчалик зарур бўлса, асарда бадий-эстетик таъсирчанликни таъминлаш шунчалик муҳим. Сўз санъати намуналари тарихнинг ижобий ва салбий кўринишларидан келиб чиқувчи ранг-баранг сабоқ уруғларини китобхон онгига, туйғуларига завқбахш йўсинда эркин соча олади. Бу билан санъаткор муҳим тарбиявий ишни адо этади.

Бадий адабиётда инсон билан алоқадор жиддий муаммолар туришини назарда тутсак, уни англаш ва идрок этиш шу туғилиб ўсган, ҳаракат қилган шароитни туғдирган давр ва жамиятни ҳам билиш демакдир. Чунки аниқ инсоний характер эгаси ижтимоий муносабатларнинг, жамиятнинг мураккаб ва муайян мевасидир. Шундай бўлгач, тарихни бутун мураккаблигида ҳаққоний ва санъаткорона акс эттириш адабиётимизнинг бош мезонидир.

Ўзбек адабиётида, шу жумладан, драматургиямизда, бу жиҳатдан талай ютуқлар қўлга киритилганлиги кўпгина тарихий сахна асарларимиздан кўриниб туради. Ижобий қаҳрамон образини яратишда халқимизнинг узоқ ўтмиш ҳаёти билан алоқадор мавзулар драматургиямиз учун катта ижодий майдон ўрнини ўтаб келаётган тарихнинг ибрат ва сабоқ бўладиган, ҳозирги ҳаётимиз билан руҳан ҳамнафас бўлган инсонпарварлик кўринишларини сахна орқали акс эттириш драматургларимиздаги барқарор анъаналардир. Бу анъана ҳозирги драматургиямизда ҳам сезиларли салмоққа эга бўлибгина қолмай, йирик характерлар яратишда, драматик асарларимизнинг тарбиявийлигини белгилашда ўзига хос ўрин тутаётганини айтиб ўтиш жоиз.

2.2. “Амир Алишернинг дарди” (Омон Мухтор)

Омон Мухторнинг “Амир Алишернинг дарди” драмасида “воқеа 1498–1500-йиллар орасида Ҳирот шаҳри ва унинг атрофларида кечиши” қайд этиб ўтилади. Жанр “драма” деб белгиланган. Драмада 13 та асосий персонаж иштирок этади. Жумладан, Алишер Навоий – улуғ шоир ва мутафаккир, Ҳусайн Бойқаро – Хуросон шоҳи, Султон Бадиуззамон – шаҳзода, Мавлоно Соҳибдоро – Навоийнинг дўсти, Мажидиддин Муҳаммад – вазир, Амир Валибек, Амир Али Бобо, Абдулхай табиб, Хўжа Шаҳобиддин – саройга дохил кишилар Нозанин – Навоийнинг муҳаббати рамзи, Шижўуддин Зуннун – Бадиуззамон лашкари саркардаси, Ҳайдарбек – бузғунчи, Кекса Муаррих, элчилар, мулозимлар, муаззин ва сомеълар, сипоҳилар,

¹ Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий». – Т.: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

сахродаги кишилар ва осийлар. Асар воқеасига қарайдиган бўлсак, унда Алишер Навоийнинг хасталикка чалинган чоғлари ҳақида ҳикоя қилинади. Асарда Кекса Муаррих образи ровий вазифасини бажариш билан бирга драманинг композициясини бирлаштириб, фабулани боғлаб туради. Драманинг прологига Кекса Муаррих тилидан шеър келтирилади. Ушбу шеър драманинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирувчи очқич функциясини бажаради.

Неларни кўрмади дунёда бу бош, У – тарих бағридан юзиб ўтган Ер. Биров бўлса агар ердаги Куюш, Мен унинг исмини дердим – Алишер. Бир дард Алишерга берган Худойим, Истади ҳаётда ўзгарса ҳолат: Ҳақиқат бўлса-ю ҳар ишда доим, Бирдек ҳукм сурса доим адолат. Курашди. Курашар кўрсатиб бардош, Наздимда ҳамонки, тирик Алишер. Неларни кўрмади дунёда бу бош, У – тарих бағридан юзиб ўтган Ер.¹

Драмани ўқиш давомида бизда турли саволлар пайдо бўлади. Драматург бизга тақдим этган Алишер Навоий сиймоси Навоий феноменининг бадиий талқинини акс эттирганми? Драмадаги Навоий образи ўз миссиясини бажара олганми? Образ ишончли чиққанми? Бу каби саволлар драмани ўқиш давомида ечилиб боради. Маълумки, драматик асарлар сахнага мўлжаллаб ёзилади. Бунда биринчи эътиборда турадиган жиҳат унинг сахнада қандай ўйналиши масаласидир. Демак, ижодкор сахна имкониятидан чиқиб кетишга ҳақли эмас: фантазиялар локацияга мослаштирилиши шарт. Чунки драма санъати экран санъати эмас. Томошабин кўз олдида ўйналади, ҳолат кинодаги кадрлар каби секундлар ичида алмаша олмайди. Бунга сахнанинг имконияти йўқ ва драматургия қонун-қоидалари ҳам шу жиҳатни ҳамisha эътибор марказида ушлайди.

Омон Мухтор драмага асос қилиб олган воқеа Бадиуззамоннинг ўз отаси бўлмиш Хурсон ҳукмдори Хусайн Бойқарога исёни, Навоийнинг фарзанд ва отаси ўртасида юзага келган конфликтни оқилона бартараф этгани хусусидадир. Навоийнинг шоирлик сифатига эмас, етук сиёсий шахс эканига урғу қаратилади.

Драманинг прологига отасига қарши исёнга ҳозирлик кўраётган Бадиуззамонга Навоийнинг мактуби келтирилади ва шаҳзода мактубни ўқиркан, сахнада Навоий пайдо бўлади ҳамда мактуб ҳазратнинг ўзи томонидан овоз чиқариб ўқилади. Гўёки Навоий билан мактуб воситасида шаҳзода хаёлан муноқашага киришади. Мактубнинг ҳар бир абзацидан кейин Бадиуззамон Навоийнинг айтган гапларига изоҳ беради. “Мўмин Мирзо мен учун азиз фарзанддек эди. Худо шоҳид, унинг ҳасратида неча кун мотам тутдум... Аниқки, Султон Бойқаро жаноблари ўзи ҳам шаҳзодалар орасида аҳиллик, бири-бирини англаш, диёнат йўқлигидан озурда. Бир бармоғини тишласа, иккинчиси оғрийди. Боз аниқки, бу кун мамлакатни гўштдек парча-парча чопиб-кесиб, юлқиб кетишдан асраб турғон – Султон Бойқаро! Мен уни ҳамisha қўллаганмен ва қўллагаймен... Етим-есирлар, ғариб-бечораларга ўзини инсон, ўзини мусулмон деб билғон киши бефарқ қарамас. Бироқ, Мавлоно Соҳибдоро, сиз айтғон жамоа ичида улар озчилик; кўпчилик уларни ҳам мажбур қилиб ўзи томон тортғон қора кучдур. Тартибсизлик келтирғон, осойишталикни бузғон, безорилик, ўғрилиқ, қотиллик қилғон кимсалар каттами-кичикми ҳеч важдин оқланмас. Унда, одамийликнинг минг йиллик устунлари қуламайдиму? Баҳорнав, бу аҳволга қарши бирон чора топмоқ керак. Босқин, қирғинни тўхтатмоқ керак...”²

Навоий тилидан айтилган ушбу парчада унинг мулоҳазакор, тадбирли инсон сифатидаги портрети кўрсатилади. Лекин драматургиянинг нозик қоидаларини инкор этиб бўлмай-

¹ Омон Мухтор. “Амир Алишернинг дарди”. “Ёшлик” журналы, 2-сон, 2011 йил.

² Омон Мухтор. “Амир Алишернинг дарди”. “Ёшлик” журналы, 2-сон, 2011 йил.

ди: драманинг ядроси – ҳаракат. Шу нуқтада драматургия ва прозанинг фарқли жиҳатини кўрсата олиш талаб этилади. Миттага кўра, “Прозаик олам манзараларини худди рассом бўёқлар воситасида тасвирлагани каби яратади. Прозанинг матни турли-туман нутқий ибораларга бой, услуб айтиб бўлмас даражадаги нозикликларни бера олади. Прозаик ўзга-риб турувчи беқарор кайфиятни баён қилади, чуқур ва мантиққа сиғмайдиган фикрларни шакллантиради. Драманинг (шу жумладан, сценарийнинг) матни кун тундан фарқ қилганидай прозадан фарқ қилади. Ифодалар қиёфасиз ва бир қолипга солинган. Диалогларда ижодий юк бор. Асосийси – бу қизиқарли воқеа бўлиб, унда характерлар қийин ахволга тушиб қоладилар”. Юқорида келтирилган нутқий парчада эса ҳаракат эмас, баёнчилик руҳи устувор. Умуман бу нуқсон бутун драма давомида сезилиб туради. Драматик матн саҳнада ўйналганида кўпроқ ҳаракатни туғдириши лозим бўлади.¹

Жумладан, мана бу парчани кўрайлик: “Илож йўқ. Бу менинг ҳаётим мазмуни... Дунёда шу қадар олиш йўл, олиш масофа кечдимки! Айрилиқ, саргардонлик, ночорлик, ғариблик... Аммо маҳзун НАВОдан умидбахш НАВОга етиб келиш мени НАВОИЙга айлантирди! Умримда оёқ остида лойдек хорланиб топталишларни ҳам, лойдан ясалғон кўзадек қўлларда кўтариб алқашларни ҳам кўрдум. Мени нигун ҳолатда ерга кириб кетишдан, фараҳли-кўркем ҳолатда ўзингни осмон деб ўйлашдан Сўз, Назм, Адабиёт асради! Умрим сўнги-гача мен шу Қора Меҳнатга ва Сенга фидомен, парирухсор!”²

Ушбу парча драматик матнга эмас, кўпроқ кўргазмалиликка тортиб кетади. Навоий таваллудига бағишлаб қўйиладиган тадбирларда шу каби пафосли, романтик монологлар ишлатиш урф бўлган. Ушбу парча шу ҳолатга яқин бўлиб кўринади. Миттага кўра, “Кучли драматик сюжетда ҳамиша бир-бирига зид икки ҳолат: ҳаёт ва ўлим, олийжаноблик ва сотқинлик, бойлик ва камбағаллик, умидсизлик ва умид тўқнаш келади. Жаннатдаги фаришталар кулбасига дўзахнинг бадбўй нафаси қанчалик яқин бўлса, улар сюжетга қанчалик жипслашиб кетса, драма шунчалик томошабин қалбига кириб боради. Драманинг поэтик қудрати қарама-қарши томонларнинг тўқнашувида яширингандир. Бундай воқеа матндан ажралмасдан, унга ғарқ бўлишга мажбур қилади”.³ Омон Мухтор драма аввалида Бадиуззамон билан отаси ўртасида юзага келган зиддиятни Навоийдан келган мактуб фонидида кўрсатиб беради. Митта айтган драманинг поэтик қудрати гўёки кўрингандай бўлади. Лекин драматизм, асосан, баёнчилик ва кўргазмалиликдан иборат бўлиб қолган, натижада воқеанинг давомини ўқишга иштиёқ уйғотмайди. Қолаверса, драманинг сюжети кўпчиликка маълум бўлган воқеа: Хусайн Бойқаро ва Бадиуззамон ўртасида можаро юзага келади, Навоий юксак ақлу заковатини намоён этиб тадбирли иш кўради. Натижада ота ва бола ўртасида юзага келган зиддият барҳам топади. Навоийнинг ақлли тадбири иш тутишини ўқувчи (саҳнада томошабин) олдиндан сезиб туради. Бу ерда перипетия ҳам заиф шакллантирилади. Тарихий асарларда (нафақат драма, балки, насрий асарларда ҳам) ўқувчи биладиган воқеани бадий талқин қилинаётганда муаллифга тушадиган асосий юк шу ҳолатдан моҳирлик билан чиқиб кета олиш вазифасидир. Йўқса, асар ҳамма биладиган воқеанинг қўлланган жанр тилида қайта айтилган варианты бўлиб қолади, холос.

Митта “Воқеа юраги” бу образли ифода эканини таъкидларкан, бу тушунчани “драма структурасининг эмоционал маркази”, деб талқин қилади. Ҳар бир драма қатъий қурилган

¹ Александр Митта. “Кино между адом и раем”. Издательский дом, Подкова, 1999.

² Омон Мухтор. “Амир Алишернинг дарди”. “Ёшлик” журнали, 2-сон, 2011 йил.

³ Александр Митта. “Кино между адом и раем”. Издательский дом, Подкова, 1999.

скелет-структурага эга. Бундай факт поэтик фантазиянинг эркин парвозини хуш кўрувчилар учун катта умидсизликдир. Структура – қадимий греклардан то бизнинг кунларимизгача ҳар қандай драманинг асосидир. У томошабин эмоцияларини мумкин бўлган максимал даражагача ривожланишини назорат қилиб туради.

“Амир Алишернинг дарди” драмасида севги чизиғига эътибор қаратсак, муаллиф Навоийнинг ғазаллари кайфиятидан келиб чиқиб, эҳтимол, ёр образини киритади. Иззат Султон ва Уйғун “Алишер Навоий” драмасида Навоийнинг севгилиси сифатида Гули тўқима образидан фойдаланган бўлса, Омон Мухтор бу тўқима образга Нозанин деб ном беради.

Муаллиф бу қахрамоннинг реал шахс эканига ўқувчини ишонтирмоқчи бўлади. Нозанин тилидан айтилган “Мен соя эмасмен. Жонли вужудмен! Сиз мени доим соя деб билдингиз», сўзлари фикримизни далиллайди. Нозанин бу гапни гўёки Навоийга айта туриб, ўқувчини ишонишга чорлайди.

Қуйидаги парчага диққат қаратамиз, ўқувчини шубҳадан фориғ қилиш учун ҳаракат кучаяди:

«НОЗАНИН. Дарвоқе, шам. Сиз мени бошда Гули деб танидингиз. Кейин, бора-бора ғазалларингизда номаълум бир гўзалга, Нозанинга айландим. Бу мен учун шараф. Бахт! Лекин мана энди умр шамимиз кундан кун сўниб бораяпти. Шундай паллада, яна хаста ҳолда ўтириб, нега ёзаяпсиз? Ёзманг! Ўзингизни асранг!

АЛИШЕР. Илож йўқ. Бу менинг ҳаётим мазмуни... Дунёда шу қадар олис йўл, олис масофа кечдимки! Айрилиқ, саргардонлик, ночорлик, ғариблик... Аммо маҳзун НАВОДАН умидбахш НАВОГА етиб келиш мени НАВОИЙГА айлантирди! Умримда оёқ остида лойдек хорланиб топталишларни ҳам, лойдан ясалғон кўзадек кўлларда кўтариб алқашларни ҳам кўрдум. Мени нигун ҳолатда ерга кириб кетишдан, фараҳли-кўркам ҳолатда ўзингни осмон деб ўйлашдан Сўз, Назм, Адабиёт асради! Умрим сўнгигача мен шу Қора Меҳнатга ва Сенга фидомен, парирухсор!»¹

Муаллиф Навоийнинг ошиқ сифатини шу йўл билан акс эттирмоқчи бўлади. Юқорида мулоҳаза юритганимиз характернинг психологик ўлчамига кирадиган белгиларни илғаймиз. Лекин бу белгилар конкретлашмайди. Қолаверса, муаллиф Навоийнинг нега уйланмагани тўғрисидаги баҳсга ҳам ўз жавобини айтиб ўтмоқчи бўлади. Қуйидаги парчага эътибор қаратинг:

“НОЗАНИН. Ёзғонларингиз аксар ҳасратли... Биз бахтли бўлармидик?

АЛИШЕР (бир оз сукутдан сўнг). Мен сени бахтсиз қилишдан кўрқдум. Аёл ишқ учун яратилғон! Изтироб учун яратилмағон...

НОЗАНИН. Дунёда доим изтироб чекиб яшаган аёл-ку!

АЛИШЕР. Менинг дарвешона йўлим бир кишилик! Сени севдим. Ёндим. Ўртандим. Аммо менинг тўфонли уммонимда сенинг ғарқ бўлишингни истамадим. Инсон бир неча вазифани бўйнига ололмайди, бир вазифани бажаради! Менга бировга зулм қилмоқдин ёлғизлик ва бекаслик афзал туюлди. Бу мен ишқдан воз кечганимдан эмас! Бир инсондек яшадим».

Муаллиф Навоийнинг ғазалларини кўп ўринларда келтиради ва бу усул драманинг муваффақиятига бироз соя солгандай таассурот қолдиради. Ўқувчи драматик асарни Навоий ғазалларини ўқиш учун мутолаа қилмайди, томошабин ҳам сахнада Навоий ғазалларини эшитиш учун томошага кирмайди. Агар шунга эҳтиёж сезса, буни Афзал Рафиқов ижросида эшитиб қўя қолади. Асарлари моҳиятидан келиб чиқиб ўқувчини тирик Навоий билан

¹ Омон Мухтор. “Амир Алишернинг дарди”. “Ёшлик” журнали, 2-сон, 2011 йил.

таништириш бош мақсад бўлиши керак. Йўқса, асар кўрғазмалиликдан холи бўлмайди ва қахрамон ўқувчини ўз ҳаракатларига ишонтира олмайди.

Навоийнинг Хусайн Бойқаро билан муносабатларида ҳам стереотиплашган талқинлардан четга чиқилмайди. Бу гўёки “Навоий бўлмаганда Хусайн Бойқаро тахтни бошқара олмас эди”, қабилидаги мессежни ўқувчига уқтирмоқчи бўлади.

«АЛИШЕР. Буни бартараф этиш учун мамлакатда осойишталик даркор. Бир хонадонда аҳиллик бўлмаса, бегоналар хонадон эгаларидан ҳар бирини камситиб, озор етказа оладурлар.

БОЙҚАРО. Хўп, нетмоқ керак?

АЛИШЕР. Ҳақиқатга риоя қилиб, адолат юзидин иш тутмоқ керак...».¹ Муаллиф ушбу хулосани асар давомида гоҳ у, гоҳ бу қахрамон тилидан айттиради. Жумладан, Бадиуззамон бу хулосани очик-ойдин ошкор қилади:

“БАДИУЗЗАМОН. Тўғрисини айтинг, Падари Бузруквор надомат чекиб ўзлари шундоқ нозик қўнимга келдиларму?

СОҲИБДОРО. Худо ҳаққи, ўзлари... Ва албатта, Амир Алишер билан кенгашиб...

БАДИУЗЗАМОН (кулиб). Мен айтдим-а... Балки, Хусайн Бойқаросиз Алишер Навоий бўлмасди. Лекин Алишер Навоийсиз Хусайн Бойқаро ҳам бўлмас эди...”

Яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим, ота (Хусайн Бойқаро) ва ўғил (Бадиуззамон) нинг конфликтни юзага чиқишига бош қахрамон халақит қилаётгандай таассурот уйғотади. Митта ёузлик ташувчи персонаж ҳар қандай фалсафий ғояни ифодалаш мумкин, аммо буни сўз билан эмас, балки конфликтдаги ҳатти-ҳаракати билан қилади, дея таъкидлайди. Агар у ирқчи бўлса, у нутқ ирод қилиб ўтирмайди, балки негрларни ёки яхудийларни ўлдирди. Ёвузлик конфликтда ўз характери ва шахсий манфаатларига эга бўлган конкрет одам – антагонист кўринишига эга бўлиши керак. Ўз ҳатти-ҳаракатлари билан рақиб қахрамонга саволлар қўяди. Қахрамон ҳатти-ҳаракатлари билан унга жавоб беради. Драматик ҳолатдан конфликт мана шу тарзда ривожланади. Савол – жавоб савол – жавоб. Ҳар бир воқеа шундай баён қилинади, уни икки киши: қахрамон ва унинг антагонисти ҳикоя қилади. Конфликтда ҳамиша икки томон: икки шахс, икки гуруҳ, икки армия ёки бир киши ҳамма билан тўқнашади, аммо бу “ҳамма” конфликт учун бир шахс – антагонистдир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам икки шахс бўлади. Ҳатто саҳнада биргина одам ҳаракат қилсада, у конфликтнинг қатнашчисидир. Унинг иродаси мавжуд бўлмаган рақиб билан тўқнашиши мумкин. Ҳеч бўлмаганда, у ички конфликтни ривожлантириши мумкин – қахрамоннинг руҳидаги шайтон унинг қалб фариштаси билан курашади. “Мен истайман” каби иродавий ҳатти-ҳаракат мавжуд бўлган ҳамма ерда у фақат конфликтдаги тўсиқ билан тўқнашгандан сўнггина кўринадиган ва тушунарли бўлиб қолади. Ҳамма саҳнада ҳам конфликт ташқарига чиқавермайди, аммо у ҳамиша мавжуд бўлади ва ривожланиб боради.

Хусайн Бойқаро ва Бадиззамон конфликтни ўқувчига бошидан маълум бўлган. Аммо бу конфликт ўқувчини чуқур ҳаяжонга солмайди, асарнинг якунига қизиқиш уйғотмайди. Чунки бош қахрамон Навоийга нисбатан конфликт асосий планда бўлганда эди, бу ҳолат ўқувчини кўпроқ жалб этар эди.

Асарнинг тўққизинчи ҳолатида экспозиция “саҳро”га ўзгаради. Куёш ёниб ётибди. Амир Алишер: қўлида ҳасса, қумга ботиб секин суришиб борапти. Бир тўп киши ундан сал орқада, лекин унга эргашган. У бошда буларга эътибор бермайди, кейин, бурилиб қарайди.

“АЛИШЕР. Сизлар нега эргашаяпсизлар?

¹ Омон Мухтор. “Амир Алишернинг дарди”. “Ёшлик” журналы, 2-сон, 2011 йил.

ЭРГАШГАНЛАР. Сиз – Навоий...

АЛИШЕР. Сизлар-чи?

ЭРГАШГАНЛАР. Биз бенаволармиз!

АЛИШЕР. Бутун олам НАВОдан иборат-ку! Қушлар сайроғи. Дарахтлар шовуллаши. Шамолнинг нола чеккани ҳам... НАВОСИЗ одам бўлар эканми?

ЭРГАШГАНЛАР. Ўзимизда бўлмағонидан, Сизга эргашаяпмиз-да! Ўт чиққанида биров ёниб-куйяпман, деса, бошқаси мен учун ҳам айт, деган экан. Бизнинг дардимизни ҳам айтадигон Сиз! Навосиз элнинг навобахши!»¹

Асардан келтирилган ушбу парча ҳам Навоийни улуғлаш учун хизмат қилади. Бу ерда эътироз туғдирадиган ҳолат – драматик қарама-қаршилиқлар, қизгин кулминация томон бориш ўрнига ҳар бир диалог, ҳар бир кўриниш Навоийни улуғлашга хизмат қилдирилгани ва бу биров бўрттириб, ишончсизроқ тасвирланганидир.

Қолаверса, муаллиф «Навоийнинг нега уйланмагани» хусусидаги баҳсга жавобини айтишдан ташқари, «Навоий нега Ҳажга бормаган?», қабилидаги саволга ҳам жавоб беришга ҳаракат қилади:

«...Ҳажга энди боролмаслигим ҳам мумкин. Неча бора шахдландим. Гоҳ ҳозир мавриди эмас, гоҳ йўл хатарли, деб Султон Бойқаро изн бермади. Тўғрироғи, мени ёнидан кетгазгиси келмади. Яна бир отланиб, қатъий қарор қилғонимда юрт пешволари, эътиборли кишилар йўлимни тўсди, борманг, деб ёлворди. Мана, шу кунлар бормоқчи эдим, бу гал сафар аниқ эди, лекин йиққанимни юртга топширдим. Йўлимдан чиқиб менга умид билан боққан инсонлардан бошлаб қўлимдан дон еган қушларгача – уларнинг аҳволи, тақдирини ўйландим...»

Эргашганлар билан диалогда Навоий образи сунъийликдан конкретлик томон боради. Қуйидаги нутқ драматик руҳни оширади, ўқувчини сергак торттиради:

АЛИШЕР (ўрnidан туриб кетиб, хафа бўлиб, жаҳли чиқиб). Бу – янги бир бедодлик! Аянчли ҳол! Лекин сенлар ҳам бундай ўйланглар. На иссиққа, на совуққа чидайсанлар! Подшоҳ раҳм қилиб, суйиб, кўнгилчан, бўш қараса, на ҳокиму доруға, на бири-биринг билан келишмай кўясанлар! Ўзларингдан кетиб, бошга чиқиб оласанлар! Бузғунчилик қилиб, нохушлик келтирасанлар! Подшоҳ аксинча, қатъият кўрсатиб, ғазабланиб, арқонни тортса, дарҳол мусичаи бегуноҳ бўлиб қоласанлар. Обидийда қилиб, нола-афғон чекишга тушасанлар! Кўчага чиққан болага қарамайсанларму? Китоб ўқутмайсизлар. Меҳнатга ўргатмайсизлар. Бу болалар, ёшлар Мирхондни, Хондамирни билмайди. Шоҳ Музаффарни, Беҳзодни билмайди. Тарбия бермайсизлар! Бировни кечаси уйига бостириб кириб пичоқлаган махлуқни мен ҳимоя қилишим керак эканму? Ҳар қандоқ шафқатсизлик, қон тўкиш, бировга жабр-ситам менга ёқмайду! Бирон важдан оқламасмен ҳам! Аммо сенларга ортиқ ёрдам ҳам беролмаймен. Керак бўлса, подшоҳга боринглар!²

Драмада характерлар фақат конфликтлар орқали юзага чиқади. Драматик ҳолат одамга босим ўтказганида у танлашга мажбур бўлади ва бу босимга қандайдир тарзда жавоб қайтариши керак бўлади. Ҳодисада у ўзини қандай тутиши эса характердир. Бу биз кўришимиз, тушунишимиз ва баҳолашимиз мумкин бўлган нарсадир. Бунинг учун ҳодисалар бошқа ҳамма нарсалардан кўра яхшироқ ёрдам беради. Навоий характери юқоридаги нутқий парчада очилади. Биз шу нуқтагача Навоийдан бу каби кескинликни кутмаган эдик.

¹ *Омон Мухтор*. “Амир Алишернинг дарди”. “Ёшлик” журнали, 2-сон, 2011 йил.

² *Омон Мухтор*. “Амир Алишернинг дарди”. “Ёшлик” журнали, 2-сон, 2011 йил.

Безори ўсмирларнинг чилимхонадаги суҳбатида Навоий сиймосини бироз бўрттириб улуғлашга тагин урғу берилади:

“ҲАЙДАРБЕК (жонланиб). И-е, Амир Алишер дейсанми? Яхши-ку Вақтида отам Амир Жаҳонгир барлосни қўллағон. Подшоҳга айтиб, Туршиз қасабасига ҳокимликка қўйғон эди. Кейин, отамни қасаба аҳолиси ўлдириб кетғон. Аммо Навоийнинг ҳиммати менинг хотирамда қолғон. УЧИНЧИ ЎСМИР. Ёмон жойи, Амир Алишер бировни урушмас, сўкмас, ҳатто баланд товушда гапирмас, фақат рост сўзлашни талаб қилар экан. Қўлга олинғонларни ёлғон ёки рост сўзлағонига қараб, икки томонга ажратаётғон экан...

ҲАЙДАРБЕК. Бунинг йўли осон. Йиғлаб юбориб, ёқа йиртиб ёлғонни ростдек кўрсатса бўлади. Баъзилар қандоқ ишонтаришни билмайди.

УЧИНЧИ ЎСМИР. Осон эмас экан-да! Амир Алишер юз-кўзингга бир қараганида, сен ҳали сўзламай туриб, бутун ҳаётинг унга кўриниб қолар экан. Авлиёми ёки ярим авлиёми, дейишади».¹

Ўқувчига халқнинг оми, тўпори, маърифатдан холи қатламининг Навоий ҳақидаги фикри шу йўсинда очиб берилади.

Безори ўсмир дея таърифланган Ҳайдарбек Навоий ҳузурига бориб ўзини пайғамбар эканини айтиб, алдаб-аврамоқчи бўлади. Нозик интрига Ҳайдарбекнинг тез таслим бўлиши, Навоийнинг бироз қўрсроқ муомаласи ва безорининг бирданига ўзгариб қолиши билан тугалланади. Шу кўринишнинг ўзида Навоий характери яна конкретлашади.

АЛИШЕР. Уларга энди сен керак эмассен... Сенинг мулкинг – одамларга нафрат, менинг мулким – муҳаббат. Сен ўғри, каллакесарсен. Бунинг устига, муқаддас динимизга маломат келтириб куфр ва исён йўлига киргансен! Бузғунчисен! Ёвуз жамоа тузғонсен! Лекин бировга жазо бериш менинг вазифам эмас! Мен нафақат инсон, бирон тирик жонга озор етишини истамасмен. Энг ёмон, энг тубан бир махлуқотнинг ўлими ҳам менинг кўзларимга ёш келтиради.²

Сўнгги кўринишда драматизм ва конфликт кучаяди. Ҳайдарбек ҳам Навоийга, ҳам Бойқарога қарши конфликт ҳосил қилади. Муаллиф Навоий образида ҳам ҳаракатни сезиларли тарзда кучайтиради. Қочиб кетишга шайланган Ҳайдарбекка қарата, «Бу дунё у дунё ҳар кимнинг қилғон гуноҳи учун жавоб бор. Жазодан қочиб бўлмайди. Сени кечириш қийин. Мен сенга ачинаман, сен ҳам одам боласисен. Ёрдам беришни ҳам истайман. Лекин ёрдам беролмайман...», дея хитоб қилиб Ҳайдарбекка журъат билан, шунинг баробарида осойишта яқинлашиб, қўлидаги пичоқни олади, мулозимга топширади. Миршаблар югуриб келиб, Ҳайдарбекнинг қўлларини боғлайдилар, уни олиб чиқиб кетадилар.

Драма Навоий ва Нозаниннинг суҳбати, Навоийнинг «Ё Парвардигор! Менинг қавмимга ва барчага дунёда тинч-осойишта, бахт-саодатли яшашни буюргин...», деган илтижо билан тугалланади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздай, драмада Навоий тарихий шахс сифатида тарихий ҳақиқатлар негизида бадий талқин қилинган ва Навоийнинг тадбирли, мулоҳазакор ва ўта дипломат инсон эканини кўрсатиш бош мақсад қилиб олинган. Асар драматургия қонун-қоидаларини тўла инкор этмайди, лекин тўла амал ҳам қилмайди.

2.3. “Самарқард сайқали” (Иқбол Мирзо)

¹ *Омон Мухтор*. “Амир Алишернинг дарди”. “Ёшлик” журнали, 2-сон, 2011 йил.

² *Омон Мухтор*. “Амир Алишернинг дарди”. “Ёшлик” журнали, 2-сон, 2011 йил.

Иқбол Мирзонинг “Самарқанд сайқали” номли бир парда, саккиз кўринишли драмасида 1465–1469 йилларда Самарқандда бўлиб ўтадиган воқеалар тасвирланади. Яъни бу драма Навоийнинг Самарқандда ўтган ҳаётига бағишланади. Навоий бу пайтда 24–28 ёшда бўлади. Асарда 90 ёшлардаги нуроний чол – мўйсафид, Навоийнинг устози Абу Лайс Самарқандий, Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек, Аҳмад Ҳожибек саройига Ҳиротдан юборилган жосус Соҳиб Сиддиқ, шоир ва тарихчи Давлатшоҳ Самарқандий, шоирлар Мир Қарший, Мавлоно Риёзий, Юсуф Сафойй, Хирамий Қаландар, Саййид Қутб Самарқандий, Мирзобек, Абу Лайс Самарқандийнинг жияни Феруза ва бошқалар турли даражадаги персонажлар сифатида иштирок этади. Драма саҳнанинг муайян бир нуқтаси ёришиб, у ерда Навоийнинг ташвишли, изтиробли, ҳорғин сиймоси намоён бўлиши билан бошланади ва Навоий ҳақидаги бошқа драмаларда учрайдиган қолипдан чиқиб кетолмайди, кўрғазмалилик яққол кўзга ташланади.

Жумладан, Навоийнинг илк монолоғида муаллиф драманинг умумий ғоясини акс эттиришга уринади:

*Бу олам мулкида ҳамма йўловчи,
Сайёҳдир дунёга келган ҳар одам.
Манзил-мароҳилга етгунича то
Етаклагай уни қисмат карвони.
Мендай дарбадарни йўл азобимас
Жавобсиз саволлар ҳоритар, эзар...*

Ва Навоий ўз монолоғини “Қачон комил бўлгай жоҳил оломон? Қачон ғолиб бўлгай қалб ва маърифат? Қачон?.. Қачон?.. Қачон?..”, дея савол билан тугаллайди. Драма шеърий услубда ёзилган.

Структура чизиғи Навоийнинг Ҳиротдаги нотинчликлардан сўнг Самарқандга келгани ва у ерда ўтган ҳаётига қурилган. Ушбу драмада антагонист (яъни Навоий)га қарши конфликт марказида протагонист функциясини Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек саройига Ҳиротдан юборилган жосус Соҳиб Сиддиқ бажаради. Унинг тилидан келтирилган нутқий парчага эътибор беринг:

*Бадарға этилди, бу бежиз эмас,
Ҳазрати Султондан бу бир ишора:
Гумдон қилмоқ керак ими-жимиди!
Шунда Абу Саид миннатдор бўлиб
Юксак қадрлагай садоқатингиз.
Ишорат кофийдир оқил сипоҳга.*

Драма пролоғида Самарқанднинг ўрта асрлардаги умумий кўриниши, дарвозадан кириб келган карвонни қарши олганлар шовқин-сурони, ғала-ғовур экани айтилиб, томошабинни воқеалар атмосферасига ҳозирлайди. Алишербек елкасидаги гиламхуржунни ҳорғин қиёфада оҳиста ерга қўяди. Аввал атрофдагиларга, кейин шаҳар манзараларига қарайди ва аста-секин чехраси ёришиб, ҳорғинлик ўрнини ҳайрат эгаллайди. Пешонасига кафтини соябон қилиб, шаҳарнинг узоқ-яқин обидаларига назар ташлайди. Шу ерда Навоийнинг Самарқанд ҳақидаги кўтаринки кайфиятда айтилган монолоғини ўқиймиз.

*Самарқанд – оламнинг сайқали, кўрки!
Жаннатмакон Ҳазрат Соҳибқиронким,
Пойтахт айламишдир жумла жаҳонга!
Самарқанд – мана у фирдавсмонанд кент!
Афсонавий шаҳар, нажот кўрғони!
Валийлар макони, пирлар маскани!*

Гарчи драма Алишербекнинг Самарқандга илк ташрифидан бошланса-да, уни энг аввал Мўйсафид, кейин эса ёш шоир Мирзобек таниб қолиши ўқувчида бироз шубҳа уйғотади. Алишербекнинг “Ҳа, бу жон ташвиши, мол ташвишимас... Хуросон элида қиёмат кўпди... Қайдадир ҳузурбахш боди саболар? Қайдадир ипакдек сирғалган насим? Қайдадир рай-ҳонбўй хуш шаббодалар? Ёр сочин чулғатган эпкинлар қайда? Тупроқ ҳидин сочган кўклам еллари... Ашъор, абётларда қолдилар фақат...”, дея айтган сўзларидан кейин Навоий ўз ижодидан бир байт келтиради ва шу байтни мўйсафид давом эттириб уни таниб қолади. Бу драманинг прологиди юз беради. Муаллиф шундан кейин конфликтни пайдо қилади: Ҳиротдан юборилган махсус жосус Соҳиб Сиддиқ Навоийнинг ҳаётига хавф туғдирувчи антагонист сифатида намоён бўлади. У шу даражада юқори антагонистик кайфиятида бўладики, сипоҳга қарата, “Шубҳа-иштибоҳ йўқ садоқатингга, Бир лаҳза ҳам кўздан қочирма уни! Билгилки, асосий душманамиз шу! Ва зарур бўлганда...”, дея қўлини томоғига юргизиб, бошни олишга ишора қилади.

Миттага кўра, “Воқеада характер учун кўп нарса керак эмас. Сиз уни сюжет ичида ишончли ҳаракат қилиш қобилияти билан таъминлашингиз керак. Бошқалари шундан келиб чиқади. Бунинг учун сиз характер нимани онгли равишда ва нимани онг ости ҳолатида хоҳлашини билишингиз керак. Сиз унинг қандай ҳаракатлар орқали мақсадига етишини билишингиз керак. Сиз “у қаради... у ўйлади” ва ҳ.к ва ҳ.к. деб ёзсангиз, - бу ҳаракат эмас, бу баҳолаш. Агар характер фақат шуларгагина эга бўлса, сиз профессионал эмассиз. Бизнинг ишимиз – оддий ва тушунарли ҳаракатларни ўйлаб топиш ва улар билан характерни тавсифашдир. Биз ҳаммамиз чуқур характерлар ҳақида орзу қиламиз. Структурада уни оддий ва тушунарли нарса – қарамақаршиликлар яратади”.¹ Кўп нарсани ўйлаб топиш мумкин – сизнинг муаммонгиз шундаки, ҳаракатлар мотивацияланган ва ишонарли бўлиши лозим. Бунинг учун сиз қаҳрамон ҳаётининг асосий жиҳатларини билишингиз керак бўлади.

Соҳиб Сиддиқнинг биринчи кўринишда Навоий ҳаётига хавф солувчи шахс сифатида кўрсатилиши иккинчи кўринишда ривожлантирилади. Бу Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек билан суҳбатда кўзга ташланади. Унинг хушомади Аҳмад Ҳожибекка маъқул бўлмаслиги орқали Самарқанд ҳокимининг характери очила боради.

Аҳмад Ҳожибек: Гапни кўп чўзасиз, эй Соҳиб Сиддиқ,
Ўзимни ўзимга таништирасиз,
Нима демоқчисиз, очикроқ айтинг?
Соҳиб Сиддиқ: Абу Саид Мирзо сизни хўб сийлаб,
Самарқанд мулкани этмиш иноят.
Ҳаққин адо қилмай бу мурувватнинг

¹ Александр Митта. “Кино между адом и раем”. Издательский дом, Подкова, 1999.

Унинг душманига илтифот этмак
Султон ғазабини қўзғатар шаксиз.
Соҳиб Сиддиқ: Яъни, Навоийни чорлабсиз бунга,
Марҳамат ва ҳиммат қўлини чўзиб,
Дўстлик қилмоқдасиз тож душманига.
Ахир Навоийнинг хеш-ақрабоси
Салтанат душмани экани аён”.

Муаллиф драматик вазиятни Соҳиб Сиддиқ орқали зиддият пайдо бўладиган пайтга тайёрлайди. Аҳмад Ҳожибек бошида унинг гапига парво қилмаса-да, лекин тахт эҳтиёти уни Соҳиб Сиддиқнинг гапини беътибор қолдирмасликка ундайди. Соҳиб Сиддиқ ундан Навоий билан суҳбатини хуфия тинглашга изн сўрайди ва Ҳожибекнинг кўнглида тугилган ҳадик уни рухсат беришга мажбур қилади. Навқирон Алишер Ҳожибекка ўз аҳволини баён қилар экан, салтанатдаги оғир вазиятга муносабатини ҳам билдириб ўтади.

Алишербек: Бизнинг бошимизга шамолу бўрон,
Тўфонлар, довуллар дағдаға солар.
Уруш қуюнининг гирдибодида
Тўзғиб битди бизнинг қутлуғ хонадон...

Аҳмад Ҳожибек: Ҳа, урушдан туғилар уруш, адоват,
(таъсирланиб) Келажак бўлмайди жанг майдонида,
Фақат жон сақлашни ўйлар оломон...
Фожиа... фожиа...

Асарнинг асосий мақсади Навоийнинг Самарқандда ўтган ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиш бўлгани учун Самарқанд ўзаро диалогларда қайта-қайта эслаб турилади. Аҳмад Ҳожибек “Самарқандни Самарқанд қилган Самарқандийларнинг ақлу закоси”, дея ўз шаҳридан ғу-рур туйишини яширмайди. Навоий Аҳмад Ҳожибек билан суҳбатдан сўнг Фазлуллоҳ Абу Лайс Самарқандий билан учрашади. Самарқанд ҳокимининг кўнглига шубҳа оралатишга уринган Соҳиб Сиддиқнинг дастлабки уриниши самара бермайди. Муаллиф шу вазият-да саспенсдан унумли фойдаланган. Соҳиб Сиддиқ кейинги уринишни амалга оширгунча ўқувчида қизиқиш пайдо бўлади. Кейинги фитна қандай бўлишини кутади.

“Соҳиб Сиддиқ: Сиз... Сиз... Мен ҳайронман... бунчалар
(жаҳлдан дудуқланиб) Осон илиндингиз унинг домига?..
Дили билан тили бошқа-бошқадир,
Бир кун душманлигин кўрсатар аён.
Фақат кеч бўлмаса бўлди ўшанда!
Фақат кеч бўлмаса бўлди...”

Соҳиб Сиддиқдан ташқари илм борасида Риёзий ҳам Навоийга қарама-қарши образ сифатида гавдаланади. Конфликт қанча кўп бўлса, драматик ҳолат шунчалик таранглашади. Бундан муаллиф унумли фойдаланади.

“Риёзий (кетар чоғида заҳарханда билан):
Баҳсни беихтиёр тўхтатдик бугун,
Аммо тугагани йўқдир зиддият..
Ҳали давом этар бу кураш, балки
Қиёматга қадар... ҳозирча хайр!”

Бир гуруҳ шоир ва олимлар баҳсдан сўнг Алишербек ва Абу Лайс Самарқандийни ёлғиз қолдириб чиқиб кетишади. Абу Лайс Самарқандий Риёзийнинг сўзларидан ҳайрон бўлиб Алишербекка қарайди. Навоий “парво қилманг” дегандай жилмайиб бош ирғаб кўяди. Бу кичик детал ҳам Навоийнинг характери очишга хизмат қилган. Муаллиф Алишернинг ёшлик қиёфасини янада яққолроқ акс эттириш учун Қиз деб номланган тўқима образдан фойдаланади.

“Феруза: Лекин эсингдами, чинакам ишқда
Висол бўлмайди деб уқтирар эдинг.
Мисол келтирардинг Лайли ва Мажнун,
Хисраву Шириннинг севги қиссасин...”

Навоийнинг Давлатшоҳ Самарқандий билан учрашган саҳнасида диалоглар бироз чўзилган. Шу саҳнада уларнинг гапини хуфия тинглаётган шарпанинг пайдо бўлиши яна саспенсни юзага келтиради. Аммо Навоийнинг бу шарпани ўзи билан Ҳиротдан эргашиб келганини тусмол қилиши бироз ишонарли чиқмаган. Саҳнанинг Навоий ва Давлатшоҳ Самарқандий турган чет қисми қоронғулашиб, қарама-қарши томони бироз ёришади. У ерда турган Шарпа ёнига Риёзий яқинлашади. У ҳам Шарпага монанд либосда тасвирланади. Ушбу фитна кейинги кўринишда тўхтаб, сюжет муҳаббат чизиғи бўйлаб ривожланади.

“Навоий: Яратганга шукр, мен сизни топдим,
Орзуманд қалбимга муносиб маҳбуб.
Ўсмирлик чоғимда тасаввуримда
Бир малак сиймоси намоён эди,
Самарқанддан топдим ўша севгимни.
Илк бора кўрдиму билдим, сиз ўша
Кўнгил кўзгусида порлаган санам.
Кун келар мен сизни олиб кетурман
Садаф бағридаги гавҳардек асраб...
Қиз овози: Шоирим, бунчалар олийжанобсиз!
Шоирим, асрасин сизни худойим!”

Шу лаҳзада саспенс яна қайтади: парда панасида уларнинг суҳбатини кузатаётган Риёзийнинг шарпаси намоён бўлади. У бироз бош чангаллаб, иккиланиб туради-да, сўнг шошиб чиқиб кетади. Кейинги кўринишда Навоийнинг ижод қилиш жараёни тасвирланади. Ушбу саҳнада ҳаракат кузатилмайди, деярли тўхтаб қолади. Навоийнинг монологлари анча чўзилган ва бу томошабинни ўзидан узоқлаштиради. Лекин муаллиф тўсатдан яна Шарпани, яъни Соҳиб Сиддиқни саҳнага қайтаради. Шарпа қилич дастасини тутиб, Навоий томон таҳдидли қадам ташлайди. Шунда парда ортидан овоз келади. Шарпа чиққан заҳоти шовқин кўтарилади. Шарпанинг жон талвасасида оҳ ургани эшитилади. Навоий ўша томонга ошиқади ҳамда у ёқдан саҳнага кириб келган Аҳмад Ҳожибек ва икки навкарнинг важоҳатини кўриб таажжубда тўхтади. Шу ерда тугун ечилади. Соҳиб Сиддиқ Аҳмад Ҳожибекнинг йигитлари томонидан ўлдирилади. Шу билан бирга Султон Хусайн Ҳирот тожу тахтини эгаллагани ҳақида хушxabар келади.

“Навоий: Бу сафар сабримни имтиҳон қилар:
Дўстлар дийдоридан, устоз бағридан
Тилаб-тиламасдан узилмоқдаман.”

Драма Навоийнинг Самарқандга қайтиши билан тугалланади. Драмани Навоий томонидан айтилган “Ватан юракдадир мангулик қадар, Юрак қайда бўлса, шундадир Ватан”, хитоби яқунлаб беради. Умуман олганда “Самарқанд хаёли” тарихий драмаси Навоийнинг Самарқандда ўтган ҳаёти ҳақида ихчам, тушунарли ва муҳим тасаввур бера олади.

2.4. “Алишербек ва Ҳусайн” (Иқбол Мирзо)

Иқбол Мирзонинг “Алишербек ва Ҳусайн” номли ёш томошабинлар учун мўлжалланган етти кўринишли тарихий пьесасида Навоийнинг фалсафий мушоҳадаларини ёш болаларнинг онгига мос – мураккабликдан холи бир тарзда акс эттиради. Бунда Навоийнинг болалиги тасвирланиб, қатнашувчилар таркибида 13 ёшлар атрофидаги Ҳусайн, Ровий, Алишербекнинг отаси Ғиёсиддин Баҳодир, Алишернинг онаси Дарвешали, Шарафиддин Али Яздий, Мавлоно Лутфий, Мирсаид Кобулий, Муҳаммадали Ғарибий, Барлос Ботир, Домла Мурод, Аҳрор Аҳмад, Муҳаммад Шариф ва бошқа турли даражадаги образлар иштирок этади. Пьеса саҳнага Ровий чиқиб келиши билан бошланади. Прологда Навоийнинг “Бийик мақомлиғ эл тифл эрканда ҳам бўлмас, Ки, тийра қилғай ани жаҳлу зулмат аҳли тили. Қамар чироғи бўлса агар барча бир кечалик, Не навъ ўчиргай ани, шабпарак қаноти ели?”, мисралари қўшиқ тарзида айтилади. Асарнинг аниқ жанри (драма, комедия, трагедия) кўрсатилмаган, лекин жанр хусусиятлари драмага мос келади. Пьеса Навоийни ёшларга танитиш, Навоий ҳақида ёш авлодга аниқроқ тасаввур бериш миссиясини тўлалигича бажарган. Қолаверса, Навоийнинг болалиги ҳақида йирик саҳна асарлари деярли яратилмаган ва “Алишербек ва Ҳусайн” драмаси бу бўшлиқни тўлдиради. Драма аввалида Ровийнинг болаларга мурожаати берилади. Ровий болаларга саломнинг фазилати ҳақида гапириб, “инсоннинг кўнглини ардоқлайдиган халқимиз отлик одам пиёдага салом бериши керак деб ҳисоблайди. Мен бойман, нуфузим баланд, амалдорман, деб кеккайиш ва бошқалардан салом кутиш одобсизлик саналади” каби панд-насиҳатларни беради. Бу дидактик кириш сўзи болалар учун мўлжалланган асар бўлгани сабабли ўзини оқлаган. Муаллиф ҳар бир кўринишда сюжет чизиғини ривожлантириб боради. Иккинчи кўринишда саҳнага Алишербек, онаси ва уйқусираган укаси Дарвишали чиқиб келади. Бу қисқа кўринишда ака-ука ўртасида бўладиган болаларча иззатгалаблик ҳақида кўрсатилади. Кейин эса ёш Алишерни кекса тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан суҳбатига гувоҳ бўламиз:

“Алишербек. Исми Алишер, Ғиёсиддин Баҳодирнинг ўғлиман. Ҳиротликман. Биласизми, бобо, ҳозир Ҳиротда нотинчлик. Шоҳрух Мирзо оламдан ўтгач, шаҳзодалар тахт таллашиб, бир-бирига лашкар тортурлар. Оқибатда халқ қийналиб, азиятда қолди. Биз ҳам урушдан қочиб тинчлик тилаб мусофирликни ихтиёр этдик.

Яздий (завқланиб). Вой-бўй, ўзинг миттигинасан-у, тилинг бунча бийрон! Кўлингдаги қандай китоб?”

Ушбу суҳбат ёш Алишернинг зеҳни, ақлу заковати ҳақида болаларга тасаввур беради. Лекин драматургик ҳолатни унутмаслик керак, иккинчи кўриниш билан учинчи кўриниш ўртасида боғланиш сезилмай қолгандай туюлади, драматик тиғиз вазият персонажнинг

характерини очади. Ишонарли конфликт бўлмаган жойда характер ҳам очилмайди. Драмада шу нуқсон кўзга ташланади. Кейинги кўринишда Ровий “Биз Уйғониш даври ҳақида кўп гапиримиз. Хўш, у қандай давр? У қандай ҳодиса? Инсон уйғоқ бўлсагина ишлай олади, фикрлайди, ўқийди, меҳнат қилади, натижада фароғат топади. Халқ ҳам худди шундай. Агар уйғонса, бел боғласа, у нафақат ўзининг қаддини ростлайди, балки бутун теварак атрофини, эҳтимолки дунёнинг гуллаб-яшнашига, тараққий топишига сабаб бўлади”, дея уйғониш даври ҳақида болаларга тушунтириш бериб ўтади. Самарқандда ҳам уйғониш даври бўлгани хусусида айтиб, Мирзо Улуғбек, Давлатшоҳ Самарқандий, Али Қушчи, Мавлоно Лутфий, Хондамир, Камолиддин Беҳзод, Музаҳҳиб, Бобур Мирзо каби даҳолар оламга маърифат нури таратганларини сўзлайди. Шулар қаторида Мир Алишер Навоий ҳам борлигини илова қилади. Ака-укаларнинг кичик баҳси, Али Яздий билан учрашувдан кейин ёш Алишернинг дўсти Ҳусайн билан камон отишганини кўрамиз. Ҳаракат шу камонбозлик асносида кечиб, ҳар икки қаҳрамоннинг келажакдаги мақсади ва орзулари баён қилинади:

“Ҳусайн. Лекин диловарликда куч бирламчидир. Қудрат ва интизом ғалабанинг дояси ҳисобланади. Менинг орзум бир-бири билан ёвлашиб, тахт талашиб юрган темурийлар бошини қовуштирмақ ва ягона қудратли салтанатни тикламоқ... (Ўқ узади ва нишоннинг елкасига уради) Сиз-чи? Олий муродингиз не?

Алишербек (садоғидан пайкон олиб, тирноғи билан тиғини текширади, ўқнинг равонлигини кўз билан чамалаб, кўнгли тўлмай ерга санчиб, бошқасини олади). Мен ҳам салтанат яхлитлигини, тинчлик-осойишталикни, эл фаровонлигини орзу қиламан. Ва... (нишонни мўлжалга олганча ўйланиб) она тилимни юксакларга кўтарсам, хурматини жойига қўйсам, бошқа тиллардан кам эмас, аксинча, баланд эканини исбот қилсам дейман. Шу тилда “Хамса” яратсам...”.

Шу ерда ёзувчи Миркарим Осимнинг “Зулмат ичра нур” қиссаси ёдга тушади. Ушбу қиссанинг композицияси ҳам Алишер Навоийнинг болалиги ҳақидаги оғиздан оғизга ўтиб, китобдан китобга кўчиб келган тўқима ҳикоятлар, тарихий фактлар асосидаги воқеаларни бир жойга йиғади. Ойбекнинг “Болалик” қиссасида ҳам Алишер Навоийнинг болалиги билан боғлиқ шу ҳикоялар яхлит қисса ҳолида ёзилган. Иқбол Мирзонинг мазкур драмасида ҳам Алишернинг болалигидаги воқеалар коллаж шаклида келтирилган. Бу ерда ровий драматик кўринишлар марказида туриб, воқеаларни бирлаштириб, ёш томошабинларга “қиссадан ҳисса”ни эслатиб туради. “Қизиқ, ўша қадим замонларда, қўл телефони, компьютер, автомобиль каби қулайликлар бўлмаган вақтда боболаримиз қандай қилиб бу қадар катта-катта ютуқларга эришди экан? Бу саволнинг жавоби аниқ: илм, изланиш ва меҳнат туфайли! Улар ҳар бир дақиқани тиллога тенг билиб, илму фанни мукамал эгаллашга интилишган”, дейди бир ўринда ровий ва кейинги воқеа болаларнинг ёнғоқ ўйини ўйнаши ҳақида кетади. Муаллиф бу сахна орқали ёш Алишернинг ростгўйлиги, ҳақиқатпарастлиги ва ақлли эканига урғу бермоқчи бўлган. Ҳусайн ўйин давомида фирромлик қилади, буни барча болалар кўриб турибди, лекин шаҳзодага унинг фирром ўйнаганини ҳеч бир бола ботиниб айта олмайди. Алишербек эса Ҳусайнга ҳақ гапни айтишга ўзида журъат топади.

Алишербек. Агар сизга ялтоқланиб ёлғон сўйлашса, била туриб ишониб кетаверсангиз, оқибат ана шу ёлғонлар йўлингизга ўтиб бўлмас ғов бўлмаса деб қўрқаман.

Ҳусайн. Хушомад ҳукмдорнинг обрўйи. Қўрққан одам хушомад қилади. Қолаверса, мен карим ут-тарафайн – отаю она тарафидан тўғридан тўғри Соҳибқирон ҳазратлари шажарасига туташман. Ҳаққим бордир?

Алишербек. Айнан Соҳибқирон авлоди бўлганингиз учун ҳам хушомаду тилёғламаликка ён бермаслигингиз керак. Ширин сўз одамга ёқади. Лекин у ёлғон бўлса, бир куни илондай чақади. Ёлғон туфайли инсонни ғафлат босади. Оқибатда доғда қолиши мумкин. Айниқса, фирромлик...

Ушбу кўриниш ёш томошабинлар учун ҳам тушунарли, гарчи шундай бўлса ҳам Ровий Алишербек ва Ҳусайн ўртасидаги баҳсга изоҳ бериб ўтади: “Ровий. Ҳа, ёмон бўлди. Икки дўст орасидан оламушук ўтди. Баъзан шунақа бўлади. Ҳатто жон қадар яқин дўстлар ҳам бир-бирини тушунмай қоладилар. Шундай пайтда нима қилмоқ керак? Биринчидан, сабр қилмоқ, қизишмаслик лозим. Алишербек тўғри йўл тутди. Иккинчидан, дўстнинг арази, жаҳли сабабини ўйлаб кўриш керак. Эҳтимол, унда асосли ваз бордир. Дўстликни ҳам авайлаб асраш, эҳтиётлаш даркор”.

Кейинги кўринишда Ғиёсиддин Баҳодирнинг хонадонида уюштирилган зиёфат акс этади. Мирсаид Кобулий, Муҳаммадали Ғарибий, домла Мурод, Барлос Ботир, Аҳрор Аҳмад, Муҳаммад Шариф каби меҳмонлар орасида Алишербек чойнак кўтариб кириб, саломлашиб, пойгакка ўтиради. Отаси унинг ёнидаги чойнакни ўз олдига тортиб, чой қайтаради. Алишербек катта ёшлиларнинг Хуросондаги ижтимоий-сиёсий вазият, маданий ҳаёт, адабиёт ва бошқа масалалардаги суҳбатини бир чеккада ўтириб эшитади. Суҳбат ўша пайтдаги сиёсий ва маданий ҳаёт ҳақида яхши тасаввур беради. Диалоглар ҳар бир ўринда мақсадли равишда қўлланган. Кейинги пайтларда Самарқандда ҳам туркий байт айтгувчи шоирлар кўпайиб қолгани, тилнинг гўзаллигини эл англаб бораётгани, “Ҳар неки, ул гул бўладими, жонзотми, гўзал бўлса, бир кун қадр топқай” (Ғарибий нутқидан), дея асосланади. Шунингдек, форсийнинг имкони катталиги, улуғ шоирлар форс тилида шеър битиши таъкидланади. Форс тилининг оҳанги, жозибаси бутун рубъи маскунга маълум ва машҳур эканига урғу берилади. Домла Муроднинг “Мен ҳайрону лол бўламанки, нечун илмий асарларимиз ўзга тилларда битилур? Ахир шу тариқа кетаверса, фармонлару жарномалар форс-араб тилида эълон қилинаверса, оқибати нима бўлади? Тилимиз ривожланиши учун уни ҳар йўсинда ишлатмоқ керак. Шунда қонун тили, илму фан тилига ҳам айланади”, каби ўткир сўзлари ҳам муаллиф томонидан ўринли ишлатилган. Бу каби суҳбатлар бола Алишернинг дунёқарашига таъсир кўрсатгани, у ердаги гап-сўзларни закийлик билан шуурига сингдиргани англатилади. Миркарим Осимнинг “Зулмат ичра нур” қиссасида ҳам шунга ўхшаган саҳна бор. Драмада қиссадан фарқли ўлароқ муаллиф Алишернинг Озарбайжон шоири шеърдан тўрт мисра ўқиганини келтирмайди, такрорлаб қўймайди. Миркарим Осим шу даврада “Мантиқ ут-тайр”ни тўрт ёшида ёддан билганини келтирган бўлса, Иқбол Мирзо Шарафиддин Али Яздий билан бўлиб ўтган суҳбатда бунга ишора беради. Драмада муаллиф Навоийнинг ҳаёт ва ижод йўлида юксак салоҳиятгина эмас, болаликдаги муҳит ҳам катта таъсир кўрсатганини ўқувчига эслатмоқчи бўлади. Муаллиф драматик тарангликни, асосан, ёш Алишербек ҳамда Ҳусайн орасидаги кичик конфликт атрофига қурган. Бу таранглик бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтганда баъзан йўқолиб қолади.

Ҳусайн ва Алишербекнинг қиличбозлик қилиш саҳнаси драмага шу тарангликни яна қайтаради. Ровий бу кўринишда ҳам саҳнага чиқиб, “одам бир марта дунёга келади. Мана шу ноёб имконни қўлдан бой бермай, инсонга хос шараф ила яшаб ўтмоқ, эли учун, ватани учун фойда келтирувчи иш билан шуғулланмоғи керак. Ана шундагина ота-она, элу юрт, она ватан рози бўлғуси! Навоий бобомиз “Одавий эрсанг, демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами”, деб бежиз ёзмаганлар. Барча куч-қудрат, истеъдод ва фурсат ўз туғилган

тупроғинг равнақи учун сарф бўлмоғи шарт”, дея шарҳ беради. Шу монологда келтирилган “Ана шундагина эртанги кунимиз фаровон, ёруғ ва саодатли бўлгай”, гапи эса шиорга ўхшаб қолган. Қиличбозликда Алишербек дўсти Хусайнни енгади. Муаллиф бу сахнани моҳирлик билан уюштиради. Навоий нафақат фақат илм ва заода, балки, жисмоний жабҳада ҳам қудратли бўлгани кўрсатилган. Яқунда Хусайн ҳам ўз феълидаги ноқисликни англаб етади:

“Хусайн. Алишербек, бундай марҳамат менга керакмас, сиз ғолибсиз, дўстим, мен енгилдим!

Алишербек. Йўқ, ҳазратим, сиз кибрни енгдингиз, сиз мутлақ музаффарсиз!”

Кейинги воқеа Ғиёсиддин Баҳодир билан Мавлоно Лутфий сахнага кириб келиши сахнасига уланади. Болалар буюк шоирни кўриб тош қотиб қолишади. Бироз саросимада “Малик ул-калом!”, “Мавлоно Лутфий!” деб шивирлашиб, салом беришади. Муаллиф деярли ҳамма яхши биладиган Лутфий билан учрашув сахнасини тасвирлайди. Буюк Лутфий олдида бола Алишер “Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш, Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш”, матлаъли ғазалини ўқийди.

“Лутфий. (Ҳайратланиб) Офарин! Тасанно! Мен форсий ва туркийда битган ўн икки минг байтимни ушбу ғазалингизнинг икки қатор матлаъсига жон-жон деб алмашган бўлардим. Аммо... нечун шеър охирида “камина” деб битибсиз, бу тахаллусми?”

Алишербек. (отасига қараб олади) Устоз, марҳаматингиздан бошим кўкка етди. Қуллуқ. Тахаллус важҳидан бироз иккиланишдаман. Бир қарорга келолмайман. Шу сабаб камтар, ғариб маъносида “камина” ёздим.

Лутфий. Агарким менга, яъни каминага ихтиёр берилса, шеърингиздаги табиий оҳанг, булбулдек наво туфайли сизга Навоий деб ном берган бўлардим.

Алишербек. (Шодланиб) Қуллуқ, устоз, бағоят гўзал, бетакрор ном. Бу сўз сизнинг лафзингизда янада жозибали ва оҳорлидир. Ишончингизга лойиқ бўлсам, шу менинг иқболим бўлур.

Лутфий Алишернинг иқтидорига қойил қолиши билан бирга Навоий тахаллусининг бериши ҳам болаларга кўрсатилади.

Драма эпилогда ровий якуний хулосани айтади: “Инсон ўзига қўйилган исмга доғ туширмасдан, уни улуғлаши, унга муносиб бўлиши шарт! Менинг доно ўғил-қизларим, сиз, албатта, буюк боболарга муносиб бўлгасиз! Бунинг учун сизда имкон бор: қўл узатсангиз, Мирзо Улуғбек юлдузларига етурсиз, сизнинг ҳаққингиз бор: томирларингизда Бухорий, Термизий, Хоразмий, Фарғоний, Навоийларнинг қутлуғ қони оқмоқда, сизда асос бор: замон сизники, келажак сизнинг қўлингизда, зукко набираларим!

*Сиз бел боғласангиз, қад ростлайди халқ,
Кўнгил гўзал бўлса, ранг олгай дунё.
Сизлар бирлашсангиз, бирга бўлгай ҳақ,
Қалбни уйғотсангиз, уйғонгай дунё!”*

Драма гарчи драматик қонун-қоидаларга тўла жавоб бермаса-да, конфликтларсиз кечса-да, ёш томошабинларга Навоийнинг болалиги ҳақида аниқроқ тасаввур уйғотиш, болалиги ҳақида маълумот беришни мақсад қилгани ва буни бажара олгани билан аҳамиятлидир.

2.5. “Навоий ва Бойқаро” (Муҳаммад Али)

Навоий сиймосини бадий асарда Ҳусайн Бойқаро шахсини қўшмасдан тасвирлаш мушкул. Негаки Ҳусайн Бойқаро сиёсий шахс сифатида ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ва дадил ислохотларни амалга оширган. Ҳусайн Бойқаро ёзувда турк тилини истеъмолга киритиш борасида махсус фармон берган. Бу дадил қадам мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётида катта воқеа бўлгани, шубҳасиз. Ҳусайн Бойқаро форс ва туркий тилларида ғазал битиш иктидорига эга бўлса-да, асосан, турк тилида «Ҳусайний» тахаллуси билан ижод этган. Унинг таъби назми ҳақида Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида шундай ёзади: «Ул хазратнинг хўб ашъори ва марғуб абёти бағоят кўпдур ва девон ҳам мураттаб бўлубтур». Султон Ҳусайн Бойқаро Хуросон ҳудудини ички ва ташқи душмандан тозалагач, беғамликка, айшу-ишратга берилади. Ҳукмдорнинг сўнгги йиллари мамлакат ичида вужудга келган исёнларни бостириш билан ўтади. Бу исёнлар ўз ўғиллари тарафидан мулк таллашиб, кўтарилган низо ва можаролардан иборат эди. Аммо шунга карамай, у қўлидан келганича мамлакатда адолат ва осойишталикни, илм-маърифат ва маданиятни раванқ топтиришга ҳаракат қилган. 1506 йил баҳорида Султон Ҳусайн Бойқаро хасталигига карамай Хуросон қўшинини йиғиб, Муҳаммад Шайбонийхонга қарши Мовароуннаҳр ҳудудига қараб йўл олади. Шаҳаншоҳ Бобо илоҳий мавзеига етганда, аҳволи оғирлашиб, қўшинни тўхташишга қарор қилади. 1506 йил 5 май, душанба куни кечкурун салтанат соҳиби Абулғозий Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро апоплексия касали билан 69 ёшида оламдан ўтади.

Муҳаммад Алининг “Навоий ва Бойқаро” тарихий драмаси бевосита Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг мамлакат сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўзига хос “тандем”ини кўрсатиб беради. Омон Мухторнинг “Амир Алишернинг дарди” тарихий драмасида ҳам Бадиуззамоннинг отаси Ҳусайн Бойқарога қарши исёни ва бу низони Алишер Навоийнинг ниҳоятда донолик билан бартараф қилгани кўрсатилган. Ушбу тарихий низо Муҳаммад Али драмасида янада кенгроқ ва батафсилроқ бадий талқин қилинади. Тарихий манбаларда Бадиуззамоннинг 1458 йил Ҳиротда туғилиб, 1515 йил Истанбулда вафот этгани айтилади. У 1506–1507 йилларда Хуросон ҳукмдори бўлган. Ҳусайн Бойқаронинг тўнғич ўғли, онаси Марв ҳокими Санжар Мирзонинг қизи Бека Султон бегим бўлган. Бадиуззамон 1473 йилдан Сейстон, кейинчалик Мозандарон ҳокими бўлган. Астробод ҳокими амир Мўғул хиёнатидан сўнг, Ҳусайн Бойқаро уни 1493 йил Астрободга ҳоким қилиб тайинлаган. Сўнг у 1496–1506 йилларда Балх вилоятига ҳокимлик қилган. Бобурнинг ёзишича, «Султон Ҳусайн Мирзо Балхга келганида Мовароуннаҳр фойдасини кўзлаб Балхни Бадиуззамонга беради, унинг мулки – Астрободни эса Музаффар Ҳусайн Мирзога топширади. Бадиуззамон шу туфайли аразлаганди. Шунча йиллар давом этган душманлик ва исён сабаби айни шу ҳолат эди».

Бадуззамон Астрободни укасига беришга кўнмаган. Чунки Ҳусайн Бойқаро Астрободни унинг ўғли Муҳаммад Мўмин Мирзога суннат тўйини қилаётганда инъом қилган эди. Оқибат ота-ўғил ўртасидаги можаро урушга айланади. 1497 йил Бадиуззамон Пули Чироғ дарасидаги жангда мағлубиятга учрайди. Худди шу куни Музаффар Ҳусайн Мирзо Астробод ёнида Муҳаммад Мўмин Мирзони енгади. Ҳусайн Бойқаро Балхни ўғилларидан Иброҳим Ҳусайн Мирзога беради. Енгилган Бадиуззамон қолган лашкари билан Кундузга қочади, сўнг Хусравшоҳ хузуридан паноҳ топади. Хусравшоҳ Бадиуззамонга қўшин, қурол – яроғ билан ёрдам бергач, у Қан-

дахор ва Заминдеворга боради. 1505 йил Бадиуззамон отаси билан ярашиб, унинг хизматига киради. Отаси вафот этгач, укаси Музаффар Хусайн Мирзо билан биргаликда тахтга ўтиради.

1506 йил Шайбонийхон Балхни қамал қилганда Бадиуззамон Музаффар Мирзо билан унга қарши отланиб, бошқа укаларини ҳам ёрдамга чақиради. Бодхизда Бадиуззамон қўшинига Абулмуҳсин Мирзо ва Ибн Хусайн Мирзо келиб қўшилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам уларга ёрдамга келади. Аммо улар тўплангунга қадар орадан 3–4 ой ўтади, бу орада Шайбонийхон Балхни эгаллаб, Бадиуззамон қўшин тўплаётганидан хабар топгач, кеч кузда Самарқандга қайтиб кетади. Шайбонийхон 1507 йил Самарқанддан Хуросонга қўшин тортади. Бадиуззамон укаси билан Ҳиротни ташлаб қочади, сўнг Эронга, Исмоил Сафавий ҳузурига во-ради. 1514 йил Бадиуззамонни турк султони Салим I Истанбулга олиб кетади, у ўша ерда вабога чалиниб вафот этади. Бадиуззамон Хусайн Бойқаронинг ўғиллари орасида энг оқили ва тадбиркори бўлиб, тақводор, адолатпеша ҳамда илму маърифат ва ҳунар ахлига мурувватли ҳукмдор эди. У ўз саройида олим, шоир, санъаткорларни йиғиб анжуманлар ўтказиб турарди. Шунинг билан бирга, у ўзи ҳам гўзал ғазаллар битган, мамлакатда қурилиш-ободончилик ишларига катта эътибор берган.¹ Алишер Навоий Бадиуззамонни қуйидагича таърифлаган: «Султон Бадиуззамон Мирзо ҳусни сурат ва ҳусни сийрат била ораста ва жамоли зоҳирий ва камоли ботиний била пийроста йигитдур. Разм атворидин отар-тутарда дилписанд ва базм асбобидан ичмак ва бағишламақда бемонанд. Табъи ҳам назм услубида мулойим тушубтур...».

Ўзбек давлатчилиги тарихида марказлашган давлат парчаланишининг энг муҳим омили бўлиб келган ака-укалар ўртасида тахт талашуви Бадиуззамоннинг отасига исён қилишида бош сабаб бўлиб хизмат қилган. Ҳукмдорларнинг турли хотинларидан бўлган фарзандлари ҳамма даврларда тахтни эгаллаш мақсадида фитнага зўр беришган, исён қилишган. Хуросондаги ижтимоий-сиёсий вазият оғирлашувига ҳам шахзодаларнинг ўзаро тахт талашуви сабаб бўлган. Навоий бу зиддиятли вазиятнинг марказида туриб, вазиятни юмшашига ҳаракат қилган ва буни маълум маънода уддалай олган сиёсий шахс ҳамдир. Муҳаммад Алининг “Навоий ва Бойқаро” тарихий драмасида ҳам шу ижтимоий-сиёсий зиддиятлар фониди Навоий ва Бойқаро шахси очиб берилади. Шу билан бирга муаллиф драмада қатнашган Бадиуззамон Мирзонинг ўғли Мўмин Мирзо, салтанат вазири аъзами Низомулмулк, мусаввир Камолиддин Беҳзод, Хусайн Бойқаронинг хотинлари Хадичабегим, Опоқбегим, тарихчи Хондамир, олим Муҳаммад Бахший, Хуросон салтанати лашкарбошиси Амир Саъдваққос, машхур хаттот Султон Али Машҳадий ва бошқаларнинг ҳам характерини очишга ҳаракат қилади.

Драма Ҳирот маданий ҳаётининг фаоллари йиғилган анжуман воқеаси билан бошланади. Аммо драматург ўқувчини шиддатли воқеалар ичига олиб киришга шошмасдан, баёнчилик ва сунъий мадҳиябозликка берилади. Тарихчи Хондамир ва Камолиддин Беҳзоднинг узун диалоглари иккала характерни ҳам очишга эмас, кўпроқ Навоий ва Бойқаро дўстлигини бироз бўрттириб улуғлашга ўхшайди.

Беҳзод. Бахтимизким, шу шаҳарда туғилдик бизлар,
Улуғ тупроқ фарзандим деб бизни азизлар.
Не тонг булса, одил шоҳнинг мамлакати хур,
У халқининг боши узра сочгай гавҳар, дур,
У қуёшдай нур таратар, эл-юрт баҳраманд,
У юртининг посбонидир, ёв беролмас панд!

¹ Файзиев Т., Хусайн Бойқаронинг сирли ўлими, – Т., 1995.

Ёки:

“Хондамир. Олимлари рисолалар битар у ҳақда,
Шоирлари назм иншо этар у ҳақда.
Бастакори шарафига яратар куйлар,
Хонандаси ошиб-тошиб қўшиқлар куйлар!
Шундай подшо бизда бўлсин, деб ўзга халқлар,
Орзу қилса. ҳавас қилса, тамоман ҳақлар!”

Ушбу узундан узоқ монологларда (гарчи бу ерда диалог бўлса ҳам, ўқувчида икки нутқни бир киши гапираётган каби таассурот қолдиради) ортиқча пафос, безаклилик ва шиорбозлик кўзга кўринади. Дастлабки саҳнадан томошабинни бу каби шиор сўзлар билан бездириб қўйиш эҳтимоли бор. Сўзлар шеърӣй усулда ёзилган бўлса ҳам ўқувчига таъсир ўтказадиган сўзлар дейишимиз мушкул, қолаверса, драматик таранглик илк саҳнадан бошланиши лозим эди. Ўқувчи бу гапларни Хондамир ва Камолиддин Беҳзод айтаётганига шубҳа қилади. Муаллиф фаровон юрт ҳақидаги кўтаринки руҳдаги алқов гаплардан кейин шоҳ ва шоир – икки дўст Алишер Навоӣй ва Ҳусайн Бойқарони улуғлашга киришади. Албатта, Камолиддин Беҳзод ва Хондамир тили билан.

Беҳзод. Барин-барин сабабчиси – юрт дориламон,
Шоҳ ёнида дўсти бордир, шоири замон!
Навоӣй ва шоҳ Бойқаро – ялакат мағиз,
Ҳар иккиси азиз, азиз, азиздан азиз!
Хондамир. Бундай дўстлик учрамагай ҳануз жаҳонда!
Васф этсалар арзир уни шеърда, дostonда!
Сизга айтсам, тенги йўқ зот улуғ Алишер,
Шерлар ичра занжирбанд шер, аммо олий шер!
Султон ила Алишернинг тарихи ажиб,
Бир-бирига болаликдан эрурлар ҳабиб.
Бир-бирисиз ўтмас эрмиш сабоқ чоғлари,
Шовқинларга тўлар эрмиш мактаб боғлари”.

Хондамир ва Камолиддин Беҳзод айтаётган Навоӣй ва Ҳусайн Бойқаронинг болаликдан дўст бўлгани ҳақидаги гаплар ўқувчи учун янгилик эмас, ўқувчига эмоционал таъсир кўрсатмайди. Аксинча, драмани ўқишдан, театрда бўлса, уни кўришдан зериктиради. Муаллиф дастлабки қадамданоқ драматик ҳолатни бошлаши керак эди. Драма Бадиуззамоннинг отасига исёни ё бўлмаганда мамлакатдаги ижтимоӣй-сиёсий вазиятнинг оғирлигини Навоӣй билан зиддиятга келтириб, шу ердан томошабинни қизиқтириб кетиши маъқул йўл бўларди.

Драматик матн саҳнанинг эмоционал тажрибасини тўлиғича ифодалай олмайди. У бу нарсани қилиши ҳам керак эмас. Матнда ривожланиш ва конфликт учун тўғри мўлжал берилишининг ўзи кифоя. Персонажда контраст қанча кўп бўлса, конфликт шунча ёрқин кўринади. Эркак киши аёлга қарши, бола катта ёшлига қарши, кексалик ёшлика қарши,

камбағаллик бойликка қарши, ахмоқлик айёрликка қарши. Умуман олганда ҳар бир жараённинг, ҳолатнинг, образнинг, албатта, зиддини топиш керак бўлади. Персонажларда икки хил турлича мақсад бўлиши керак.

Персонаж айтган нарса эмас, балки у хоҳлаган нарса конфликтга киришади. Аниқ бир кичик конфликтларда катта ҳаётини манфаатлар юзага чиқади. Конфликтгача эса улар характерлар ичида яширинган бўлади. Икки хил турли мотивация конфликтда персонажларни тўқнаштиради. Конфликтда “мен нимани хоҳлайман” – ҳамиша аниқ. “Мен нега буни хоҳлайман” – бу ҳам аниқ бўлиши керак ва антагонистнинг “нима учун”и билан бирлаша олмаслиги керак.¹

Конфликтда иккита бир-бирига душман мақсадлар тўқнашиши лозим. Баъзан бу мақсадлар саҳнадан ташқарида бўлади. Уларни аниқлаш ва тушунарли қилиш керак, шунда конфликт мустаҳкам бўлади.

“Навоий ва Ҳусайн” драмасида драматургиянинг энг асосий қонуниятларидан бири бўлмиш конфликт орқали характерни очиб бериш даслабки саҳнадан кўзга ташланмайди. Камолиддин Беҳзод ҳамда Хондамирнинг диалоги Навоий ва Ҳусайн дўстлиги ҳақида томошабинга кўпроқ маълумот бермоқчи бўлади. Лекин бу ишонарли чиқмаган дейишимизга асос бор. Чунки томошабин асарнинг бошидан воқеа ичига кириш учун муаммоли вазиятни кутади. Шунга қараб у асар ичига киради ёки ўқимай қўя қолади. Машҳур тарихчи ва ўз даврининг улуғ расмони бу тахлит суҳбатлашганига ўқувчини ишонтириш мушкул.

Масалан, Хондамир “Шоҳ Ғозий ҳам бош кўтармай бир ой мук тушиб, Ҳайратларга чўмибдурлар “Хамса”ни ўқиб!..”, дейди. бунга жавобан Камолиддин Беҳзод: “Хўб дебдурлар! Биз ҳам айлаб саъи журъатлар, “Хамса” учун чизмишдурмиз хейли суратлар. Мутолаа айлаб чиқдим буюк “Хамса”ни, Ёпирайин, яшнаб кетди кўнгил чамани!”, дея жавоб беради. Бадиий асар воқеани шунчаки ҳикоя қилиб бериш эмас, санъатлар ёрдамида ўқувчини мушоҳада ундаш, эмоционал таъсир кўрсатиш каби вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги диалогни асардан олиб ташласа ҳам асар яхлитлигига таъсир кўрсатмайди.

Муқаддимадан сўнг асар бошланади. Темурийлар салтанати пойтахти Ҳирот. Ортда шаҳарнинг олис-яқин манзаралари, миноралар, дабдабали биноларнинг пештоқ ва куббалари кўзга ташланади. Подшо Арки олдидаги кенг майдон. Карнай-сурнайлар, ноғоралар овози борлиқни тутган. Шодиёна оҳанглари янграйди. Бу ерда донгдор амирлар, номдор беклар, лашкарбошилар, сарой аъёнлари, мулозимлар, Ҳирот зодагонлари, саййид-у машоъихлар, қозилару қорилар, фозилу фузало, вазиру вазаро, хатиблару воизлар, мутавалли-ю мударрислар, талабалар, таниқли усталар, меъмору муҳандислар, оддий халқ вакиллари учратиш мумкинлиги айтилади. Амир Ҳусайн Бойқаронинг Балхдан қайтиши, халойиқ олдида “Хамса”ни ўқиб тугатганини маълум қилиб, Навоийга эҳтиром кўрсатгани воқеасида ҳам конфликт кўзга ташланмайди. Бойқаронинг қуйидаги ҳаяжонли монологи ҳам чўзилиб кетгандай таассурот қолдиради: “Хамса” мени лол айлади, тинмай туну кун Мутолаа этдим, бари афсуну афсун! “Хайрат ул-аброр”да яшнар таҳ-батаҳ гуллар, Турфа-турфа гул саралаб олур кўнгуллар. “Фарҳод ила Ширин” – ошиқ-маъшуқлар ёди, Дунёларга сиғмай қолди оху фарёдим! “Лайли-Мажнун” водийсида ишқим мавж уриб, Яқо тутдум, ишқнинг нечоғ поклигин кўриб! Суҳбатларга чорлар мени “Сабъаи сайёр”, Дунёларни кезиб чиқдим, кўнглимда виқор! Битди “Садди Искандарий”, шоир кўп хурсанд, Зулм йўлин тўсди, девор тиклаб сарбаланд!”. Подшоҳнинг ҳайратини тушуниш мумкин, лекин асарнинг драматизми

¹ Александр Митта. “Кино между адом и раем”. Издательский дом, Подкова, 1999.

учун хизмат қилмайдиган узун ва зерикарли гаплар қахрамонлар нутқидан олиб ташланса, бу драматик ҳолатга хизмат қилади. Чунки драматик асар кўп сўзлилиқни кўтармайди. Бўёқдор ва ортиқча ҳис-ҳаяжонга бой бўлган нутқ ўқувчини жалб этмайди, аксинча узоқлаштиради.

Хусайн Бойқаро Навоийга нисбат берар экан, “Шоир эрур сўз мулкининг кишваристони”, дейди. Хусайн Бойқаронинг эътирофидан сўнг, воқеа бошқача тус ола бошлайди. Бойқаро Навоий билан “ўртасида можаро борлигини” таъкидлайди. Навоий бу можаронинг не эканини билмасдан, ҳайрон бўлади. Шу ерда муаллиф саспенсни юзага келтиради. Уни кучайтириш лозим бўлган пайтда икки дўст яна бир-бирига хурматини баён қила бошлайди.

“Бойқаро. Мен – Хуросон шаҳаншохи, теурийзода,
Кўл кўксимда, кўнглимдагин айлай ифода:
Кўпдан орзум: ўзларини пир деб атасам,
Муридингиз бўлайин, деб айласам қасам...
Адо этсам инсонийлик бурчим ихлос-ла
Бу қувончни айтиб бўлмас ҳеч бир қиёс-ла!
Навоий. Субҳонолло!.. Бу қандоқ сўз? Худо асрасун,
Бундоқ хунук ният йўқдур, гапнинг сираси!
Бундай сўзни айта кўрманг, гуноҳ бўладур,
Инс хам, жинс хам чапак чалур, душман куладур.
Тўғри йулдан адашмангиз! Айтсам, сиримиз:
Аслида биз муриддурмиз, сизсиз – пиримиз!»¹

Бойқаронинг саспенс ҳосил қилиши мумкин бўлган ушбу нутқи тўсатдан билинар-билинамас юзага чиқаётган конфликтни яна тарқатиб юборади. “Хамса”ни ёзгани учун Хусайн Бойқаро ҳайқириқлар остида Навоийни оқ миндириб, у минган отнинг олтин юганидан тутиб, етаклайди. Улар саҳнадан чиқиб кетиши билан Низомулмулк пайдо бўлади. Унинг Навоийга нисбатан душманлик кайфиятини сезамиз, антагонист сифатида намоён бўлади.

Низомулмулк. Сўйла! Шошма, ўзингни бос.
Дунё айвонида нелар юз берди, шоввоз?
Чопар (ҳаллослаб). Ёмон бўлмиш:
Балх тарафдан етишмиш хабар
Хабарларнинг мазмунидан қон бўлур жигар:
Исфизорни қамал қилар экан, ногаҳон,
Ҳирот сари қўшин тортмиш Бадиуззамон!²

Шундан кейин воқеалар аста-секин Бадиуззамон ва Хусайн Бойқаро ўртасидаги зиддиятли можароларга уланади. Бадиуззамоннинг ўғли Мўмин Мирзо билан суҳбатда ота-ўғилнинг Навоийга бўлган эҳтироми кўрсатилади.

Мўмин Мирзо. Устозлардан сўз билишни истаркан одам.
Устоз умри бизга ибрат..

¹ Муҳаммад Али. “Навоий ва Бойқаро”. “Жаҳон адабиёти” журналі, 6-сон, 2016.

² Муҳаммад Али. “Навоий ва Бойқаро”. “Жаҳон адабиёти” журналі, 6-сон, 2016.

Бадиуззамон. (бироз ўйланиб, жилмайиб)
 Хўп, хўп, шаҳзодам.
 Мамлакатда бесаранжом харжу марж онлар
 Алишернинг оиласи бўлиб сарсонлар
 Ироқ томон борар экан, тўхтайти Тафтда...
 Болакайлар боғда ўйнаб юришган пайтда,
 Хонақоҳнинг эшигида сурганча хаёл
 Жим ўлтирган оппоқ соқол валийсифат чол
 Алишерга назар қилар, ёнига чорлар,
 Боқса, бола жуда шаҳдам, кўзлари порлар!

Бадиуззамон Навоийга чексиз эҳтироми борлиги тушунарли. Лекин батафсил ва чўзилган нутқ ўқувчини зериктиради. Уларнинг суҳбати тугамай туриб, Навоий кириб келади ва бу суҳбат асносида драмага яна асосий зиддият қайтарилади.

Навоий. *(ўнғайсизланиб)* *Биздан хато...*

*Афв этсунлар шоирингизни...
 Бадиуззамон. (самимий) Афв сўраб,
 этмасунлар гуноҳкор бизни...*

Навоий. *(таъзим қилиб)* *Рост айтдингиз, ўғлини деб ота қон ютар...*

*Оқил фарзанд отасини сарафроз этар...
 Ҳусни сурат, ҳусни сийрат ила ораста,
 Жамолию камоли бир-бирга вобаста,
 Агар шоҳлик бир кўз булса, ул кўзнинг нури
 Бадиуззамондур, тиниқ идрок, шуури.¹*

Ушбу диалог драматик вазиятни таранглаштириши, ўртада баҳс қалтисроқ бўлиши ўқувчини воқеалар ривожига қизиқтириш учун мақбул танлов бўларди.

Бадиуззамон. *(ўксингандай)* Куллуқ, пирим.

*Бошда тутгум сўзингиз ҳар дам,
 Бироқ ўғил, катта ўғил, фарзанд ҳам – одам...
 Ўғлим, ўғлим, дейдилар-ку ва лекин султон
 Фарзанд эмас, кўрар бизни ёвдан ҳам ёмон!
 Валиаҳдмен, аммо зарра эътиборим йўқ,
 Гарчи отам Шоҳ Ғозийдур, мададкорим йўқ.*

Ушбу ҳолатда бизга Бадиуззамоннинг характери очилгандай бўлади. У отасига нисбатан золим фарзанд эмас, лекин отасининг эътибори унга камдай туюлади ва отанинг фарзандга эътиборсизлиги норозиликка асосий важ сифатида келтирилади. Навоий эса ота ва фарзанд ўртасидаги можарони бартараф этишга қаттиқ бел боғлаган. Муаллиф шу орқали Навоийнинг шахсини улуғвор қилиб кўрсатишни ният қилади.

Навоий. Гар онангиз талоқ бўлса, бу иш не боис –
 Юз бергонин онадан ҳам изламак жоиз...

¹ Мухаммад Али. “Навоий ва Бойқаро”. “Жаҳон адабиёти” журналы, 6-сон, 2016.

Сиз билмайсиз, жасоратда Рустамойинсиз,
Сиз билмайсиз, Ҳоқон учун курратул-айнсиз.
... Ҳай-ҳай! Ундоқ хаёлларга эрк бера кўрманг,
Бу дунёга у дунёни қўшиб совурманг!
Асл фарзанд айни ота заифлигида
Эъзоз айлаб, савобларга қолади жуда!..
Хушёр булинг: ота кучи хар ишидадур,
Ота кучи – дуосию қарғишидадур!
Бадиуззамон. Зинҳор отам заиф дебон ўйлагоним йўқ,
Отам босгон изга доим қилурмен қуллуқ!
Отам ҳақда ёмон ўйдан Худо сақласин...¹

Шундан сўнг Бадиуззамон бироз юмшайди, аммо унга отаси номидан чиқарилган фармонни олиб келишади. Фармонда "...пойлаб турилсин. Ўғлим Бадиуззамон... Балхдан овга чиқса, ўзига билдирилмасин, қайтганида дарвозалар қаттиқ ёпилсин, шаҳарга киритилмасин!. Қаблал-билод Балхдан шитоб қувиб юборилсин!..", деб ёзилган бўлади. Фармондаги бу гаплар Бадиуззамон Мирзонинг кўнглидаги норозилик оловини баттар кучайтиради. Драматик зиддият кучаяди, Бадиуззамон фармондан кўз узиб, Ҳирот томонларга қараб қолади. Навоий ҳайратдан ёқа тутганча, гоҳ Бадиуззамонга, гоҳ Мўмин Мирзога қарайди. Ҳамма лол. Сўзсиз манзара. Аммо шу тобда Навоий бу фитнанинг тагига етади ва ниҳоятда зукколик билан бу Низомумулк фитначининг кирдикори эканини айтади. Фикрни айтаркан, ёмон одам ўзига яхшилик кўргизгон инсонга то ёмонлик қилмагунча бу дунёдан кетмаслиги ҳақидаги ҳадисни ёдга олади. Шундан кейинги воқеалар Амир Ҳусайн саройига кўчади, Ҳусайннинг хотинлари Хадичабегим, Опоқбегим, шунингдек, канизаклар Сумансо, Давлатбахтларнинг ўзаро суҳбати келтирилади. Бу суҳбат марказида Навоий ва унинг "Ҳамса" ёзгани туради. Узундан узун диалоглар Навоийнинг "Ҳамса"си мазмуни ҳақида боради. Канизаклардан бири Давлатбахтнинг Навоийда кўнгли борлиги маълум бўлади. Бу ерда Хадичабегимнинг "Алишернинг ишққа вақти бўлмаган азал, Роҳатланар бино қуриб, битиб шеър, ғазал... Эртаси тўқиб...", дея истехзо билан сўзлаши уни Навоийга бўлган салбий муносабатини ифодалаб драманинг зиддиятини оширади.

Муаллиф қаҳрамонлар ўртасидаги конфликтларни воқеалар занжири ўсиб боргани сайин ошира бошлайди. Музаффар Мирзо образи орқали бу конфликт янада кучайтирилади. У валиаҳд Бадиуззамон Мирзонинг ишлари аъло эканини, "тўнғич ўғил, валиаҳд... Уни хафа қилмайдилар, авайлайдилар. Гоҳ унга Астробод ёки Балх, Қундуз, Сейистонни бериб турадилар. Унинг билан чопарлар орқали сўзлашадилар, чунки у бир юрт бошлиғи. Унинг ҳомийси бор – Низомиддин Мир Алишер! Ул зотнинг сўзлари отилган ўқ! Адо этиладур! Бадиуззамон Мирзо эса ул зотнинг пинжиги кириб олган», деб отасидан аразлайди. Музаффар Мирзо тилидан Бадиуззамон Мирзонинг Астробод вилоятидаги бой ва хушманзара Хайробод қишлоғига бориб, уни ёқтириб қолгани, қишлоқ Алишер Навоийнинг мулки экани, Амир Алишер қишлоққа Султон Бадиуззамон назари тушганини эшитиб, иштиёқманд эканини билиб, бу қишлоқни Бадиуззамонга тухфа қилгани билдирилади.

¹ Муҳаммад Али. "Навоий ва Бойқаро". "Жаҳон адабиёти" журналы, 6-сон, 2016.

Муаллиф саройдаги кескин вазият марказига Навоийни ташлаб, Хусайн Бойқаронинг хотинлари Хадичабегим, Опоқбегимни бир томондан, Низомулмулк, Музаффар Мирзони бир томондан унга қарши қўяди. Шу билан драмадаги тиғизлик ошади, воқеалар ўқувчининг оширадиган бир тарангликка эришади.

Ота ва ўғиллар ўртасидаги зиддият билан бирга Навоий бу кескин вазиятдан халқ жабр кўраётганидан қайғуради.

Навоий. Юрт айландим, қишлоқларни кўрдим, ё раббий,
 Кишилар бор, юрадурлар бир телба каби,
 Уйларида капсан ун йўқ, оч-наҳор яшар,
 Сичқон кирса оқармайди тумшуғи магар.
 Барин-барин сабабчиси қирғин, қатағон,
 Ака-ука савашади, тўкилади қон.
 Қон тўкилгон ерда буғдой ўсмасмидикан,
 Етим-есир ризқин худо қисмасмидикан?
 Ота бирдан жанг қиладур тўрт ўғил билан,
 Қариб қолгон мункайган чол – тўрт норғул билан!
 Ота отар, тешар ўқ-ла ўғлин жигарин,
 Билмас, ўғлин эмас, тешар ўзин жигарин...
 Ота-бола жанжалидан безор бўлса юрт,
 Юртдан тамом кўтарилар баракю қут».¹

Муаллиф гарчи драматик ҳолатни бир неча тармоқдаги зиддиятлар орқали қизиқарли қилишга эришса-да, айти пайтда сунъий равишда чўзилган, табиийликдан холи, ортиқча тафсилотларга тўла ва ишонарсиз диалоглардан узоқлаша олмайди. Сарой фитналаридан унумли фойдаланган. Лекин ҳар бир зиддият Навоийнинг буюклиги, унинг улкан тарихий шахс экани, Хусайн Бойқаро билан ўртасидаги беқиёс дўстлик, саройдаги фитналарни олдини олишда жонбозлик кўрсатгани, мамлакат тинчлигини таъминлашда етук бир сиёсий шахс эканини барча қаҳрамонлар тилидан айтиб турилади. Яъни бу улуғворлик айттирилади, сахнада ҳаракат орқали кўрсатилавермайди.

«Қозикалон. (Саъдваққосга)

Навоий билан Шоҳ Ғозийнинг бу қадар дўст эканларидан беҳабар эдим. Бири биридан узр сўрайдур. Чинакам дўстлар шундай бўладур, улар бир бирини кечира оладурлар! Фитначи вазир Низомумулк гапларига ишониб, шундай улуғ зот ҳақида номақбул ўйларга бориб юрибман-а мен нодон! Парвоначи. (таажжубда) Навоий ўзи шундай ожиз, касалманд бир одам эса Шоҳ Ғозий нимасига учиб у билан дўст бўлган экан-а?.. Тушунолмайман. Саъдваққос. (хайратланиб) Очиқ айтсам, бундоқ дўстликни ҳали-ҳануз кўрмаганман...

Хондамир. Бу дўстликнинг баҳоси йўқ, умри абаддир!»²

Сарой аъёнларининг ўзаро суҳбатида ҳам, Бадиуззамон ва одамларининг ўзаро суҳбатида ҳам, маликалар орасидаги гап-сўзларда ҳам фақат Навоий шахсига урғу берилавериши драмада сунъийлик пайдо қилган. Фақат гап-сўз орқали эмас, кўпроқ ҳаракат, драматик тиғизлик орқали бу нарсага ўқувчини ишонтириш мақбул бўларди. Драма охирида кутил-

¹ Мухаммад Али. “Навоий ва Бойқаро”. “Жаҳон адабиёти” журналы, 6-сон, 2016.

² Мухаммад Али. “Навоий ва Бойқаро”. “Жаҳон адабиёти” журналы, 6-сон, 2016.

ганидай Навоий ота ва ўғил орасидаги ихтилофни бартараф этиб, ижтимоий-сиёсий кескин вазиятни юмшатади. Айни шу мақсадни ўқувчи асар бошидаёқ илғаб олади ва бутун драма давомида воқеалар чизиғи, диалоглар шунга хизмат қилишини сезиб туради.

2.6. «Хуросон юлдузи» (Восит Саъдулла)

Навбатдаги таҳлилга тортилажак асар Восит Саъдулла қаламига мансуб «Хуросон юлдузи» драматик достонидир. Муаллиф ушбу асарда Алишер Навоий ҳаётининг ҳали қаламга олинмаган энг муҳим, сарсону саргардонликда чиниққан, илк девони билан буюклик кошонасининг остонасига қадам қўйиб, шеърятда Хуросон юлдузи бўлиб танилган ва давлат арбоби сифатида шаклланган йигитлик даврини, аввало, ўз асарларига, қолаверса, тарихий манбаларга, замондош олимларимизнинг ўша давр ҳақидаги илмий тадқиқотларига суянган ҳолда акс эттиришга ҳаракат қилган. Мавзу ва ғояни аниқроқ ифодалаш мақсадида тарихий шахслар билан бир қаторда шартли равишда ижобий ва салбий маънодаги шахсларни ҳам киритган. Жумладан, бадахшонлик, хонанда, бастакор, олим, 50 ёшлардаги Қулмуҳаммад, унинг хотини Хосият, қизи фозила шоира Гули (асл исми Райҳон деб берилди асарда) ва бошқалардир.

Асарнинг жанри сифатида “драматик достон” экани қайд қилинган. Достонлар шеърӣ драма бу шеърӣ усулда ёзилган, поэзия руҳи билан суғорилган ҳар қандай драматик достон тушунчаси эса кўпроқ драматизмга эмас, достон (поэма) қоидаларини ўзида жамлайди. Достонда драматик воқеа бўлиши, ҳолат ёки ҳис-туйғуга эмас, кўпроқ ҳаракатга қурилиши лозим. Шеърӣ драма бошдан оёқ шеърӣ ёзилиши шарт эмас, пьесанинг муҳим қисми шеърӣ усулда ёзилган бўлиши керак. Узоқ вақт давомида Европа драматургиясида шеърӣ драма ҳукмрон шакл эди. Қадимги юнон драмаларидан тортиб, Уильям Шекспир, Бен Жонсон ва Жон Флетчер драмалари, Гётенинг «Фауст», Ибсеннинг дастлабки асарлари ҳам шеърӣ усулда ёзилган. Европанинг аксарият қисмида шеърӣ драмалар оммабоп санъат тури бўлиб қолди, бу инглиз анъаналари ва, шубҳасиз, Шекспир номи билан боғлиқ эди. Адабий тенденциялар такрорланиб туриши бор гап. Айни вақтда шеърӣ драмага қизиқиш яна қайта тикланган. Бунда, асосан, драматурглар Шекспирнинг ёзиш услубини сақлаб қолишга ҳаракат қилишади.

Достон алоҳида жанр сифатида шеърӣят турига мансуб. У барча даврларда адабиётимизнинг фаол жанрларидан бўлиб келган. Бадиий тасвир имкониятлари ниҳоятда кенг бўлган бу миллий истиқлол йилларида ҳам такомил топди. Достонлар шартли равишда эпик, лирик ва драматик каби турларга бўлинади. Мавзу жиҳатидан ҳам хилма-хил. Тарихий достонларда муайян тарихий сюжет шеърӣ шаклда ифодаланиб, бу йўл орқали бугуннинг фожеалари бадиий акс эттирилган. Драматик достонларда муаллиф тарихий, замонавий мавзунини очиб бериш баробарида воқеликка лирик муносабат билдиришга, қаҳрамонлар руҳий оламида кечадиган ўзгаришларни акс эттиришга ҳам эришиши лозим. Бу эса поеманинг адабиётнинг деярли барча турлари билан алоқадорликда иш қўришини яна бир карра асослайди. Драматик достонларнинг поэтик ифода тарзи шеърӣ шакл бўлиб, бу орқали ҳам лирик кечинмалар силсиласи, ҳам эпик талқинни беришга эришиш мумкин. Айни пайтда анъанавий драматик достонларга хос насрий шаклдан ҳам фойдаланилади. Кейинги йилларда лирик ва драматик достонлар миллий тарихимиз саҳифаларини холисона ўрганилиши натижасида адабиётимизда тарихий сиймолар образларини бадиий гав-

далантириш сари янги қадамлар ташланди. Драматик дoston шеърий шакл билан ёзилиб, унда ҳам ҳаракат, ҳам поэтик руҳ бўлиши талаб этилади.

“Хуросон юлдузи” драматик достони тўлиқ шеърий йўлда ёзилмаган, баъзи ўринларда насрий йўлдан ҳам фойдаланилган. Асарда дostonга хос поэтик мушоҳада, кечинма ва таъсирчанликни кўриш мумкин. Асар воқеалари Навоий ва Гулининг суҳбатидан бошланиб, дастлаб бирор конфликт ёки тугунни кўрмаймиз. Диалогда шеърий кайфият жуда чиройли ифодаланган, сўзлар нафис танланган, ўқувчига эстетик завқ бера олади.

Г у л и

Кириб буздимми бехос куйни дебман,

Сочим қилди қоронғу уйни дебман.

Н а в о и й

Гулим, юз офарин, ғолиб эрурсен.

Г у л и

Бу санъатнинг Алишер, сайқали Сиз,

Бу кеч не ёздингиз билсам бўлурму?

Н а в о и й

Эшитмай сен, кўнгул шеърдан тўлурму?¹

Кейинги ўринларда Абу Саиднинг Хуросонни эгаллагани, бу Навоий учун хавф туғдириши, шу сабабли Ҳиротни тарк этиши лозимлиги тасвирланади.

Н а в о и й

Менга ғурбатда ёдинг таскинимдур,

Кўнгулда меҳри ишқинг тошқинимдур.

Сени орзу қилиб унда яшармен,

Ўзинг бирла хаёлан сўзлашармен.²

Драматик дostonда Навоийнинг йигитлик йилларида юз берган воқеалар, Хусайн Бойқаронинг тахт учун кураши, Навоийнинг йигитлик пайтидаги ҳаёти тасвирланар экан, Хусайн Бойқаро ва Навоийга конфликт сифатида Абу Саид намоён бўлади.

«Н а в о и й.

Шаҳзода Бойқаро қадрдон дўстим,

У билан ўқидим ва бирга ўсдим.

Шаҳзода баъзида Машҳад келарди,

Меҳмоним бўларди, суҳбатлашардик.

Бир бор келганида тўғри, тиғ ушлаб,

Мезмон сифатида ҳимоя қилдим.

Ҳиротга келгандин бери бир қатла,

Шаҳзодани кўрган эмасмен, ҳазрат.

¹ Восит Саъдулла. “Хуросон юлдузи”. – Т.: “Ёш гвардия”, 1972.

² Мухаммад Али. “Навоий ва Бойқаро”. “Жаҳон адабиёти” журнали, 6-сон, 2016.

А б у С а и д. Бизнинг орамиз бузилиб турган бир чоғда сизнинг Бадахшон шахзода-си Лаълий ва бошқа нуфузли кишилари билан алоқангизни нима деса бўлади? Бизнинг давлат тутумимизни адолатсизликда айблаб, Қулмуҳаммад, Бадахшийларни хаёлий адолатингиз билан йўлдин оздирдингиз».¹

“Хуросон юлдузи” асарида драматик таранглик маромида ушланган, қаҳрамонлар нутқи ҳам ортиқча пафос ва сунъийликдан холи қилиб берилган. Ижтимоий-сиёсий зиддиятлар фақат диалогларда эмас, драматик ҳолатлар орқали ҳам кўрсатилади. Шу маънода ушбу асар ўқувчини яқунгача қизиқишини ушлаб туради. Аммо баъзи ўринларда муаллиф ортиқча баёнчиликка йўл қўяди. Юқорида келтирилган парчада бўлганидай диалогларда баъзан ҳам шеърий, ҳам насрий шаклдан фойдаланади, бу йўл унчалик маъқул эмас. Чунки битта эпизодда икки образнинг бир-биридан фарқли шаклда сўзлашуви табиий чиқмайди.

Шу ўринда Навоийнинг Хусайн Бойқарода кўришни истаган фазилатларни ушбу асарда ҳам акс эттирилади. Навоийнинг замондоши ва дўсти Хусайн Воиз Кошифий фақрнинг моҳиятини шундай тушунтиради: “Агар фақрнинг аломати неча деб сўрасалар, учта деб айт: биринчиси – меҳрда қуёш каби бўлсин, зеро қуёш ҳамиша беминнат нур сочади, ҳеч кимни ўз нуридан бебаҳра қолдирмайди. Иккинчиси – ер каби тавозуъли бўлсин, зеро ерга оёқ қўйган ҳар одам яхши ва ёмон ҳақида ўйлайди ва ўз мақомидан силжимамайди. Учтинчиси – булут каби сербарака, саховатли бўлсин, зеро булут ҳўлу қуруққа баравар раҳмат ёмғирини ёғдиради ва гўристон билан гулистонни ажратиб ўтирмайди”².

“Б о й қ а р о. Дўстим Алишер, Сизни ўз ёнимда олиб қолай десам, аҳволим ўзингизга маълум, ҳозир мен ватансиз ватанпарвар, тожу тахтсиз шоҳмен. Бугун боғда бўлсам, эртага тоғда.

Н а в о и й. Сизни муқаддас Ватан кўтариб турибди, уни севиш, халқини ардоқлаш билан ўзингизга нажот йўлини очурсиз. Сиздан Мирзо Улуғбекнинг акс садоси қайтади, деган умиддамен.

Б о й қ а р о. Дўстона маслаҳат, яхши тилақларингиздин миннатормен, Алишер!”³

Навоий орзусидаги шоҳда фақрликнинг муҳим фазилатлари: қуёшдек меҳрибон, булутдек ҳаммага бир хил меҳр-шафқатли, тупроқдек хокисор, саховатли ҳамда Ҳақ маърифати-га интилувчан бўлишини истайди. Навоий бу билан фақр ва дарвешлик сифатларини ўзида мужассам этган, етук маънавий комилликка эришган, яъни сурати шоҳ, сийрати дарвеш қиёфасидаги мукамал подшоҳ образини яратади.

Навоий шундай ёзади: “Вале қилмади шоҳлардин киши, Ки, бу иш эрур Шоҳ Ғози иши”. Тарихда ўтган шоҳлардан ҳеч бири Навоий идеалини ўзида мужассам эта олмаган эди. Фақат Шоҳ Ғозийгина шоирнинг орзусини амалга ошира олди.

У Навоий орзусидаги фақрсифат, дарвешсифат подшоҳ адолатли ҳукмдор. Навоий сиймоси акс эттирилган тарихий драмаларда шу нуқтаи назардан олиб қарасак, Хусайн Бойқаронинг характери тўлақонли очилмаган бўлса-да маълум маънода унинг шахси ҳам Навоий фониди яққол намоён этилишига гувоҳ бўламиз.

¹ *Муҳаммад Али*. “Навоий ва Бойқаро”. “Жаҳон адабиёти” журнали, 6-сон, 2016.

² *Восит Саъдулла*. “Хуросон юлдузи”. – Т.: “Ёш гвардия”, 1972.

³ *Восит Саъдулла*. “Хуросон юлдузи”. – Т.: “Ёш гвардия”, 1972.

2.7. “Шоҳ бўлди ишқ ичинда” (Комил Аваз)

Навоий образи бадиий талқин этилган яна бир асар – Комил Аваз қаламига мансуб “Шоҳ бўлди ишқ ичинда” номли 5 кўринишли мусиқий драмасидир. Ушбу асар мавзунинг бошқаларига нисбатан оригиналлиги билан ажралиб туради. Муаллиф сиёсий-ижтимоий зиддиятларга эмас, Навоийни ишқ масаласи орқали унинг кўнгил оламини ўқувчига кўрсатмоқчи бўлади. Асар сюжети ҳам ғаройиб: Хоразм адабий муҳитининг ўзига хос анжумани бўлиб, унда қатнашган Хива хони Феруз, шоирлар Огаҳий ва Комил Хоразмийлар шеърийят борасида фикрлашадилар, ғазалхонлик қилиб, Навоийни эслайдилар. Улар Навоийнинг ишқ ҳақидаги ғазалларини айтиб, таҳлил қилишади. Бу “Мажолис ун-нафоиснинг” нозик анжумани драма фабуласининг бошланғич ва якуний нуқтаси ҳамдир. Муаллиф асарда “Навоийнинг нега уйланмагани” ҳақидаги саволга ҳам жавоб излайди. Ва гўёки буни тарихий фактлар орқали эмас, Навоий ҳақида халқ ичида юрган афсона ва ривоятлар орқали далиллаб, тасаввурини ўқувчига кўрсатмоқчи бўлади.

“Х у с а й н (аста таралаётган куй фониди ички монолог) Астағфурулло! Қаерда янглишдим? Тахт даъвосига мен ҳам ёт эрмасман-ку! Абусаид мирзо била икковимиз ҳам бобомиз Шоҳрух мирзога бирдай аҳли насабмиз. Ёдгор Муҳаммад ила тоға-жиян эдик, қолаверса, у менинг эавжаи ҳалолим Шаҳрибонубегимнинг туғишган иниси – қайин иним эди. Хўш, Шаҳрибонубегимнинг мен ишонган синглиси Поянда Султонбегим нима қилди! У ҳам биродарзодаси Ёдгор Муҳаммадга Ҳирот қалъасини очиб берди, унинг номига хутба ўқитди! У ҳам завжам! Ёпирай! Қўйнингда етғонинг кўзингга чўп суқса, душманинг не қилмайди! Икки ўртада Ёдгор бошидан айрилди! (жимлик) Энди, ўғлим Бадиуззамон менга қарши, тирик отасига қарши бош кўтармуш... Унинг онаси Бека Султон бегимнинг кажхулқлиғидин талоқ қилғунимга қадар нечолиғ озурда яшаган бўлсам, эндиликда шумоёқ ўғилдин беҳад озурдамен! (Шу ерда Хадича бегим оҳиста босиб кириб келали Султон андак анграйиб қарайди) Хўш, не гап? (Хадича сўзломмай бироз тараддудланиб туради) Тинчликму?¹

Муаллиф Хусайн Бойқаронинг ўз хатолари ҳақида ўйлаши, ўзида пайдо бўлган саволларга жавоб излашини кўрсатмоқчи бўлади. Лекин Хадичанинг ташрифидан кейин ўқувчи ота ва ўғиллар ўртасидаги конфликтни кучайтирадиган бир драматик моментда малика “Навоий нега уйланмаган”, деган саволни беради. Тасаввур қилиш мушкул, кун-у тун фарзанди ҳукмдор бўлишини орзулаб, кундошларидан туғилган фарзандларнинг мағлубиятини кутиб яшайдиган малика нега Навоийнинг уйланмаганига бу қадар қизиқиш билдириши мумкин? Қолаверса, шу саволга жавобни Хусайн Бойқародан сўраши мантиққа тўғри келадими? Биз “ҳа”, деган жавобдан тийиламиз.

“Х а д и ч а (бироз ийманиб) Нега дўстингиз Алишербек уйланмайдилар?

Х у с а й н Нега унинг қайғусини қилиб қолдинг? Ё?..

Х а л и ч а Қандай тилингиз борур? (жимлик) Унла невчун мени хотунлиққа олдингиз? Бўйнингизга осилмағон эдим чоғи? Султон Абусаид Мирзодин кўрмаган рўшнолиғни сиздан кўриб, бошим осмондадур! Ғунчачилик мартабасидин, бегимлик мартабасига кўтарлинғиз, минг чандон ташаккур! Лекин, мени аввалги ғунчачили; марпабамни ёдинғиздин кўтаролмаётғанингиз ғалат, олий ҳазрат! (қайрилиб кетмоқчи бўлади)

¹ Восит Саъдулла. “Хуросон юлдузи”. – Т.: “Ёш гвардия”, 1972.

Х у с а й н Тўхта! (жимлик) Суюкли ўғлимиз Музаффар мирзоға эътимоду, эътиқодимиз бийиклиғи сенга бўлган муносабатимнинг инъикоси эмасму? Яна не даркор? Алишербекка келсак, у мен билан болалиғдин бирга ўсиб, бирга катта бўлгон, сафдош, сирдош дўстим! Унинг этаги тоза, порсодур! Аммо, йигитлиғиға шубҳам йўқ!

Х а д и ч а. (яна алвалги, нозли ҳолатига қайтиб) Ана. кўрдинғизму, ўзинғиз ҳам шубҳам йўқ, дея гумонли тусда айтяпсиз! (қарашмали табассум билан) Олий ҳазрат, шуни бир синов қилмаймизми?¹ Шундан кейин Малика Хусайн Бойқарога Давлатбахт деган хуснда беназир, аммо шаддоду шумлиқдаям бир офатижон канизи борлигини айтиб, уни кеч томон ясантириб-тусантириб, Алишербек олдига юборишини айтади. Хусайн Бойқаро «Қандоғ бўларкин? Алишербекнинг кўнгуни оғритиб қўймасмизму?», деб иккиланади.

Х а д и ч а Асло! Биринчидан, бу ишдан сиз воқиф эмас бўлғайсиз! Иккинчидан, кўлиға егулик-ичгулиғ тугунчак бериб, хизматкор била жўнатгайман! Учинчидан, Давлатбахт бу сиримиздин огоҳ бўлмағай! Аксинча, зимдан сезурманким, Давлатбахтнинг ҳам Алишербекда кўнгли бор! Илож қилиб, саройдан чиқолмай, боши гаранг! Бир оғиз илтифотимдин қанот боғлаб учқай! (кўз қирини анойи қиймириб) Полшоҳлиқни андак унутиб, салтанат озорларидан сал бўлсаям фориг бўлинг дейман-да, ҳазратим!

Х у с а й н (очилишиб кулади) Мен не ғамдаю, сен не ғамда! Майли, сен айтғонча бўлсун! Натижасини еткурурсен! (бош чайқаб кулади).

Бутун бошли Хуросон маликасининг қизиқиши Навоийнинг “йигитми ёки йигит эмаслиги” хусусида экани ўқувчининг таъбини хира қилади. Ахир, Навоийнинг “ишқ ичида шоҳ” эканини бундан бошқа йўсинда ифодалаш ҳам мумкин эди. Бу ўқувчини қизиқтириши мумкин. Лекин Навоий тили билан айтганда, “Хирадманд рост сўздин ўзгани демас, Вале бори рост ҳам дегулик эмас”. Қолаверса, бу халқ ичида юрадиган бир ривоят, холос. Чўпчак дейиш ҳам мумкин. Давлатбахт худди муҳим бир топшириқни бажараётган каби Навоий ҳузурига боради. Навоийга кўшиқ айтиб беради, унинг кўнглини олишга киришади.

А л и ш е р Ундоғ деманг! Овозинғиз ҳам ўзинғиздай гўзал эркон!

Д а в л а т б а х т (суюниб) Ростданми, Бек ака? Сизга ёқдимму?

А л и ш е р (Давлатбахтнинг беғуборлиғидан завқланиб кулади) Ёқдинғиз! Ёқдинғиз Давлатбахт! Хў-ўш, бу гапдан сиз, назаримда бунда ётиб қоладиғонға ўхшайсуз, шундайму?

Д а в л а т б а х т (ийманибгина) Агар сизга малол келмаса... Энди анчайин кеч бўлиб қолди...

А л и ш е р. Йўқ, ҳеч малоллиғи йўқ. (ён томондаги хоналарга ишорат қилиб) Ана бу гомондагиси хобхона, ёнидагиси меҳмонхона. (суҳбатлашадиган ерни кўрсатиб) Бу ижодхона. Ана, икки хона сизнинг ихтиёринғизда. Хоҳланг ётоқхонада ётинг, хоҳланг меҳмонхонада ётинг. Мен бироз ижод билан машғул бўлиш ниятида эдим.

Д а в л а т б а х т. Ҳали, ётишға эртароқ эмасму? (бирдан шўханғиз тугунчакни очади) Бек ака! Мана бу тансиқтаомлар (бир бир санай бошлайди) Товуқ қовурдоги, каклик димламаси, патир нон, қанду навот... чой қайнатайму?

А л и ш е р. (кулимсираб) Мен ожиз банда нимаям дердим. Даҳлизда човгум, ўтин тайёр. Майли, бир ғайрат қилинг!²

¹ *Комил Аваз*. “Шоҳ бўлди ишқ ичинда”. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти, 2007.

² *Кошифий Хусайн Воиз*. Футувватномаи Султоний. –Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ХМН, 1994. Б. 21.

Навоий билан боғлиқ бу ишқ ўйини енгил томошага ўч ўқувчи учун осон ҳазм бўлиши, уни қизиқтириши мумкин, лекин Навоий шахсини бу тўқима ва маиший воқеа билан боғлаб кўрсатиш драматургининг драмадан мақсади нима бўлганини ойдинлаштирмайди. Гўё шу «чўпчак»ни айтиб бериш учун бутун драма ёзилгандай тасаввур беради.

«А л и ш е р. Мен сизни нима учун қадам ранжида қилганингизни билиб турибман. Хадичабегимнинг ташвишланишига ўрин йўқ. Эртага бориб маликанғизга айтинг, бизнинг йигитлигимиз дурустдур, аммо бизга рухсат этилмайдур Инонмасанғиз, келинг, кўринг!»

Навоийнинг бу ишлар маликанинг иши эканини қандай билиб қолгани ўз йўлига, лекин йигитлигини канизакка исботлашга қарор қилганини ҳазм қилиш биз учун жуда нотабий ва сохта туюлади. Гўёки чироғ бир лаҳза ўчиб-ёнади. Алишернинг йигитлигига ишонч ҳосил қилган Давлатбахт орқага тисарилиб кулимсираб турибди.

«Навоий. Умримиз адоғигача, Иншооллоҳ, этагимиз тоза бўлғай! (Фараҳбахш жимлик) Ҳозир оқшом бир тутам. Тонг оқаришига ҳам яқин қолди. Энди ётиб даминғизни олинг.

(Давлатбахт Алишер кўрсатган томонга кириб кетади. Чироғ яна ўчиб-ёнади.)»

Драмада аниқ бир яхлитлик кўзга ташланмайди. Фабула Хива адабий муҳитининг бир анжумани билан бошланган ҳолда нега бирдан Ҳирот ва Навоий билан боғлиқ саҳналар кўрсатилиши томошабин учун тушунарсиз. Қолаверса, Навоий билан боғлиқ саҳналарда ҳам конфликт кўзга ташланмайди. Табиийки, конфликтларсиз Навоий характери ҳам очилмай қолади. Лекин шуниси маълумки, муаллиф Навоийнинг ишқий масалаларга муносабатини кўрсатмоқчи бўлади. Тарихчи Хондамир билан кечган суҳбатида ҳам шу мақсад сезилиб туради.

Х о н д а м и р (шоҳга таъзим ила) Узр шаҳоншоҳ ҳазратлари, (Навоийга мулойим юзланиб) устоз, Султонимиз шаънлариға бағишлаб тахтға ўлтирғонида ёзғон “Ҳилолия” қасиданиғиздағи Ҳар кунинг байрам ўлуб, жойинг ҳилол ўлсун мудом, Кўрмагил беайш умрунг мулдаги бир соатин, – демиш байтинғизга менгзаяжагини англамоқ ҳам мумкин чоғи. А л и ш е р Эҳ, Хондамир, ақлу хушинғизга тасанно! Айш-хаёт, яхши турмуш, хурсандчилик, шоду хуррамлик маъноларидағи таманнодур!

Биз қилган иморату, бунёд этган назму тафаккур иморати, илоҳо, шойистаи жаҳон бўлсун! Дўстим, Султон Ҳусайн Бойқаро! Авлодлар бизни унутмагайлар! Қачонлардир тинч, осуда замонлар келадиким, биз яратмиш маоний, тафаккур мулки авлоддан авлодга ўтиб, асрлар оша яшагусидур! Иншоолоҳ, келгуси замонлар олдида юзимиз ёруғ, тилларимиз равон, иймонимиз бутун бўлғай!¹

Драма шу билан пафосли бир тарзга киради. Сўнгги саҳнада Огаҳий, Феруз ва Комил Хоразмий Навоий ҳақидаги суҳбатни яна давом эттирадилар.

О г а ҳ и й Ҳованг, хон ҳазрат! Битиклардин маълумки, Абдурахмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро ҳамда Алишер Навоий ўрталаридаги бир-бирлариға бўлган меҳру садоқат ҳар қандай таҳсинға лойиқ! (жимлик) Дейдиларки, қачон ҳар қайси ҳазрат ўз уйларида бир-бирларидан айри овқат тановул этсалар, ораларида отлик чопар хабар бергувчи эркан...

К о м и л (ҳайратланиб) Нени, устод?

О г а ҳ и й Жомий ҳазратлари таомға алларини урғач, чопар келиб Ҳусайн Бойқароға хабар қилар эркан: «Пиримиз таомға қўл урдилар» Андин сўнгра подшо ҳазратлари таомға ал урарканлар. Шу чопар Навоий ҳазратлари уйлариға келиб: «Олий ҳазрат овқатға қара-

¹ Восит Саъдулла. “Хуросон юлдузи”. – Т.: “Ёш гвардия”, 1972.

дилар» дегач, Алишербек таомға қул узатар эрканлар. (сокин жимлик) Бу ҳодиса алар умрларининг адоғиғача бузилмаған.

К о м и л (фараҳбахшлик билан) Вой-бўй! Минг таассуф, бизда ҳам бир дастурхон атрофида ўтириб, айрим одамлар бу янглиғ мулозаматға бу қадар риоя қилмағайлар...

Ф е р у з (суҳбатдошларига мамнунлих билан қараб) Энг олий ниятим, Хивада тош босма яратиб, илкида Навоий ҳазратларининг «Чор девон»ини, «Хамса»сини чоп қилдириш! Ҳазратнинг беқиёс гўзал иншоларини Турон заминига тарқатиш, ташвиқу, тарғибдур!¹

Сўнгги келтирилган диалог тарихий ҳақиқатга қанчалик мос келиши ҳақида аниқ бир факт мавжуд эмас. Муаллиф ўз хаёл-ўйларини, тасаввурини ёзган дейишга асосимиз бор. Лекин ушбу асар жанр нуқтаи назаридан ҳам сакталикларга эга. Драматургия қонун-қоидалари жиҳатидан ҳам жуда кўп нуқсонлари бор.

Шуни унутмаслик керакки, қахрамон ва антагонист турли хил ниқобда ҳаракат қилишади. Ниқоб – ҳамиша ҳам ёлғончилик ифодаси бўлавермайди. Кўпинча у – муҳитнинг зўравонлигидан ҳимоядир. Кучсиз киши супермен ниқобида чиқади. Ёлғончи – олтин қалбли яхши одам ниқобида бўлади. Юмшоқ кўнгилли ясама қаҳриқаттиқ ниқобида бўлади. Ниқоб кишининг ҳақиқий қиёфасига ўхшаб кетиши мумкин. Америкаликлар табассум қиладилар. Бу уларнинг ниқоби. Улар ўзларининг ва сизнинг муаммоларини шу тарзда қарши оладилар. Конфликт уларнинг бу ниқобларини юлиб олганида улар ҳимоясиз қоладилар. Ниқоб – шахснинг бир қисмидир. Бир-бирини тушунмаслик – конфликт ривожининг муҳим элементи.

Англашилмовчилик тушунмовчиликнинг кичик қисмидир, аммо уни аниқлаштириш осон иш эмас. Минталитетлар орасидаги фарқ персонажларни кутилмаган сабаларга кўра тўқнашувга олиб келиши мумкин. Ҳаётда биз келишувлар ҳақида шартлашамиз. Драмада келишув охириги ечим сифатида ишламайди. Унинг ўрнига конфликт ишлайди.

Конфликт бизни эмоционал жалб этиши учун персонажлар универсал ҳиссиётлар билан тўлиқ бўлишлари керак.

Бундай ҳиссиётлар унчалик ҳам кўп эмас. Улар ҳар бир кишига тушунарлидир. Масалан:

- қўрқув;
- ваҳима;
- ҳузур қилиш;
- умидсизлик;
- ноиложлик;
- айб;
- кучли хоҳиш;
- қувонч.

Конфликт – бу персонажларнинг ҳаракат қилиш усулидир. Бу ҳаракатлари билан улар бизда ҳиссиётларни очадилар ва ривожлантирадилар.

Конфликтнинг муҳим элементларидан бири тўсиқлардир. Тўсиқларни енгиб ўтиш орқали персонажлар конфликтни кўринадиган қиладилар. Тўсиқлар характерларни очади. Агар тўсиқлар бўлмаса, конфликтнинг ривожини ҳам бўлмайди. Энг осони конфликтни персонажларнинг даҳанаки баҳсларида кўрсатишдир. Одатда қахрамон ва антагонист барча асосий нарсаларда қарама-қарши қарашда бўладилар. Уларнинг баҳсидаги диалогларини

¹ *Комил Аваз. "Шоҳ бўлди ишқ ичинда". – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти, 2007.*

ёзиш жуда мароқли. Тасаввур таъсирчан луқмалардан семиради, қўл ўз-ўзидан ёза бошлайди. Аммо бу биз қилишимиз керак бўлган энг охирги ишдир.

Диалогнинг драмада мақсадга мувофиқлигининг бошқа оддий мезони мавжуд. Агар сўзлар конфликтда рақиб енгиб ўтиши лозим бўлган тўсиқ қўядиган бўлса, улар ёрдам беради. Агар сўзлар фақат характер чизгиларини ойдинлаштира, аниқлаштира, айни жойда ва айни пайтда ривожланаётган нарсага таалуқли бўлмаса, уларга тўсиқ туғдирадиган бошқа-бошқа уриндан жой ахтариш керак. Ёки уларни ташлаб юбориш керак.

Роман ёки повестда диалогнинг бошқа вазифалари бор. У ерда диалог бизнинг ҳаётдаги оғзаки алоқаларимизга жуда яқин бўлади. Аммо ҳаётга ўхшаб кетадиган драмалар – бу конструкциянинг скелети ва мускулларини яшириб турувчи юпқа тери қатламидир. “Драма ёзадиган романнавис ҳалокатга учаган кеманинг капитанига ўхшайди. У кеманинг портгача етиб олиши учун ҳалақит қиладиган барча нарсаларни борт орқасига улоқтиради”, дейди Митта.¹

Конфликт – аслини олганда – диалогдир: савол – жавоб – савол... Аммо саволлар ва жавоблар сўзлар эмас, балки ҳаракатлардир. Саволлар рақибга тўсиқ кўринишини олади. Тўсиқлар ички ва ташқи бўлиши мумкин. Ниманидир қилишга қарор қилиш – ўз ичингдаги тўсиқни енгиб ўтиш демакдир. Ҳаракат қилиш – реал драматик ҳолатда тўсиқни йингиб ўтиш демакдир. Конфликтларда биз ҳар бир характер учун у енгиб ўтиши мумкин бўлган энг баланд тўсиқни ахтарамиз.

Юқорида таҳлил қилган драматик асарлардан Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмасини ушбу талабларга тўла жавоб берадиган мукамал асар сифатида баҳолаш мумкин. Қолган асарларда маълум жиҳати мос келса, баъзи ўринларда баёнчилик кўзга ташланади, драматик тиғизлик йўқолади, характер охиригача очилмай қолади.

¹ Александр Митта. “Кино между адом и раем”. Издательский дом, Подкова, 1999.

III. ЖАҲОН ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ТАРИХИЙ ДРАМАЛАР ЯРАТИШ ТАЖРИБАСИ

Сигизмунд Кржижановскийнинг бир гапи бор: “Ватан тарихини ёзишингиз учун сизда иккита нарса бўлиши керак: ҳам ватан, ҳам тарих. Кейин ўтмишингизни севишингиз, қадимги замоннинг энг ёмон фактларидан яхшилик излашни ўрганишингиз керак. Ва ниҳоят, тарих ҳақида бадиий асар ёзишдан олдин мамлакатингиз тарихини билишингиз, тўлиқ материал тўплашингиз керак ва шундан кейингина тарихий асарда кетма-кет бўлиб ўтадиган воқеаларни кўриб чиқишингиз мумкин”. Кржижановский тарихий пьесалар тадқиқига бағишлаб “Рус тарихий пьесалари” номли китоб ёзган. Унинг фикрича, санъатда «табиат туйғуси» пайдо бўлишини тасвирлайдиган китоблар мавжуд. Аммо ҳозиргача “тарих туйғуси” бўйича ҳеч қандай изланишлар қилинмаган. Бу туйғу бирдан пайдо бўлмайди, кеч пайдо бўлади, бир ўзгариб, кейин кескинлашади, бир сусаяди. Тарихий асар инсоннинг бугунги тафаккурига хизмат қилиш учун жуда муҳим бўлиши керак – шундагина у тирик асар сифатида қадрланади. 1833 йилда Шекспирнинг “Ричард III” тарихий хроникаси премьерасида иштирок этган А. Никитенко қуйидагиларни таъкидлайди: «Бутун театрда саккиз ёки тўққиз киши завқланишди, холос; бошқа барча оломон ҳеч қандай олқиш ва қарсақларсиз ўтирган карлар, соқовлар ва қўлсизлардан иборат эди”. 60-йилларда рус тарихи ҳақида бир қатор пьесалар ёзган А.Н. Островский ҳақида махсус «назария» яратилди. Островский тарихий мавзуга қўл уриб, ўқишга арзирли рус тарихий драмаларини ёзишни мақсад қилганини айтади. Адабиётшунос А. Слонимский Пушкиннинг «Борис Годунов» ҳақидаги асарида “тарихий ғояларнинг ноаниқ жанри” ҳақида гапиради. Дарҳақиқат, тарихий пьесани барча нуқтаи назардан баҳолаш ва келиб чиқишини аниқлаш жуда қийин. Шекспир ўзининг тарихий хроникаларини яратишнинг биринчи даврида фақат тарихий шахслардан асарлар яратиб, вақт ўтиши билан у тарихий чегараларидан ўтди. Бу термин «Фалстаф қадами» деб номланади. Асарда муаллиф ўқувчини тарихий ҳаёт билан таништирар экан, воқеаларни худди вақт ўтиши билан бир чизиқда ажратиб боради. Кейинчалик деярли барча рус драматурглари айнан шу Фалстаф қадамини қўлладилар ва шу билан тарихий асарларини тарих чегараларидан ташқарига чиқардилар. Островский ҳам ушбу жанрни чинакам севган бошқа баъзи драматурглар ҳам ҳозирги замондан узоқлашиш, бугунги кундан юз ўгириш учун ўтмишга умуман мурожаат қилмадилар. Ёзувчининг маҳорати бу ҳолатда ўлик фактлардан ниқобларни олиб ташлаш, «тарих қабристонини» томон юриш ва қабр ёзувларини ўқиш билан боғлиқ деб ишонишди. Пушкин Карамзиннинг «Россия давлати тарихи» асарининг 10–11-жилдларини ўқиш билан бирга ўзининг ажойиб тарихий драмаси устида ишлаган, Жуковскийга ёзган мактубида, “Карамзин яратган тарих тўпламининг сўнгги икки жилди қандай мўъжизадир? О, қандай ҳаёт!”, деб ёзган.

1860-йилларда Николай Островский бир қатор тарихий драмаларни яратди: «Иван Грознийнинг ўлими» (1866), «Қирол Фёдор Иоаннович» (1868), «Қирол Борис» (1870). Островский Москва университетида ўқиган йилларида рус тарихига қизиқиши уйғонган, у ерда

тарихчи Погодиннинг Ватан ўтмишига бағишланган бадий асарларнинг роли ҳақидаги маърузаларини тинглаган. Островский шундай деб ёзган эди: «Тарихчи нима бўлганини етказди; шоир, адиб ёки драматург бу қандай содир бўлганлигини кўрсатади, у томошабинни воқеа жойига олиб боради ва уни воқеа иштирокчисига айлантиради». Ушбу турдаги асарлар орасида биринчи бўлиб тарихий хроника жанрида яратилган «Козма Захарьич Минин, Сухорук» (1862) пьесаси бўлган. Биринчи нашрда унга асарни чоп этиш тақиқланган. 1866 йилда Островский матнни қайта кўриб чиқди, Мининнинг боярларнинг хиёнатини кескин танқид қиладиган исёнкор образини бир оз заифлаштирди. Асарнинг асосий воқеалари Нижний Новгородда бўлиб ўтади. Драматург Археография Комиссиясининг материалларидан фойдаланган. Иккинчи пьесаси ҳам 17 аср тарихидан, ҳикоя қилувчи «Воевода (Волга орзуси)» тарихий пьесасидир. Спектакл икки нашрда мавжуд эди: биринчиси 1865 йилда, иккинчиси 1885 йилда чиққан.

Хориж тажрибасида “тарихни пьесаларни ўқитиш амалиёти” мавжуд бўлиб, дарслар учун материал сифатида Уильям Шекспирнинг тарихий пьесалари, В. Гюгонинг «Кромвел», П. Мерименинг «Жакерия», Р. Ролланднинг «Ўн тўртинчи июл», «Робеспьер» каби драматик асарларидан фойдаланилади. Шунингдек, жаҳон драматургиясида ҳам муносиб ўринга эга бўлган Пушкиннинг «Борис Годунов», С. Есениннинг «Пугачёв», шунингдек, В. Соловьёвнинг «Қирол Иван», «Кутузов», «Денис Давидов», «Пушкин ўзининг улуғвор саройида», В. Коростилевнинг «Қайинзорда юз йил», Л. Зориннинг «Декабристлар», албатта, Н. Шатровнинг таниқли «Қизил майдондаги мовий отлар», «Виждон диктатураси», «6 июл» ва бошқа шу каби рус адабиётида яратилган салмоқли тарихий пьесалар тарихий ҳақиқатларни қандай қилиб бадий талқин қилиш мумкин деган саволга жавоб бера оладиган сара асарлар, дейиш мумкин.

Тарихий мавзуда бадий асарлар яратиш ўзбек адабиётида ўтган асрнинг бошларидан бошланган. Профессор Бегали Қосимов “Улуғ салтанат сирлари” мақоласида: “Соҳибқирон ҳазратларининг 660 йиллик тўйлари кунларида матбуотда бир маълумотга кўзим тушган эди. У киши ҳақида Ғарбда 400, Шарқда 900 дан ортиқ асар ёзилган экан”, дея қизиқарли маълумотга диққатимизни жалб этади. Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Бобур, Ҳусайн Бойқаро сингари подшолар, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий сингари олимлар, Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор валий, Термизий, Насафий, Шошийлар ҳақида асарлар яратилди.

«Ойбекнинг “Навоий”си – ўзбек тарихий романчилигининг Одамотаси», дейди адабиётшунос Абдуғафур Расулов. Улуғбек, Ибн Сино ҳақида Одил Ёқубов, Бобур ва Бобур авлодлари ҳақида Пиримқул Қодиров, Хайриддин Султоновлар романлари пайдо бўлди. Машраб, Маҳмуд Таробий, Нодира, Охунбобоев, Акмал Икромов, Сўфизода, Ҳамза ҳақидаги романлар ёзилди. Афсуски, совет даврида тарихий асарлар ёзган ижодкорлар, халқ ўтмиши, ҳақиқий тарихни билувчилар таъқиб остига олинди. Масалан, Ойбек истеъдод билан яратган “Навоий”си, Миркарим Осим аждодларимиз ҳақида ёзган ҳаққоний қиссалари учун ур калтак-сур калтак қилинди.

Биз фикр юритаётганимиз тарихий драмаларнинг илк ибтидосини Абдурауф Фитрат бошлаб берди. Фитрат “Абулфайзхон” трагедиясида аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхоннинг фожиасини кўрсатиб берди. Кейинчалик бу жанрда яхши асарлар пайдо бўлди. Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна”, Мақсуд Шайхзоданинг “Жалололдин Мангуберди”, “Мирзо Улуғбек” асарлари шулар жумласидан.

Ўзбек драматургияси, асосан, реализм йўналиши билан чегараланган. Жаҳон драматургиясида юз берган эврилишларни бошдан кечирмаган, экспериментлардан бебаҳра қолган бир тармоқдир. Режиссёр, театршунос ва актёр Антонен Арто шундай ёзади: “Янгиликка бефарқ қарамаслигимиз керак. Хусусан, француз театрини психология билан чоғиштириб тубанлаштирмайлик. Моддият билан муносабатимиз, жумладан, пул билан боғлиқ тушкунлигимиз, мансаб талашишлар, севги ташвишлари ёки эҳтиросларимизнинг жунбушга келиши, масалан, мурувват ва футувват билан ҳеч алоқаси йўқ, жумладан, театрга умуман алоқаси йўқ. Буларнинг ҳаммаси психологияга оид нарсалардир. Куракда турмайдиган оғриқ, ахлоқсиз ҳаракатлар, қўпол тортишувлар қаршисида қолиб, ундан роҳат олишга мажбур бўламиз. Бошқаларнинг қадамини пойлаб, ўлчаб юрганимизда, юрагимиз исён қилиб, ўзгаришлар тўфони бошланса, қандай яхши”. Тарихий драмаларда бирор тарихий шахснинг ҳаётининг маълум бир даври ёки бирор тарихий воқеа асос қилиб олинади ва тўқима образлар орқали шу урғу берилган жиҳат тасвирланади. Экспериментлар қилиш кайфияти ўзбек драматургиясига сингишиб кета олмаган. Драмада тасвирланаётган маълум бир тарихий шахсни янги бир ракурстан келиб чиқиб, акс эттириш анъанаси етишмаётгандай туюлади. Шу сабабли юқорида кўрган тарихий драмаларимизда ҳам Алишер Навоий образи шаблонлашган, қолиплардан чиқа олмайдиган образ сифатида таассурот қолдиради.

Театршунос Эжен Ионеско: “Хаёллар образу тимсоллар билан жуда олисдан, онгнинг тасаввур ҳам етмаган қатламидан келади. Ўша учун ҳам уларда маъно бўлади. Аҳамиятга эга. Пиранделлода ҳам мафкура ва психологик назариялар бор эди, аммо чуқур назар билан уларни таҳлил этганда ҳеч қандай қийматга эга эмаслиги билиниб қолади. Лекин унинг персонажларини бугун ҳам саҳнада кўриш мумкин, улар ўлмаган, тирик. Сабаби бу персонажлар ҳаётга чуқур эҳтирос билан ёндошади, эҳтиросларига драматик тус беришади”. Бу қарашни эҳтимол, тарихий драмаларга татбиқ этиб бўлмас, лекин бадий талқин хилма-хиллиги, ёндашувлар ранг-баранглиги бугунги ўзбек драматургиясига сув ва ҳаводай зарур кўринади.

“Инсон ҳаёт-мамотининг вақт узунасида маъно ташимаётгани абсурддан бошқа нарса эмаслиги Беккет, Адамов, Ионеска, Жене ва бошқалар пьесалари мавзусига айланди. Биргина шу мавзу билан абсурд театри чекланиб қолмайди. Ҳаётни маъносиз деб қабул қилиб юксакликка кўз тутишдан умидни узиш, сафолик, мақсаднинг инқирозга юз тутиши Жироду, Ануй, Салакру, Сартр, Камю пьесаларининг мавзусига айланди. Лекин бу драматурглар мавзуси абсурдчиларникидан кескин фарқ қилади. Абсурд театрида инсон кечмишнинг иррационал-ғойиб тарафларини ҳам мантиққа мос асослаб, тиниқ шаклда ифодаламақчи бўлади”, деб ёзган Мартин Эсслин. Айнан абсурд театри жаҳон драматургиясида эврилишлар даврини бошлаб берди. Бадий адабиётдаги турли оқимлар ва йўналишлар шиддат билан ўзгариб бораётган бир паллада драматургияда ҳам янги бир ўзгариш зарур эди. Абсурд театри драматургияга янги уфқларни очади.

Пьеса – хаёлот, ижодкорнинг тасаввури маҳсули. Уни саҳнада ўйналиши кемтикларини тўлдириши ёки аксинча юксалтириши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу процесс режиссура ва актёр ижросида янада сайқалланади. Михаэл Ямпольский: “Аввал индивидуал театр юзага чиқди, сўнг жамоат театри пайдо бўлди. Эйзенштейннинг фикрига кўра, театрдаги индивидуаллик қадимда ота феълининг жамиятда устун бўлгани билан изоҳланади. Жамоат театрини эса замоннинг саноатлашиб кетгани билан изоҳлайди, жумладан, Мейерхольд дав-

ридаги театрни ҳам назарда тутати. Индивидуал театрда сахнадаги ҳодисалар битта актёр измида ривожланади, жамоат театрида эса спектаклдаги жараёнларни келтириб чиқарувчи меҳнат сахнадаги барча актёрлар ўртасида тақсимланган. Станиславский тажрибаси ва у ишлаб чиққан тизим бу масалада жуда муҳим ўрин тутати ҳам оидинлик киритади”, деб ёзади.

Ёзувчи Мурод Човуш “Ардашер ва авангард кино” (Риндлар қироли ҳақида) номли бир мақола ёзган. Мақола қисқа бўлгани учун тўла ҳолида келтиришни лозим топдик: “Ҳаво-си сассиқ ва дидсиз шаҳардан тоғ томонга кетаверган сайин хаёлга ёруғлик кўнади. Аниқ биламан, Ўзбек руҳи ҳали кинода ўйналмаган. Деярли ҳаммаси юзаки, сув юзидаги кўпик суратга олинган, узр. «Йўл бўлсин» алоҳида диққатга эга мавзу бўлиб контекстдан туширилиб қолдирилиши мумкин. ВГИКда ўқишни орзу қилиб, Саййид Ҳасан Ардашер ҳақида фильм ишлаш ҳақида ўйлардик. Унда Навоий иккинчи қаҳрамонга айланиб қолиши керак эди. Бунга Навоий ҳам рози бўларди. У Ардашерга бағишланган эссесида бунга яққол урғу беради. «У мендан кучли эди. Бирорта ҳам сатр ёзмади. Охирги йилларда хонақоҳга бекилиб олди. Камина кўргани борардим». Навоийни юзага чиқишида унинг хизмати катта эди. Ардашер ўша вақтдаги Ҳарбий Ташкентнинг бир катта бир бўлинмасига раҳбарлик қилган. Паҳлавон Муҳаммад давлатда нуфузга эга бўлган. Улар бўлмаганда, Алматийлар Навоийни ўлдириб юборишарди. Ёки А.Н. аввал Ганжага ўтиб, у ерда Низомийнинг қабрини зиёрат этиб, Туркияга ўтиб кетармиди? Худога шукр, шу даврда икки буюк эстетнинг бўлиши нафақат Навоийга қўл келди. Ўзбек халқи юзини дунё олдида ёруғ қилди. Навоий учала дўстига 1494 йилдан кейин уч эссе ёзади. Биринчи эссе Ардашерга бағишланган. Эсседа Ардашернинг нақадар юксак эстет экани билинган. Паҳлавон Муҳаммад ҳақдаги эсседа ҳам Навоий фикрни охирги чегарасига келиб ёзади, матн худди қиличдай тизилган. Учинчи ренессанс даврида Навоийнинг бу гўзал эсселаридан зодагонлар бебахра қолаётганига ачинаман. Фильмнинг мақсади ҳозирги қиёфаларга ойна тутиш билан Бошқа нарса кўзда тутиларди. Қалб унинг икки сифати: биринчиси чақалоқ йиғисидай, иккинчиси чақалоқ кулгусидай. Фильм давомида шу стержен кадрларни бир-бирига улаб турарди. Бу ҳақда денгизга туташ Воронцов паркида харковлик рассом дўстлар билан гурунглашардик. Бизга орзуни рўёбга чиқиши муҳим эмас эди. Тунги ой денгизга йўлак очган бўларди. Саййид Ҳасан Ардашер риндларнинг қироли эди, деб Навоий эслайди. Бу вақтда Навоийнинг ёлғизлик асри бошланганди. Чунки Паҳлавон Муҳаммад, Жомий ва Ардашер вафот этиб кетганди. Ҳасан Ардашер исқирт жамиятни тасвирлаш учун муҳим калит фигурадир. Фақат авангард кино режиссураси кўп қоронғуликка оидинлик киритиши мумкин”.

Муаллиф Навоий образини сахна ёки экран санъатига кўчириш учун ўз тасаввурини ифода қилади. Бир қараганда мавҳум тасаввур. Навоийни ўзи суянган уч фигура орқали экранга (ёки сахнага) кўчириш ҳақида муаллиф хаёл қилади.

ХУЛОСА

Алишер Навоий шахсининг ўзбек драматургиясидаги бадиий талқини ҳақида хулосаларимизни умумлаштирадиган бўлсак, юқорида кўриб чиққан драматургик асарларимизнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида умумий мулоҳазаларни билдириш имконига эга бўламиз. Тарихий драма тарихий ҳақиқатдан узоқлашмаган ҳолатда, драматургия қонун-қоидалари асосида яратилган бўлса, мукамал саҳна асари деб ҳисоблаш мумкин. Аксар ҳолларда драматургия мезонлари четда қолиб, Навоий сиймосини улуғлаштириш, ҳар бир детални ушбу мақсадга бўйсундириш ҳолатлари учрайди. Бадиий асарни кўтариб турадиган бирламчи жиҳатлардан бири бу табиийлик, яъни ясамалиқдан холилик эканини унутмаслик лозим.

Ўзбек адабиётида тарихий образлар кўпинча камчилик ва нуқсондан холи сифатида тасвирланади. Муаллиф асарда ўз қаҳрамонини тўлалигича ҳимояга олиб, қаҳрамонига хато қилишга имкон бермайди. Супер қаҳрамон барча тўсиқларни енгиб ўтади, юксак заковат ва чуқур мушоҳада эгаси эканига ўқувчини ишонтиради, атрофдаги персонажлар бош қаҳрамоннинг нуфузини ўқувчига эслатиб туриш учун “қурбон қилинади”. Образли қилиб айтганда, бир хил қолипга солинган жараён кечади. Юқорида кўриб чиққан драмаларимизнинг ютуқ ва камчиликларини ўрганиш давомида баъзи хулосаларни умумлаштиришимизга тўғри келади.

Биринчидан, тарихий шахс сифатида Навоий билан боғлиқ тарихий ҳақиқатлар акс этирилган, бадиий тўқималар ва асарнинг бадиий ҳақиқати тарихий ҳақиқатга номувофиқ келмаслик ҳолати деярли ҳеч бир асарда учрамайди. “Алишер Навоий” (Иzzат Султон, Уйғун), “Самарқанд сайқали” (Иқбол Мирзо), “Амир Алишернинг дарди” (Омон Мухтор), “Навоий ва Бойқаро” (Муҳаммад Али) драмаларида тарихий ҳақиқат бузилган ўринлар учрамайди. Бадиий тўқима образлар ҳам тарихий воқеликни инкор этмайди, тасаввур кўламини кенгайтиришга хизмат қилади. “Хуросон юлдузи” (Восит Саъдулла) ҳамда “Шоҳ бўлди ишқ ичинда” (Комил Аваз) асарларида эса тарихий ҳақиқатдан кўра Навоий ҳақида халқ ичида тарқалган афсона ва ривоятларга кўпроқ диққат қаратилади.

Иккинчидан, барча тарихий драмаларда Алишер Навоийнинг маънавий портретини яратиш масаласи мақсад қилиб олинган ва бу мақсад Алишер Навоий” (Иzzат Султон, Уйғун), “Самарқанд сайқали” (Иқбол Мирзо), “Амир Алишернинг дарди” (Омон Мухтор), “Навоий ва Бойқаро” (Муҳаммад Али) асарларида ўзини тўла, асарларида қилман “Хуросон юлдузи” (Восит Саъдулла) ҳамда “Шоҳ бўлди ишқ ичинда” (Комил Аваз) оқлаган. Қайси маънодаки, Навоий ҳақида ўқувчига яхлит тасаввур бериш мақсади нуқтаи назаридан қараганимизда ушбу миссия бажарилган дейиш тўғри бўлади.

Учинчидан, драматик асарларда яратилган Алишер Навоий образининг бадиий талқини кўрғазмалилик, биров сунъийлик ва қолиплашган бир образ даражасида қолиб кетгандай тасаввур уйғотади. Ушбу жиҳат энг кўп кўзга ташланадиган асар – Муҳаммад Алининг “Навоий ва Бойқаро” драмасидир. Ушбу драмада оддий фуқаро ҳам, давлат аёнлари ҳам, зиёлилар ҳам ўзаро диалогларда Навоий шахсини улуғлашга берилиб кетади. Бу эса ўқувчида табиийки, акс таъсир уйғотади. Муаллиф Навоий шахсиятининг улуғворлигини

асар тагматнига сингдирган ҳолда ўқувчига тақдим этганда эди, бу каби эътирозга ҳожат қолмас эди. Ҳамма учун маълум ва машҳур бўлган гапларни ҳар бир персонаж томонидан айттираверилса, мақсад фақат Навоийни улуғлаш бўлиб қолгани кўриниб қолади. Афсуски, ушбу асарлардаги баъзи сахналар олий ўқув юртлари ва ўрта таълим мактабларида ҳар йили Алишер Навоий таваллудига бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар форматидаги сахна кўринишларини ёдга солади. Иқбол Мирзонинг “Самарқанд сайқали” драмасида Навоий ва у яшаган давр фонида бугунги кундаги шукроналик кайфияти акс эттирилади. Бу эса асарнинг бадиий қийматини туширишига бир баҳя қолади. Муаллиф нозик нуктадонлик ва сўзларни саралаб ишлатиш маҳорати эвазига ўқувчини ушбу иштибоҳдан чалғитиб туради. Навоий шахсини ортиқча пафос орқали сунъий тарзда улуғлаш эмас, унинг ички оламини ўқувчига кўпроқ танитиш асосий мақсад бўлмоғи лозимдай кўринади. Кейинги ёзилажак драматик асарларда шу жиҳатларни инобатга олиш, такрор ва кўрғазмалиликдан қочиш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, Навоийнинг муҳаббати сюжет чизиғи орқали, Навоийни ошиқ сифатида гавдалантиришга уринишларни кузатамиз. Бу линияда Навоийнинг муҳаббати фонида асосий образ Гули образидир. “Амир Алишернинг дарди” драмасида Нозанин образи, “Шоҳ бўлди ишқ ичинда” драмасида Давлатбахт образи ушбу вазифани бажаради. “Алишер Навоий” драмаси ва “Хуросон юлдузи” драматик достонида кучли лирик кайфият орқали Навоий ва Гули муносабати ниҳоятда сезимли, таъсирчан ва чиройли ифода қилинади. Гули образи бадиий тўқима образ бўлса-да, ўқувчи учун қоронғу бўлиб қолаётган Навоийнинг муҳаббати ҳақида маълум бир тасаввурларни бера олади. Ушбу бадиий тўқимани муваффақиятли тўқима деб айтиш хато бўлмайди.

Бешинчидан, драма учун энг муҳим жиҳат бўлган конфликт масаласи драмаларнинг аксариятида ожизлик қилади, конфликт йўқлиги, бор бўлса ҳам сезиларли эмаслиги туфайли характерлар ҳам тўла очилмай қолади. Асарларда драматик тиғизлик маромида деб айтиш мушкул. “Алишер Навоий” драмаси (Иззат Султон, Уйғун) шу жиҳатдан жанр талабларига тўлиқ жавоб бера олади. Конфликтлар пухта тузилган, характерлар диалоглар ва конфликтлар воситасида яхши очила боради. “Шоҳ бўлди ишқ ичинда” драмасида эса, драматик тадриж кўзга ташланмайди. Фабула ҳам яхлитликка эга эмас, шу жиҳатдан ушбу асар қуроқ кўрпачани ёдга солади.

Олтинчидан, Алишер Навоий билан ёнма-ён келадиган Ҳусайн Бойқаро образи Навоий шахси ҳақида яққол тасаввур беришда муҳим характер ҳисобланади. “Алишер Навоий” (Уйғун, Иззат Султон), “Навоий ва Бойқаро” (Муҳаммад Али), “Амир Алишернинг дарди” (Омон Мухтор) драмаларида Ҳусайн Бойқаронинг ҳам дўст, ҳам шоҳ, ҳам маърифатли шахс сифатидаги маънавий қиёфасини кўрамыз. “Шоҳ бўлди ишқ ичинда” драмасида Ҳусайн Бойқаро шахси бироз майдалаштириб юборилгандай туюлади. Иқбол Мирзонинг “Самарқанд сайқали” драмасида Навоийнинг Самарқандда кечган ҳаёти ҳақида ҳикоя қилгани учун Ҳусайн Бойқаро қатнашмайди, баъзи суҳбатларда тилга олиб ўтилади, холос. “Алишербек ва Ҳусайн” драмасида ёш Ҳусайн тасвирланади, Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг дўстлиги бошланган болалик чоғлари ҳақида тасаввур беради. Юқорида кўрилган барча драматик асарларда Ҳусайн Бойқаро шахси баъзан интригалар ичида салбий бўёқда кўрсатилган ўринлар учраса ҳам, Бойқаро образи Навоийнинг дўсти, Навоийнинг маслаҳати билан одил ҳукм чиқарадиган подшоҳ сифатида гавдалантирилади.

Еттинчидан, ўзбек драматургиясида Навоий ҳаётининг турли босқичлари қамраб олинган сахна асарлари мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Булар ичида Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамон билан ихтилофи мавзуси нисбатан етакчи мавзуга айланган. “Алишер Навоий” (Уйғун, Иззат Султон), “Навоий ва Бойқаро” (Муҳаммад Али), “Амир Алишернинг дарди” (Омон Мухтор) драмаларида ушбу мавзу асосий мавзуга айланган. Навоий ҳаётининг сўнги йиллари ҳақида кўрсатиб берадиган, Навоийнинг умри сўнггида қандай изтироблар ташвишга солгани, нимадан кўнгли тўлгану, нимадан хафа бўлгани, армонлари ва хоказолар ҳақида кўрсатиб берадиган трагедия яратилмаган. Навоий образи акс эттирилган барча асарлар жанр хусусиятларига кўра, асосан, драма жанрига мансуб. Комедия ёки трагедия жанрларида ҳали Навоий шахси акс эттирилмаган. Масалан, Ҳазрат Навоийнинг нозик юморга, кинояга мойиллигини тарихий комедия сифатида кўрсатиш орқали Навоий шахсининг янги бир бадиий талқинини кўришимиз мумкин бўлади.

Саккизинчидан, Навоий образини ёритаётганда унинг маънавий устозлари ва сафдошлари – Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад ва Абдурахмон Жомий каби зотларнинг образини ҳам яратиш мақсадга мувофиқдир. Айни шу мавзуда киносценарийлар, драмалар ёзиш бугунги кун ижодкорлари олдида турган вазифалардан бири деб биламиз. Шундагина ушбу асарлар асосида фильмлар ишланса, қўйилган мақсад ўзини оқлаган бўлади.

Навоий шахси бўрттириш ва ортиқча улуғлашга муҳтож эмас. Ҳазрат Навоий ҳақида асар ёзаётган ижодкор улуғ шоир ва мутафаккирнинг ички руҳий оламини, ижодининг моҳиятини асарда кўпроқ акс эттира олса, муаллифнинг ютуғи шу бўлади. Такрорлар, қолипга солинган Навоий ҳақидаги афсоналар бугунги замон учун эскирганини тан олиш вақти келди. Ушбу кичик тадқиқотимизда шу хусусида сўз юритдик. Умид қиламизки, Навоий ҳақида энди ёзилажак асарлар ўзидан аввал ёзилган асарлардаги камчиликларни такрорламайди, янги бир тажрибалар, янги ёндашувлар билан биз билган ва билмаган Навоий феноменини муваффақиятли бадиий талқин қила олади. Зеро, “Эл нетиб топғай мениким, мен ўзимни топмамон”, дея лутф этган инсоннинг ички руҳий оламига сафар қилган ижодкор бу оламдан янги бир мужда олиб чиқиши лозим. Шундагина ижодкор ўз олдига тўғри мақсад қўйган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Арасту*. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2011.
2. *В.К. Туркин*. Драматургия кино. Очерки по теории и практике киносценария – Москва, ВГИК, 2007.
3. *Лайош Эгри*. Искусство драматургии. Творческая интерпретация человеческих мотивов. Москва, 2006.
4. *Раҳматуллаева Д.* Тарихий драманинг уйғониш даври (Миллий истиқлол ва миллий театр номли тўплам). – Т.: Янги аср авлоди, 1983.
5. *Раҳматуллаева Д.* Ўзбек театри. Тарихий драма. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2004.
6. *Раҳмонов М.Р., Тўлахўжаева М.Т., Мухторов И.А.* Ўзбек Миллий академик драма театри тарихи: Иккинчи китоб (1960–2000 й.й.) – Тошкент, 2003. – 266 б.
7. *Ризаев Ш.* Жадид драмаси . – Т.: Шарқ, 1997. – 316 б.
8. *Ризаев Ш.* Саҳна маънавияти. – Т.: Маънавият, 2000. – 175 б.
9. *Станиславский К.С.* Актёрнинг ўз устида ишлаши. – Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1965. – 426 б.
10. *Султонов И.* Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 287 б.
11. Театр энциклопедияси. – Тошкент қомуслар бош таҳририяти, 1992. – 483 б.
12. *Турсунов Т.* XX аср ўзбек театр тарихи (1900–2007). – Т.: ART PRESS, 2010. – 568 б.
13. *Тўлахўжаева М.Т.* Қозоқбоев. Драма назарияси (ўқув қўлланма). – Т.: Фан ва технологиялар Маркази босмахонаси, 2014. – 92 б.
14. *Александр Митта*. “Кино между адом и раем”. Издательский дом, Подкова, 1999.
15. *John Howard Lawson*. Theory and Technique of Playwrighting, Putnam, 1936.
16. *Уйғун, Иззат Султон*. «Алишер Навоий». – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
17. *Омон Мухтор*. “Амир Алишернинг дарди”. “Ёшлик” журнали, 2-сон, 2011 йил.
18. *Комил Аваз*. “Шоҳ бўлди ишқ ичинда”. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхона нашриёти, 2007.
19. *Восит Саъдулла*. “Хуросон юлдузи”. – Т.: “Ёш гвардия”, 1972.
20. *Муҳаммад Али*. “Навоий ва Бойқаро”. “Жаҳон адабиёти” журнали, 6-сон, 2016.

АКРОМ МАЛИК

**“ХАМСА”НИ ФЕНОМЕНОЛОГИК
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ**

Монография

МУҚАДДИМА

Ўзбек тилида феноменология билан боғлиқ маълумотлар 1976 йил нашрдан чиққан “Философия луғати”да учрайди. Унда “феномен”, “феноменизм” ва “феноменология” атамаларининг қисқа шарҳлари мавжуд¹. Хусусан, “Феноменология” атамаси ҳақидаги мақолада: “Гуссерл ва унинг шогирдлари (Лангребе, Фиик, Шлер ва б.) асос солган субъектив идеалистик йўналиш, бу йўналиш ҳозирги замон буржуа философиясига катта таъсир кўрсатди”², – дейилган. Мазкур маълумотлар луғатга хос умумий бўлиб, феноменологиянинг мақсадлари, объектлари ҳақида тўлиқ тасаввур бермайди.

Феноменология ва уни адабиётшунослик методи сифатида қўллаш билан боғлиқ дастлабки изланишларда ҳам бу мавзуда нотўлиқ ва шарҳга муҳтож ёндашувлар учрайди³.

Феноменология ҳақида бироз батафсил маълумот олиш учун унинг асосчиси билан боғлиқ маълумотларга диққат қаратишни лозим топдик.

Кёлен университети профессори Людвиг М. Лангребенинг “Британника” энциклопедиясида чоп этилган мақоласида қайд этилишича, “Эдмунд Хуссерл, (1859 йил 8 апрелда туғилган, Проснитс, Моравия, Австрия империяси (ҳозирги Простеев, Чехия) – 1938 йил 27 апрелда вафот этган, Фрайбург им Бресгов, Гер.), немис файласуфи, фалсафанинг қатъий фан характериға эға бўлишға интиладиган, онгни тавсифлаш ва таҳлил қилиш услуби бўлган феноменологиянинг асосчиси.

Ушбу метод эмпирик ҳаётнинг структуралари ва назариялар тараққиёти, барча фалсафий ва илмий системаларнинг келиб чиқишини кўрсатган ҳолда кузатишларга урғу берадиган эмпиризм ҳамда ақл ва назарияға диққат қаратадиган рационализм ўртасидаги зиддиятни ҳал қилиш учун бўладиган ҳаракатни акс эттиради.

Хуссерл яхудий оиласида туғилган ва 1876 йилда қўшни Олмут шаҳридаги Немис жамоат гимназиясида малакавий имтиҳонларини топширган. Кейин Лейпциг, Берлин ва Вена университетларида физика, математика, астрономия ва фалсафа фанларини ўқиди. 1882 йил Венада “Beiträge zur Theorie der Variationsrechnung” (Ўзгаришлар ҳисоби назариясига қўшилган ҳиссалар) мавзусидаги диссертациясини ҳимоя қилиб, фалсафа доктори илмий даражасини олди.

1883 йилнинг кузида Венаға файласуф ва психолог Франц Brentанодан (1838 – 1917) таълим олиш учун кўчиб борди. Brentанонинг ҳар қандай психологияға оид танқиди соф илмий ва психоаналитик йўналишларға қаратилган бўлиб, у кенг тарқалган, таъсирға эға тавсифий психологияға суянган ўзининг янги фалсафасига асос солганлигини даъво қилар эди.

Хуссерл ўзининг дунёқараши, илмий ёндашувлари учун ҳал қилувчи импульсни Brentо ва унинг илмий суҳбатлари, маърузаларида олди. Brentо ташкил қилган даврда диний бағрикенглик ҳамда раиционал фалсафаға интилиш уйғун бўлган маърифатпарварлик руҳи

¹ Философия луғати. – Т.: Ўзбекистон, 1976. – Б. 514.

² Кўрсатилган манба, ўша саҳифа.

³ Алишер Навоий “Хамса”сида адиб феномени муаммосига доир (“Ҳайратул аброр” ҳамд ва муножотларига мисолида). – Алишер Навоий ва XXI аср: мақолалар тўплами; масъул муҳаррир Ш. Сирожиддинов. – Т.: Tamaddun, 2016. – Б. 52–58.

жуда кучли эди. Хуссерлнинг фикрлар учун янада қатъий, рационал асосларга интилиши бу ерда ўзини кўрсатди. Бошиданоқ бундай асослилик унинг учун фақат назарийлик эмас, балки этик ўзига хосликдаги масъулият ҳам эди. Венада Хуссерли Инжилнинг лютеранлик эътиқодини қабул қилди, бир йилдан сўнг – 1887 йилда у Просницдан бўлган ўрта мактаб ўқитувчисининг қизи Малвина Штайншнейдрга уйланди. Малвина садоқатли ва зиёли турмуш ўртоқ сифатида эрини умрбод қўллаб-қувватлади¹”.

Эдмунд Хуссерли таржимаи ҳолига оид ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, у илм ва фан одам эди, умрини илмга бағишлаган, эътиборли томони у ҳар қандай қарашнинг рационал асосларини ахтарган, унинг Венага боргани бежиз эмас, чунки Европада Франц Brentanoнинг янги фалсафани яратишга доир қарашлари фан аҳли ўртасида жиддий эътиборга сазовор бўлган кўринади. Қолаверса, файласуф университетда дарслардан ташқари ташкил этган тўғарак маърифатпарвар руҳи билан толерант ва истеъдодли ёшларни ўзига жалб этгани, шубҳасиз. Brentano тўғарагининг хос жиҳатларидан бири диний бағрикенглиги бўлиб, у ўша даврда урф бўлган радикал атеизмдан ёки эскириб бораётган мутаассиб художўйликдан йироқ эди. Бу атмосфера Хуссерлга ижобий таъсир беради ва у шу даргоҳда чинакам олим сифатида, ўзининг қатъий принципларига эга файласуф бўлиб шаклланади.

“Хуссерл Готтингенда ишлаган кезларида универсал фалсафа фани сифатида феноменологиянинг асосларини ишлаб чиқди. Унинг фундаментал методологик принципларини Хуссерл феноменологик редукция деб атаган эди. Бу метод, яъни феноменологик редукция файласуфнинг диққатини талқин қилинмаган асосий тажрибасига қаратади, бундан мақсад нарсанинг моҳияти, жавҳарини излашдир. Шу маънода, бу эстетик редукциядир. Бошқа томондан, бу моҳиятнинг, жавҳарнинг онга айланиши орқали функциялардаги рефлекс, акс этишидир. Шундай қилиб, редукция ҳамма нарсанинг маъносини, нафсини, ўзини очиб беради. Пировардида, феноменология Кантнинг эмпиризм ва рационализм ўртасида воситачилигини замонавий йўлда муайян маънода такрорлаган ва ривожлантирган янги услуб трансцендентал фалсафанинг характерини ишлаб чиқди. Хуссерл биринчи қисми тугалланган “Ғоялар. Соф феноменологияга кириш” китобида бунинг тизимли асосларини ва программасини 1913 йил тақдим этди²”.

Янги фаннинг асосларини ишлаб чиқиш осон эмас. Аммо Хуссерл бунга қўл урди. У ўз қарашларини Иммануил Кант (1724 – 1804)га биров эргашган ҳолда ишлаб чиққандей туюлади. Чунки Кант эмпиризм – тажрибага асосланган билим ва рационализм – ҳақиқийлик, борлик билан боғлиқ қарашлар муаллифи эди. Хуссерл бу икки йўналиш назарияларини рад этмайди, ҳатто ривожлантиради, тўлдиради ва ҳар қандай ҳодиса, нарса тадқиқ этиларкан, у ҳақдаги маълумотни унинг ўзидан, асосидан излаш керак деб ҳисоблайди. Бу ҳол редукция – торайиш деб аталди. Яъни бу умумийликдан хосликка – жавҳарга, атомга бориш, халал берувчи барча маълумотлардан воз кечиш йўли эди. Бироқ Хуссерлнинг қарашлари дастлаб ижобий қабул қилинмаган, талабалар унинг маърузаларини янгилик эмас, эскиликка қайтиш деб баҳолашган. Устига-устак бошланган жаҳон уруши (1914) унинг янги фан ҳақидаги ғоялари бир муддат тарқалмаслиги, тан олинмаслиги учун сабаб бўлиб қолди. Аммо бу феноменология, ҳақиқатан, янги ёндашув эди. Ҳар нарсанинг асли-

¹ Манба: <https://www.britannica.com/biography/Edmund-Husserl> Фойдаланилган сана: 2021 йил, 14 июл

² Манба: <https://www.britannica.com/biography/Edmund-Husserl/Phenomenology-as-the-universal-science> Фойдаланилган сана: 2021 йил, 14 июл (Барча хорижий манбалардан олинган маълумотлар ўзбек тилида ҳали мавжуд бўлмагани учун таржимани шартли равишда ўзимиз амалга оширдик – Ақром Малик)

га мурожаат қилиш фанлар ўртасидаги чегараларни йўқолишига олиб борадиган жараён бўлиб, Арастудан бошланган фанлар классификацияси тугаб, илм яна бир манбага – бир нуқтага қайтишини тақозо қиладиган ҳолат юзага чиқа бошлади.

Бу тўғрида феноменология билан боғлиқ маълумотларда яна кенгроқ ёндашувлар учрайди.

“Феноменология XX аср бошларида пайдо бўлган ўзига хос фалсафий ҳаракат эди, асолий мақсади ҳодисаларни онгли равишдаги тажриба сифатида кўриб, тўғридан тўғри текшириш, тавсифлаш бўлиб, уларнинг сабаблар ҳақидаги назарияларга диққат қаратмайди, имкон қадар ўрганилмаган тахминлар ва ноаниқликлардан эркин ҳолда ҳаракат қилади”¹.

Ҳодисаларни онгли равишдаги тажриба сифатида кўриш, ҳар қандай ҳодисага тасодифий танланиш деб қарамаслик метафизикага мазмунан яқинлаши ҳисобланади.

Хуссерл қарашлари биринчи жаҳон урушидан кейин ривожланди. У ўзининг янги фанга асос солганлигига илмий жамоатчиликни ишонтира олди. Кейинчалик Хуссерлга эргашган файласуф Алфонс Де Веленс, Стефан Страссер, Марвен Фарбер, Алфред Скуц ва бошқалар феноменологияга доир тадқиқотларни давом эттиришди.

Феномен – ташқи олам ва ундаги нарсалар ҳақида инсон онгида биринчи юзлашувда пайдо бўлган тасодифий, бошқарилмаган таассурот, тасаввурдир. Инсон ҳаёти давомида турли “тажриба”ларни бошдан кечиради: туғилганидан бошлаб таъм билиши, кўриши, эшитиши, англаши, гапириши, сезиши, туйғуларининг жунбушга келиши, босилиши, чарчаши, ҳордиқ чиқариши ва шу каби ҳолатлар феноменология қабул қилган истилоҳда “тажриба” ҳисобланади. Нутқ, ижтимоий фаоллик, жисмоний ҳаракатлар, ирода, орзу, ҳиссиёт, тасаввур, хотира, зехн, тафаккур, ўй-хаёл, идрокнинг “тажриба”лари ҳосиласи ўлароқ одам ички дунёсида жамланган маълумотларнинг тузилиши, кўзғалиши, ўзини намоён этиши, бошқаларга таъсир кўрсатишини феноменология фани ўрганади, тадқиқ этади².

“Оксфорд луғати “Феноменология: а) борлиқдан ажралган ҳодисалар ҳақидаги фан (онтология); б) ҳар қандай фаннинг унга тегишли бўлган феноменни тавсифлайдиган ва таснифлайдиган бўлими. Юнонча *phainomenon*, яъни кўриниш, қиёфа сўздан олинган”, – деб таъриф берган. Фалсафада бу истилоҳ, биринчи ўринда методология ва назария ўртасидаги баҳсларда қўлланилади. Физик ва фалсафа ўртасида эса гоҳ-гоҳида иккинчи даражали ҳолларда истифода этилади. Ўзининг ўзак маъносига кўра феноменология феноменни ўрганади, сўзма-сўз айтганда, реалликнинг қаршисидаги ҳодисаларни тадқиқ этади. Ушбу қадимий тафовут биз Афлотуннинг ғоридан чиққанимизда фалсафани бошлаб берган. XX асрга қадар феноменология фани куртак отмади, гуллаб-яшнамади, кўплаб замонавий фалсафа доираларида бу ҳақда тушунча ниҳоятда оз эди.

Дисциплина нима? Фалсафа қандай қилиб феномен концептидан феноменология дисциплинасига (фанига) кўчиб ўтди?

Дастлаб XVIII асрда феноменология эмпирик билимга асос бўлган кўринишлар (қиёфа) назариясини билдирган, хусусан, сезувчан кўриниш назариясини. Лотинча “Феноменология” истилоҳи 1736 йил Христоф Фридрих Оутингер томонидан таништирилган. Кейинчалик немисча “Феноменология” атамаси Христиан Волфнинг издоши Ҳенри Ламберт то-

¹ Манба: <https://www.britannica.com/topic/phenomenology> Фойдаланилган сана: 2021 йил, 14 июл.

² Стенфорд университети нашрга тайёрлаган “Фалсафа” луғатидаги “Phenomenology” (Феноменология) мақоласидан олинди. Манба: <https://plato.stanford.edu/entries/phenomenology/>. Фойдаланилган сана: 2020 йил, 8 октябр.

монидан қўлланилган. Иммануэл Кант айрим ишларида худди Иохан Готлиб Фихт каби бу атамага мурожаат қилган. 1807 йил Г. В. Ф. Ҳегел “*Phänomenologie des Geistes*” китобини ёзди. Бу китоб номи, одатда, “Рухнинг феноменологияси” деб таржима этилади. 1889 йилга келиб Франц Brentano бу истилоҳдан ўзи қўллаган “тавсифий психология”ни характерлашда фойдаланган. Шу нуқтадан Эдмунд Хуссерл бу атамани ўзи асос солган янги фан – онг илми учун ном қилиб олди ва қолган маънолар тарихга айланди.

Айтайлик, феноменология феноменни ўрганади: бизга нима кўринади ва у қандай пайдо бўлган? Биз феноменни қандай тушунамиз? Бу атаманинг охирги асрда бой тарихи бор, биз унда феноменологиянинг фан сифатида шаклланишига таъсир ўтказган изларни кўришимиз мумкин¹.

Адабиётшуносликда шоир ёки ёзувчининг асарлари матнидан унинг феномени – ташқи дунё ҳақида тасаввурлари, руҳий-ҳиссий ҳолати, муайян масаладаги тушунчалари, оламга, одамга, ғайбга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга бўлган муносабатини феноменологик метод воситасида юзага чиқариш мумкин. Феноменологик метод матннинг ичига кириб боришни, фойдаланилган сўзлар ва уларнинг қўлланиш ўринларига хусусий ёндашишни, бадий асар матнида намоён бўлган ғоянинг муаллиф ички дунёси билан алоқадорлигини – мукошифлигини аниқлашни тақозо этади.

Алишер Навоий асарларини тадқиқ этишда унинг феноменига “кириб бориш” унинг махсус манбалар – таълим ва таҳсилига далолат қиладиган матнига эмас, аксинча, шоирнинг беш сезги – эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм билиш ва сезиш хусусиятларини акс эттирган қисмларига эътибор қилиш, айти шу нуқталарни таҳлил қилиш билан амалга ошади. Чунки буюк мутафаккир матнларини айти шу принцип билан тадқиқ этиш айнан унга хос бўлган асл жиҳатларни аниқлашда ёрдам беради.

Навоийшунослигимизда қўлланиб келаётган қиёсий, тарихий, герменевтик сингари бир қатор тадқиқот методлари қаторига феноменологик методни ҳам истифода қилиб кўриш мумкин деб ўйлаймиз. Бу масалада илк уринишларни амалга оширишга қарор қилдик.

Тадқиқот объекти сифатида Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonлари муқаддима қисмларидаги ҳамд бобларни танлаб олдик. Ҳамд бобларни ўрганиш бизга Алишер Навоийнинг теологик қарашлари, космогоник билимлари ҳақида аниқ маълумотлар тақдим этади.

Биз “Хамса”даги ҳамд бобларни ўрганишда ҳар бир байтни махсус таҳлил этишга, бу ўринда шоирнинг тасаввури ва тахайюли маҳсули бўлган қисмларга диққат қаратишга, хулосаларни умумлаштириб, улар орқали Алишер Навоий феноменини илмий жиҳатдан очиб беришни мақсад қилиб белгилаб олдик.

¹ Манба: <https://plato.stanford.edu/entries/phenomenology/> Фойдаланилган сана: 2021 йил, 14 июл.

БИРИНЧИ БОБ

“ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР”ДА ҲАМД БОБИ: ҲАҚНИНГ ВАҲДАТИ, КОИНОТ ТАСВИРИ, АҚЛ, ИШҚ, ВАСЛ, ҲАЖР ВОДИЙСИ ВА ОЛАМНИНГ УЗВИЙЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Фалсафада илоҳиятшунослик – илоҳият билан боғлиқ тушунчалар, қонун-қоидаларни ўрганиш, таҳлил этиш теология деб аталиб, Ғарб луғатларида, хусусан, “Британника” фалсафа сўзлигида бу фан “**диний спекуляция ва узр сўрашга – муножот, истиғфорга оид фалсафий йўналтирилган интизом, келиб чиқиши ва шаклига қараб анъанавий равишда христианлик билан чекланган, аммо бу мавзу, бошқа динлар, жумладан, Ислом ва Яҳудийликни ўз ичига олиши мумкин бўлиб, унинг мавзуларига Худо, инсоният, дунё, нажот ва эсхатология (сўнгги замонларни ўрганиш) кириши**” айтилган¹. Ушбу ёндашув, албатта, баҳсли ҳисобланади. Чунки теологиянинг келиб чиқишини христианлик билан боғлаб, унинг мавзулари қамровига Ислом ёки бошқа динлар қўшимча сифатида қайд этилиши бирёқлама хулосадан далолат қилади.

Адабиётда илоҳиятга доир мавзуларнинг акс этиши билан алоқадор изланишлар ҳақида тадқиқ олиб борганимизда юқоридаги таърифга суянган ҳолда Ғарбда ёзилган илмий ишлар, мақола ва рисоаларда теологик қарашлар насроний адабиёти доирасидаги таҳлил этилганига гувоҳ бўлдик. Хусусан, Уилям Франкнинг “Адабиёт ва теология: инсонпарварлик анъаналарида “Инжил” (Библия) ваҳий сифатида” китоби муқаддима ва яқундан ташқари олти қисмдан иборат бўлиб, унда дастлаб “Инжил” адабиёт манбаси, сўнг адабиётнинг сўзи илоҳиятга доир талқинлар мажмуи ўлароқ ўрганилган. Сўнг инсонийлик анъаналарида “Инжил”нинг ўрни, миф генезиси, ҳайдалишга оид эпос, ваҳийнинг ёзилиши ва башоратлар билан боғлиқ сюжетлар, қарашлар, ақидаларнинг адабиётда акс этишига алоқадор таҳлиллар амалга оширилган².

Умуман, бу мавзудаги ўнлаб, юзлаб турли саъвиядаги тадқиқотларни топиш мумкин. Илоҳиятшунослик функцияларидан бири илоҳ – оламнинг яратувчиси бўлган Зотга хос жиҳатларни ўрганиш ҳам киришини назарда тутсак, Ислом тарихида бу борада жиддий ва чуқур изланишлар бениҳоя кўплиги кўринади. Хусусан, Имом Аъзам (699 – 767), Имом Аҳмад ибн Ханбал (780 – 855), Абу Жаъфар Муҳаммад Таҳовий (853 – 933), юртдошларимиздан имом Мотуридий (870 – 944), Абу Муин Насафий (1027 – 1114), Муҳаммад ибн Умар Тафтазоний (1322 – 1392) сингари юзлаб уламолар оламнинг ягона яратувчиси Аллоҳнинг хусусиятларини нақлга – Қуръон ва ҳадисга таяниб, зарурат туғилганда ақл суяниб таҳлил этишган, ўрганишган. Бу мавзу бевосита адабиётга ҳам кўчиб ўтган, бадий матнларнинг муқаддималарида ҳамд, муножот деб номланган қисмлар ана шу ҳолнинг аниқ ва равшан инъикоси ҳисобланади. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарида, хусусан, “Девону луғотит турк”, “Қутадағу билиг”, Аҳмад Яссавий ҳикматлари, Алишер Навоий, Ҳувайдо, Сўфи Оллоёр ва бошқаларнинг асарларининг ҳамд ва муножотларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Алишер Навоий бу масалага ўта жиддий қараган ва Аллоҳ ёки Пайғамбаримиз соллаллоху

¹ Манба: <https://www.britannica.com/topic/theology> Фойдаланилган сана: 2021 йил, 25 январ.

² A Theology of Literature The Bible as Revelation in the Tradition of the Humanities by William Franke Published by: Wipf and Stock Publishers 2017.

алайҳи ва саллам мақтови ёзилган ғазаллар келтиришни девон тузишнинг ўзи ишлаб чиққан қатъий қоидаларида биринчи талаб сифатида қайд этган: **“...бу навъ хаёле хотирға келган учун ҳар ҳарф ғазалиётининг аввалғи ғазалини ё Тангри таоло ҳамди била мувашшаҳ, ё Расул алайҳиссалом наъти била муфаттах, ё бир мавъиза билаким, бу икки ишдин бирига дол бўлғай, муваззаҳ қилинди”**¹.

Девон тузиш шартларига кўра, шоир араб алифбосидаги ҳар бир ҳарф билан тугайдиган ғазалларини тартиб билан жойлаштиради, Алишер Навоий ҳар бир ҳарфнинг биринчи ғазали уч мавзудан бирида бўлиши шарт деб ҳисоблаган ва ўзи амал қилган. Юқоридаги парчага таяниб айтиш мумкинки, бу уч мавзу қуйидагича бўлган: 1) Тангри – илоҳ ҳамди, мақтови; 2) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мақтови (наът); 3) насиҳат ё таълимий йўналишдаги мавъиза. Шоир ғазалиётида Илоҳ мақтовига бағишланган шеър ёзишни ва бу шеърларни девонга қатъий шаклда жойлаштириш ҳақида талаб қўяётгани биз кўтараётган масала – мумтоз адабиётда илоҳиятшуносликка – теология оид нуқтларни жиддий таҳлил қилишга эҳтиёж борлигини билдиради.

Ўзбек адабиётшунослигида мазкур муаммо айна бу шаклда – бадий матнни теологик назариялар асосида ўрганиш кўринишида кўтарилгани деярли учрамайди. Алишер Навоий асарларида Қуръон ва ҳадиснинг истифода қилиниши билан боғлиқ ҳамда ҳамдлар, наътлар илмий таҳлил этилган айрим изланишлар бор. Хусусан, Алибек Рустамий², Абдуқодир Ҳайитметов, Азиз Қаюмов³, Шухрат Сирожиддинов⁴, Муслиҳиддин Муҳиддинов⁵, Олимжон Давлатов ва бошқаларнинг тадқиқотларида муҳим хулосалар берилган.

Шу ўринда илоҳият ва илоҳиятшунослик атамаларини фарқлаб олишга эҳтиёж туғилади. Илоҳият – илоҳ билан боғлиқ эътиқодни ўзида акс эттиради, бу илоҳнинг исмлари, сифатлари билан алоқадор ўзгармас асллардан иборатдир. Илоҳияшунослик эса мазкур йўналишдаги маълумотларнинг хилма-хиллигини, келиб чиқишини, асосини қиёсий, тарихий принципларга кўра ўрганиш ҳисобланади. Шу маънода, теология илоҳиятшунослик билан айнан бўлиб, Алишер Навоийнинг асарлари матни орқали унинг илоҳият ҳақидаги эътиқодини таҳлил қилиш бир вақтнинг ўзида илоҳиятшуносликка, яъни теологияга ҳам алоқадордир.

“Ҳайрат ул-аброр” достонидаги ҳамд бобида Алишер Навоий ягона илоҳ – Аллоҳнинг ал-Холиқ сифатини мадҳ қилган. Боб умумий кўринишда уч қисмдан иборат: 1) насрий сарлавҳа; 2) Аллоҳнинг зотиға ҳамд айтиш вожиблиги ҳақидаги шарт; 3) Аллоҳнинг яраттиқлари ва уларнинг ҳикмати ҳақида сўз.

Насрий сарлавҳада шоир икки муаммони кўтаради: 1) Аллоҳнинг қалами; 2) Аллоҳ ато этган ишқ.

Матнда Аллоҳнинг қаламига икки сифат берилган: 1) махлуқот сувратини чизувчи; 2) маснуъот – санъат этилганларнинг гўзаллигини зиёд қилувчи. Аллоҳ ато этган ишқнинг ҳам икки хусусиятига диққат қаратилган: 1) шавқ силсиласи; 2) муҳаббат риштаси. Силсила ва ришта сўзлари арқон, боғлайдиган, банд қиладиган восита ўлароқ кўрилса, кўнгилнинг ҳуснга, кўзнинг қошга ошиқ бўлиши, яъни қалбда ишқ уйғониши Аллоҳнинг ҳикмати билан содир бўлади. Чунки Аллоҳ Ўз қалами билан махлуқотлари сувратини чиз-

¹ *Навоий Алишер*. Бадоеъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1987. Т. 1. – Б. 17.

² *Рустамов А.* Навоийнинг бадий маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.

³ *Қаюмов А.* “Ҳайрат ул-аброр” талқини. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.

⁴ *Сирожиддинов Ш.* Илм ва таҳайюл сарҳадлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2011.

⁵ *М. Муҳиддинов.* Комил инсон – адабиёт идеали. – Т.: Маънавият, 2005.

ди ва уларнинг гўзал қиёфада намоён қилди. Уларда Аллоҳнинг нури, қудрати акс этгани боис, иймонли қалб бу яратиларга нисбатан талпиниш, чексиз иштиёқ уйғонади, яъни шу гўзалликни кўриб, у орқали қалбида сокинлик ҳис этади. Бунинг асл илдизи, сабаби Аллоҳнинг ҳикматидир. Сарлавҳа ўз ўрнида бобда кўтарилажак муаммоларнинг режаси – йўналиши, айтажак сўзларни тушунишда калит вазифасини ҳам ўтайди.

Иккинчи қисм дея шартли белгилаганимиз бўлак тўрт мисра – икки байтни ўз ичига олади. Бунда шоир Аллоҳга ҳамд айтиш унинг зоти билан вожиблиги таъкидлайди: *“Ҳамд ангаким, вожиби биззот эрур”*. Яъни Аллоҳнинг зоти ўз-ўзидан бор экан, у ўз-ўзидан мақталувчи, ўз-ўзидан ҳамдга лойиқдир. Унинг зоти мақталишни, ҳамдни тақозо қилади. *“Ҳомид анинг зотиғ заррот эрур”* мисраси эса ҳамд айтувчи Унинг зоти қаршисида зарра эканлигини таъкидлайди. Аллоҳнинг ваҳдати – ягоналиги, бўлинмаслиги, шериги йўқлиги, тасаввурга сиғмаслиги қуёшнинг порлаб тургани каби аён ҳақиқат, бунинг исботи коинотда заррадан кўпроқ, қуёшдан кўра ёруғроқ ҳолда кўриниб турибди: *“Ваҳдати зотиға қуёшдек тонук // Заррадин афзуну қуёшдин ёруқ”*.

Шу нуқтадан бошлаб Алишер Навоий Аллоҳнинг ал-Холиқ сифатини мақтайди. Чунки Аллоҳнинг зоти ҳақида фикрлаш ва сўзлашдан Ислом таълимоти қатъий қайтаради, Аллоҳнинг зотини ақл тасаввур эта олмайди.

Алишер Навоий Аллоҳнинг ал-Холиқ зот эканлигини қуйидаги мисоллар ёрдамида таъкидлар экан, ҳар бир мисол – яратилар ўзаро жипс, кўринмас ҳалқалар ёрдамида боғланиб, уланиб кетганлиги, ҳаракатлари, ҳолатлари ажралмас, яхлит эканлигига диққат қаратган:

1) Аллоҳ жисми сипеҳр – осмон каби яратди, бу осмон масир, яъни сайргоҳдир, уни руҳ қуёши ёритади – мунир этади. Бу таъриф замирида инсон жисми назарда тutilган;

2) осмон – коинот фируза гулшан, яъни кўк гулзор, уни Аллоҳ баланд қилиб қўйган, яъни само оламини ўраб олган; фируза гулшандаги гулларнинг дастаси қуёшдир, тунда кўзга кўринадиган юлдузлар бу гулдастандан сочилган гуллардир;

3) минтақа – томонлар, жиҳатлардир (Алишер Навоий олти томон – юқори ва қуйи, ўнг ва чап, олд ва орқа борлиги таъкидлайди) ва ложувард фалак – кўк осмон Аллоҳнинг санъат бисотида нарданинг икки тахтасига ўхшайди, бу тахтага икки тош ташланган, яъни каъбатин – қимор тошлари; мақсад – осмон тосига шайн – нуқсон, камчилик солишдир. Чарх – мунаққаш, яъни юлдузлар билан нақшланган, ўн икки бурж олтитадан бўлиб, икки тахтага бўлиниб жойлашган, гоҳ тун, гоҳ кун ўзини намоён қилади, ичидаги юлдузлар сабабли тахта садафнинг ишини қилади, садаф ўз ичида гавҳарни тарбият этгани ва сақлагани каби у юлдузларга ўз қучоғидан жой берган. Замонда, оламда қандай қусур ва савобли ишлар кўринса, барчасини шу фалак нардида кўриш мумкин. Алишер Навоий *“Даҳрда ҳар нақши савобу қусур // Айлаб бу нардин айлаб зуҳур”* байтидаги коинот нардасида замона ишлари акс этади деган мазмунни исботлаш учун айтадики, чунки бу нарддаги нақшларнинг айримлари хасис – қўримсиз, айримлари шариф – шарафли, бу эса қазо ва қадарни эслатади, қадар коинотда бўлажак амалларнинг битиги бўлса, уларнинг содир бўлиши қазодир. Яъни қазо ва қадар иши инсон учун ҳамиша сирли ва қўрқинчли, лекин у ёзилган ва ўзгармас, шу каби осмон тахтасидаги нақшлар ҳам чизилган ва собитдир. Коинот ишлари зиддият устига қурилгандек: субҳ оқ юзини очса, тун уни зулфи билан қорайтиради; тонг олам узра оқ кукун сепса, тун уни зулматга чўмдиради; шу тариқа оқ ва қора алмашиб туради;

4) Алишер Навоий *ақл, ишқ, васл, ҳусн, ҳажр, дард* ҳақида алоҳида тўхталади: димоғ ҳужраси – мия ичига ёқилган чироқ – ақлдир; уни ожиз қолдирган қудрат эса ишқдир;

ишққа таскин берувчи омил – васлдир; ишқнинг сабаби, асоси – хусндир; хуснга етиш учун эса ҳажр чекилади; ҳажр эса дардни юзага келтиради; дард инсон кўнглини поклаб, унда ишқнинг юзини кўришга имкон беради. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг ҳикмати билан бўлиб, бутун оламдаги ҳаракатни У шу тариқа бир-бирига занжирдек боғлаган.

Шу ўринда саналган бу туйғуларнинг хос жиҳатларини таҳлил қилиб ўтсак:

- ақл миянинг ичидаги чироқ, унинг пилиги – иноят ипидир, шуъласи эса ҳидоят нури, бу нур боис кўнгил ёришади. Демак, Алишер Навоий наздида кўнгил ва ақл орасида муносабат ҳидоят боис юзага чиқади;

- ақлни ожиз этадиган қувват ишқдир. Ишқнинг хоссалари шуки, у ақл чодирини поралайди, зуҳду вараъ, сабру сукутни енгади, бало денгизини тўлқинлантиради, дард оловини аланга олдиради, яъни ишқ сабабли инсон ички оламида ҳам, шахсий ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлади;

- ишқнинг шифоси васл бўлиб, у ишқ оловига сокинлик бахш этади, бундан мурод шуки, инсонни мувозанатдан чиқариб, изтироблар чекишига олиб борган ишқнинг ортидан келадиган васл асл мақсаддир;

- ишқнинг сабаби ҳамда васлнинг намоён бўлиши хусндир, хусн жон гулшанига оройтиш беради, яъни уни гўзаллаштиради, маҳзун кўнгилга осойишталик бағишлаб, азобини ҳаловат билан алмаштиради. Унинг хусусияти шуки, хуснни гулга қиёс этсак, унда лутф ва сафо бор, аммо вафо йўқ. У вафодорларнинг кўзини ёшлайди. У ишқни жон ипига боғлаб, инсонни ҳажр водийсига бошлайди. Алишер Навоий таъкид этаётган фикр шуки, хусн – Аллоҳнинг жамоли маъносини билдириб, истиора сифатида қўлланмоқда. Аллоҳ ўз Хусни, Жамолини мўмин бандаларига кўрсатиш ваъдасини берган, аслида, ҳар бир гўзалликда Аллоҳ жамолдан бир нур акс этади, ана шу нур инсонда ишқни уйғотади, лекин бу оламда Аллоҳнинг жамолини кўриш имконсиз, шунинг учун Аллоҳга муҳаббат қўйган зотлар зиммасида бу ишққа садоқат сақлаш вазифаси бор. Ёниб, куйиб жаннатда кўражаклари Жамол учун яшайдилар;

- ҳажр водийсидир мурод дунё ҳаёти бўлиб, у хавф-хатар билан тўлиб тошган, хавф-хатарлар шуки, бу шайтоннинг ҳийлалари, нафснинг ҳужумлари ва ҳоказо. Аллоҳни таниган мўмин бу балоларга қарши курашади, ўз Ёрига – Аллоҳга муносиб даражада садоқат сақлай олмаётгани учун изтироб чекади, бу изтироб уни ёндириб, кул қилади ва кўнглини поклайверади.

Алишер Навоий ҳолатни маънан айланма ҳаракат деб атайди: “*Доирани жуз бу сифат тузмайин, Силсилани бир-биридин узмайин*” байти шунга ишора. Яъни бу ҳолатларнинг ҳаммаси доира ичида рўй беради, занжир каби ўзаро боғланган ҳолда кўринади: ақлсиз инсон ўзини ҳам, Худони ҳам танимайди; хуснсиз ишқ юзага чиқмайди; ишқ бўлмаса, ҳажр ҳам, васл ҳам маъносини йўқотади. Бу ишларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг лутфи бўлиб, Аллоҳ курраи хок – Ер куррасини ҳам сокин айлаган ва фалакларни Муҳит – денгиз ўлароқ, ўртасига Ерни жойлаб қўйган.

Юқоридагилар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Алишер Навоийнинг илоҳиятга муносабати қатъий эътиқод даражасида бўлиб, у Аллоҳга мустаҳкам боғланган кўнгил эгаси эди, шунинг учун ҳар бир ишни Аллоҳнинг изни деб иймон келтирган ва Аллоҳга ҳамд айтишни – итоат этишни ҳаётнинг бош мазмуни сифатида кўрган.

2. Алишер Навоий Аллоҳни Ўз Вужуди билан ҳамдга, тўхтовсиз мақтовга муносиблигини таъкидлаган.

3. Алишер Навоий коинот, ҳаётни Аллоҳнинг ал-Холиқ сифатининг намоиши деб билган.

4. Алишер Навоий инсон ҳаётининг асоси ақл, ишқ, васл, ҳажр орасида кечишини айтиб, бунинг бош омили Ҳусн деб кўрсатган ва бу билан инсониятни Аллоҳга муҳаббат билан яшашган даъват қилган.

5. Алишер Навоий борлиқ Аллоҳнинг лутфи билан мавжуд бўлиб, йўқлиги эса Аллоҳнинг қаҳри сабабли рўй беришини айтган.

ИККИНЧИ БОБ

“ФАРҲОД ВА ШИРИН”ДА ҲАМД: ДОСТОНГА МУАЛЛИФ ТАЪРИФИ ВА ИЛОҲ ҚУДРАТИ ВАСФИ

“Фарҳод ва Ширин” достони ҳамд бобининг сарлавҳасида ички “жумбоқ” (савол) ва “ечим” (жавоб) мавжуд.

Матннинг биринчи қисмида шундай муаммо – “жумбоқ” қўйилади: *“Бу шавқ достонининг “алиф”лари сарвқадлар бўйидек санубарваш ва “лом”лари бинафшазулфлар турраси янглиф дилкаш экронига боис”*, яъни Алишер Навоий ўзи қаламга олаётган достонни – “Фарҳод ва Ширин”ни “шавқ достони” деб атайди. Бу достон ичида иштирок этадиган “алиф”лар қадди сарв гўзалларнинг бўйларидек тик ва расо – санубарваш; хусн эгаларини Алишер Навоий “бинафшазулф” деб таърифлайди, яъни уларнинг юз қисмига буралиб тушган сочи бинафша каби, достондаги “лом”лар айнан шу зулфларнинг турраси – жингалаги каби дилкаш – дилга ёқимли; нима учун бундай? – қўйилаётган муаммо, масала, жумбоқ ёки савол шу.

Бу матннинг биринчи ярми ҳисобланади. Иккинчи ярмида эса шундай дейилади: *“Фехрастида Ҳақ отидан туғро ва дебочаси Қайюми Мутлақ сифоти била мутарро”* – фехрастнинг маъноси мундарижа, бобларнинг мавзулари, бошланишидир; дебоча – кириш, муқаддима демак. Достоннинг фехрасти – умумий мазмунида Ҳақнинг – Аллоҳнинг номи туғро (байроқ) бўлиб турибди; дебочаси эса Қайюми Мутлақ – Аллоҳнинг сифатлари билан зийнатланган.

Ушбу ечимнинг ўзи достонни тушунишда энг муҳим ишораларни тақдим қилади. Алишер Навоий солиқ ва покиза инсонни Аллоҳнинг Жамоли, Нуридан бир зарра акс эттирган мазҳар (кўзгу) деб таърифлайди. Одамлар уни Хусн ўлароқ кўрадилар. Хусн сўзи арабчадаги эҳсон сўзининг ўзагидир. Эҳсон эса, ҳадиси шарифга кўра: **“Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қилиш”** дир. Алишер Навоий асарларига сингдирилган ғоя шуки, мўмин инсон бошқа бир мўминда Хуснни кашф қилса, эҳсон мақомига яқинлашади. Шунинг учун шоир ижодиётида ёрнинг хусни, гўзаллиги юксак сифатлар билан мақталган. Ҳар бир таъриф ёрнинг маънавий сифатларини ифодалайди. Шу маънода, сарлава матннинг биринчи қисмида сарвқадлар ва бинафшазулфлар ҳақида сўз бориши айнан Ҳақнинг хуснига мазҳар бўлган зотларни назарда тутаяди. Буни кейинги қисмдаги Ҳақ отидан туғро ва Қайюми Мутлақ сифатлари билан боғлиқ жумлалар ҳам тасдиқлайди.

Демак, “Фарҳод ва Ширин” шавқ достони ва унда дилкашлик, хусн ва ишқ мавзуси кўтарилган, бунинг сабаби унинг аввали Аллоҳнинг ҳамди билан бошланганидир.

Боб Алишер Навоий услубига хос бўлган ички бўлинишларга эга: шоир умумийликдан хусусийликка ёки бутун қисмга қараб боради – достонни рангин сафҳа деб атайди ва уни дард боғига қиёслайди. “Дард боғи” умумийлик ёки бутунни ифодалайди, сўнг бу боғ ичидаги хусусий жиҳатларга қаламга олинади: боғдаги лола, гул барги, сунбул, қуш нағмаси, оқар суви, шамоли, гулбун (гул кўчат), ғунчаларнинг тасвири чизилади:

- *ҳар лоласида ишқнинг доғи кўринади;*
- *гулларининг барги таҳайюр (ҳайрат) ўти;*

- сунбули ҳасрат тутуни;
- қушларининг нағмаси ҳижрон куйи;
- оқар суви қўзёш анҳори;
- шамолининг ҳамроҳи ҳажр самуми;
- гул ниҳолларида дард ғунчаси битади;
- ғунчаларидан оташин вард – олов “тили” чиқади.

Бу тасвирларнинг барчаси китобхонда жуда катта изтироб тасаввурини уйғотади. Ўқиётгани китобнинг мана шундай дард билан қоришгани ҳақида бирламчи ахборотни олади. Алишер Навоий дoston мазмуни “балиятларға” – балоларга мансуб бўлгани учун улус кўнглига марғуб бўлгани – ёққани ҳақида гапиради; шунингдек, бу дoston саҳифасининг бошланиши тазарру ва Холиқ сифатли Аллоҳнинг саноси билан эканлигини таъкидлайди.

Китобхонда бу қисмларни ўқиш жараёнида улуснинг кўнглига марғуб келадиган дарднинг моҳияти, маъносини билишга истак уйғонади, ғамнинг иши азоблаш бўлса, у қандай қилиб инсонларга ёқиши мумкин деган савол юзага чиқади. Алишер Навоий бу саволга жавоб бериш асносида **ишқ**, **ҳусн**, тўғрисида тушунтиришлар беради.

Муаллифнинг таъкидича, Аллоҳ таоло инсон кўнглини **ишқ** гулшани қилиб яратди. Бу гулшаннинг ҳарими – ичи, маркази, замирида ҳам ишқ хазинаси сақланади. Ишқ хазинасидаги ҳар бир дур фароғатли шам, тунни ёритадиган дурдир.

Аллоҳ **ҳусн**ни ҳам яратди. Ҳусн ишқдан кўра куйдирувчидир. Жаҳонни ўтга солади. Ҳусн йўқликдан борликқа чиққан биринчи яратикдир. Ҳусннинг нури порлагач, йўқлик зулматидаги ҳамма зарралар кўринди. Ҳусн гўё қуёш, қуёш атрофидаги ҳар зот, ҳар зарра унга ошиқ бўлгани каби ҳуснга оламда ҳамма нарса ошиқ. Ҳусн сабабли оламда ҳабиблик ва аҳобблик пайдр бўлди.

Алишер Навоий бу қарашлари билан ҳар қандай инсонни ўзига жалб қилган ва ошиқ этган асос, жавҳар ҳусн деб тушунтирмоқда. Ҳусн ҳар бир солиқнинг, Ҳақ йўлидаги инсоннинг юзида акс этади. Айни ўша ҳусн ўз жилваси билан ишқни уйғотади. Ҳуснни кўрган инсон уни яна кўргиси келади, ундан кўз узгиси келмайди, ҳамиша ҳуснга парвона бўлади. Ҳусн эса Ҳақнинг Жамоли, Нуридан бир заррани ўзида кўрсатади. Ҳуснга талпинган кўнгил бу ҳуснни ўзида жо этган инсонга ошиқ каби кўринади.

Ошиқ ва маъшуқ бир-бирида айни Ҳуснни кўрган инсонлардир. Ошиқ маъшуққа, маъшуқ эса ошиққа талпинади. Иккиси бир-бирининг ошиғи ва бир-бирининг маъшуғига айланади. Уларни ўзаро ошиқ қилган ишқ эса пок бўлиб, у нафс ва ҳирсдан мутлақо тоза ҳисобланади.

Ҳуснни икки томонда акс этиб тураркан, ҳуснни акс эттирган оддий мазҳар – кўзгуга айланади. Икки ошиқни бир-бирига боғлаган ўртада ишқ. Бу мазҳарлар ғойиб бўлади, бироқ ишқ ғойиб бўлмайди. Ишқ йўқолмайди. Ўлмайди. У бошқа ўринларда ўзини намойиш этишда, кимни мубтало этса, уларни куйдиришда давом этади. Шунинг учун Алишер Навоий: *“Икиси балки айни ишқ, фафҳам! // Тугонди борча сўз, Валлоҳу аълам”*, – дейди.

Ишқни ҳам, ҳуснни яратган Зот эса ягона Илоҳ – Аллоҳдир. Алишер Навоий Аллоҳни “Наққоши моҳир” деб сифатлайди. Аллоҳ ўз сифатларини юз хил суратда – коинотдаги яратикларда зоҳир этди. Яратиклар, улардаги ҳусн – ҳаммаси Аллоҳнинг сифатларини акс эттиришга хизмат қилади. Шу мантиққа кўра Наққош ўзи ҳуснни нақш қилаётгани ойдинлашади.

Алишер Навоий бу сирни ундан бошқа ҳеч у каби фош этмагани ва бу сирдан ўзи ҳам ақлини йўқотганига иқрор бўлган: *“Ўзи нақшу, ўзи манқушу, ўзи наққош // Киши бу сирни мендек қилмади фош // Нетай асроридин девона бўлдум // Дедим, чун ҳушдин бегона бўлдум”*.

Бу сир бўлгани учун ундан ғофиллар телбалик деб аташлари тайин, шунинг учун муаллиф ўзига қарата бу телбаликни бартараф қил деб айтади.

Шу нуқтадан бошлаб шоир Аллоҳнинг сифатлари ва қудратини васф этади. Бу масалада куйидаги нуқталарга диққат қаратган:

1. Аллоҳ **Ҳайй ва Қодир ва Пок** Зот бўлиб, Ақли Кулл, яъни ақлнинг ҳаммаси жамланса ҳам: “Сени била олмадим!” деб айтади.

2. Аллоҳнинг **сифатлари** ақлни адаштиради ва Зоти ҳақида фикр юритса, ўзини ҳеч эканлигини топади.

3. Аллоҳ чақмоқнинг зотини **“мазҳари кулл”** – тўла, буткул мазҳарга айлантирди. Алишер Навоий коинот бир лаҳзалик чақмоқ ёришганда пайдо кўзга кўринган бир манзара деб билади. Мангулик олдида коинотнинг мавжуд бўлиши шу қадар кичик қисми ташкил қилади. Бу чақмоқ Аллоҳнинг сифатларини ёритиб, кўрсатиб беради. Шунинг учун “барқ зоти” – чақмоқ зоти “мазҳари кулл” дир. Бу чақмоқ шундайки, ақл жаҳон каби бўлса-да, уни хашакдек куйдиради. Ақл Аллоҳнинг сифатлари қошида ёниб, кул бўлади. Ақл Аллоҳнинг сифатларини идкрок этади, қабул қилади, аммо моҳиятига етиб бора олмайди. Шунинг учун у ёниб кул бўлади. Фано тўфони – йўқлик тўфони ақлнинг борини олиб, жаҳонда асарини ҳам қолдирмайди.

4. Аллоҳнинг **шухуди** – кўриниши, ақлнинг идрок этишидан пок, **Вужудини** идрок зинҳор била олмайди.

5. Аллоҳнинг **нишонини** изласанг, бенишонликдан йироқ; **маконини** изласанг, бемаконликдан ўзиб кетганини кўрасан. Алишер Навоий *“Нишони бенишонлиқдин йироқроқ”* сатри билан Аллоҳнинг борлиги ҳақидаги нишонлар, белги ва аломатлар бенишонликдан йироқ, олис эканлигини айтмоқда, яъни Унинг Ҳақлигини тасдиқлайдиган аломатлар бениҳоя бисёр. *“Макони бемаконлиқдин қироқроқ”* сатрида эса Аллоҳнинг макони масаласини кўтарган. Бемаконлик – маконсизлик демакдир. Қироқ – қирғоқ, чет, чекка демакдир. Сатрнинг сўзма-сўз мазмуни *Макони маконсизликдан четроқда, қирғоқроқда* деб тушунилади. Яъни Алишер Навоий Аллоҳнинг макони бемаконликдан четда, маконсизликдан ҳам ўзиб кетган дея Унинг Олийлигини таъкидламоқда.

6. Алишер Навоий Аллоҳнинг ибтидосини **азалдан** ошиб кетганини айтади, бу билан Аллоҳнинг бошланиши йўқлигини, у ўз-ўзидан борлигини уқтиради. Аллоҳнинг охири, интиҳоси йўқлигини эса **абаддан** ҳам юксаклиги, олийлиги, ғолиблигини эслаш билан билдиради.

7. Аллоҳнинг **қахр ўти** ўзини кўрсатган дамда кўк худди кўрғошин жом каби эрийди.

8. Аллоҳнинг **илм дарёси** мавжга келса, тўққиз қат осмон қолиб, етти қат ернинг остигача етиб боради.

9. Аллоҳ яратган **қазо** Унинг амрларининг йўлбошчиси. Алишер Навоий уни Фарҳодга қиёслайди. Гардунни эса Бесутун тоғига ўхшатади. Фарҳод Бесутун тоғини ўйиб, забун қилгани каби Аллоҳнинг қазоси гардунни – фалакни осонлик билан забун этади. “Қазо” ва “қадар” истилоҳларига ақийда илмида куйидагича таъриф берилган:

Қазо – Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажакда қандоқ бўлишини азалдан билишидир.

Қадар – ўша нарсаларнинг Аллоҳнинг азалий илмига мувофиқ равишда вужудга келишидир¹.

10. Қазо кимга бало тоғидан бедодлик – адолатсизлик етказса, уни Фарҳод деб атайди. Яъни қазонинг синовларига учраган ҳар ким Фарҳоддир. У ғам тоғида овора бўлади, қўлидаги теша билан тоғнинг қия – қирраларини поралайди.

11. Аллоҳ таоло қазонинг бийми – кўркув ва даҳшатини солса, Хитой мулкига хоқон бўлган неча одамки, барчасининг бағрини қон бўлади.

12. Аллоҳ бадан мулкини маъмур – обод этади, бу мулкка ақлни маъмур – амрларни адо этгувчи этиб қўяди. Алишер Навоий ақлни вазир деб атаб, уни Мулқорога ўхшатади, чунки “Фарҳод ва Ширин” достонида Мулқоро садоқатли ва ақлли вазир мартабасидаги қаҳрамон ҳисобланади.

13. Аллоҳ кўнгилнинг нақшпардози, яъни нақш билан пардозловчиси бўлди, шу тариқа кўнгил гўё Монийнинг коргоҳи – ишхонасига айланди. Алишер Навоий кўнгилни ишқнинг маскани дея атайди, яъни ишқ нақши билан зийнатланган. “Фарҳод ва Ширин”да Моний наққош уста бўлиб, кўнгилнинг Моний нақшхонасига ўхшатилиши шу асосга таянади.

14. Алишер Навоий юқорида ақлни вазирга қиёслаб, Мулқоро деб атаган бўлса, энди “хирад Суқрот”дан сўз очади. Ақл Мулқоросининг вазифаси маъмурлик қилиш бўлса, “хирад Суқрот”нинг иши ҳикматдир. Яъни Аллоҳ ҳикматни ато этгувчидир. У ҳикматни хирад Суқротининг бир қисмига айлантирди. Достонда Суқрот марказий қаҳрамонлардан бўлиб, у Фарҳодга йўл кўрсатувчи муршид бўлгани учун Алишер Навоий хирад – ақлни Суқрот деб атайди.

15. Алишер Навоий “хусн”га Аллоҳ таоло зийнат берганини таъкидлаб, хусн соҳибларининг барчаси Ширин эканлигини айтади. Яъни Ширин бу биргина Ширин эмас, Аллоҳга Ўз Жамоли тажаллийсини туширган бўлса, у шириндир. Ширинлар эса ғамза билан жонларни торож қилади – забт этади, ширинлар васлига эса шоҳлар – хусравларни Аллоҳ муҳтож қилиб қўяди.

16. Алишер Навоий шафақни Гулгун деб номлайди. Чунки “Фарҳод ва Ширин” достонида Гулгун Ширин минган отнинг номидир. Аллоҳ таоло шафақ Гулгунига хуршид – қуёшдан ранг бергани ва устига атласдан жул – ёпинчиқ ёпгани айтилади.

17. Муаллиф тонг тасвиридан сўнг кечанинг сифатларини сўзлайди: тунни Хусравнинг оти қора рангли Шабдез деб атайди. Албатта, тунни бу ҳолда яратган ҳам Аллоҳнинг Ўзидир.

18. Юқорида қадарнинг таърифини келтириб ўтдик. Алишер Навоий қадарни Шопур ташбиҳ этади. Қазо ва қадар доимо биргаликда келгани учун “қазо Фарҳоди”га уйқаш равишда “қадар Шопури” жумласи қўлланган.

19. “Фарҳод ва Ширин” достонида Шеруя Эрон шоҳи Хусравнинг ўғли бўлиб, у ўз отасининг қотили ҳисобланади. Шунинг учун шоир ажални Шеруяга муқояса қилиб, унинг қатли иши Аллоҳнинг иродаси ва хоҳиши эканлиги айтилган.

20. Алишер Навоий замонни Хусравнинг машшоқларидан бири Никисога қиёслайди. Чунки замона ўз аҳлининг айш қилиши учун шароит ҳозирлаб беради. Бу ҳам Аллоҳнинг амри билан содир бўлади.

21. Зухра (Венера) сайёраси Шарқ нужум илмига кўра мусиқа, кўнгилхушлик ва фитна рамзи ҳисобланади. Борбад эса машҳур ҳофиз бўлиб, унинг куйлари ақлни олгани кўп бора

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ақоид ва унга боғлиқ масалалар. Т.: “Hilol-nashr”, 2019. – Б. 278

таъкидланган. Зухра айнан Борбад каби куй чалади ва Баҳром кабилардан ақлу хушни олади. Баҳром уруш ва жанг рамзи саналиб, одатда, жангари мардларга бу сифат берилган. Аммо Зухра, яъни мусиқа ва фитна шундай инсонларни ақлдан айиради. Бу ҳам Аллоҳнинг ҳикмати билан амалга ошади.

Алишер Навоий Аллоҳнинг қудрати билан таништирувчи бу тасвирлар билан инсон ва у яшаётган коинотнинг, қазо ва қадарнинг аниқ манзарасини чизади. Бобни ўқиш жараёнида китобхон чексиз бир сатҳда ўзини идрок қилади. Бу сатҳнинг ҳар бир нуқтасида Аллоҳнинг ирода ва хоҳиши акс этиб турганини тушунади. Бироқ бутун коинот Аллоҳнинг наздида қай мақомга эга? Айни шу саволнинг жавоби Оламлар Яратувчисининг бутун Улуғворлигини кўрсатиб беради. Алишер Навоий айтадики:

- бир қанча Фарҳод ва Ширинларни жамлаб келсак ҳам, Аллоҳ яратган шабистон – флак тунидаги бир шам ва парвона, холос;
- мингта Бесутун тоғини тасаввур қилсак ҳам, у Аллоҳнинг йўлидаги бир кесакдан бошқа нарса эмас, балки бир ҳовуч тупроқдир;
- Хусрав ҳар қанча оловдек қаҳр кўрсатмасин, Аллоҳнинг қошида заррадан ҳам паст мақомда қолади.

Бобнинг сўнгида Алишер Навоий оламдаги барча яратиб Аллоҳнинг лутфи сабаблигина борлиги, коинотнинг йўқолиб кетиши эса Унинг қаҳридан намоён бўладиган бир учқун билан содир бўлишини айтади. Чунки оламнинг мавжудлиги ҳам, маъдумлиги (йўқлиги) ҳам Аллоҳнинг ижоди ва эъдом (йўқ қилиши) ҳосиласидир.

“Фарҳод ва Ширин” достонидаги ҳамдани ўрганиш асносида Алишер Навоий феноменига оид бўлган муҳим нуқтани – унинг эътиқодий қарашлари ижодининг асосига бўлиб, “Фарҳод ва Ширин”, балки бутун “Ҳамса” шоирнинг Ҳаққа етиш, Унинг ризосини топиш йўлидаги изланишлари, тажрибаси маҳсули экани ҳақидаги ўта аҳамиятли хулосага келиш мумкин.

УЧИНЧИ БОБ

“ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН”ДА ҲАМД: ОЛАМНИНГ ЯРАЛИШИ, “ЕТТИ ОТА, ТҮРТ ОНА, УЧ ФАРЗАНД”, “ИНОЯТ” МАСАЛАЛАРИ

“Лайли ва Мажнун” достонидаги ҳамд ўзидан аввалги икки дoston – “Ҳайрат ул-аброр” ва “Фарҳод ва Ширин”даги ҳамд бобларида кўтарилган эътиқодий масалаларни янада аниқлаштиради, бойитади, бу эса Алишер Навоий феномени, пировардида, унинг ижодининг асл моҳиятини тушунишда ўта аҳамиятли ҳисобланади.

Дostonнинг мазкур бобини таҳлил қилиш асносида қуйидаги масалалар кўтарилгани ойдинлашди:

1. Алишер Навоий Аллоҳга “Эй!” ундови билан мурожаат қилиб, ҳар бир мурожаати замирида Аллоҳнинг бир сифатини васф этади:

- ҳар ишнинг бошланиши аввалида Аллоҳнинг исми келади, Аллоҳ ҳар ишга тавфиқ ва мадад бергувчидир;

- Аллоҳ одамзодга гўзал ҳусн, шакл берди, ақл Аллоҳнинг ишлари қаршисида ожиздир;

- ақлга файз маъноларини берган Аллоҳ боқийдир, барча яратиқлар ўткинчи, йўқ бўлиб кетгувчидир;

- Аллоҳ одамзод учун, барча яратиқлари учун адами – йўқликни бақога айлантирган, яъни инсоният учун йўқ бўлиб кетиш боқийликдир; Аллоҳнинг зоти учун эса фоний – ўткинчилик, йўқлик йўқдир;

- Аллоҳнинг илми чексиз, ғайб сирри Аллоҳнинг илмидир; Аллоҳ – мавжуд, аммо бошқа барча мавжудотлар – маъдум (йўқ бўлгучи)дир;

- Аллоҳнинг вужуди, Борлиги адами (йўқликни) йўқ қилади.

Шу нуқтагача Алишер Навоий Аллоҳнинг Зоти ва Вужуди қадим – бошланишсиз, ўз-ўзидан борлигини, вожиблигини таъкидлайди, барча махлуқларни Аллоҳ таоло яратгани ва яратиқларнинг барчаси йўқликка юз тутиши, Аллоҳ таолонинг Ўзигина йўқолиб кетиш иллатидан холи ва пок эканлигини айтади. Бу Аллоҳнинг Зоти ва Вужуди ҳақидаги илм бўлиб, унга сўзсиз ва шаксиз ишониш иймоннинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Қуйида Алишер Навоийнинг ҳусн ва ишқнинг сифатлари, бу иккисини Аллоҳ яратгани хусусда сўзлайди:

- Аллоҳ таоло ҳуснни дилпазир – дилга хуш ёқадиган шаклда яратди ва унга кўнгилни асир қилди. Ҳуснга мафтун бўлганлар эса мажнун дея аталди.

- Аллоҳ таоло ишқ ўтини жаҳонни куйдирувчи, унинг ҳар учқунини эса хонумонларни куйдирувчи айлади.

- Аллоҳ таоло кимни париваш – парисифатли этса, унг асир бўлганларни ғамкаш – ғам билан машғул этди. Бу парига мажнун бўлганларнинг кўзёшларини жигар рангли қилди.

- Аллоҳ таоло ҳар томонда ўз қудрати ва раҳмати билан тажалли этади, бу тажалли учун Лайли кабилар мазҳар – нурни ўзида акс эттирувчи кўзгу бўлади.

- Аллоҳ кимни Лайли сифатида яратган бўлса, унга бошқаларни мажнун этмоқ сифатини ато қилган. Кимни мажнунликка мубтало этса, уни ақл кишанидан озод айлаган.

- Аллоҳнинг йўлида ақл ғофилдир, Аллоҳнинг йўлига кириб, оқиллик қиламан деганлар телбадирлар.

- Аллоҳ таоло бандаларига раҳмат кўрсатиш учун кичик хайрли амалларни ҳам “баҳона” сифатида қабул қилади, яъни бандага чексиз марҳамат ато қилади.

- Аллоҳ таоло жаҳаннамнинг коинотни куйдириб юборадиган даҳшатли оловини кўзёш билан ўчириб қўядиган Зотки, бу унинг раҳмат ва чексиз мағфиратига далолатдир.

Айнан шу нуқтагача Алишер Навоий Аллоҳга “Эй!” ундови билан мурожаат қилади ва унинг айтиб ўтганимиз сифатларини баён қилади. Аллоҳга мурожаат этиладиган исмлардан бири Робб, бири Илоҳдир. Уламолар Робби ва Илоҳ исмлари орасидаги дақиқ фарқни тушунтириб беришган. Унга кўра, Илоҳ исмининг замирида маънавий мулкларга эгалик қилиш хусусияти бор. Робб – тарбиялаш исмининг моҳиятида эса моддият оламига бўлган эгалик маъноси ётади.

“Лайли ва Мажнун” достонида ушбу ўрганаётганимиз ҳамд бобининг ушбу қисмига биз Аллоҳга қилинган мурожаат мазмунида унинг Илоҳлик хусусиятига урғу берилганига гувоҳ бўламиз. Чунки Алишер Навоий Аллоҳ таолонинг инсон ички кечинмаларини яратгани ва уларни бошқариши билан боғлиқ қудратини васф этди. Ишқ, хусн, телбалик, ақлни рад қилиш каби ҳолатларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг илоҳлик сифатини ёки улуҳият тавҳидини юзага чиқаради. Хусусан, шоир дастлаб Аллоҳ таоло ғайб илмларининг соҳиби эканига ҳам диққат қаратган эдики (*“Эй илмингга ғайб сирри маълум”*), илоҳлик айнан ғайбга боғлиқ барча нарсага эгалик қилишни ҳам ифодалайди.

Ақида уламолари улуҳият тавҳиди – илоҳликда Аллоҳни якка деб билиш унга ибодат қилиш билан исботланишини маълум қиладилар. Ибодат ҳам моҳиятан Аллоҳга қалбан боғланган ҳолда амалга ошади. Демак, Алишер Навоий қалб билан туюладиган, ҳис қилнадиган ҳақиқатларни баён қилиш асносида ушбу ўринга қадар Аллоҳнинг илоҳлик сифатини тилга олган.

Кейинги баёнда эса шоир Аллоҳнинг Робб исмини васф этади, яъни бутун коинотни Аллоҳ таоло яратгани билан боғлиқ эътиқодни ёритади:

- Инсонлар учун кўк – осмон баландда туюлади, Аллоҳ таоло қошида эса кўк гўё ер каби пастдир, Аллоҳ муртафиъ – юксак, олийдир. Чунки ерни ҳам, кўкни ҳам ихтиро қилган – мухтариъ Аллоҳдир.

- Аллоҳнинг санъати билан ўзаро зид бўлган тўрт унсур – сув ва тупроқ, ҳаво ва олов ўзаро “келишиб”, мувофиқлашди. Аллоҳнинг ҳукми билан етти қават кўк табақаланди – мутобиқ бўлди, кетма-кет, устма-уст жойлашди. Туну кун тинимсиз айланиб, ҳаракатда бўлиб турган спехр – осмон, Алишер Навоийнинг тушунтиришига кўра, Аллоҳнинг талабида, яъни Аллоҳ ризосини топиш учун интилади. Хусусан, қуёш ҳам яралган онидан бошлаб Аллоҳни истаб, бу ҳижронда юзи сарғайиб кетган.

- Бутун коинот Аллоҳ таолонинг талабида, уларнинг майли, мойиллиги шу, бироқ Аллоҳни топмоқ беҳад мушкулдир – чунки Аллоҳ таоло яратилган ҳеч бир нарсага ўхшамайди, барча яратилганлар – заррадан қуёшгача Аллоҳдан, яъни Аллоҳнинг қудрати, ҳикмати билан пайдо бўлган. Лекин улар Аллоҳ эмас, яъни улар ўзларида илоҳлик сифати ва хусусиятларини акс эттирмайдилар, шунингдек, оламдаги ҳар не – раъй, истак соҳиби бўлганлар Аллоҳни истаса, бу Аллоҳнинг иродаси, Аллоҳнинг хоҳиши, бироқ бу ўринда Аллоҳнинг вужуди, зоти кўринмайди;

· Аллоҳ таоло Уни излаб назар солган ҳеч бир инсонга кўринмайди, бироқ унинг ҳар бир ишида ҳозир – ҳар бир ишини кўриб, кузатиб туради, дуоларини ижобат қилади, сўровларини, банданинг қадарига ёзилган ишларни яратади.

Айни шу қисмга биз кўришимиз мумкинки, Алишер Навоий ал-Холиқ (Яратувчи), ал-Басийр (Кўрувчи) сифатларини алоҳида таърифлади. Кейинги ўринларда Аллоҳ таолонинг ҳар бир ашёга тасвир бергани, ҳар бир нарсани ўзаро мувофиқ ва чамбарчас боғлиқ ҳолда яратганига диққат қаратган:

· Аллоҳ таоло куннинг юзини мушаккал – гўзал шаклда яратди, куннинг кўзини эса сурмалананган ҳолда қилди.

· Ойнинг кумуш танаси зар сочувчи, тун қоровули эса гавҳар сочувчи бўлди.

· Аллоҳ таоло тоғни яратди ва унга тошдан либос кийдирди, тоққа заррин камар бойлади, яъни тоғни конлар манбаига айлантирди.

· Аллоҳ таоло қишда порлайдиган қуёшни “итикрак” – ўткирроқ қилди, қорнинг садафини эса “арусак” – ўйинчоқдек чиройли этди. Бу тасвир орқали Алишер Навоий қишда қуёшнинг нурлари қорга тушиб, кўзни қамаштирадиган даражада порлашини назарда тутмоқда.

· Аллоҳ таоло ёзнинг ёмғири ёққанда ернинг чакмонини нафис мато қилди, яъни ер елкасига яшил матони ёпди. Бу қандай бўлди? Лола қадаҳи тошга урилди – тоғда чўққиларида лолалар жилмайди. (Алишер Навоий лолани қадаҳга қиёслаб, унинг чўққида очилишини бу қадаҳнинг тошга урилгани билан изоҳламоқда) Жала гавҳарлари бошқа урилди – инсонлар бошидан ёмғирлар қуйилди. Гул япроқлари ҳавога сочилиб, ғунчаларнинг тунгунлари сабонинг бармоқлари билан очилди.

· Аллоҳ таоло гулга зумурраддан тахт берди, яъни гул яшил “коса” устида бўлди, бу билан у ғунча сингари бахтиёрликка эришди. Гулни тун кўрқитмасин дея нарғисга “сийм машъали”ни ато қилди, яъни нарғис гулининг ўртаси қора, ранги эса сариқ бўлиб, бу ёнаётган машъалани эслатади.

· Аллоҳ таоло осмонни хусуфзод қилди, яъни “хусуф” сўзи “ойнинг тутилиши” демакдир, кўкнинг “хусуфзод” деб таърифланишининг сабаби шуки, Алишер Навоий кўк сўзининг осмон ва кўк (мовий) ранг маъноларини назарда тутган. Ой, асосан, тунда кўринади ва ойнинг тутилиши қора туннинг кўк тусга киришига сабаб бўлади. Натижада, кўк хусуфзодга – хусуфнинг боласига айланади. Шунингдек, ой тунда “тутилади”, яъни ушлаб қолинади, натижада, кўк бу тутилиш ортидан “туғилади”. Ойнинг тутилиши уни қуёш “тўсиб”, “берки-тиб” қўйишидир. Оқибатда кумуш каби оппоқ ой қорайиб қолади.

· “Касофат” сўзининг “ёмонлик”, “дағаллик” ҳамда “қуёшнинг тутилиши” деган маъноларни англатади, маълумки, қуёш тутилиши қуёшнинг “юзи”ни ой “тўсиб қолиши” билан намоён бўлади. Алишер Навоий сўзларнинг бу маъноларидан унумли фойдаланиб, гоҳида ой касофат (дағаллик) кўрсатиб, қуёшнинг олтин чеҳрасини қора тусга кiritишини таъкидлайди. Бу икки тасвир воситасида Алишер Навоий ой ва қуёш тутилишлари Аллоҳнинг қудрати, ҳикмати ва илмининг далили тақдим қилган. Қолаверса, шоир бу ўринда “хусуф” ва “касофат”, “ой кумуши” ва “меҳр олтуни”, “савод” ва “сияҳтоб” сўзларини моҳирона қўллаб, тазод (зид маъноларни қўллаш), таносуб (уядош сўзлардан фойдаланиш), ташбиҳ (ўхшатиш) каби шеърӣ санъатлар гўзаллигини намоён этган.

· “Жихат” сўзи томон демакдир. Алишер Навоий жихатга Аллоҳ таоло зеб ва фар – зийнат ва нур берганини айтади. Жихатнинг бошига эса олти гавҳар тикилган – жихат (томон) олти қисмдан (ўнг ва чап, тепа ва паст, олди ва орқа) иборатлигини таъкидлаган.

· Унсур – тупроқ ва сув, ҳаво ва олов гўё сарой, бу сарой жихат (томон)нинг саройидир, унинг деворлари эса чордой (пахсали)дир. Чордойдан мурод Ер юзи бўлиб, Алишер Навоий Ерни тўрт унсур саройининг девори деб тасвирламоқда.

· Алишер Навоий жихат – томоннинг зийнати тўққиз қават фалакдир деб ҳисоблайди ва бу тўққиз осмонни унинг халати, либоси дея айтади. Кўк зарҳал атлас, юлдузлар дур каби уни безайди. Алишер Навоий Тийр (Аторуд, яъни Мерурий), Ноҳид (Зухра, яъни Венера) сайёраларини кўк халатининг тугмаси, ой ва қуёшни эса зийнати деб ёзади.

· Алишер Навоий тўққиз қават осмоннинг етти қаватида еттида посбон – “етти жирми самовий” борлигини назарда тутиб, бу еттисини “чобуки самовий” – самонинг чопқир чавандозлари деб атайди. Бу етти сайёрани Аллоҳ таоло “сайру ҳаракатга шоғил” – сайр ва ҳаракат билан машғул айлаган. Алишер Навоий етти қават фалакни ота, тўрт унсурни эса она деб атайди. Бу ота-оналар ўртасида эса ўзгача сифатларга соҳиб бўлган уч “фарзанд” туғилган: ҳайвон, кон ва набодот олами. “Ҳайвон” сўзи умумий маънода тириклик мазмунини ифодалайди. Яъни танида жони, руҳи бўлган ҳар бир мавжудот, махлуқ – ҳашаротлардан тортиб одамгача – барчаси ҳайвон ҳисобланади. Кондан мурод тоғларнинг бағридаги тилло, кумуш ва турли жавоҳирлар, гавҳарлар кавлаб олинган манбалардир. Набодот эса ўсимлик оламини ифодалайди. Алишер Навоий айнан бу уч асоснинг юзага чиқиб, мавжудуд бўлишида етти қават осмон ичидаги тўрт унсурнинг ўзаро мувофиқ жойлашуви аҳамиятли эканлигини “етти ота, тўрт она ва уч фарзанд” истиораси билан тушунтирган. Мазкур ҳолат ҳам Аллоҳ таолонинг қудрати ва ҳикматига далолат қилади. Шунинг учун шоир Аллоҳ таолонинг яратувчилик қудрати қаршисида лол қолиб, ишнинг бу қадар мукамал бажарилганини эътироф этган ҳолда Аллоҳни мақтайди.

· “Мил” сўзи кўзга сурма қўйишда фойдаланилаган учи ўткирланган асбоб ва дубулғанинг учини билдиради. Алишер Навоий ўрганаётганимиз бобда мил сўзини дубулғанинг учи маъносини назарда тутаяди. Дубулғадан мурод ҳар бир қават осмондир. Яъни ҳар бир қават осмон тоқига, чўққисига икки занжир бойланган, бу занжирларнинг исми қазо ва тақдирдир. Маълумки, қазо Лавҳул маҳфузга Аллоҳ таоло келажак воқеаларини ўз илми билан ёзиб қўйган хабаридир. Тақдир эса бу хабарларнинг исботини топишидир. Алишер Навоий фалакларнинг айланиши, улардаги ҳар бир ҳолат Аллоҳнинг илмига маълум эканлигини, бирор ҳаракат Аллоҳнинг ирода ва хоҳишидан ташқари бўлмаслигини таъкидлаган.

· “Сабуксанг” тез, шиддат билан югуриш маъносини билдиради, Алишер Навоий гардун – осмоннинг ўта тез ҳаракат қилишини таъкидлаб, даврон (давр, замон)нинг секин юришини айтади. Зоҳиран қарши кўринган бу икки ҳол ўзаро уйғунлик бўлиб, Аллоҳ таолонинг ҳикмати далилидир.

· Алишер Навоий бу муҳташам яратикларни йўқ қилиш Аллоҳнинг изнида эканлигини айтиб, қиёмат қойим бўлиши билан боғлиқ эътиқодий қарашларни баён этган: осмон ва ер вақт етиб бирлашиб кетса, Аллоҳдандир, аммо бу билан Аллоҳнинг бирор сифатида ўзгариш содир бўлмайди. Бу иш жамики махлуқлар, инсонлар даҳшатлидир, бироқ Аллоҳ таоло учун беҳад осондир.

Айни шу қисмгача шоир Аллоҳ таолонинг оламни яратиб, сўнг йўқ қилиши ҳақида сўзлагач, Аллоҳнинг раҳмати, карами ва мағфиратига, ҳикматига далолат қилувчи нуқталардан сўз очади:

- Аллоҳ таоло ейишга нони йўқ гадони шоҳга айлантурса, ким буни йўққа чиқара олади?!
- улусга иршод қилаётган зоҳид жаҳаннамга ҳукм этилса, ким бунга қарши ирода кўрсата олади?!
- иши кўрқинчли бўлган фосиқни Аллоҳ ёрлақаб, ҳидоятга бошласа, ким эътироз эта олади?!

Бу ишларнинг барчаси Аллоҳнинг ҳикмати, хусусан, ҳеч қандай ғам чекмайдиган фосиқнинг этагига Аллоҳ таоло осонлик билан ганж тўқди, бутун эл йиғилиб келса ҳам, бу ишларнинг ҳикматини била олмайди.

Алишер Навоий кўнгилининг йўли Аллоҳнинг берганига қаноат қилиш, Аллоҳнинг ишларига рози бўлиш эканлигини таъкидлайди. Аллоҳ таоло ўзи истаган бандаларига уларга лойиқ неъматларни ато қилади, ортиқ ва камини бермайди. Кимки ўзига берилганларга қаноат қилмаса, ўзининг фойдасини Аллоҳ билгани каби билмабди. Инсонлардан қилнадиган ҳаракатларнинг барчаси беҳуда ва ўринсиздир, Аллоҳнинг ишлари эса ҳикмат ва манфаатга тўла.

Алишер Навоий бутун олам Аллоҳнинг раҳмати ва карамига муҳтожлигини ифодалаш учун қуйидаги тасвирларни келтиради:

- кундуз саҳрои гадо каби эгинига қуёшдан бўлган “каду” – қовоғини осиб олган кўйи;
- тун эса занги тиланчи бўлиб, елкасига қоплон терсини ёпиниб;
- дарё ризқ талабгори бўлиб, кемани ёғоч пиёла сингари тутиб;
- тоғ лола ушлаган сўровчи бўлиб этагини очиб –

Аллоҳнинг карам хонтахтасидан умидвордирлар. Бу ва бошқа яратиларнинг барчаси Аллоҳнинг паноҳи остида бўлиб, уларнинг Аллоҳ олдидаги қиймати йўлдаги гард сингари, холос.

Алишер Навоий Аллоҳнинг мулкини чексиз деб билади ва икки оламни – дунё ва охира оламини бу мулкдаги икки боғ эканига эътиқод қилади. Қуёш ва ой эса бу боғдаги иккита гул япроғи, холос. Алишер Навоий бу сўзларни айтади ва ақл Аллоҳнинг шонини, улуғлигини ҳеч қачон била олмаслигини тан олиб, зикр этилганлар Аллоҳ наздида на боғ, на гул япроғи эмаслигини таъкидлайди.

“Лайли ва Мажнун” достони мазмунан қаҳрамоннинг жунунваш ҳолатини – ишқ сабабли ақлдан айрилгани тўғрисидадир. Шоир Лайли жамолида Аллоҳнинг нури тажалли этган деб тушунтиради ва бу ишқнинг пок бўлганлигини айтади. Ақл эса бу сирни зинҳор тушунмайди, шунинг таҳлил қилганимиз бобда ақл Аллоҳнинг ишлари олдида ожизлиги, Аллоҳ ўзи истаган бандасига марҳамат кўрсатиши, бутун олам Унинг карамига муҳтожлиги, икки олам Аллоҳ учун ҳеч қандай қиймат касб этмаслиги уқтирилган. Мазкур ҳолат дostonнинг ҳамд боби унинг моҳиятини тўғри тушуниш ва талқин қилишда асосий калит вазифасини ўташини билдиради. Бу ҳам Алишер Навоий феноменига хос муҳим нуқта бўлиб, уни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш шоир дунёқарашига кириб бориш ва унинг мақсад-муддаосини, ғоясини тўғри аниқлашда аҳамиятли ҳисобланади.

ТЎРТИНЧИ БОБ

“САБЪАИ САЙЁР”ДА ҲАМД: ЕТТИ КЎК, ЕТТИ ФАРЗОНА ВА ИШҚ МОҲИЯТИ

“Сабъаи сайёр”даги ҳамд бобини Алишер Навоий барча яратикларнинг тили Аллоҳга ҳамд айтиш бобида лол эканлигини эътироф этиш билан бошлайди¹. Чунки Аллоҳ таоло элга тилни ҳам, тилга мақол – сўзни ҳам Ўзи берган.

Алишер Навоий Аллоҳнинг “ал-Холиқ” ва “ал-Бориъ” сифатларига далолат қиладиган² ҳолатларга диққат қаратади:

• Аллоҳ инсонга “жасални тори ва пуди” билан ато қилган. “Тору пуд” сўзи луғатда “арқоқ-ўриш” деб изоҳланган³. Яъни матони тутиб турадиган ипдир. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га кўра арқоқ (ўриш) газламанинг ўриши билан кесишувчи кўндалингига кесишувчи иплардир⁴. Демак, инсон жасади – танасини уни тутиб турадиган, ушлаб, боғлаб турадиган иплари билан яратган зот Аллоҳдир. Бу “ип”лар деб тана бўйлаб тарқалган томирларни ва терини, суякни, умуман, инсон вужуди қисмларини ажралмас ҳолда бириктириб турувчи тўқимларни тушуниш мумкин;

• Аллоҳ жасад ичига кўнгилни жойлаштирди, кўнгил ичига ақлни киритди. Алишер Навоийнинг: “*Жасад ичра кўнгул, кўнгил ичра – хирад*” сатри, албатта, тасодифий эмас, чунки шоир хирад – ақлнинг маскани кўнгилда деб билган. Бироқ “Ҳайрат ул-аброр”нинг ҳамд бобида келган: “*Чун ясабон хужраи тори димоғ // Ақлдин ул хужрада ёқиб чароғ*”⁵ байти мазмуни “кўнгил ичра – хирад” деган маълумотга зид кўринади. “Тори димоғ” ёки “димоғ тори” деганда нимани тушуниш керак? “Димоғ” сўзининг луғатда “мия” деган мазмуни билан бир қаторда “табиат, кўнгил” каби маънолари борлиги қайд этилган⁶. “Тор” сўзи эса тола, ип маъноларида қўлланганидек, “қоронғу” мазмунига ҳам эгадир⁷. Демак, “Ҳайрат ул-аброр”да Алишер Навоийнинг кўнгилнинг қоронғу хужрасига ақлдан чироқ ёқилган дея таъкидлагани ва “Сабъаи сайёр”даги “кўнгил ичра – хирад” сатри ўртасида тафовут йўқ;

• Аллоҳ таоло фарқ уйи – инсон бошининг уйида “коргоҳи димоғи инсоний” – инсонга хос димоғ коргоҳи (ишхонаси)ни пинҳон қилиб қўйди. Бу байтда “димоғ” сўзи айнан мия маъносида келиб, унинг бошда жойлашгани ҳамда пинҳон эканлигига урғу қаратилган.

¹ Ҳамса: тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик / А. Навоий; нашрга тайёрловчилар: И. Ҳаққул, С. Рафиддинов, М. Мирзааҳмедов; масъул муҳаррир С. Рафиддинов; Ж. 7: Ҳамса. Лайли ва Мажнун. Сабъаи сайёр. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – Б. 275 (“Сабъаи сайёр”дан олинадиган барча иқтибослар шу манбадан олинади – Ақром Малик.)

² Сунний ақидалар / Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. – Т.: “Sharq”, 2011. – Б. 101.

³ Навоий асарлари луғати / Тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброҳимов; муҳаррир филол. фан. док. С. Муталлибов; Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 613

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати; 5 жилдли, Ж. 1 / **Таҳрир ҳайъати:** Э. Бегматов, А. Мадвалиев, Н. Маҳкамов, Н. Маҳмудов, Т. Мирзаев, Н. Тўхлиев, Э. Муродов, Д. Худойберганова, А. Ҳожиев. – Т.: “O‘zbekiston”, 2020. – Б. 103.

⁵ Ҳамса: тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик / А. Навоий; нашрга тайёрловчилар: И. Ҳаққул, С. Рафиддинов, М. Мирзааҳмедов; масъул муҳаррир С. Рафиддинов; Ж. 6: Ҳамса. Ҳайрат ул-аброр. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – Б. 10.

⁶ Навоий асарларининг изоҳли луғати. 4 томлик. Э. И. Фозилов таҳрир остида; Т. 1 / Т.: “Фан”, 1983. – Б. 492.

⁷ Навоий асарларининг изоҳли луғати. 4 томлик. Э. И. Фозилов таҳрир остида; Т. 3 / Т.: “Фан”, 1984. – Б. 245.

Алишер Навоийнинг мияни коргоҳ – ишхона деб аташи айнан миядаги фаолият сабабли инсон жисмидаги хатти-ҳаракатларнинг идора қилинишини назарда туттади;

- Алишер Навоий кўкни ҳаракатланувчи, Ерни эса сокин деб тушунтиради. Осмон ўз сайри – доимий айланма ҳаракати билан саркаш, Ер эса сокинлиги билан нигун – қўйида, жим ва сукутда. Бу қараш замирида Алишер Навоий Ерни олам маркази деб билгани яна бир қарра тасдиқланади, чунки “Ҳайрат ул-аброр” да ҳам бу тўғрида келган: *“То муҳит ўрнига афлок эрур // Маркази онинг кураи хок эрур”*¹ байти фалаклар уммон бўлиб, бу уммон маркази кураи хок – Ер юзи² эканлигига қатъий ва аниқ таъкиддир;

- Алишер Навоий сипеҳр Баҳроми дея кўкнинг тўртинчи қаватида макон тутган қон тўқувчи Баҳромни назарда туттади ва унинг тунд – қаҳрли эканлиги, учинчи фалакдаги Зухранинг Дилором каби канизларининг чангзан – чанг чалувчи эканлиги ҳам Аллоҳнинг иродасидир; бу ифодалар замирида фалак ва Ердаги ҳар бир ҳодиса – у яхши ёки ёмон кўришидан қатъий назар Аллоҳнинг қадарига боғланиши ҳақида айтилмоқда;

- Алишер Навоий коинотни етти қават фалакдан иборат деб билади ва бу билан боғлиқ ўз қарашларини баён этади: Аллоҳ таоло даҳрни (замонни³) бунёд этаркан, етти осмон гумбазини минодин – шишадан⁴ қилди. Аллоҳнинг санъати етти кох – осмонни⁵ кўтарди ва юлдузларнинг гавҳарлари билан зийнатлади. Етти фалакнинг ҳар бирида етти фарзона (оқил, доно⁶) бўлиб, улар Аллоҳнинг ҳикмати ҳақида сўйлайдилар. Етти фарзонанинг ҳар бир дилбанд, бемисл, бири иккинчисига ўхшамайди, етти гумбаз бир хил – шиша рангли бўлса-да, улар ҳақидаги ҳикоялар ранго-рангдир. Бу Алишер Навоийнинг етти фалак ҳақида “Сабъаи сайёр” да келтираётган биринчи ўхшатишидир. Буюк мутафаккир етти қават осмонни етти лаганга ҳам қиёслайди: бу лаганларнинг ҳар бирида нур сочиб, порлаб турган шам бор. Шунингдек, ҳар бир лаган ёруғ юлдузлар учун қутича каби, юлдузлар эса тунларни ёритадиган гавҳарлардир. Ҳар бир гавҳарнинг ўзгача хосияти, ўзгача ранги ва моҳияти бор;

- Алишер Навоийга кўра кўк етти қават бўлгани каби Ернинг юзи ҳам етти қисмга бўлинган, бу қисмларнинг номи иқлимдир. Шоир етти фалакдаги юлдузларни “каваби жаҳонпаймо” деб атайди. “Жаҳонпаймо” сўзи луғатда “жаҳонгашта” ҳамда “учқур от” деб изоҳланган⁷. Бу ўринда юлдузларни ҳам учқур отга менгзаш, ҳам жаҳонни кезувчи дейиш мантиқли кўринади. Чунки шоир юлдузларни жаҳонни эмас, осмонни кезиб юрувчи дея таъкидлаш асносида кўкнинг сайёҳи ҳамда сув устидаги кумушрангли қушга ўхшатади. Алишер Навоий наздида Етти фалакдаги юлдузларнинг Ердаги етти иқлимга боғлиқ жойи шуки, улар осмонда кўринаркан, етти иқлимнинг бирортасига нур туширади. Чунки бу юлдузлар Аллоҳнинг раҳматидан нур тутиб турган бир шамки, шабистонни – тунни ёритади;

¹ Хамса: тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик / А. Навоий; нашрга тайёрловчилар: И. Ҳаққул, С. Рафиддинов, М. Мирзааҳмедов; масъул муҳаррир С. Рафиддинов; Ж. 6: Хамса. Ҳайрат ул-аброр. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – Б. 12

² Навоий асарларининг изоҳли луғати. 4 томлик. Э.И. Фозилов таҳрир остида; Т. 2 / Т.: “Фан”, 1983. – Б. 140

³ Навоий асарларининг изоҳли луғати. 4 томлик. Э.И. Фозилов таҳрир остида; Т. 1 / Т.: “Фан”, 1983. – Б. 475

⁴ Навоий асарлари луғати / Тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброҳмов; муҳаррир филол. фан. док. С. Муталлибов; Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 391

⁵ Навоий асарларининг изоҳли луғати. 4 томлик. Э.И. Фозилов таҳрир остида; Т. 2 / Т.: “Фан”, 1983. – Б. 131

⁶ Навоий асарлари луғати / Тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброҳмов; муҳаррир филол. фан. док. С. Муталлибов; Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 633

⁷ Навоий асарларининг изоҳли луғати. 4 томлик. Э.И. Фозилов таҳрир остида; Т. 1 / Т.: “Фан”, 1983. – Б. 572

· етти қат осмоннинг юлдузлари шам эмас, балки рақс тушувчи кўғирчоқ, раққосдир, ҳафтадаги етти куннинг ҳар бири уларнинг ҳар бирига хосланган, юлдузлар кундузи гули нухуфта – яширин гул, ғунча¹ каби кўринмайди, лекин тунда икки ҳафталик ой каби порлайди. Боғларнинг очилиши, гулларнинг хазон бўлиб сочилиши юлдузларнинг фалакларни кезиб юришларига боғланган;

· тун – адҳам, яъни қора тўриқ от², кун – ашҳаб, яъни кулранг, оқимтир от³ бўлиб, улар шўх чархнинг (фалакнинг) икки уловидир, бу икки маркаб кечаю кундуз шитоб юради, туну кун изтироб чекиб югуради, шу қадар югурадики, уларнинг қадамидан замон элининг гарди кўкка кўтарилади, яъни инсонларнинг танасини тупроқ ичига улоқтиради. Ушбу тамсил замирида тун ва куннинг алмашиб туриши натижасида вақтнинг юзага келиши назарда тутилмоқда, вақтнинг шитоб билан ўтиши эса инсонлар умрининг заволи – уларни қаритади ва ўлим билан юзлаштиради, жисмларини тупроқ ичига киритади;

· асли, инсон йўқ эди, уни Аллоҳ яратди ва киши қаторига қўшди, яъни эътибор кўрсатди, Ўзи истаса, уни йўқликка юборади, бор қилганга йўқ қилиш осондир. Инсоннинг йўқ эканлигида борлиққа келтириб, сўнг яна нобуд қилишининг сабабини инсон била олмайди. Чунки киши Ҳақнинг ҳеч бири ишини тушунмайди. Ақлга бу ишлар – Аллоҳнинг бу ясамоғи ва бузмоғи сабабсиздек кўринади. Иш унга Аллоҳнинг борлигини билдирадиган далил бўлиб хизмат қилади, бироқ бундан ортиқ нарса эмас, яъни ақл унинг ҳикматини англашдан ожиз. Ақл ишга боқади ва бу ишлар ортида унинг Яратувчиси, Фоили борлигини тушунади. Лекин иш Эгаси нима учун бу ишларни қилмоқда – англай олмайди;

· Алишер Навоий ақл Аллоҳ ишининг ҳикматини англашда ожизлигини таъкидлаб айтадики, ақли бўлган инсон ишнинг қабул ёки рад бўлиши масаласида инсонга ҳад берилмаганлигини билади, ақлнинг раъйи ҳикматларни англашда ихтилоф қилишини билгани учун қазонинг “алиф”и унинг кўзини кўр қилган. Бу ўринда *قضا* сўзидаги “алиф” ақлнинг кўзини кўр қилгани ҳақидаги сатр истиора бўлиб, мазмунан Аллоҳ ўз қазосида – тақдир китобида, яъни Лавҳул Маҳфузда ақлни бу ишлар ҳикматини англамайдиган заиф яратганига ишорадир;

· кўр бўлиб туғилган ёки яралган нарса қуёшнинг нима эканлигини билмагани каби кўршапалак кундузи учишдан ожиздир, бойқуш ҳам яшриниб ётган жойидан кудузи учиб чиқса, учишидан унинг кўрлиги фош бўлади, қуёш нурлари уни кўр қилиб қўяди;

· Алишер Навоий Аллоҳга қарата: *“Сенсен ул меҳри беадилу бадал // Ким, Санга матлаъ ўлди субҳи азал”* дея Уни қиёси, ўхшаши, мисли бўлмаган қуёш деб атайди, Сенинг порлашинг азал тонгида деган жумла замирига Аллоҳнинг зотида бошланиш йўқлигини, у азалийлигини таъкидлайди. Шоирнинг Яратувчига нисбатан *“Меҳри беадилу бадал”* дейиши баҳс уйғотиши мумкин, бироқ “меҳр” деганда Аллоҳга бир сифат, исм берилмоқда, махлуққа қиёс этилмаяпти, қолаверса, Аллоҳнинг ўхшаши, тенги йўқлигига (беадил, бебадал) махсус урғу қаратилаётгани ҳам Алишер Навоий Аллоҳни сифатлаётганига далолат қилади. Аллоҳнинг Нури зуҳур қилганида катми адамда – йўқликда яширинган барча нарса – хоҳ жаҳон, хоҳ аҳли жаҳон бўлсин – вужуд либосини кийди, йўқ нарсалар бор сафига ўтди.

¹ Навоий асарларининг изоҳли луғати. 4 томлик. Э. И. Фозилов таҳрир остида; Т. 2 / Т.: “Фан”, 1983. – Б. 494.

² Навоий асарлари луғати / Тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброҳмов; муҳаррир филол. фан. док. С. Муталлибов; Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 30.

³ Навоий асарлари луғати / Тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброҳмов; муҳаррир филол. фан. док. С. Муталлибов; Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 69.

Алишер Навоий айна шу нуқтадан бошлаб оламдаги – Ер юзидаги яратикларнинг гўзаллигини васф қилади, бу васф замирида Ишқнинг пайдо бўлгани, Ишқнинг тириклик оламидаги вазифасини тушунтиради:

- Аллоҳнинг марҳамати билан лола, гул, наргис кабилар яралди, боғнинг рухсорига яшил хат “чизилди”, сабзанинг атрофида баҳор насимлари эсди, бу насим тун ва тонгда суман ва сунбул гулларини очди, айнан насим нафис ҳаракатлари билан гулнинг бошидан кумушлар сочди – шабнам ёғдирди;

- бинафша бошидаги дуррасига хушбўй тўкиб, ўзи маст бўлди ва боши бу мастлик сабабли эгилиб қолди;

- дўл ўз жисмини тошга урди ва ўз танини майдалади;

- сув ёқасига ёққан ёмғир томчилари бу ёқанинг тугмаса, дўл эса дур бўлди;

- бўстон гулрухи – гўзали жилва қилиб кириши учун санъат безакчиси гўё дoston ясади, яъни бутун боғ гўзалликдан иборат дostonга айланди – боғнинг юзида сабзадан ўсма, юзида лолодан ғоза (упа); зилол сув кўзгу бўлиб, гул унга чеҳрасини тутди.

Ушбу манзара тасвири китобхонга табиат гўзалликлари сари етаклайди, шоир айтмоқчи бўлган фикрнинг моҳиятига ҳам ҳиссий, ҳам фикрий жиҳатдан тайёрлайди. Хўш, бу гўзаллик оқибаотида нималар рўй берди?

Алишер Навоий айтадики, гулдаги бу ҳусн ва гўзаллик булбулни ошифтаҳол қилди – ўзига мубтало этди. Гулнинг гўзаллиги ортгани сайин булбулнинг ишқи зиёда бўлди. У фиғон билан оламга ғавғо солди. Гулнинг жилвасию, булбулнинг ошиқлиги натижасида ўртада ишқ пайдо бўлди. Булбул ошиқ, гул маъшуқ эди. Балки гулнинг оташ – куйдиргувчи олов, булбулни эса маҳруқ – куйган, ёнган деб аташ мумкин.

Алишер Навоийга кўра гулга ўз ошиғини шайдо қилиб, куйдиришни буюрган ва булбулнинг жонига олов урган ҳам Ишқ эди. Шоирнинг фикрича, булбул ва гул баҳона холос, асл мақсад Аллоҳдан хабар бериш, Унинг борлигини намоён этмоқдир.

Гул ҳам, булбул ҳам, албатта, нобуд бўлгувчидир, асл Мавжуд, балки айна Вужуд Аллоҳдир. Алишер Навоий бу фикрдан сўнг қуйидагиларни айтади:

1. Ишқ ҳам, ошиқ ҳам Аллоҳнинг Ўзи. Аслида, маъшуқликка ҳам лойиқ бўлган Ўзидир. Мазкур жумладан мурод коинотдаги ҳар бир ҳолат Аллоҳнинг қамрови, қабзаси, истаги, иродаси ичида эканидир. Яъни ҳеч бир иш Унинг тасарруфидан ташқарида содир бўлмайди. Ишқ – севиш лозим бўлса, севишга лойиқ бўлган Зот Аллоҳдир. Кимгадир севилиш лозим бўлса, бу ҳам Аллоҳдир. Чунки Унинг Ўзи ишқни яратган.

2. Аллоҳ ўзини кўриш учун кўзгу бўлишини ирода қилди. Алишер Навоий: *“Хуснунга ҳар дам ўзга сурат бўлуб”* сатри орқали Аллоҳнинг сифатларига ишора қилади. Шунинг учун *“Хуснунг айлаб ўкуш сифот ичра // Ҳар замон жилва коинот ичра”* байти билан хусннинг бир қанча сифатлар ичида коинотда ҳар замон жилва этди дея ёзади.

3. Алишер Навоийнинг Аллоҳга қарата мазҳар либосига яширингани, ўз жамолининг зуҳурига овунгани, Ўзига ўзни дарднок қилиб, ўзни ўз ҳусни билан ҳалок этгани, Аллоҳнинг ҳусни чақмоқ каби чақнаганида бошқа ҳамма нарса бу чақмоқ ўтида ёқилгани, бу ўтдан сўнг қолган кулни фано ели совуриб, ундан ҳеч нарса қолдирмагани ҳақидаги баёнлари ишқдан мурод Аллоҳнинг жамоли бўлиб, Унга ошиқ бўлганлар ўз нафсларини йўқ деб бишлилари, Ишқ тарбияси билан инсон нафсининг покланиши айтилган.

4. Ҳамма нарса фано елида совурлгач, фақат Аллоҳ қолади, чунки Аллоҳнинг Зоти қадимдир ва йўқлик унинг Зотида йўқдир.

“Сабъаи сайёр”нинг ҳамд ва муножот боблари мазмунан турли баҳсларни уйғотиши мумкин. Шоирнинг қарашлари асосида “Ваҳдат ул-вужуд” фалсафаси турибди деган мулоҳазаларни ҳам келтириб чиқариши эҳтимол. Бироқ Алишер Навоий эътиқоди ҳамда “Ваҳдат ул-вужуд” фалсафаси орасидаги фарқни англаш жиддий тадқиқот мавзусидир. Чунки бу ўринда ваҳдатул вужуд, унинг келиб чиқиши, принципларини ўрганиш, сўнг у тамойилларни Алишер Навоий концепцияси билан қиёслаб чиқиш зарурати мавжуд. Бу ўринда биз “Сабъаи сайёр” достонида Аллоҳнинг Вужуди мутлақ экани, Ундан бошқа ҳеч нарса мавжуд бўла олмаслиги, Ишқдан мурод Аллоҳни севиш, коинот эса Аллоҳнинг сифатларини акс эттирган кўзгу эканлиги ҳақидаги хулосалар билан чекланамиз.

Эътиборли жиҳатларидан бири шуки, “Сабъаи сайёр”даги ҳамдда Алишер Навоий дунёда ҳамма нарсанинг буткул йўқ бўлиб, фақат Аллоҳнинг абадий, боқий қолишига кўпроқ урғу берган. Бу дoston сюжети билан алоқадор ҳисобланади, чунки асар сўнгида Баҳром ва унинг аркони давлати Ер қаърига кириб ғойиб бўлади. Бу ҳолат ҳамд бобида таъкидланган ғояга – Аллоҳнинг Зоти ва Вужуди қойим қолиши ва бошқа жамики яратиқларнинг ҳалок бўлишига ишоратдир.

БЕШИНЧИ БОБ

“САДДИ ИСКАНДАРИЙ”ДА ҲАМД: КОИНОТ ХАРИТАСИ, ОЛАМ ТАРКИБИ ВА ИНСОН

“Хамса”нинг бешинчи достони Алишер Навоийнинг Тангрига қарата “*Худоё, худолик му-саллам Санга*”¹ хитоби билан бошланади. Илк байт худолик – оламга эгалик қилишга Аллоҳ муносиблиги, Ундан бўлак илоҳ мавжуд эмаслиги ҳамда шоҳлик даъво қилганлар, шоҳлик ишини юритадиганларнинг Аллоҳга гадолик қилиши мазмунида бўлиб, бу бевосита достоннинг асосий қахрамони – Искандар билан боғланади. Яъни Искандар шоҳлик мартаба-сида бўлса ҳам, ҳамиша Аллоҳ итоатида бўлди.

Алишер Навоий “*Худованди бемисли монандсен*” сатри билан Аллоҳнинг тенги, шериги, ўхшаши йўқлигини айтади ва “*Худовандларға худовандсен*” дея Аллоҳ барча подшоҳлардан, ўзини ҳукмдор ҳисоблайдиган инсонлардан улуғлигига, Аллоҳ Ўзи истаган бандасига подшоҳлик беришига ишора қилади. Учинчи байт айтилган маънони кучайтиради, тўлдиради: Аллоҳнинг қошида ҳар қандай забардаст заифдир, мағлубдир, буюкман деганлар пастдир.

Мухтасар таҳлил этганимиз уч байтда Аллоҳнинг қудрати ва яратувчи сифатлари васф этилган бўлиб, кейинги байтларда Аллоҳнинг саховати – карами, лутфи билан коинотнинг қандай ва қай таркиб билан барпо бўлгани тўғрисида сўз боради:

- Аллоҳ таоло Ўз жуди дарёсининг – саховати дарёсининг мавжини кўрсатди ва вужуд даргоҳи – коинот пайдо бўлди;

- вужуд аҳли – Аллоҳнинг якка илоҳлиги қаршисида ўз нафсини енгиб, таслим этган Аҳли Ҳақнинг қалбидаги ком – Роббисини рози қилиш истаги ҳам Аллоҳнинг лутфидир, Аллоҳнинг вужуди борлиги учун барча саховат, карам қойим бўлган, яъни оламнинг борлиги Вужуднинг вожиб қилади, бу ақийда илмидаги Вожиб ул-Вужуд қоидасидир;

- Аллоҳнинг вужуди қадимдан бор эди, ўз-ўзидан бор эди, бошқа ҳеч нарса йўқ эди, икки олам йўқликда яширин бўлиб, куннинг юзи, туннинг дурраси, сахар, шафақ, айланиб турган фалаклар, бу фалаклар ишидан жабр чекадиган эл, Ер юзида на диёру дайрлар бор эди, аммо Аллоҳ таоло бор эди, Унинг мавжудлиги, Вужуди йўқликдан бегона бўлиб, бошланиш-сиз ўз-ўзидан Худо эди;

- Аллоҳнинг зот баҳри, зот денгизи аён бўлмаган, бу денгиз мавжида қандай нарсалар бўлиши кўринмаган эди. Аллоҳнинг жамоли жаҳонни ёритувчи қуёш каби у хафо – пинҳонийлик пардаси ичида эди. Алишер Навоий таъкидига кўра Аллоҳ ўз жамолини кўрсатишни истади, ўз маҳбублигини изҳор этишга ирода қилди, бироқ маҳбублик амри яширин бўлмайди, ошиқлик йўқ экан, бу амалга ошмайди, шунинг учун Яратганнинг ҳуснига ишқ лойиқ эди ва ошиқ керак бўлди. Ва Аллоҳнинг Зот баҳри жунбуш қилди ва мавжидан коинот кўринди.

¹ Хамса: тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик / А. Навоий; нашрга тайёрловчилар: Ҳ. Сулаймонов, С. Рафиддинов, Қ. эргашев; масъул муҳаррир И. Ҳаққул; Ж. 8: Хамса. Садди Искандарий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тарихи мулуки Ажам. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – Б. 6 (“Сабаъи сайёр”дан олинadиган барча иқтибослар шу манбадан олинади – Ақром Малик.)

“Зот баҳри” истилоҳи Алишер Навоий ижодида кўп учрайди. Бу бир тамсил бўлиб, Яратганнинг илми чексиз эканлигига, коинот, борлиқ Унинг илми, қудрати мавжи каби эканлигига далолат қилади.

Алишер Навоий Аллоҳнинг қуйидаги яратиларига тавсиф беради:

1. Фаришталар яралди, уларнинг иши зикр ва ниёздан иборат, уларнинг икки, уч ва тўртта қанотлари бор, фаришталар Аллоҳнинг жалоли – улуғворлиги ҳарами кабутар кабидир, яъни улар буюк қудратга исбот ҳисобланади. Коинот фаришталар учун бир том, улар бу қаср томида ором олишади.

2. Коинот тўққиз гумбаздан иборат бўлиб, инсоннинг хаёли бу тўққиз гумбазни бирор арқон билан ўрнатиб қўйишни тасаввур эта олмайди. Қизиғи шуки, ҳар бир фалакнинг бири иккинчисининг ичига жойлашган. Гўё жаҳоннинг ичра бира жаҳон. Ҳар бир фалакнинг жавҳари – асоси кенг, уларнинг бири қолган саккизтасини ўз бағрига олган. Ҳар бир фалак ўз фазосида яна бир фалакни сақлайди. Ҳар бир фалак тинимсиз айланади. Демак, тўққизинчи фалакнинг иши саккизта фалакни чегаралаб, ўз бағрида сақлашдир. Тўққизинчи фалак ҳаракатланмайди, қолган саккизи унинг ичида сайирда.

3. Саккизинчи фалак нилуфар жоми кабидир. Бу жомнинг ичига беш юз минг шараф гавҳари беркитилган. Жом жавоҳирлар билан зийнатланган ва у давр – доира ичида хиром қилади, айланади. Бу жом ҳар қанча ҳаракатланса, унинг ичидаги жавоҳирлар шу қадар маҳкамланади, мустаҳкам ўрнашади. Юз туман – бир миллион моҳваш – ой каби гўзал саккизинчи фалак ичида, лекин улар жилва қилиб, сокиндирлар. Алишер Навоий саккизинчи осмонни жомга қиёслади, нилуфар жоми дейишдан мурод нилуфар гулга қиёсдир. Нилуфар гулининг ранги сариқ, бу тасвир билан шоир фалак ичида ҳам жуда кўплаб юлдузлар унинг рангини сариқ – олтин тусга киритганига ишора қилган.

4. Еттинчи фалакни Алишер Навоий “*ундур ҳисор*” – баланд¹ қалъа деб таърифлайди. Бу қалъанинг ичида унга эгалик қиладиган, Худо томонидан тайинланган биров бор. У қалъанинг муҳандиси гўё ва иши ўй сурмоқ, у каби вазмин ва оғир бошқа ҳеч ким йўқ. Ҳаракатлари жуда секин. Юзининг ранги қора, аммо шу фалакни макон тутган, қиёфати билан харос уйидаги чивинни эслатади. Харос уйи тегирмондир². Еттинчи қават осмон бир қалъа бўлса, унинг қора чехрали соҳиби бор экан, лекин фалакнинг ўзи эшак ёки хўкиз айлантирадиган тегирмонга қиёсланмоқда, ичидаги биров эса чивинга ўхшатишмоқда. Бундан хулоса қилса бўладики, фалак бениҳоя улкан. Қора юзли посбоннинг секин ҳаракати ҳам бежиз эмас, чунки бу қадар катта майдонни тез айланаман деб толиқади, табиий. Бу фалакнинг қўриқчиси Зуҳал бўлиб, у ёмонлик қилишни ўзига одат тутган. Алишер Навоий шунинг учун унинг юзини қора рангли эканлигига алоҳида эътибор берган.

5. Олтинчи фалак кенг ибодатхона, унинг ичини қадри баланд бир ибодат қилувчи – обид макон тутган. Унинг юзидан саодат нури порлайди, у гўё фалак хонқоҳидаги Ғаззолий каби саодат кимёси томон йўл топган. Уни фалак гумбазидаги қандилга, Арш буржидаги Жибрил алайҳиссаломга ўхшатиш мумкин. Бу нурли юлдуз фақат яхшилик харидори, шунинг учун ҳам исми Муштарий. Алишер Навоий олтинчи қават осмонни еттинчининг ичида деб тушунтиради ва бешинчи осмон эса олтинчининг ичида жойлашган.

¹ Навоий асарлари луғати / Тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброҳимов; муҳаррир филол. фан. док. С. Муталлибов; Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 625.

² Навоий асарлари луғати / Тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброҳимов; муҳаррир филол. фан. док. С. Муталлибов; Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 650.

6. Бешинчи фалак қатлхона, унинг ичида бир қотил сокин, унинг қўлида бало тиғи, бу туғни ҳар сермаганда чақмоқ чаққандек бўлади. Унинг одати бўйинларга қилич уриш, ўткир тиғ билан бошларни учириш, кесик бошлардан жом ясаб, май ичиш, аммо ичгани май эмас, қондир. Даврда унинг иши қаҳр, балки унинг ўзи давр қадаҳига солинган бир қатра заҳардир. Бешинчи фалакнинг қонхўр соҳибининг исми Баҳром ҳисобланади.

7. Тўртинчи фалакда жуда пок ва гўзал, унинг ичида бир посбон борки, у ҳурлардан кўра нафис, бутун осмон аҳли уни ўзи учун зийнат билади, зийнат эмас, кўзнинг нури дея ишонишади, унинг зоти порлаб турган ойнадек, барча зарралар буни тасдиқлайди. Унинг макони бўлган тўртинчи фалак зарланган айвондир. Бу айвонда ўтирган кўриқчи Қуёш бўлиб, у нури, ёруғлиги билан мақтовларга муносиб.

8. Тўртинчи фалак ичида учинчиси жой олган. У баланд тоқдир, чехраси қуёш каби, соз чалиб жонни олади. У қачонки андуҳ билан созларини чертса ва куйласа, Ақли Кулл фарёд уради, агар шодликдан сўйласса, инсонда ҳеч бир ғам қолмай унутилади. Бу посбоннинг исми Зухрадир.

9. Иккинчи фалак кутубхона каби бўлиб, унинг ичида бир донишманд ўтиради. У барча фанлар билимдони, илмларнинг энг дақиқ нукталарини ҳам фаҳмлайди, унинг иши қалам учлаб, саҳифалар қоралаш, тинимсиз ёзишдир. У Аторид бўлиб, котиблик ҳунари билан машғул.

10. Иккинчи фалак ичидаги биринчи фалак заркор лавҳни эслатади, унинг кўриниши бир ажойиб дайр, уни ўзига маскан тутган эса жуда тез сайр қилувчи – югирик. У фалакларнинг барча посбонлари ичида тезкор, аммо қадами ерга тегмайди. Манзилдан манзилга кўчиб юраркан, гоҳ бадр, гоҳ ҳилол деб ном олади. Унинг суръати – тезлиги гоҳ шараф, гоҳ гуноҳ кўрсатгани учун баъзан унинг хасталиги, баъзан қуввати ортади. Унинг исми Ой бўлиб, янги чиққан вақти қувватсиздир, бу пайт уни ҳилол деб атайдилар. Тўлин ой бўлганда бадр номини берадилар ва қувватга тўлган палласи шу вақт ҳисобланади. Фалак ичида унинг ҳаракати нақадар тез ҳисобланмасин, у тегирмон тош устидаги чумолидекдир.

Алишер Навоий фалаклар таркиби ва тавсифидан сўнг уларни ота деб атайти ва Аллоҳга қарата: “*Чу обоға бу навъ бердинг сифот // Алар таҳтида айладинг уммаҳот*”, – деб хитоб қилади. Яъни Худо еттита фалакка мана шундай сифатларни берди ва уларнинг тагига уммаҳотни – оналарни қўйди.

Фалакларга хос бўлган сифатлар билан танишиб ўтганимиздек, уларда тез сайрлик (Ой), котиблик (Аторид), мусиқа (Зухра), ёруғлик (Қуёш), қаҳр (Баҳром), обидлик (Муштарий), пасткашлик (Зухал) сифатлари жам бўлган. Хўш, Алишер Навоий “уммаҳот” (оналар) дея кимларни ёки нималарни назарда тутган?

Оталар еттита, оналар эса тўртта бўлиб, улар орасида уч фарзанд туғилган. Шоирнинг таъкидига кўра, тўрт онага ҳайрон боқмаслик керак, чунки шариатда бир вақтда тўрт никоҳга ижозат бор.

Шоир тўрт она, яъни аёл рамзи остида қуйидагиларни санайди:

1. Биринчисининг мизожи тез, табиатида шуъла сочиш бор, бу – Оловдир.

2. Иккинчисига Худо ҳаёт табиатини лутф этиб берган, ҳаёт аҳли у билан нажот топади, унинг исми – Сувдир.

3. Учунчиси сайр само сингари қилгувчи бўлиб, у софлик ичида кўзгудир, уни Ҳаво (Ел) деб атайдилар.

4. Тўртинчисининг иши касофат – қоралик бўлди, шунинг учун у қуйини, пастни макон тутди, у Тупроқдир.

Етти осмон ва тўрт унсур орасидаги никоҳ – тазааввудан туғилган уч фарзанд эса ушбулардир:

1. Биринчисининг тўшаси – озиқ-овқати тошнинг жисмидир, яъни у тош ейди, у тоғлар бағридаги кондир. Конлардан, маълумки, олтин, мис, кумуш, қўрғошин, темир ва бошқа турли маъданлар, кимёвий элементлар кавлаб олинади.

2. Иккинчисига ўсиш – кўкариш жилваси билан ҳаёт насиб этган, жилва чоғи, яъни яшил тусга кирганда қади найшакар, балки новот каби кўринади. Бу ўсимлик олами, яшил дунёдир.

3. Учинчиси лутф ичидаги жон жавҳаридир. У тириклик сувини ичади, яъни бу тирикликдир. Ер юзида яшайдиган ва танасида жони бўлган барча махлуқот, мавжудот – зарра қадар кичик биологик турлардан бошлаб энг йирик ҳайвонларгача барчасига ато этилган тириклик назарда тутилган.

Демак, етти осмон – етти ота ва тўрт унсун – тўрт она фарзандлари Ер юзидаги конлар, ўсимликлар ва тириклик (жон) оламидир. Уларнинг ҳар бирида ўз оталари ва оналаридан бўлган бирор аломат бўлиши табиий. Шунингдек, бу уч “фарзанд”нинг ҳаракатлари ўз “ота-она”ларига боғлиқ бўлиши шубҳасиздир.

Алишер Навоий айтадики, етти қат осмон ва тўрт унсур орасида уч асосни яратиб, Ер юзига қўйишдан аввал Худо инсон танасини гулбун каби тиклаб. Унда гул очтирди. Инсон бу яралмишлар оламидаги энг гўзал гул бўлди. Унинг танасига шараф либоси ёпилди, бошига тож кийдирилди. Инсоннинг кўнгли Аллоҳнинг рози – сирри жойлашган хазинага, юзи Зотнинг юзи акс этган ойна бўлди. Яъни Аллоҳ Ўз нурини инсон юзида зухур эттирди, инсон чехраси Худо ҳуснининг нурини акс эттирувчи кўзгу сифатида яратилди. Бу нурни кўргач, барча фаришталар: “Аллоҳнинг нури-ку!” – дея Худога ҳамд ўқидилар.

Бундай шараф билан яралган инсонга барча фаришталар Аллоҳга итоат сифатида сажда қилдилар, чунки Вужуд қай кўзгуда акс этмасин фаришталар Унга сажда қилмасинларми?!

Аммо инсонга бош эгмаган ва ундан азиз, эканлигини айтиб, Худога таъна қилган бири лаънатга қолди. Унинг исми Шайтон бўлди.

Инсонга Худо шу қадар улуғ рутба – мартаба берди, уни Худонинг Ўзи севди. Худонинг ишқи инсон кўнглига ҳарорат солди ва у ўзини йўқотиб атрофга назар қилди. Инсон ўз нафсини унутди ва фақат Худони кўрди. Бу шухуд – шоҳидлик, Аллоҳнинг борлигини кўриш, англаш ва туйиш эди.

Аслида, оламини яратишдан Худонинг мақсади одамни яратиш эди. Одамнинг иши эса Худони севишдир. Худони севиш эса унинг амрларига итоат қилиш ҳисобланади.

Алишер Навоий айтадики, кўзларга бор кўринган ҳамма нарса йўқдир. Фақат Худо бор, демак, ошиқ, ишқ ва маъшуқ ҳам Худонинг Ўзи.

Мазкур қарашлар Алишер Навоий феноменидаги моҳият ҳисобланади. Буюк мутафаккир бутун ижодини шу моҳият устига қурган. У инсоннинг яшашдан мақсади Ишқ экан, Худо уни Ўзини севиш учун яратган экан, одам боласи умрбод ишқ учун яшаши, ишқ сари талпиниши, бу йўлда кибр, уjb, риё, ҳасад, манманлик сингари кўплаб иллатлардан халос бўла бориши лозим.

ХУЛОСА

Феноменология фани ХХ асрда вужудга келган инсоният илм-фани, тафаккуридаги жиддий ҳодисалардан бири ҳисобланиб, метафизик оламни рад қилмайди. Нарсанинг моҳиятини унинг ўзини тўғридан-тўғри, ташқи таъсирларсиз аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Феноменологик метод илмий метод сифатида фаннинг турли соҳаларида оммалашган, айниқса, психологиянинг назарий таркибидан жой олган. Феноменологик методни адабиётшунослик тадқиқот методи сифатида истифода қилиш муаллиф феноменига унинг матнидаги бошқа талқинларсиз мурожаат қилиш, муаллифнинг беш ҳисси ҳосиласи ҳисобланган тасвирларини алоҳида тадқиқ этиш орқали амалга ошади.

Алишер Навоий асарларини феноменологик асосда ўрганиш шоир феноменига бевосита “кириб бориш”, унинг манфий ва мусбат жиҳатларини рационал билиш имкониятини тақдим қилади.

Алишер Навоий “Хамса”сидаги ҳамдларнинг аҳамиятли жиҳати унда шоирнинг метафизик ва теологик қарашлари тизимли равишда дoston мазмуни ва ғоясига, сюжети ва йўналишига мос равишда акс этган. Ҳамд бобларига феноменологик метод билан ёндашиш шоирнинг муҳим қирралари, унинг психологик ҳолатлари, социумда тутган ўрни ҳақида адолатли маълумотлар олишга йўл очади.

“Ҳайрат ул-аброр”да битта ҳамд бобида Аллоҳнинг зоти ва вужуди ягоналиги, У бутун оламни чексиз қудрат ва санъаткорлик билан яратгани айtilган. Асосий масала эса ақл, ишқ, ҳусн ва ҳижрон ҳақида бўлиб, Алишер Навоий бу тушунчаларнинг моҳиятига тўхталган. Бутун оламни Аллоҳ таоло силсила (занжир) шаклида барпо этганлигини маълум қилган.

“Фарҳод ва Ширин” достонидаги ҳамд қисмда шоир ўз асарини рангин саҳфа, ишқ боғи деб атайди ва бу асарнинг бошланишию мундарижаси Ҳақнинг исми билан зийнатланганлигини айтади. Шу тариқа Аллоҳ таолонинг сифатлари, қудратини васф қилади. Жараёнда шоир Аллоҳнинг ишқни яратгани, оламни барпо қилгани, тақдирни ёзгани тўғрисида сўзлайди. Муножотда эса тақдир олдида инсоннинг ожизлигини таъкидлаб, одамнинг зиммасида буткул таслим бўлиш борлигини эслатади.

“Лайли ва Мажнун” достонидаги ҳамд бобида Аллоҳнинг илми, ишқ, ҳуснни яратгани, коинотни пайдо қилгани, Аллоҳнинг ишларига инсон ақли етмаслиги, Аллоҳнинг улуғлигини ақл асло тасаввурига сиғдира олмаслиги айtilган. Муножотда эса Аллоҳни васф этиш масаласида ожизлигини айтган шоир унинг қошида чексиз гуноҳкорлигини эътироф қилади. Ўзининг исёнини тан олиб, фақат Аллоҳ рози бўладиган ишларга йўллашидан Худодан сўрайди. Шунингдек, инсонни кибрга бошлайдиган ибодатдан тавбага етаклайдиган гуноҳ афзаллигини таъкидлаб ўтган.

“Сабъаи сайёр” достонидаги ҳамдда Аллоҳ таоло етти қават осмонни, етти қат ерни, вақтни яратгани, бутун оламни йўқликдан борлиққа келтиргани, коинот Аллоҳ ҳуснининг сифатларига кўзгу экани айtilган. Ақл оламнинг барпо бўлиши ва яна йўқ қилишининг сабабларини тушуна олмайди. Кўнгил эса Аллоҳ таслимият келтиради.

“Садди Искандарий” достонидаги ҳамд қисмида Алишер Навоий ундан аввалги тўрт дostonдаги фикрларни умумлаштиради, оламнинг йўқликдан борлиққа келгани, коинот Аллоҳнинг сифатлари кўзгуси экани, Аллоҳ таоло фаришталарни яратгани ҳақида сўзлайди, тўққиз қават осмоннинг аломат ва хос жиҳатларини тасвирлайди, етти қават осмоннинг ҳар биридаги посбонни таърифлайди, бу етти самони ота, тўрт унсурни она ва улар ўртасидаги уч фарзанд ҳақида гапиради, мана шу кенг майдонда инсон зотининг азиз ва мукаррам қилиб танлангани, инсонда Аллоҳнинг нури ва қудрати зухур этгани тўғрисида таъкидлайди. Инсон Аллоҳнинг жамолини кўриб ошиқ бўлгани, бутун оламда Аллоҳнинг сифатларини кашф этиб, уни севиши, коинот айнан шу ишқ боис мавжудлигини уқтиради.

1. Аллоҳнинг ягоналиги, Аллоҳнинг зоти ва вужудининг вожиблиги, Аллоҳнинг борлиги унга ўз-ўзидан мақтовни вожиб қилиши.

2. Аллоҳ таолонинг улуғлиги ва ишларининг ҳикматига ақлнинг ожизлиги.

3. Оламини йўқликдан бор қилган Аллоҳдир ва бутун коинот Аллоҳнинг исм ва сифатларини акс эттириб тураган кўзгудир.

4. Ишқ оламнинг асоси бўлиб, у инсон қалбига ато этилган. Инсонлар ишқ сабабли бир-бирларини севар эканлар, аслида, бу пок ишқ Аллоҳн Жамолининг нурига бўлган интилишни юзага чиқаради.

5. Коинот тўққиз қаватдан иборат, тўққизинчи қават ўзидан кейинги саккиз қаватни ўраб туради. Тўққизинчи қават осмонда арш, лавҳ, қалам жойлашган. Саккизинчи қават осмонда юлдуз буржлари мавжуд. Қолган етти қават осмон эса дунё осмони бўлиб, унинг ҳар бирида Аллоҳ таоло тайин қилган кўриқчи, посбонлар бор. Исмлари Муштарий, Зухал, Баҳром, Зухра, Аторуд, Ой бўлган бу сайёраларнинг ҳар бири тинимсиз ҳаракатда, сайрда, шунинг учун сайёра деб номланади, уларнинг ҳар бири муайян вазифага эга. “Хамса”даги ҳар бир дoston ҳамдда етти қават фалак ҳақида сўз боради, фақат “Ҳайрат ул-аброр” ва “Фарҳод ва Ширин”нинг ҳамд бобларида бу мавзу учрамайди.

6. “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Садди Искандарий” дostonларида етти қават осмон ота, тўртта унсур она ва тириклик, кон ва ўсимлик олами уч фарзанд сифатида қайд этилган.

7. “Лайли ва Мажнун” ва “Сабъаи сайёр” дostonларида асосий масала ишқ йўлида ақлдан айрилиш ҳақида бўлгани учун ақлнинг ожизлигига кўпроқ урғу берилган. Айниқса, “Лайли ва Мажнун”да ақлнинг Аллоҳ ҳикматига етмаслиги, “Сабъаи сайёр”да ақл Аллоҳ оламини яратиб, сўнг бузишига тушунмаслиги ҳақидаги нуқталар муҳим. Чунки Мажнун ишқини бошқалар тушунмайди, “Сабъаи сайёр”да эса Баҳром Дилором ишқи сабабли ақлини йўқотади ва унинг салтанати асар охирида айтилишча, ботқоқликка чўкиб кетади.

Алишер Навоий феномени, хулоса қилиб айтиш мумкинки, коинот чексизликлари чегарасини ва метафизик олам ҳадсизликларини ақл бовар қилмас даражада қамраб олгани билан унинг асарларида, хусусан, ўрганиб чиққанимиз “Хамса”нинг ҳамд бобларида яққаол акс этган. Метафизик олам тасвири, коинот манзараси, Ер юзининг гўзалликлари, борлиқни яхлит ва узвий, ғайбиёт томонидан планлаштирилган – аниқ дастурий тизимга эга яратилган сифатида билиш ва ишониш Алишер Навоий феноменига хосдир.

Умуман олганда, “Хамса” дostonларидаги ҳамд бобларини янада чуқурроқ таҳлил қилиш, ундаг фикр ва қарашларнинг асл манбаларини аниқлаш, байтларнинг бадий хусусиятларини ҳам тадқиқ этиш мумкинки, бу адабиётшуносликда ўзига хос янги хулосаларга йўл очади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий ва XXI аср: мақолалар тўплами; масъул муҳаррир Ш. Сирожиддинов. – Т.: Tamaddun, 2016.
2. Философия луғати. – Т.: Ўзбекистон, 1976.
3. A Theology of Literature The Bible as Revelation in the Tradition of the Humanities by William Franke Published by: Wipf and Stock Publishers 2017.
4. *М. Муҳиддинов*. Комил инсон – адабиёт идеали. – Т.: Маънавият, 2005.
5. Навоий асарлари луғати / Тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброҳимов; муҳаррир филол. фан. док. С. Муталлибов; Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
6. Навоий асарларининг изоҳли луғати. 4 томлик. Э. И. Фозилов таҳрир остида; Т. 1 / Т.: “Фан”, 1983.
7. Навоий асарларининг изоҳли луғати. 4 томлик. Э. И. Фозилов таҳрир остида; Т. 3 / Т.: “Фан”, 1984.
8. Навоий асарларининг изоҳли луғати. 4 томлик. Э. И. Фозилов таҳрир остида; Т. 2 / Т.: “Фан”, 1983.
9. *Навоий Алишер*. Бадоеъ ул-бидоя. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1987. Т.1. – Б.
10. *Рустамов А.* Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.
11. Сирожиддинов Ш. Илм ва таҳайюл сарҳадлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2011.
12. Сунний ақидалар / Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. – Т.: “Sharq”, 2011.
13. *Қаюмов А.* “Ҳайрат ул-аброр” талқини. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.
14. Хамса: тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик / А. Навоий; нашрга тайёрловчилар: И. Ҳаққул, С. Рафиддинов, М. Мирзааҳмедов; масъул муҳаррир С. Рафиддинов; Ж. 6: Хамса. Ҳайрат ул-аброр. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013.
15. Хамса: тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик / А. Навоий; нашрга тайёрловчилар: И. Ҳаққул, С. Рафиддинов, М. Мирзааҳмедов; масъул муҳаррир С. Рафиддинов; Ж. 7: Хамса. Лайли ва Мажнун. Сабъаи сайёр. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013.
16. Хамса: тўла асарлар тўплами: 10 жилдлик / А. Навоий; нашрга тайёрловчилар: Ҳ. Сулаймонов, С. Рафиддинов, Қ. Эргашев; масъул муҳаррир И. Ҳаққул; Ж. 8: Хамса. Садди Исқандарий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тарихи мулуки Ажам. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013.
17. *Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф*. Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар. – Т.: “Nilol-nashr”, 2019
18. Ўзбек тилининг изоҳли луғати; 5 жилдли, Ж. 1 / Таҳрир ҳайъати: Э. Бегматов, А. Мадвалиев, Н. Маҳкамов, Н. Маҳмудов, Т. Мирзаев, Н. Тўхлиев, Э. Муродов, Д. Худойберганова, А. Ҳожиев. – Т.: “O‘zbekiston”, 2020.

Интернет сайтлари:

1. <https://www.britannica.com>
2. <https://plato.stanford.edu>

Мундарижа

ҲУСНИДДИН ЭШОНҚУЛОВ

САМОВОТ - ИШҚ МАЗҲАРИ

Фазовий Ишқ - Фозиллик Омили	7
------------------------------------	---

БИРИНЧИ БОБ

Самовотга Оид Қадимий Қарашлар Ва Бадий Тафаккур	12
Кўрким: Қавс Буржидин Туғубтур Офтоб	68
Хотима	72

ОТАБЕК ЖЎРАБОВ

МУМТОЗ АДАБИЁТДА МУҒАННИЙНОМА

Муқаддима	75
Анъананинг Бошланиши	77
Ёки Муғаннийга Мурожаатлар	77
Навоий – Муғаннийлар Васфида	81
Фано Ва Унинг Муғаннийномаси	88
Муғаннийнома	94
Хулоса	98

НАВОИЙ ВА ТАРИХ

Муқаддима	100
Навоийнинг Тарихий Тафаккури	102
Саҳнадаги Навоий Тарихийми?	114

ХУРШИД АБДУРАШИД

ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИДА АЛИШЕР НАВОЙЙ ОБРАЗИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

Кириш	119
I. Драматургияда тарихий шахс образи ва характер яратиш муаммоси	125
II. Ўзбек драматургиясида Алишер Навоий образи тасвирланган асарлар таҳлили.....	134
III. Жаҳон ва ўзбек адабиётида тарихий драмалар яратиш тажрибаси.....	172
Хулоса.....	176
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	179

АКРОМ МАЛИКОВ

“ХАМСА”НИ ФЕНОМЕНОЛОГИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ

Муқаддима. Феноменология фани ва феноменологик метод ҳақида.....	181
---	-----

Биринчи боб

“Ҳайрат ул-аброр” да ҳамд боби: ҳақнинг ваҳдати, коинот тасвири, ақл, ишқ, васл, ҳажр водийси ва оламнинг узвийлиги таҳлили.....	185
--	-----

Иккинчи боб. “Фарҳод ва Ширин” да ҳамд: дostonга муаллиф таърифи ва илоҳ қудрати васфи..	190
---	-----

Учинчи боб

“Лайли ва Мажнун” да ҳамд: оламнинг яралиши, “етти ота, тўрт она, уч фарзанд”, “иноят” масалалари	195
---	-----

Тўртинчи боб

“Сабъаи сайёр” да ҳамд: етти кўк, етти фарзона ва ишқ моҳияти.....	200
--	-----

Бешинчи боб

“Садди исқандарий” да ҳамд: коинот харитаси, олам таркиби ва инсон	205
--	-----

Хулоса.....	209
-------------	-----

Фойдаланилган адабиётлар.....	211
-------------------------------	-----

УЎК 821.512.133.06(091)

КБК 83.3(5Ў)

И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Ҳусниддин Эшонқулов: Самовот - ишқ мазҳари; Отабек Жўрабоев: Мумтоз адабиётда муғаннийнома; Навоий ва тарих; Хуршид Абдурашид: Ўзбек драматургиясида Алишер Навоий образининг бадиий талқини; Ақром Маликов: “Ҳамса”ни феноменологик тадқиқ қилиш масаласи; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 216 бет.

Ж.25: Ҳусниддин Эшонқулов: Самовот - ишқ мазҳари; Отабек Жўрабоев: Мумтоз адабиётда муғаннийнома; Навоий ва тарих; Хуршид Абдурашид: Ўзбек драматургиясида Алишер Навоий образининг бадиий талқини; Ақром Маликов: “Ҳамса”ни феноменологик тадқиқ қилиш масаласи. 216 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123-5

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2022

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОЙШУНОСЛИГИ

**ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Йигирма бешинчи жилд**

**ҲУСНИДДИН ЭШОНҚУЛОВ
Самовот - ишқ мазҳари**

**ОТАБЕК ЖЎРАБОЕВ
Мумтоз адабиётда муғаннийнома**

**Навоий ва тарих
ХУРШИД АБДУРАШИД
Ўзбек драматургиясида Алишер Навоий
образининг бадиий талқини**

**АКРОМ МАЛИКОВ
“Хамса”ни феноменологик тадқиқ
қилиш масаласи**

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Иқром*
Мусахҳиҳ: *Шоҳрӯз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Наввий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами АІ №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108^{1/16}.
Cambria гарнитураси. 13,5 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.